

Шарқ юлдузи

Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Сайид
Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Иқбол Мирзо
Қаҳрамон Қуронбоев
Минҳожиддин Мирзо
Сайфиддин Рағиддинов
Фармон Тошев
Исајон Султон

Хайриддин Султонов
Махмуд Тоир
Гулистон Матёқубова
Шерзод Ирзоев
Нурбой Жабборов
Кавсар Турдиева
Шухрат Маткарим
Адҳамбек Алимбеков
Нибуфар Йўлдошева

Бош муҳаррир – Сирожиддин Рауф

Бош муҳаррир ўринбосари – Азиз Саид

Масъул котиб – Диляром Муротова

Назм бўлими мудири – Икром Отамурод

Наср бўлими мудири – Саид Анвар

Адабиётшунослик бўлими мудири – Дилфузा Қўзиева



УШБУ СОНДА:

НАЗМ

Ойдин ҲОЖИЕВА

* * *



Буғдой ноним бўлмаса,
Буғдойгина сўзим бор,
Ҳар сўзимда чийлаган
Ям-яшил илдизим бор.

Мехр кўрган одамдан
Элга қайтур муҳаббат,
Ҳар дилда юз ҳарорат,
Ҳар кўзда юлдузим бор.

НАСР

Абдужалол РАҲИМ

ЮРАКДАН ОТИЛГАН ВУЛКОН



Тонгда яна ҳар кунгидек қисмимиз майдонида сафландик. Ҳарбий хизматнинг бу сахари бизга ёқимсиз тухфа ҳозирлаганди. Қаршимиздаги ўйингоҳда Шарпа фоз юриш қилиб тинмай у ёқдан-бу ёққа бориб-кеяпти. Унинг оёқлари остида бир аскар ербағирлаб тирсак билан тинмай олға судралади. Шўрликнинг бўйнидан арқон ўтказилган. Арқоннинг учи катта Темир кутига боғланган. Темир кути оғир, зил-замбил. Бу, кутини қийналиб тортаётган аскарнингчувалчандек куч йига-йига зўриқиб олдинга жилаётганидан ҳам кўриниб турибди.

НАЗМ

Тоҳир ҚАҲҲОР

БИРЛИК



Бир сатрли шеърлар жаҳон адабиётида икки минг йилдан бери бор. Бироқ улар қофиясиз. Ана шу нуқсони боис уларни шеър деб қабул қилиш қийин... 1988 йилда чиқкан “Юлдузлар менинг бофим” китобимда “Енгилиш – энг енгил иш”, “Турма бўлсанг, дунё, турма!” каби илк бирликларим босилганди. Бирликлар ойлар, йиллар сайин ўнта, йигирмата, ўттизта бўлиб кўпая борди. Ўзбек тили имкониятларини, бойлигини кўрсата оладиган шеър тури яралаётганидан ҳаяжоним ичимга сифмасди. Ўттиз икки йил китоб битишини кутиб ёздим, аммо битмади: чунки тилимизда бирлик яратишга лойиқ сўзлар – чексиз...

Иқбол МИРЗО

УСМОН НОСИР

ҲАСР

Насима (ҳаяжонда): Зўрсиз, даҳосиз, Усмон ака!

Усмон Носир: Сен сабаб, Насимам! Сен сабаб!

Насима: Вой, нега мен сабаб бўлай? Менгача ҳам ажоиб шеърлар, достонлар ёзиб юргансиз-ку!

Усмон Носир: У ҳавас эди, ҳаваскор қаламкашнинг машклари эди.

Насима: Энди-чи?

Усмон Носир: Энди ёзганларимга ўзим ҳам сукланаман. Ўқиб, маза қиласман. (*Қўлларини кўкка кўтариб хитоб қиласди.*) Эхх! (*Қиз чўчиб, ўзини орқага олади.*) Ҳа, нега сакраб тушдинг?

Насима: Билмасам... Ҳалиям юрагимда ҳадик бор. Бирдан, кутилмагандан ху-увв бирдагидай шапалоқлаб коласизми дейман. (*Кулади.*)



Шерзод Комил ХАЛИЛ

КОРИ ҚҰШИ ЧИНКИРИИ

ҲАСР

Ўша уйга кирганида шаман аёл ўғли
Тундал билан бирга кичкина қизалоққа ҳам
қараб ўтирганини кўрди. Шаман аёл маъюс:

– Габа, бу сенинг қизинг, лекин кечир,
аёлингни сақлаб қололмадим, – деди.

У индамади. Нима ҳам дерди? Энди
барибир Ергук қайтмайди.

Апон Габа қизчани бағрига босди:

– Кичкина Ергук! – деди. – Худо онангни
олди, сени берди. Унинг яшамаган умрларини
ҳам сен яша, қизим!



Насиба БОШМОНОВА

ҲАЗМ

* * *

Хотиржам, хотиржам бўлолмам,
Ғалаён қиласди ҳисларим.
Дардсизлик дардига йўл олмам,
У – ғамнинг чўққиси, минбари.



Тўфонли туйгуйим яримдир,
О, бутун туғёндан сургунман.
Бу юрак менга хўп ялинди:
“Сен мендай юракка бўйсунма!..”

Барҳаёт сиймолар



**Худойберди
ТЎХТАБОЕВ**

Муҳаббат қўшиғи

Ҳикоя



Биродар, сен муҳаббат нима эканлигини биласанми, қалбинг ишқ оташида ловуллаб ёнганми, бирон қиз оромингни олиб, тунларни бедор ўтказганмисан? Шўх дарёларни чўлларга оқизмоқчи бўлиб, азим тоғларни қўпориб ташламоқчи бўлганингни эслай оласанми? Ҳа, биродар, муҳаббат кўп улуғ нарса. У одам боласига қанот ва мъянавий куч бахш этади. Мўъжизалар яратишга, тоғ бургутлариdek юксак парвозлар қилишга ундейди.

Мен, биродар, бир муҳаббат қиссасини сўзлаб бермоқчиман. Бу воқеа бизнинг юртда, осмон билан ўпишган тоғлар орасига жойлашган кичкинагина қишлоқчада бўлиб ўтган. Қишлоғимизнинг гўзаллигини батафсил таърифлаб бериш қийин. Қояларга тирмасиб ўсган яшил арчалар ҳовлимизга соя ташлаб туради, йил бўйи томларда анвойи гуллар очилиб ётади, сайроқи қушлар дастурхонимиз атрофида учиб юришади. Ҳа, биродар, биз ана шундай гўзал маконда яшаймиз.

Бир кун директоримиз марказдан телефон қоқиб, “Сенга мол доктори юбордим, яхшилаб кутиб ол”, деб қолдилар. Доктор йигирма икки-йигирма уч ёш-

Худойберди ТЎХТАБОЕВ – (1932 – 2021). Ўзбекистон халқ ёзувчisi. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетининг логика-психология бўлимини тамомлаган. Унинг “Шошқалоқ”, “Сеҳрли қалпоқча”, “Сариқ девни миниб”, “Сариқ девнинг ўлими”, “Беш болали ийгитча”, “Қасоскорнинг олтин боши”, “Йиллар ва йўллар”, “Сеҳргарлар жсанги ёки ширин қовунлар мамлакатида”, “Мунгли кўзлар”, “Сир очилди”, “Омонбой ва Давронбой саргузаши”, “Жаннати одамлар”, “Сўқмоқлар” китоблари чоп этилган.

лардаги барваста, икки бети қип-қизил мағиздай бир йигит экан. Шералини бир хафта обдон мәхмөн қылдик. Шерали ҳам ўтиришларни гуллатиб юборадиган, хушчакчақ, тоғликларга үхшаб асқиячи экан. Найни шунақанги эзіб чаларканки, юрак-бағринг сув бўлиб оқай дейди. Йигитнинг ана шу фазилати бизга жуда маъқул тушиб қолди. Биласан-ку, биз чўпонлар най овозини жони-дилимиздан ортиқ кўрамиз.

– Чўпон боласимисиз? – деб сўрайман йигитдан.

– Йўқ оға, ёшлигимда чўпонлар орасида кўп бўлганман, – дейди йигит завқланиб, – най чалишни ўшалардан ўрганганман.

Ишга ҳам жуда астойдил киришди. Совхознинг жамики туёқларини ҳеч кимга ишонмай ўзи рўйхатга олди. Биз ҳеч тушунмайдиган ғалати дорилар билан қўйларни бир бошқа, молларни бир бошқа эмлаб чиқди. Шаҳарда болалар докторининг ҳурмати қанчалик зўр бўлса, биз чўпонлар орасида мол докторининг ҳурмати ҳам шунақанги зўр бўлади. Ахир, молларимизни жону дилимиздан ҳам ортиқ кўрамиз-да.

Шералини астойдил севиб қолдик. У кечқурунлари чарчоғини тарқатиш учун севимли найини чалиб, тўпланганларни хушнуд қиласарди. Биз аста-секин унинг сўлим куйларига жуда ўрганиб қолдик. Агарда биз ундан бирон куй чалиб беришни илтимос қилсак:

– Қанақасидан бўлсин? – деб сўради у кулимсираб.

– Кувноғидан бўлсин! – дерди ёшлар.

– Чўли ироқни бир эшитайлик! – дерди кексалар.

У ҳар қандай куйни ҳам маромига етказиб, жуда үхшатиб чаларди. У ижро этган куйларда ошиқларнинг ноласи ҳам, оналарнинг алласи ҳам, майсаларнинг шитирлаши ҳам эшитилиб тургандай бўларди. Унинг куйлари қалбимизнинг энг нозик торларини чертиб юборарди. Бир хиллар узоқ йифлаган одамдек чукур хўрсиниб қўйишар, бошқалари эса худди сеҳрлангандек қотиб қолишарди. Баҳор кунларининг бирида, оқшом пайти эди, майсазорда биз одатдагидек, унинг куйларини тинглаб ўтирган эдик. Шерали катта тош устига ўтириб олиб, сайҳон томондан мис баркашдек қизариб чиқаётан ойга тикилганча най чаларди. У куй орқали атрофимизни ўраб олган ва биз ҳеч қачон қадрига етмаган гўзаллик ҳакида сўзларди. Кўз ўнгимизда гоҳ шиддатли тоғ шалолалари пайдо бўлар, гоҳ шафақдек қип-қизил шалолалар ястаниб кетар, гоҳ бу куй дарё тўлқинларига айланиб асов тойчадек кутуриб қирғоқларга уриларди. Бу куйда тоғ гулларининг нозик нафосати ҳам севишган калбларнинг қайнок ҳарорати ҳам борга үхшарди. Бир маҳал бошимни кўтариб қарасам, Ғулом чўпоннинг қизи Гуласал йигитга тикилганича қотиб қолибди, унинг шаҳло кўзлари бир нав ёшланган эди. Йигит най чалмас эди, йўқ, у най орқали эндиғина ўн саккиз баҳорни кўрган ана шу қизга муҳаббат изҳор қиласарди. Икковлари ҳам ҳамма нарсани унутгандек, бир-биридан бошқа ҳеч кимни кўришмасди “Булар севишиб қолган”, деган даҳшатли фикр бошимга келди ва қўрқиб кетдим. Ахир, бу қизчанинг унашиб қўйган йигити Ортиқали ҳам худди шу ерда ўтирган эди.

Худойберди ТҮХТАБОЕВ

Ой тиккага келгунча ўйнаб-кулдик, тарқалётганимизда Ортиқали Шералига яқинлашиб:

- Түхтанд, гап бор! – деди.
- Хүп, эши таман, – деди Шерали.
- Менга ҳам бир куй чалиб берсалар.
- Қанақасидан эши тоқчысыз.
- Бахт ўғриси ҳақида... – Ортиқали шу пайтда жуда ғалати бўлиб кетди.

Муштлари қисилган, кўзлари ғазаб ва аламдан чақнар, аллақандай ички дард вужудини ларзага солган эди. Шерали ҳам секин ўрнидан турди-да, хотиржам бир кайфиятда:

- Бунақанги куй йўқ, – деб қўйди.
- Бор, чаласан!
- Чалмайман.
- Чаласан! Бўлмаса бошингни ёраман.

Шерали бир одим олдинга ташлаб:

- Қани бир кўрайлик-чи, – деди истеҳзо билан.

Йўқ, Ортиқали уролмади. Кўлидаги қамчини боши узра кўтариб аста орқага чекинди.

– Қадамингни билиб бос, – деди у энтикиб, – тағин ёш жонингга жабр қилиб қўймагин...

Ортиқали сакраб отига минди-да, устма-уст қамчи босди.

Гуласал билан Шерали бир-бирларини севиб қолганлари ҳақидаги тахминим тўғри бўлиб чиқди. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, кечкурун қўрадан хашак жанжалини тинчитиб қайтаётган эдим. Харсанглар орасидан ғовур-ғувур товуши эшитилиб колди. Секин бориб карасам, икковлари юзма-юз ўтириб олиб сўзлашяпти:

– Гуласал, муҳаббатимни кабул эт, йўқ дема! – аллақандай ўзига ярашмайдиган овоз билан дерди Шерали.

– Садақани бошимга ураманми? – деди қиз.

– Нега энди садақа бўлсин? Севиб қолдим, вассалом.

– Шер оға, сиз докторсиз, мен чўпон қизиман, чўпонман. Сизнинг тенгингиз эмасман...

– Ундей дема. Истасанг, мен ҳам қўй ҳайдайман, чўпон бўламан, таёқ судраб ёнингда юраман...

– Мени унашиб қўйишган! – сакраб ўрнидан туриб кетди Гуласал. Беш-үн одим юргач, орқасига қайтиб, югуриб келди-да, бошини Шералининг қўксига қўйиб, пиқирлаб йиғлаб юборди.

– Нега йиғлайсан, йиғлама! – юпатмоқчи бўлди йигит. Қиз бошини кўтариб, бироз чекинди-да, нозик қўллари билан оловдек ёниб турган юзини беркитиб: “Керакмас, керакмас!” деб қичкириб йиғлаганча сой томонга тушиб кетди...

– Тўхта, Гуласал! Шу аҳволда юбормайман сени, тўхта дейман, – қичкири Шерали. Гуласал харсангтошлардан бирига ўтириб ҳайқириб оқаётган сойга

үйчан тикилғанча узок жим қолди. Тошқин сой сувлари тошдан-тошга урилиб гүё икки қалб қувончларини ифодаламоқчи бўлғандек чапаклар чалиб, тўлқинлар отар, мавжланар, қаёққадир ошикар эди.

– Шер ака, – деди ниҳоят Гуласал бироз ўзига келгач. – Бир нарса сўрасам майлими?

– Сўра, Гуласал.

– Кетмоқчи эмишсиз, ростми?

– Кетмоқчи эмасман, Гуласал, ўқишига бормоқчиман.

– Демак, кетиб қолар экансиз-да?

Йўқ, аспирантуранинг сиртқи бўлимида ўқимоқчиман, Гуласал.

Шерали олис-олислардаги қорли тоғ чўққиларига кўз ташлаб секин гапи-парди:

– Бу ердаги меҳрибон, оққўнгил дўстларимни, таърифини ҳеч адо қилиб бўлмайдиган бу гўзал адrlару анвойи гулларни, поёнсиз лолазорларни ташлаб ҳеч қаёққа боролмайман. Йўқ, мен бу ўлкага қалбим билан боғланганман, бир умрга қолиб кетаман.

Анча маҳалгача яна икковлари жим бўлиб, сойнинг шовқинига қулоқ солаётгандек гап-сўзсиз ўтирилар.

– Ўнинчини битираётганимда, – гап бошлади Гуласал худди ўзига-ўзи деяётгандек паст овоз билан, – мен ҳам катта шаҳарларга бориб ўқисам деб орзу қилардим... Орзуларим фақат бир хаёл экан...

– Ҳозир ҳам кеч эмас-ку, Гуласал?

– Йўқ, энди ҳаммаси тамом. Менинг бошимни боғлаб қўйишган, қафасга солинган кушман, учолмайман...

Қиз гўё ёнида ҳеч ким йўқдек оҳиста ўрнидан турди-да, сой бўйлаб секин-аста юриб кета бошлади.

Шерали ўйга толганича узок ўтириб қолди. Мен баттарроқ қўрқиб кетдим. Нега десанг, биродар, икковлари учрашганлари ҳақида овоза тарқалгудек бўлса, яхшилик билан тугамаслигига кўзим етар эди. Мен шу юртнинг бир улуғи сифатида ҳар қандай бўлса ҳам юз бериши мумкин бўлган фалокатнинг олдини олмоқчи бўлдим. Шерни “Келинбосди” довонидаги қўзиларни кўриб келишга таклиф этдим. Майсазор оралаб от устида худди аразлаб қолгандек жимгина бораардик.

– Уни севиб қолдингми? – деб сўрадим секингина.

Шерали анча маҳалгача индамай, отнинг дупурига қулоқ солгандек жим кетди. Ниҳоят, бошини илкис қўтариб:

– Шундай! – деди ўйчан ҳолда.

– Яхши бўлмабди.

– Биламан, оға.

– Нимани биласан?

– Унашиб қўйган йигити борлигини, бунинг учун мени соғ қўймасликларини – ҳаммасини биламан. Лекин, оға, бу иш менинг ихтиёримдан ташқари бўлди.

Худойберди ТЎХТАБОЕВ

- Хўш, энди нима қилмоқчисан?
- Уйланаман... Бошқа илож йўқ.
- Ортиқали-чи? Эл-юрт-чи, урф-одатимиз-чи?
- Мен ҳеч нарсани билмайман... – Шерали отига жаҳл билан қамчи босиб мендан илгарила бетди.

Шундан сўнг унинг феъл-атвори жуда ғалати бўлиб қолди. Кун бўйи отарда, қўйларнинг ёнида бўлади. Бўш қолди дегунча майсазор орасига кириб кетадида, ўша ерда бирон тошнинг устига ўтириб юракни эзид юборадиган қуйлар чалади. Энди у қўй-қўзиларни ҳам, дағал табиатли чўпонларни ҳам астойдил севиб қолганга ўхшайди. Гоҳо қишлоқда ҳафталаб кўринмас, зарур бўлганда уни отардан топардик. Ўша йили планларимиз ҳар жиҳатдан ошиб-тошиб кетди.

Чупонларимиз бошқа овулнинг чўпонлари билан учрашиб қолсалар, “Ишнинг қўзини билиб ишлаш керак-да!” деб кериладиган бўлиб қолишиди. Лекин, биродар, бугунми, эртами бир фалокат юз беришини сезиб турардик, Шералининг қиз билан яширин учрашганлари Ортиқалининг қулогига бориб етган, мишишлар кўпайиб кетган эди.

Қиши яқинлашиб, узок-яқиндаги отарлар қишлоқ яқинига қайта бошлади. Дадаси қўй ҳайдаб кетган Гуласал ҳам қайтиб келди. Қишлоғимиз яна гавжум бўлиб қолди. Шералининг ёз бўйи хувуллаб ётган уйида яна ўша мунгли най садолари эшитилиб қолди. Энди у ўтган йилдагига ўхшаб, дуч келган куйни чалиб кетавермас эди. У, биродар, фақат тоғликлар орасида машхур бўлган, ишқ-муҳаббатни изҳор қилувчи қуйларнигина чаларди. Лекин бу йил унинг кулбасига ҳеч ким келмас эди. Бироннинг қаллиғига кўз олайтириб, урф-одатимизни ҳақорат қилгани учун деярли ҳаммамиз ундан юз ўғирган эдик.

Йигит яккаланиб қолган эди.

Гуласал билан мактаб биносида гаплашиб ўтирганларини кимдир кўриб қолибди. Бу Ортиқалиларнинг хонадонини қаттиқ таҳқирлаган бўлса керак, ҳаммалари ғазабга келиб, мушт тутиб қолишиди. Биз кўрқиб кутаётган фожия шу кечасидан қолмай юз бериши муқаррар бўлиб қолди.

Қош қорайганда ҳовлимга Гуласал энтикиб кириб келди. Сочлари тўзғиган, қорда ялангоёқ югуриб келганидан бутун вужуди кўкариб кетган.

- Нима гап? Ўзингни боссанг-чи, қизим! – дедим унга пешвоз чиқиб.
- Уни ўлдириб кўйишади.
- Кимни?
- Шер акамни.
- Ким ўлдирап экан? – дедим апил-тапил кийиниб.
- Ортиқали акам, укаси, отаси учовлари уникига ўтиб кетишиди, Ҳабиб оға, – тезроқ боринг. Ахир, Шер акамда ҳечам айб йўқ, ҳечам. Унинг кимлигини сиз жуда яхши биласиз-ку!
- Йиглама, Шерали ҳам бўш келадиган йигитлардан эмас, арслондек кучи бор, – дедим Гуласалнинг кўнглини кўтариб ва ўша заҳотиёқ сўқмоқ йўл билан

Шералининг уйига етиб бордим. Жуда вақтида келибман. Шералини аллақачон ўртага олиб калтаклагани шайланиб туришган экан.

– Нега түпландиларинг?! – шундай бир важоҳат билан қичкирдимки, назаримда, учловлари ҳам сакраб тушгандек бўлди.

Уришиб сўкиб ҳаммаларини ташқарига чиқарib юбордим. Шерали билан анча маҳал гап-сўзсиз ўтиридан.

– Нима қилиб кўйдинг? – деб сўрадим.

– Ҳеч нарса қилганим йўқ, – деди Шерали бошини ердан кўтармай.

– Сен ҳозир жўнаб кетишинг керак.

– Кетмайман... – деди Шерали негадир муштларини қисиб.

– Кетасан!

– Кетолмайман, Ҳабиб оға, севганим учун мени калтакламокчи бўлсалар, бошимни тутиб бераман.

Мен Шералини шу яқин қун ичидан жўнаб кетишга, отпускасини шаҳарда, ота-онасининг ёнида ўтказиб қайтишга кўндиридим. Тун бехатар ўтсин учун уни ўз уйимга олиб кетдим. Ўша куни кечаси билан қор ёғиб чиқди. Шу ёқсанча бир хафтача тинмай, бўралаб уриб берди. Ҳамма нарса оппоқ кор остида қолиб кетди. Кўйларимизни этақроққа олиб кетишимиш керак эди. Ўша ерда пана жойлар ҳам, ғарам-ғарам хашакларимиз ҳам бор эди. Қордан сўнг, шамол туриб ҳаммаёқни музлатиб берди. Кўйларимиз оч-наҳор қолди. Хашак келтиришнинг ҳеч иложи йуқ эди. Бахтсизлик бошланганинг ўн биринчи кунида вертолётда хашак келтириши-ю, лекин бу янги туққан совлиқларга ҳам етмади.

Биз чўпонлар тўпланиб маслаҳат устига маслаҳат қиласардик. Бошимиз қотиб қолган эди.

– Машинага йўл очиш керак, – деб қолди бир кекса чўпон, – ха, шундай, бундан ўзга чорамиз йўқ.

Жуда яхши таклиф. Лекин ўша машинани бу ерга биринчи бўлиб ким ҳайдаб келади? Биз совхоз марказига телефон қилиб, ўз фикримизни айтган эдик, шофёрлар соддадил чўпонлар устидан роса кулишибди. Биз даҳшатга тушиб қолдик. Ахир, ўзинг ўйлаб кўр, биродар, тўрт минг кўй-а?

Биз яна тўпландик. Бу гал бола-ю чақаларимиздан тортиб, эр-хотин – ҳаммамиз тўпландик. Ҳатто яккаланиб, камсуқум бўлиб қолган Шер ҳам келган эди. Нима қилиш керак, ҳаммамиз ана шу ҳақда ўйлардик.

– Машинани мен бошлаб келаман! – деб қолди шу пайт Шер ўрнидан туриб.

– Қандай қилиб? – Ҳаммамизнинг бошимизга шу фикр келди. Кўпчилик, бу йигит ҳалигача қишлоқдан чиқиб кетмагани учун, муштини тутиб ўтирган эди.

– Бу пахлавон машинани орқалаб келмоқчи, – деб пичинг қилди Ортиқали.

Кўпчилигимиз машинанинг бу ерга эсон-омон келишига ишонмасак-да, йигитга оқ йўлтилаб қолдик. Ҳазил-ҳазил билан уни йўлга отлантириб юбордигу, лекин ўзимиз кўркиб кетдик. Ёнидаги шофёр билан жарга қулаб кетиши ҳеч гап эмас эди. Ҳаммамиз совхоздан телефон қилинишини кутиб, туни билан мижжа қоқмай чиқдик. Ниҳоят, эртасига, “Машина хашак олиб йўлга чиқди”,

Худойберди ТЎХТАБОЕВ

деган хушхабар келди. Ўша пайтда биз, қанчалик хурсанд бўлганимизни сен тасаввур қила олмасанг керак. Ёшлар дўппиларини осмонга отишди, кексалар бир-бирларини қучиб табриклишди. Ҳа, биродар, қўйларимиз омон қолишига нажот топилгандек эди. Биз машинага биринчи бўлиб йўл очган жасур шофёрни урушдан ғолиб қайтган қаҳрамонни кутгандек зўр тантана билан кутиб олишга қарор қилдик. Қўйларимиздан энг семизларини танлаб сўйдик, яхши кунларга атаб асалдан тайёрлаб қўйган хушбўй шаробларимиз бор эди, ана ўшалардан келтириб қўйдик. Ҳа, биродар, биз тоғликлар, қаҳрамонлик нима эканлигини яхши тушунамиз ва қаҳрамонни бошимизга қўтариш қўлимиздан келади.

Кечга томон машина овози эшитилиб, ҳаммамиз ўша томонга қараб югурдик. Фидирақларга қўпол занжирлар боғланган катта грузовикни ўзимизнинг Шералимиз ҳайдаб келмоқда эди. Ҳа, бир неча кун аввал биз қишлоқдан кувиб чиқармоқчи бўлган Шерали! Халоскоримиз, албатта, ўша бўлиб чиқишини ҳеч ўйламагандик. Шунинг учун аввалига жуда шошиб қолдик. Кейин ўзимизни қўлга олиб, машинанинг тўхташини кутмаёқ кабинага ёпирилиб, Шералини чиқариб, осмонларга отдик, юз-қўзларидан ўпид табрикладик. Худди шу пайтда Гуласал кутилмаган бир иш қилди. Ҳаммамизнинг кўз ўнгимизда оломонни ёриб ўтиб, Шералига яқинлашди-да, бўйнига осилиб, совукдан қўкариб кетган юзларидан ўпид олди. Ҳеч ким ажабланмади. Ҳа, биз Шерали учун бир эмас, ўнта қизимизни ҳам беришга тайёр эдик. Юртимизнинг отахонлари “Икковлари қўша қаришсин”, деб дуюи фотиха қилишди. Ана, кўрдингми, биродар, муҳаббат кишини қанчалик ҳимматли килиб қўяр экан. Ҳа, муҳаббат кўп улуғ нарса, севмаган, севилмаган бўлсанг, биродар, сен уни ҳеч қачон тушумайсан. Уларнинг кейинги ҳаёти ҳақида сўрамоқчи бўлганингни сезиб турибман. Ҳозир дунёда икковларидан кўра баҳтлироқ одам бўлмаса керак. Икки фарзандлик бўлишди. Қизларининг отини Муҳаббат, ўғилларининг отини Баҳтиёр қўйишган. Шералининг қўлидан ҳамон найи тушмайди, севган, севишганлар ҳақида чўпонларимизнинг баҳти, баҳтиёрлиги ҳақида куйлагани-куйлаган.

Сунбуладан элчи келар

Turkum



Ойдин ҲОЖИЕВА

Ёзларимнинг тафти кайтиб, оз-оз бўлиб,
Сунбуладан элчи келди аёз бўлиб.

Ёшлигимнинг турналари шайланадир
“Борса-келмас” юртга баланд парвоз бўлиб.

Ҳар дақиқам – қўлдан учган нақдим, дедим,
Ҳар бир қуним – мерган отган шаҳбоз бўлиб.

Тўрт фаслимдан гилам тўқир бўзчи тақдир,
Иссик-совуқ кунларимга ҳамроҳ бўлиб.

Бул бўзчининг мокилари жон поралар,
Арқоғига юрак қоним пардоз бўлиб.

Ер бағирлаб эниб учдим, қўкни қучдим,
Қанотимда мажруҳларим мерос бўлиб.

Аё, тақдир, қаҳратонли тунларингдан
Ўчмай ўтай, бир шуълайи ихлос бўлиб.

* * *

Дафтардаги бу дардларни
Сен ўқима, нозигим.
Тоғдай оғир ва залворли
Маним тақдир ёзигим!

Ойдин ҲОЖИЕВА – Ўзбекистон халқ шоири. 1942 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетини битирган. Шоиранинг “Шабнам”, “Манзиллар”, “Орзу гули”, “Тароват”, “Тамал тоши”, “Ишонч юлдузлари”, “Паноҳим”, “Шом шуълалари” сингари кўплаб китоблари нашир этилган.

Ойдин ҲОЖИЕВА

Жимжитгина, бәхөлгина,
Юрганларим ёлғондир.
Бир юракка, бу аёлнинг,
Қамалган минг бўрондир.

Юрагимнинг бир дарзларини
Қирк чегачи уолмас.
Синган дилга қирқ йил бекор,
Асло бутун бўлолмас.

Қизил гулим, чақнаб турган
Менинг тоза палагим.
Юрагимни чақмоқ урган,
Бўйлама, жонхалагим.

Ўн гулингдан битта гулинг
Очилмаган санамсан.
Булутсиздир сенинг йўлинг
Сен мусафро оламсан.

Ўттизингда ўн тўрт кунлик
Оидай тўлиб турибсан.
Кўзларингда ишқ, мафтунлик,
Бека бўлиб юрибсан.

Сендан узоқ бўлсин бало,
Бахтинг кўрай, нозигим.
Яратганинг ўзи сени
Кўллаб тургай, нозигим!

* * *

Бугдой ноним бўлмаса,
Буғдойгина сўзим бор,
Ҳар сўзимда чийлаган
Ям-яшил илдизим бор.

Меҳр кўрган одамдан
Элга қайтур муҳаббат,
Ҳар дилда юз ҳарорат,
Ҳар кўзда юлдузим бор.

Молим етмаганига
Жонимни қилдим нисор,
Дўстга очиқ осто нам,
Келса ёруғ юзим бор.

Туз баҳона ким келди,
Қарз баҳона ким келди,
Фарибона ким келди –
Үртада нон-тузим бор.

Ғойибона, юзма-юз
Эл тутиңган жонимсиз.
Шоирам деб сийлаган
Хур Ӯзбекистонимсиз.

* * *

Даҳри дунни туздингиз бизга атаб,
Тўрт буюк унсур яротиб, бутлаб.

Тўртта иқлиминя яна аъмол этиб,
Тўрт мучамни соз, баркамол этиб.

Тўрт кутбни йўлима роҳ айлабон,
Тўрт фаслни шаҳдима шоҳ айлабон.

Катта олам саҳнини майдон қилиб,
Кўйдингизку, бандангиз ҳайрон қилиб.

Борадурмен чўнг талотўплар аро,
Неча ғирром, неча дилхўблар аро.

Мехрига лойиқ кўрди яхшилар,
Оғзида ошини берди яхшилар.

Гоҳда хирмоним совурди ўзгалар,
Дўзах ўтида қовурди ўзгалар.

Ёп-ёруғ кунда йўлим йитмишди гоҳ,
Ёзугимга юз бало битмишди гоҳ.

Мен ёниб кулдан чиқиб, қақнус бўлиб,
Ўз-ўзимни топдимо, хур қиз бўлиб.

Бир тавалло қилганим – сиз бўлдингиз,
Раббано, ҳар ерда ҳозир бўлдингиз.

Халқ билиб айтмиш: етимга – ёр Худо,
Бандадин кўрдим жафо, Сиздан – вафо.

* * *

Бу сахар, бу сахар мунаvvар,
Гўдакдай оромда баҳру бар.

Ойдин ҲОЖИЕВА

Ой – туннинг қаймоги, илиги,
Тушларнинг бегубор пилиги –

Юлдузлар тилида сўз бўлар,
Тандаги ҳар мучга – кўз бўлар.

Сут ичсанг дур бўлар кеча бул,
Ҳар дуо – нур бўлар кеча бул.

Дарёда Ҳут бўлган ўзингсан,
Илохий ўт бўлган ўзингсан.

Игнадай топганинг тоғ бўлар,
Тор кулбанг – жаннатий боғ бўлар.

Юрагинг тубига қарагил:
Аллоҳдан мўъжиза бу манзил.

Неларга бўлибдир хазина,
Не сирни сақлар бу дафина.

Айт, ҳою ҳавасми ё ҳасад,
Инсофми, меҳрми, диёнат.

Озорми, эҳсонми ё хислат,
Не бор, бу мулкатда омонат?

Эй, гафлат бандаси, кўзни оч,
Ўзингга-ўзингсан зўр тилмоч.

Иймонни маҳак тош қилурсан,
Мисмисан, кумушсан – билурсан.

Тун – қадр.
Жон – қадр.
Дил – қадр.
Лайлутул қадр.
Лайлутул қадр...

* * *

Ариқ бўйларида чучмома бўлсам,
Кизлар сухбатида дилнома бўлсам.
Қўнглига қил сифмай қолган кезларда,
Кизимга бир таскин-ҳангома бўлсам.

Набирам тилида эртакка дўнсам,
Дараҳтлар лабида куртакка дўнсам.
Ўртачўл ёқларда баҳор сарпоси –
Лолақизғалдоқقا, чечакка дўнсам.

Бухор зардўзларин күз нури ёнган
Заррин қатимларда палакка дүнсам.
Бўстон осмонида шамолга ошиқ
Қамиш қобирғали варракка дүнсам.

Ота-бобом ётган азиз тупроқда
Куйлаб турган кумуш теракка дүнсам.
Онам қирқ йил кутиб ухлай олмаган,
Акамдан келган хуш даракка дүнсам.

Моҳи рамазоним, ижобат ойи –
Оҳ, десам – оҳи муборакка дүнсам.

* * *

Алмисоқдан қолган бу дунё
Сиздан қолар, бизлардан қолар.
Шоҳларга ҳам қилмаган вафо,
Гавҳар тожли кезлардан қолар.

Гардкам дейсан – ошиғинг олчи,
Сомон каби совруласан гоҳ.
Гоҳ омадинг ўнг дейди фолчи,
Буғдой каби қовруласан гоҳ.

Тегирмоннинг дўлида қолиб,
Омон чиқмоқ гоҳида мушкул.
Минг ажалдан чиқадир ғолиб,
Кимки бўлса иродага қул.

Бу дунёнинг минг битта тўри
Тортанакдай ўпар бизларни.
Маккор тақдир, кўзёшлар шўри
Саргайтирап қизил юзларни.

Шунча шўриш, ғавғоси кўзда,
Кетолмайсиз жаннатга кочиб.
Қари дунё яшар хур қиздай,
Қўнглимизда ғунчалар очиб.

* * *

Умрим бўғотига қор тушди неча,
Лайлак қорлар ёғди афсона айтиб.
Ҳаётимга янги йил кирган кеча
Ҳар гал болалигим учратдим қайтиб.

Ойдин ҲОЖИЕВА

Кумуш теракларнинг қир учларида
Тилла исирғадай қолган варраклар.
Бир ҳовуч нур ўйнаб кулгичларида
Ўсмиригим келар ҳар йил дараклаб.
Аллоҳдан мўъжиза кутган гўдакдай
Тутсам она тақдир этакларидан,
Қор босган тоғлардан сайраб какликдай
Йилларим чиқар қиши эртакларидан.
Кўзимла, эркала бунча қизларни,
Дилбар сингилларим манглайн ўпдим.
Шамолдай айланниб дала-тузларни,
Гуллар япрогига шудринглар сепдим.
Корхат олиб келган кемшик болакай –
Остонамда туараш шошқалоқ элчи.
Анҳор сукутида чалиб оқар най
Вақт деган ғанимат гаройиб йўлчи.
Ёғоч дарчаларнинг зулфинларида
Мурғак қўлларимнинг тафти товланар.
Кўкка ўрлаган тут ажинларида
Ўн тўрт кунлик ой ўтовланар.
Кизийди гап-гаشتак, ҳангома, гурунг,
Танчада биқирлаб қайнайди қумғон.
Кимдир “Кунтуғмиш”дан ўқий бошлар сўнг,
Ернинг илдизига туташади жон.
Борлиқни чулғайди жаннатий ифор,
Оппоқ камалақдан қамашади кўз.
Замин сукутида гувлайди бедор,
Юрак – кул ичида тирилган Қақнус.

* * *

Ишқ майин ичдим, ишқпарас бўлдим,
Парвоналарга ҳамнафас бўлдим.

Парт бўлди жоним, ҳар ох дудинда,
Ожиза эрдим – забардаст бўлдим.

Ким айтдурким: осмон сутунсиз,
Фалакка тоқи муқарнас бўлдим.

Харобат ичра хору хас эрдим,
Пойингни ўпгач, муқаддас бўлдим.

Девоналиғдан топдим ҳаловат,
Жонфидолиғдан ўзим масти бўлдим.

Чархи самода эрдим сўник тош,
Заминга Ойдин мухаммас бўлдим.

Сабримнинг қалқони мустаҳкам



Самад ДАМИНОВ

* * *

Армоннинг залворли либоси
Жиссимга тош каби ботади.
Кунларнинг бузилмиш ҳавоси,
Тунларчи аждардек ютади.

Тонгларни кутаман интизор,
Кўзимда яшайдир оймомо.
Капалак мисоли жуссам бор,
Бунча тор келмаса бу дунё?

Юракни чўқийди қузғунлар,
Панжасин ботириб кўксимга.
Дўстингман деган, шум малъунлар
Тарсаки туширап юзимга.

Майли, мен барига чидайман,
Сабримнинг қалқони мустаҳкам.
Ғанимлар тош отсин синмайман,
Тошлари қоядек бўлса ҳам.

Самад ДАМИНОВ – 1956 йилда тугилган. Бухоро давлат педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетини тугатган. “Мұхаббатдан сўзлайман”, “Тиник туйгулар”, “Қатрадаги нур” номли шеърий ҳамда “Изтироб”, “Ҳижрон кунлари”, “Тўёна” деб номланган насрый китоблари чоп этилган.

Замонлар келади йил ошиб,
Гул унар кафтимда чиройли.
Бошимга құнгайдыр баҳт қуши,
Сүзлашиб қоларлар бинойи.

Яхшию, ёмонга гинам йўқ,
Бағримни очаман самодек.
Тилагим: гул тутсин қилмай дўқ,
Одамлар яшасин Худо деб!

* * *

Рухим чинқиради, йўқ кўзда ёши,
Самони титратиб чопар тўрт томон.
Қайнаётир мункар-накирнинг доши,
Гуноҳим кўп, тушсам чикмайман омон.

Сабрнинг арқонлари чирт-чирт узилган,
Тасаллиниңг қўлимдан тутгани ёлғон.
Қатимдек ингичка жоним тортилган,
Игна туйнугидек гўёки жаҳон.

Шу туйнукка сигмай бораяпман, оҳ!

* * *

Хаёл кўчасида кезардим тентиб,
Қоп-қора шарпалар орасида жим.
Яшаш жон-жонимдан кетганди ўтиб,
Лиқиллаб туради омонат жоним.

Сен пайдо бўлдингу яшарди олам,
Қайтадан қон оқди томирларимда.
Суянчиқ бўлиб юр ёнимда, эркам,
Гоҳ хафа, гоҳида шод кунларимда.

Пешонамга азал битилганингни,
Нега билмаганман шу кунга қадар?
О, умрим қувончи, қайларда эдинг,
Сени қидирганман қанча дарбадар?

Кел, қўлимдан тут, қўлларинг узат,
Ҳеч ўрин қолмасин дард, риёларга!
Фурсати етганда, азизам, албат,
Кетурмиз, ғами йўқ кенг маъволарга!

* * *

Рост, қалбимнинг чил-чил сингани,
Борлиғимни кемирған оғриқ.
Бағрим ёқиб алам гулхани,
Кўксим тешиб ўтди неча ўқ.

Қандай бўлсам, ўша-ўшаман,
Эътиқодим ҳамон бус-бутун.
Чорласада, ажал дафъатан,
Пок имонла кетаман бир кун.

* * *

Бу тун хаёлимни банд этдинг, эркам,
Бир зум кўз ўнгимдан кетмадинг нари.
Жуда ҳам соғиндим сени, фариштам,
Тоабад ёнимда қолсайдинг қани?

Юрак ҳаприқади, топмайди таскин,
Олтин қафасдаги мисли жажжи қуш.
Оҳ, тенгсиз малагим, сен деб, юрак хун,
Қара, мен пойингда ётибман бехуш.

Кунлар ўтаяпти, чоригин судраб,
Айтгил, висолингга қачон етаман?
Шаҳло кўзларингни, юзингни, моҳтоб,
Кўрмасам дунёга сигмай кетаман.

Жоним, кел!



Юракдан отилган вулқон

Хикоя



Абдужалол РАҲИМ

Оролнинг сувини қуритдик, ерни, осмонни булғадик.

Бир-биримизга тинмай қурол ўқталамиз.

Яна қандай бад амалларимиз қолди экан,

Парвардигорим!

Ўшанда, ҳарбийга олишганда, ўн саккиз ёш бўз йигитлар эдик. Биримиз – қора қош, буғдоранг, қуёшли далалардан, бошқамиз – малласоч, оқ қайнинли ўрмонлар куршовидаги овлоқ қишлоқдан. Куз фасли бўлсаям, қуёш заминни тандирдек қиздиради. Бизни қаерларга олиб келишди, деган ўй ҳаммамизнинг кўнглимиздан ўтарди. Энди нима бўлади? Бу ноаён маконда, онамизнинг бағридан йироқда бесару нотавон бўлиб қандай яшаймиз? Бироқ, мурти сабза уриб қолган йигитлармиз. Йигитлик ори устун, бу ҳақда бир-биримизга оғиз очмаймиз.

Ҳа-а, кўнгилнинг согинч ила лиммо-лим кемтиклиги-ю, тилларимиз осилиб қолгунча югур-югурларга – бари-барига чидайдиган ўн саккиз ёшда эдик. Йигит бу ёшда Ватанга хизмат қиласди. Ватан битта бўлади, аммо ҳар кимнинг киндик қони тўкилган ўз Ватани бор. Биримизга серқуёш далалар Ватан, бошқамизга оқ қайнинли, эпкин қудратила шовуллаган ўрмонзорлар. Алқисса, пахталик саллоти энгил-бошларни кийи-иб, хизматимизни бошлаб юбордик.

Келиб қолган кентимиз ҳам янгича ҳаётимиз сингари ғалати эди. Юзни қиблага тутганда сўл томон қумлоқ салтанат – сахро, ўнг ёқда кўпириб оқаётган жўшқин дарё. Шу ўргада жуда-а кўхна бир шаҳарча.

Ўрганишимиз қийин бўлгани – зил-замбил керзавой этик. Аммо-о аскарни аскар қиласдиган мана шу пойабзали экан. Саҳарлаб оёққа иламизу, ўринга ётаётганда ечиб роҳатланамиз.

Икки ошёнали симкалавотларда ётамиз. Пастдаги ўринга юртдош дўстим Файзулла жойлашди. Мени хурматлашди-и чамаси, юқоридан жой беришган. Навбатчи аскар томофини йиртиб “От-бо-ой!” дея қичқирганида лип этиб “партӯшагимга” чиқиб оламан. Тез кунда юқорига сакрашнинг шундай ҳадигини олдим-ки,

Абдужалол РАҲИМ – 1953 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Ломакон”, “Мугат фолбин”, “Йўлда кетаётган одам” номли ҳикоя ва қиссалар тўпламлари, “Ибн Сино” романи чоп этилган.

үйкесираган Файзулла жойига келиб улгурмасидан мен ўринга кириб кетаман-эй. Сўл томонимда Қундузов (ўзбекчасига) ётади. Мен уни “Мишажон” дейман. Ўша, оқ қайнинзор ўрмонлар ўртасидаги овлоқ оувуллик йигит.

Ўн олти соатли шамолдек елиб-югуришлардан қутулиб, бошимизни ёстиқка қўямызу, уйкуга кетамиз. Бу ўн олти соатнинг қоқ ярми ўкув хонасида ўтади. Ажал қуроли осган учоқ – ҳарбий самолётни ўрганамиз. Бизга сержант Қарғаев (ўзбекчасига шундай) акамиз бошлиқ. Жигарранг соч, қизил юз, тили чучук бир йигит. Унинг айтгани-айтган, дегани-деган. Ҳайтовур, акамизнинг кўнгли очиққина. Ичак-чавоги очиб қўйилган учоқни илк бор кўрганда рангимиз ўчиб кетди. Бу минг бир темир мурватларни қандай ўрганамиз, деб-да. Қараб турсанг кўзинг тинади. Дўппи кийган қизларнинг соч ўримига ўхшаб бир-бирига чирмашган рангин темир найчалар, аллақанча симлар... Бироқ дардимизни ичга ютдик. Энангни уйимас армия, эътиroz учун ҳам жазо бор. Яъни, сафдошларинг роҳатлани-иб ўринга ётаётгандарида сен зил-замбил этигингни ечмайсан, ўша пойабзал топтаган хоналарни “ойнадек ялтиратиб” ювасан. Аммо шуни била туриб ҳам кимдир юрак ютиб заиф овозда нола қилди:

– Ўрганолмайми-из буни...

Сержант Қарғаев акамиз кулиб юборди:

– Биз ҳам шундай деганмиз аввалига.

– Энди-чи?

– Бошигни оғритма. Уйда велосипединг борми?

– Бо-ор, – малласоч йигит мамнун бўлиб, оғзини тўлдириб жавоб қилди.

– Таъмирлаганмисан?

– Албатта-да!

– Демак, самолётниям таъмирлайсан ҳали.

Биз Қарғаевнинг гапига ишонқирамай анграйдик. Сержантимиз бунга сари завқланиб, бошидан ўтган ғалати-ғалати воқеаларни айта бошлади. Унинг олдиқочдиларидан зерикиб, қулогимга овози кирмай қолди. Атрофга аланглаб хонани кузат бошладим.

Ўкув хонамиз катта. Бир томонига уруш йилларидан қолган бомбалар териб қўйилган. Биз бу бомбаларни киноларда кўрганмиз. Ўша урушда бўлган отам бундай киноларни сира-сира ёқтирмасди. Бунинг сабабини биламан: урушда бомба парчаси елка суюгини мажақлаб юборган. Оғриғидан ҳозиргача қўйналиб, азобла-нади. Бироқ ўкув хонамиздаги бомбалар жонсиз. Буларнинг портлатгичи, кекирда-гини узгандек, суғуриб олинган. Пистони йўқ, хуллас. Учоқдан ташланадиганла-рининг қанотлариям бор. Бомба қанот қоқмайди, кавшарлаб қўйилган бу қанотлар. Аммо осмондан бало-қазодай ёғилганда ажал келтиради, тик турган деворни қулатади, жонли танани поралайди. Биз буларни ҳам уруш ҳақидаги киноларда кўрганмиз. Энди эса курсоги бўш бўлсаям ҳақиқий бомбаларни кўриб турардик. Айниқса, булардан энг баҳайбати, учоқдан ташланадиган ярим тонналик бомба ғалати: ўткир учли қопқоғи ечиб олиниб, япасқи тумшуғи очилиб қолган бу балойи азимнинг. Қоп-қора бўёқ чапланган бомба ўкув хонасида биз ўтирадиган томонга қаратиб қўйилган. Қора мўндининг баҳарасида кўзга ўхшаган туйнуклари, одам бурнидай бўртиғи, ундан пастда оғзига ўхшаш очиқ жояйм бор. “Оғзи”нинг икки чети тепага қайрилган, бизни мазах қилаётгандек тиржайиб турганга ўхшайди.

Ҳарбий учоқнинг қорни, қаноти-ю, думи (буни “киль” дейишади) ўрганиладиган дарсимиз тугади. Тасқара бомба тиржайганча аскарларни танаффусга кузатди. Биз, тенгдош жўралар беш дақиқа озодликка чиқдик. Бу пайтда оёқни исканжага олиб

Абдужалол РАҲИМ

сиқаётган керзавой этик ҳам, ҳозир яна қўзларни уйқуга тортиб кетадиган марьуза бошланишиям эсланмайди. Беш дақиқа мазза қилиб қолиш керак. Темир сепоялардаги қоп-кора, совуқ бомбаларни бир-бири мизга қўрсатиб алланималарга ўхшатамиз, “ваҳ-ҳа-ҳа” лаб куламиз. Айниқса, ўша ярим тонналик тасқара бомба аскарчасига қўпол аския қилинади. Унга “Қоравой” деб ном қўйиб олганмиз.

– Қара, Қоравой устингдан куляпти, – дейди қалпоғини чапаничасига қийшайтириб бошига қўндирганmallasoch қувноқ йигит тиржайиб.

– Ўйқ, у сени чақиряпти. Бор, бошини силаб қўй, – қиқир-қиқир кулади бошқаси.

– Файзулла, Қоравой думалаб кетса ёрилар, унча-мунча портлатгичи қолган бўлса? – дўстимнинг елкасига туртаман.

– Э-э, ўчоққа тутантириккайм ярамайди, – у фуқароликда ошпаз бўлганини эсладими, шундай деб юборди.

Хуллас, ҳамма ўзича бир гап топади. Шундай қилиб, йигитларнинг зерикарли ўкув машғулотида бошланган мудроқлари тарқалади. Биргина Мишажон Қундузов бизга қўшилмасдан нарироқда юзини терс ўгириб турибди. Шу бола ғалати, оқ қайнинли юртдан бўлсаям юзига ўша оқ қайнинларининг нуски урмаган. Қуёшда тобланган бизнинг буғдойранг қишлоқ йигитларига ўхшаган қорача. Паст бўй, мунчоқ қўзлари мўлтираб туради. Аммо, маймундек чаққон. Темир тўсинга тортилиб чиқиши ҳаммамиздан аввал эплади.

Биз, йигирма икки нафар йигит сержант Қарғаевнинг қўл остида аскарлик ҳаётига қўнига бошладик. Куз охирлаб бораради. Қишига ўтин ғамлаш учун чўлга чиқиб саксовул йигамиз. Уйқусиз тунларда тоғ-тоғ картошка тозалаймиз. Бу картошкадан ўзимизга бўтқа пиширишади. Картошка бўтқаси, арпа, тариқ бўтқалариниям пақкос туширишга ўргандик. Аскарлик давримиз ўкув қисмидан бошланади деб ким ҳам ўйлабди дейсиз. Адоғсиз машғулотларда мум ҳайкаллардек қимирламасдан ўтиравериб қўзлар юмилиб кетади. Шунда, иякка тиралиган қўлга устоз зобитнинг ҳавода сирмалган чизғичи зарб билан урилади. Уйқусираган қўзлар ярқ этиб очилади. Сабр қилиб, бу азоблардан ҳам бир амаллаб қутуламиз. Яна керзавой этикли оёқларимизни белгача қўтариб юраверамиз. Юра туриб қўшиқ ҳам айтаверамиз.

Шундай қунларнинг бирида ҳарбий ўкув қисмимизга юқоридан катта юлдузли, басавлат бошлиғимиз келадиган бўлди. Ана кўри-инг ҳолимизни! Ҳамма базбазакка тушган. Сержант Қарғаев акамиз бизга тиним бермай қўйди. Баъзан бу югур-югурлар ўзиниям жонига тегиб сўқиниб қолади. Оқ қайнин шарбатини ичганларга болохонадор қилиб сўқиниш чўт эмас экан. Бу “қобилият” ўша шарбатга аралашиб ичига кириб қолган-ов. Нимаям қилардик, сержант акамизниям тушунса бўлади. Бошқа иложи йўқ. Уям бизга ўхшаган аскар, фақат елкасидаги ложувард лавҳада учта зарҳал чизиги бор.

Ҳарбий қисмимизнинг сипоҳи-ю, сипоҳдорларига кеча-кундуз тиним бўлмай қолди. Ҳаммаёқни чиннидек тозалаб, ялаб-юлқаб ташладик. Куз охирлаб, йўлак четидаги ажриқлар қуриб, сарғайиб қолганди. Биз иссиқ ўлканинг қовжираган майсаларига яшил бўёқ пуркаб, баҳор кўкатларидек бежаб қўйдик. Ўшанда қуриган ўтларга қарияни ёшартирмоқчи бўлгандек пардоз берилишини илк бор қўриб ҳайратланганман ва бунда ўзим ҳам иштирок этганман.

Нихоят қисмимиз катта меҳмонни кутишга тахт бўлиб, қўксимиизга зигирдай шабада тегди. Саранжом-саришта ҳовли, биз сафланадиган майдон, ўйингоҳ қўзни қувонтиради. Навбат ўкув хонамизга келди. Ишхона четига териб қўйилган бомбаларни тозалашдан бошланди.

– Бомбаларни қумқоғоз билан тозалаймиз, ана ундан кейин қайта бўйаймиз, – деди сержант Қаргаев.

Икки аскарга биттадан бомба тегадиган бўлди. Сержантимиз у ёқ-бу ёққа аланглади, бир қарорга келди чамаси:

– Сафлан! – дея қичқириб юборди.

Дархол ўз жойимизни эгаллаб, йигирма икки аскар жўжалардек бир қаторга тизилдик. Бу аралаштириб юборилган шахмат доналарининг зумда тахтасига териб чиқилишини эслатарди. Қаргаев акамиз гардкамчи, бошини қотирмасдан, икки аскарга биттадан бомба бўлиб бераверди. Мен тусмоллаб ҳисобладим, шеригим Мишажон Қундузов иккимизга ўша машҳу-ур яrim тонналик тасқара бомба тегади-ёв. Ҳар жуфт ўзига ажратилган бомбанинг олдига бориб ишга киришиб кетди. Чамалашда адашмабман, яrim тонналик тасқара худди ўзимизга тегди. Сержант Қаргаев узатган қумқоғозни кўлимгага олиб, шеригимга қарадим. Сержант унга ҳам бир парча қумқоғоз узатди. Мишажон нопок бирнимани босиб олгандек ижирганиб, жойида қимиrlамасдан тошдек қотиб тураверди.

– Ушла буни! – сержант Мишажонга қумқоғозни тикиштириди.

Мишажоннинг мунчоқ кўzlари ерга қадалганича қолди. У сержантни эшитмандек қилт этмади.

– Нимага лаллаясан?! – Қаргаев унинг тирсагига туртди.

Мишажоннинг бежирим танаси шамолда қолган баргдек бир тебранди-ю, бехуш кас мисоли қилт этмади. Ҳозир у ойкезар болага ўхшаб ҳиссиз, фаҳмсиз бўлиб қолганди. Хонада ажал қуролларининг метин қобиқларига ишқаланаётган қумқоғозлар шитиридан ўзга товуш эшитилмайди. Мен Мишажонга тикилиб ҳайрону лол эдим. Хизматимиз бошланишидан ёнимдаги каравотга жойлашиб олган бу йигитнинг феълини яхши билиб олганман. У доим хушёр, бардам ва покиза юрарди. Аскарликнинг маشاқатларига сабрли эди Мишажон. Ҳозир нега ўжарлик қиляпти? Сержант биздан роппа-роса бир яrim йил ортиқ хизмат қилиб қўйган. Аскарликнинг паст-баландиниям, маشاқат билан ўрганаётганимиз ҳарбий учоғу қуролларни яхши билади. Кўнгли очиққина йигит. Аммо ҳозир жаҳл отига минди. Бу туйқусдан қизарип-бўзарган юзидан билинди. Мишажонга яна бир-икки оғиз гап айтди. Бизнинг жўра эшитмагандай тек тураверди. Ҳукмини ўтказолмаган сержантнинг лаблари титради. Бирда-ан бўйсунмас аскарнинг елкасидан тутамлаб жон-жаҳди билан силкита бошлади. Шундаям Мишажондан садо чиқмади. Қаргаев чангалидаги аскарни мушук боласидек бомба томонга улоқтириди. Шу пайт Мишажон бехосдан уйғониб кетгандек бўлди. Сапчиб ўзини ўнглади-да, қўз илғамас ҳаракат билан сакраб, ўнг оёғи билан бомбани тепиб юборди. Тасқара башара бомба узумни хомток қиласиган сепояга ўхшаган темир таянчда турарди. Мишажон берган зарба бомбани сепояси билан ағдариб юборди. Ёнбошдаги кичикроқ бомбани ҳафсала билан тозалаётган икки аскар базур ўзини четга олиб улгурди. Улардан бири Файзулла эди. У “А-а-а!” деб чинқирганча деворга қапишиб олди. Мен турган жойимда тошдек қотиб қолгандим. Қулогимга учоқлардан ташланаётган бомбларнинг чийиллаши эшитилди. Аммо бу на рўё, нада тасмаларда жонлантирилган тасвир, осмону фалақдан чийиллаб учиб тушаётган ўлим қуроли менинг тасаввуримда эди. Сержантимиз Қаргаевнинг ранги ўчган, лаблари титради. Уни ҳеч қачон бундай аҳволда кўрмагандик. Мишажон семонланган ерда куриган ғўладек афгор думалаб ётган бомбага мамнун тикилиб, шамдек қотди. У авваллари бу тасқарага қарашни истамасди. Ҳозир бўлса бомбадан қўз узмаётир. Портлатгиchi йўқ, ҳеч корга ярамайдиган, тепилиб хор бўлган ажал қуролининг устидан кулаёт-

Абдужалол РАҲИМ

гандек, лабларида нимтабассум қотиб қолган. Мишажоннинг ўйида нима борлиги ни билолмадим. Аммо бунинг бир сабаби бор-ку, ахир. Ҳамма аскарлар ишларини тўхтатиб, энди нима бўлишини кутишарди. Аввало сержант Қарғаев ўзига бақамти борди-да:

– Оддий аскар Қундузов, уч кун авахта! – деди важоҳат билан.

Сержант бу сафар Мишажоннинг бирор ерига қўлини теккизишга ботинмади. Унинг авахталаш хукуки борми эди, билмадим, лекин шу куннинг эртаси қисм аскарлари майдонга сафланганда, командиримиз Қундузовга уч кунлик авахта – вақтинча қамоқ жазоси берилганини баралла эълон қилди.

Мишажонни авахтага кузатиб қолишимиз ҳам ғалати бўлди. Биз, ёш аскарлар авахта қандай бўлишини кўрмаганмиз. Факат бир нарсани аниқ билардик: ўкув қисмимиз авахтасининг бошлиғи “Шарпа” лақабли кас. Асл исмини ҳеч қачон, ҳеч ким айтмаган. Олабўжи, хуллас. У сержантдан катта, зобитдан кичик, елкасида узунасига иккита юлдузчи бор ҳарбий унвонли, паст бўй, жиккак амалдор. Кутмаган жойингда билинтирмасдан пайдо бўлиб қолади. Лақаби шу “фазилати”га бўла муҳрланган-ов. Шарпа ўта бешафқат эди. Жазога лойиқ кўрилган аскарларни ҳамманинг кўз олдида минг бир қийноққа солади. Балки бу аскарни чиниқтиришдир. Ахир, биз меҳрибон онамизнинг бағрида эмас, ҳарбий хизматдамиз, бу ерда жангчи бўлиш машқини ўтаймиз. Болалигимиздаги ўйинчоқ тўппонча эмас, ҳақиқий ўлим қуроли билан муомала қиласди. Бироқ қисмимиз ўртасидаги майдонда эмаклаб, кум тўлдирилган темир қутини тортаётган аскарга ҳеч ким ҳавас қилмасди. Бизнинг Мишажон Қундузов ҳам Шарпанинг ҳузурига ана шундай жазони ўташ учун бораётганди. Файзула унга ачиниб ер остидан қараб-қараб кўяди.

– Дадил бўл, Мишажон! – дедим мен яқин жўраларга хос ғамгузорлик билан.

У кетди. Ўша Шарпанинг авахтаси томон жимгина кетди шўрлик Мишажон. Биз, унинг сафдош биродарлари, ҳаммамиз таассуфда қараб қолавердик. Ажаб, у ота-онаси бағрига сингиб бораётгандек хотиржам, фикримча ҳатто мамнун эди. Жуда-а кўхна бинодаги бу авахтага аскарлар ётогимиз ортидаги, Шарпанинг ўзи сингари кўримсиз дарчадан кирилади. Ичкарисида нималар борлиги, жазога тортилганлар бу совук масканда қандай кун кечиришларини ҳам биз ҳали билмасдик. Мишажон Қундузов тўпимиздан ажралиб ўша ёққа кетаётганида юрагим бежо деп-сингандир. Буни хозир эслолмайман. Балки, у ҳам сиртига чиқармаса-да, ўз ўйимдек бўлиб қолган ётогимдан кетяпман, бир оиласдек яшаётган қурдошларимдан ажраляпман, дея ўқингандир... Қатъий тартибга риоя қилиб, ҳар кунги аниқ вақтда ўйқуга ётганимизда Мишажоннинг бўм-бўш ўрнига қараб шуларни ўйладим. Икки ошёнали, биз учун шоҳона каравотимизнинг биринчи қаватида ётган бодомқовоқ Файзулага бошимни эгиг мўраладим:

– Хозир Мишажон нима қиляпти экан, Файзула?

– Ухланг, – унинг мудроқ овози эшитилади.

Рўпарамдаги катта деразадан хира чироқ ёғдусида ғира-шира кўринаётган ўйлакка қараб ётганча ухлаб қолдим.

Тонгда яна ҳар кунгидек қисмимиз майдонида сафландик. Ҳарбий хизматнинг бу сахари бизга ёқимсиз тухфа ҳозирлаганди. Қаршимиздаги ўйингоҳда Шарпа фоз юриш қилиб тинмай у ёқдан-бу ёққа бориб-кеяпти. Унинг оёқлари остида бир аскар ербағирлаб тирсак билан тинмай олға судралади. Шўрликнинг бўйнидан арқон ўтказилган. Арқоннинг уни катта темир қутига боғланган. Темир кути оғир, зил-замбил. Бу, қутини қийналиб тортаётган аскарнинг чувалчангдек куч йига-

йига зўриқиб олдинга жилаётганидан ҳам кўриниб турибди. Темир қутига қум тўлдирилганини ҳаммамиз билардик. Тупроққа беланган аскар бўйнидаги оғир юкни тиришиб-тирмашиб, қаричма-қарич олға судрайди. Хар-ҳар замонда нафас ростлаб олиш учун тўхтаб қолаётир. Шунда ваҳшийлашиб кетган Шарпа нимадир дея қичқиради. Тер, чангдан юзлари лой бўлиб кетган аскар яна бўйнидаги сабилни тортиб, зўр бериб суралади. Унга тикилиб сафда турарканман, бечора биродаримнинг қийнала-қийнала нафас олиши, зўриқиб ихрашларини эшитгандек бўлдим. Юрагим гупуриб кетди. Авахтадан олиб чиқиб “Машқ қилдирилаётган” бу аскар бизнинг Мишажон Кундузов эди.

Қоракумдаги кўхна кентга қуёш нурларини мўл сочиб юборди. Ўйнгоҳ узра тилларанг жилвалар ракси бошланди. Фалак маликаси зар кокилини ёйиб, бу ёқларга келиб олганидан чунон шодланиб, жимири-жимири қилиб, ёш боладек ўйноқлади. Мехр нурларини сочаётган офтобжон тупроқда қизариб-бўзариб, манглайидан лойқа томчилар қуяилаётган Мишажон Кундузовни қўрмаётирми? Бешафқат кас Шарпанинг сояси кум аралаш тупроқли заминда симёғочдек узун кўринади. Гўё пакана бўйи ғазабдан чўзилиб кетгандек. Гўё у бундан янам қаҳрли, янам кудратлироқ бўлиб қолгандек. Қийноқларингни бас қил, дейдиган кимса йўқ. Фақат элас-элас эсиб қолаётган тонг еллари бизнинг Мишажон Кундузовни силаб-сийпалаб бироз овутарди...

Тунда ёнбошимдаги каравот яна бўш қолди. Саҳарлаб ҳар кунгидек майдонда сафландик. Рўпарамиздаги қумли тупроғи кўпчиган сайҳонликда ҳеч ким кўринмади. Мишажон ҳамон авахтада эди. Аҳволи қандай экан? Золиму ситамгар Шарпа ичкарида қандай хунарлар кўрсатаётир? Бўм-бўш ўйнгоҳга тикилиб хаёл суриб қолдим. Мишажон хасталандими? Кичиккина жуссаси зил-замбил темир қути билан тирсаклаб эмаклашлар азобига чидадими?

Учинчи куни, кечки овқат олдидан Мишажон авахтадан қайтди. Куннинг бу вақти бўш пайтимиз эди. Кимдир курсига ўтириб олиб уйига хат ёзишга берилиб кетган. Бошқа бирор жўраси билан ҳазиллашиб кулишиб ўтирибди. Шу пайт аскарлар ётогимизга Мишажон Кундузов кириб келди. Ранги ўчиб, озиб-тўзиб кетибди. Одамнинг уч кунда шунчалик абгор бўлишини ўшанда кўрганман. У биз томоннга юриб келаркан, ҳаммамиз бирин-кетин ўрнимиздан турдик. Йигирма бир жуфт кўз фариштани кўргандек Мишажонга қадалди. Шўрликнинг кўриниши девонага ўхшайди-ю, сафда юрганда айтадиган аскар қўшиғимизни ҳиргойи қиласди:

*Йиғлама қиз, йиғлама,
Ёмғирлар ўтар-кетар,
Қайтиб келар аскаринг,
Кутмоққа сабринг етар.*

Мишажон Кундузов ҳеч гап бўлмагандек ўзининг жойига келди. Қўш қават каравотнинг юқорисидаги тўшагига иккала билагини тираб мен томонга қаради. Бармоқлари қизариб шишганди. Бу, Шарпа уни аямай ишлатганидан. Ҳа-а, авахта дам оладиган жоймас. Айниқса, шафқат нималигини билмайдиган ўша пакана хўжайн бўлса. Мен жуфтланган каравотларнинг қарама-қарши тарафидан унга қарайман. Мишажоннинг фақат боши кўриниб турарди. Шу аҳволидаям жилмаяди.

– Уёқда қандай? – дедим дераза ойнасидан кўриниб турган авахта эшигига ишопра қилиб.

Абдужалол РАХИМ

Эшик рўпарасидаги йўлак бўм-бўш эди. Оқшом кўна бошлаган. Фалакдан туширилган кулранг парда ортида авахтанинг кўримсиз дарчаси қорайи-иб кўринади. Мишажон бу эшикнинг унга ҳеч қандай дахли йўқдек бефарқ қараб қўйди.

– Ҳаммаси жойида, у ёқдаям яшаса бўлади, – деди беозор кулимсираб.

– Кўринишинг бир ахволда-ю?

– Ёлғизлиқдан қўйналдим. Бор-йўғи шу. Сизларга ўрганиб қолган эканман.

Файзулла “Келдингми, Мишажон?” деб қўя қолди. Шу бола ғалати: бирор билан иши йўқ, уни ҳеч ким, ҳеч нарса қизиктирмайди. Аммо ишини билиб қиласди. Шаҳарлик йигит у, ҳарбийгача ошпаз бўлганини қўп гапиради. Ё ошпазлар шунаقا феълли бўладими? Орамизда юради-ю, бор-йўқлиги сезилмайди. “Ўзингни бил, ўзгани қўй”, деб уқтиради менгаям. “Қанақасига? – дейман. – Кўзни чирт юмиб, қулогингни беркитиб олиб бўлмайди-ку?” У елкасини қисиб, “Ўзингиз биласиз”, деб, қовогини уйганча нари кетади.

Ҳарбий хизмат, ўзинг туғилиб-ўсган, ҳар қарич ери-ю, ҳар бир кишиси қадрдан қишлоғингда шаталоқ отиб юришдан фарқ қиларкан. Аскарга тун-куннинг дақиқалари оқ-қора қили-иб бўлиб қўйилган. Йигитларимиз Мишажоннинг авахтага тушганини дарров унудиб юбориши. Ўйингдоҳа вақти-вақти билан Шарпа пайдо бўлиб қоларди. У жазога мустаҳик аскарларни ҳамон бўрсиққа ўхшатиб эмаклатар, бундан завқ олаётгандек жарангдор овозда буйруқ берарди.

Дарё билан саҳро ўртасидаги кентга қиши бирдан келди. Мағрибдан қуруқ ва совуқ шамол эса бошлади. Осмондай ке-енг саҳроларда куч йигиф олган изгирин тинай демайди. Қишининг қаҳри бели қайиш билан сирмалган саллоти жун чакмонларимиздан ҳам ўтиб кетди. Ҳар-ҳар замонда номига зигирдек қор ёғади, уям қора заминга қалишиб, изгиринда қотиб қолади.

Ҳайтовур Қорақумнинг номига эш совуқлари ўтиб кетди. Ҳарбий хизматнинг тинимсиз югур-югурлари билан кўкламга етиб олдик. Мен Мишажоннинг ботинида бир сири борлигини сезиб юардим. Ахир, феъли босик, ювош ёш аскар сержантнинг буйруғига жон-жаҳди билан қарши туриши ғалати эмасми? Яна сепояда омонат турган бомбани керзавой этигининг пошнаси билан тепиб ағдариб юборса-я! Мишажоннинг важоҳатини вулқондек уйғотиб юборган нима эди? Бунинг тагида бир сир бўлиши керак-ку, ахир!

Сир олти ойлик ўқув машгулотларимиз тугаши арафасида очилди. Бу пайтда йигирма икки нафар тенгдош йигитлар ҳарбийликнинг оғир-енгилига кўнишиб қолгандик. Бизни чўлдаги ҳарбий омборларни қўриқлашга олиб чиқишиди.

Бидай саҳродаям баҳор баҳорлигини қиларкан. Уфқларга туташган бепоён Қорақумни жимитдек-жимитдек турфа майсалар қоплабди. Қишининг совуғида қум остида жон асраран жониворлар ёруғликка чиқиб олишибди. Чўлдаги тиканли сим билан ўралган омборларни қўриқлаш бу сафар мен билан Мишажоннинг чекимизга тушди. Соқчилик хизмати аскар ҳаётидаги энг масъулиятли амал. Чунки, муҳим ҳарбий иншоотни қўриқлайсан. Елкангла жанговар қурол бўлади. Бундай пайтда сержант тугул катта командирлар ҳам оддий аскар билан қоидани бузмасдан, ўйлаб муомала қилишади.

Бизни юк машинасида яйдоқ чўлдаги ўша, ичкарисида нима борлигини ҳеч ким билмайдиган иттопмас жойга олиб келишибди. Вазифамиз – катта қўргон атрофида хушёёр айланиб юриб қўриқлаш. Баланд шийпонга чиқиб ҳудудни кузатишимиш ҳам мумкин.

Мен елкамда автомат билан қумлоқни тевалаб юра бошладим. Мишажон қарама-қарши томонга йўл олди. Қоида шундай. Бир-биримиз билан учрашгани-

мизда күргөнни түлиқ айланиб чиққан бўламиз. Қумлоқни вижир-вижир калтакесак босиб кетибди. Қорақум замини шу турки совуқ жонворлардан яралганми-ей, керзавой этигимгаям бало-қазодек ўрмалаб чиқа бошлашди. Ижирғаниб, кузатув шийпонига чиқиб олмоқчи бўлдим. Шу пайт қаршимдан лоп этиб Мишажон чиқиб қолди. Биз күргөн атрофида түлиқ доира ясаб, бир-бirimизга дуч келгандик. У билан юзма-юз турардик. Куппа-кундуз эди. Чўлда баҳор хавоси кезади. Озода, майин эпкин юзларимизни силаб ўтди. Мишажон елкасидаги автомат қайшини маҳкам сиққанича кулумсиради. Беозор, соддагина қишлоқ йигити эди Мишажон.

– Қалайсан? – дедим.

– Яхши, – у кўклам сепини ёйган кенгликларга тикилди. – Бу томонлардаям баҳор кўркам бўларкан.

– Сиз ёқларда-чи?

– Бизни ўрмон ичкарисида ҳали қор бор.

– Оқ қайнинлар ўсадиган ўрмондами?

– Ҳа.

– Қойил! Биз бўлсак қуёш тигифда терлаб кетяпмиз.

– Отам оқ қайнин шарбатини хуш кўради, – у бирдан ўйчан бўлиб қолди. Табасумга мойил чехрасида иштибоҳ пайдо бўлди. – Оғир хаста у. Ҳозир аҳволи қандай экан, билмадим. Акам, ҳаммаси яхши, деб хат ёзади. Ишонмайман, мени хотиржам қилиш учун шундай ёзган у.

– Отанг қандай касал?

– Уруш асорати... Юр, күргөнни бирга айланамиз. Кундуzlари бунга рухсат берилган.

Мишажон иккимиз тиканли сим ёқалаб ёнма-ён секин одимлаб кетдик.

– Олти ой кўз очиб-юмгунча ўтди, – деди у хомуш бўлиб. – Энди ўқув қисмидан ҳар томонга тарқалиб кетамиз.

– Тўғри айтасан, бир-бirimizga ўрганиб қолгандик, – мен ҳам яна қайларгадир жўнаб кетишимиз ҳақида ўйлаб қолдим.

– Сенга бир гап айтмоқчиман.

– Қандай гап? – Мишажонга ажабланиб қарадим. У елкасидаги автоматининг қайшини маҳкам тутганча яйдоқ чўлнинг номаълум пучмоқларига тикилиб секин одимларди.

– Авахтага тушганим эсингдами?

– Албатта-да, эсдан чиқармиди.

– Биламан, кўргазма бомбани тепганим ғалати туйилган.

– Шундай.

– Аҳмоқлик қилди, деб ўйлагандирсан? Сабабини билишни истайсанми?

У қуёш чараклаб турган мовий осмонга тикилди. Ҳаёлида, бу сиримни айтами, айтмайми, дея ўйлаётгандек эди. Одамда баъзан шундай бўлади-ку, юрагингда асраб юрган бир гапни кимгадир айтсанг, у сеники бўлмай қоладигандек, таъми кетиб қоладигандек. Мишажон ҳам шундай ҳолатда эди чамамда. Мен уни шоширмадим. Анчадан кейин дадиллашиб, ичини ёрди.

– Қирқ биринчи йилда, уруш бошланган йили отам биз тенги йигит бўлган. Суратини кўрганман, худди менинг ўзим, – у ширин хотираларидан хузурланиб, мамнун жилмайди. – Ўша қирқ биринчи йилнинг баҳорида ҳарбийга чакирилган, пиёдалар кўшинида хизмат қилган. Икки ойдан кейин уруш бошланган....

Орамизга яна бироз жимлик чўқди. Ҳозир иккимиз ҳам бирдан улғайиб қолгандек эдик. Унинг қадами тезлашди. Мишажон нимадандир қочиб кетмоқчидек

Абдужалол РАХИМ

шошиб қолди. Мен унга етиб олишга ошиқдим. Тез-тез нафас олишидан қаттиқ ҳаяжонланаётганини сездим. Аллақандай ёқимсиз хотирани ортда қолдириб кетмоқчи эди у. Нима экан, ўша тошдек оғир, юрагини симиллатиб эзаётган дард? Отаси урушдан қайтгани аниқ. Биз эллигинчи йилларнинг болаларимиз, ахир. Яраланганими?

– Пиёдалар жангга кирганда фашистлар самолёти бомба ёғдирган, – Мишажон фикримни ўқиб олгандек тез-тез гапира бошлади. – Жуда-а катта, яrim тонналик бомба портлаганда отам пўккақдек учиб кетган. Бутун бадани тилка-пора бўлган! – Мишажон кўзини юмди. Бир лаҳза тўхтаб, ютинди-да, яна қумлоқ заминда одимлаб кетди. – Ичимда нима борлигини билмайсан! – унинг овози титради. Отасининг аҳволидан чеккан аламлари юрагидан вулқондек отилиб чиқарди гўё. Ҳар бир сўзни чертиб-чертиб, дард билан гапира бошлади. – Шунаقا... Отамни жони қаттиқ экан, тирик қолган. Госпиталда бир оёгини кесиб ташлашади. Тушуняпсанми, ёш йигит, сен билан мендек ёш йигит оёғидан айрилган! Бош сугиям синган экан... Хуллас, отам ногирон бўлиб уйга қайтишни хоҳламаган. Госпиталда ўзига қараган ҳамширага уйланиб, ўша ердаги қишлоқда қолади. Шундан кейин бундан ҳам баттар азоблар бошланган. Вақти-вақти билан боши ёрилиб кеттудек, бирор ўтқир учли найза санчиб олаётгандек оғрий бошлайди. Одамзот чидай олмайдиган ўшандай оғриқ ҳозир ҳам тутиб қолади. Шундай пайтларда бошини деворга уриб додлайди. Пешонаси чандик бўб кетган отамни! Бир марта ўзини дарёга ташлади. Қишлоғимиз четидан дарё оқиб ўтади. Ўша бош оғриги исканжага олганда ўлимигаям рози бўлган-да... Онам доим хушёр бўлиб юради, қутқариб қолган... Биз ана шундай яшаймиз. Мактабда болалар, бунинг отаси жинни, бомба тушганда жинни бўлган, деб устимдан кулишарди. Шунийчун акам иккаламиз болалар билан қўп муштлашардик. Калтак еявериб пишиб кетганман. Кураш тўгарагигаям қатнадим... Ўша куни, сержант бомбани тозалашни буюрганида отамни эслайвердим. Бошини деворга уриб додлаши қўз олдимдан кетмади. Отам, “Мен учун ўч ол! Мана шу бомба айборд ҳаммасига. Ўч ол, ўғлим!” – деётгандай бўлди. Мен отамни овозини эшитдим! Худди сени кўраётгандек кўриб турардим уни! Осмондан ёғилаётган бомбаларнинг даҳшатли чийиллашиниям эшитдим! Анави, тасқара бомбани бикинидан юхони чангалидек қўллари ўсиб чиқди гўё... Бор кучимни тўплаб, тепиб юборганимни билмай қолдим...

Мишажон яна тўхтади. Унга қараб ҳайрону лол эдим. Кўзларидан маржон-маржон ёш қуйиларди унинг.

– Энди бор, дўстим, сен у томонга, мен бу ёкка юрамиз, – деди ортига ўгирилиб. Мен тиканли сим билан куршалган кўргон бўйлаб қарама-қарши томонга юриб кетдим. Ўшанда иккимиз ҳам чўл ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олиб, ўз хаёлларимиз билан банд эдик. Уруш йироқ-йироқларда қолиб кетгани ҳақида ўйлардик чамаси. Чунки, биз урушни кўрмагандик. Аммо ҳали дунёда урушлар давом этарди. Биз янги, янайм даҳшатли қирғин куролларини ишлатишни ўрганардик...

УСМОН НОСИР

*(Уч пардали, ўн етти кўринишили
тарихий фожиа)*



Иқбол МИРЗО

ҚАТНАШУВЧИЛАР

Усмон Носир 25 ёшда (жараёнда болалиги ва ўсмирили ҳам акс этади);

Терговчи 40 ёшларда, лейтенант, дароз, ўроқбурун, заҳил башарали малласоч киши. Ўзбекчани бузиб гапиради;

Терговчи ёрдамчиси 30 ёшларда, корачадан келган, озгин йигит;

Холамбиби 45 ёшларда, Усмон Носирнинг онаси;

Ҳамза Ҳакимзода 40 ёшларда, жадид, шоир;

Пўлат Қаюм 30 ёшларда, жадид, тарих ўқитувчisi, “Янги Ҳаёт” мактаб-интернати асосчиси, кейинчалик “Дорул-шафақа” мактаби мудири;

Ашурали Зоҳирий 40 ёшларда, жадид, тилшунос, “Дорул-шафақа” мактаби муаллими;

Мухтор Муҳаммадий 30 ёшларда, “Дорул-шафақа” мактаби директори;

Қори Ниёзий 25 ёшларда, олим, “Дорул-шафақа” мактаби риёзиёт ўқитувчisi;

Субхий афанди 50 ёшларда, турк зиёлиси, жуғрофия ўқитувчisi, “Дорул-шафақа” мактаби муаллими;

Мўйдинжон 10 ёшларда, Усмон Носирнинг болалиқдаги дўсти, Бағод шевасида гапиради;

Мадамин (Амин Умарий) дастлабки кўринишларда 10-15 ёш атрофида, кейин 25 ёшларда, Усмон Носирнинг дўсти;

Насима 18 ёшда, Усмон Носирнинг севгилиси;

Маяковский 37 ёшда, рус шоири;

Иқбол МИРЗО – Ўзбекистон халқ шоири. 1967 йилда тугилган. “Юракнинг шакли”, “Кўнгил”, “Сени согинаман”, “Мени эслайсанми”, “Танланган шеърлар”, “Кўшиқларим”, “Сени бугун кўрмасам бўлмас”, “Агар жаннамат кўкда бўлса” каби шеърий китоблари ва “Зарб” деб номланган қиссаси, “Бону” романи нашрдан чиққан.

Иқбол МИРЗО

Муса Жалил 24 ёшда, татар шоири;
Қодирий 43 ёшда, жадид, ўзбек адиби;
Ойбек 32 ёшда, ўзбек адиби;
Муҳсин Ҳамидов 24 ёшда, адаб, Усмон Носирнинг дўсти;
Шайхзода 29 ёшда, озар адаби;
Абдулазиз 30 ёшда, ҳаваскор шоир;
Маъсул котиб 28 ёшда, шоир;
Котиб 32 ёшда, адабий танқидчи;
Ўринбосар 28 ёшда, драматург;
Равшаной 25 ёшда, комсомол аъзоси, ҳаваскор шоира;
НКВД ходимлари, зиёлилар, талабалар, болалар ва хоказо

(Спектакль давомида дастлаб саҳнанинг ўнг бурчагидаги тергов бўлими маҳсус чироқлар ёрдамида хира ёритилади. Сўроқ-жавоб-қийноқ жараёнидан кейин бўлим қоронгилашиб, саҳнанинг сўл томонидаги асосий майдон ёришиади ва нафбатдаги кўринишга ўтилади.)

Биринчи парда

Биринчи кўриниши

(Зулмат босган саҳнадан калтак зарбалари, инграган, ихраган товушлар, “Мараз! Ҷўчка!” деган сўқинишлар, терговчининг “Мана сенга, сартни боласи! Сени жаҳаннам қутяпти, им!” деган ваҳшати эшишилади. Терговхона секин ёргулашиб, доира шаклидаги нур остида қозоз ва китоб, “Жиноят иши” жислди таҳланган стол, қўллари стулга кишиланган, юз-кўзлари қонталаш, соchlари тўзген, оқ қўйлаги қон-қатрондан қўнгир туслага кирган Усмон Носир ва столга икки қўли билан таяниб, нафрат билан ўқрайиб турган терговчи намоён бўлади. У қад ростлаб, графиндан стаканга тўлдириб сув қутиб, ярмини ичади ва қолганини Усмон Носирнинг юзига сепади.)

Терговчи: Менга қара, ўв, “гений”! Аллақачон тақдиринг ҳал қилинган! Сени ажалинг бетоқат кутяпти! Фақат озгина расмиятчилик қолди, холос.

Усмон Носир: Сен мени қўрқитма... Сенларни асл башарангни аллақачон илғаб бўлганман. Кўй, кўп мижғовланма. Эркак бўлсанг, пешонамдан отиб ташла! Икковимиз ҳам тинчийлик!

Терговчи (ёлғондакам кулади): Хо-хо-хо-хо! Анойини топибсан. Сени осонликча ўлдириб, қийноқ-азоблардан қутқарадиган аҳмоқ ҳалоскор эмасман. Бошингга итни кунини соламан ҳали, ҳозиргиси ҳолvasи. Сени тилингда айтганда: хамир учидан патир...

Усмон Носир: Нима керак сенга ўзи?! Аблах!

Терговчи: Ҳеч нарса! Айтдиму, вақтни чўзишим керак, холос. Сичқон-мушук ўйинини якунлаб қўйишим шарт. Тушундингми энди, сичқонча?!

Усмон Носир: Тушундим, каламуш! Билиб қўй, агар мени оссанг, ўша дорнинг ёғочи ўзингга тобут бўлади. Агар отсанг, ўша кўргошин бир куни сени пўконингни ёради!

Терговчи (қўрқиб кетган киши бўлиб): Вой, фолбин жаноблари, факирнинг гуноҳларидан ўтинг, уни маҳфират айланг! Тавба қилдим, шаҳаншоҳ, раҳмингиз келсин! (Бирдан шоирга энгасиб, бош бармогини кўрсаткич ва ўртanca бармоги

орасидан ўтказиб, ниқтайди.) Мана сенга! Сен ҳали Шўро давлатининг қудратини билмас экансан. Сендақа жулдуровоқи шоирваччаларни қора таппак халқингга кўшиб қирқ йил дошқозонда қайнатса, дохийимизнинг этигига бир суртим мой бўлмайди. Сенлар буюк коммунизм гоясини амалга оширишда карроннинг онгиз хачирисан, зўр чиқсанг, хаммолисан, холос! Сенлар мафкуравий инсон сифатида сариқ чақага арзимайсан... Уқдингми, шарқнинг Пушкини!

Усмон Носир: Кесатма, чўчқа!

Терговчи (соҳта қаҳқаҳа уради): Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа! Сенлар дунёга сўкир ва кар хурофот ахли бўлиб келгансанлар! Буни Тошкентингга келган кунимоқ англаганиман. Туриш-турмушинг иккинчи даражали масалаларга қурилган экан. Эшакдай ишлайсан, топганингни эл кўзига тўй қилиб, бир кунда кўкка совуласан. Кимингдир ўлиб берса, маъракалари тирикларингни тириклай гўрга тикади. Бунча нодон, бунча мақтанчоқ, бунчалар иккюзламачи одамларсан-а? Бойвачча от олса, “Куллук бўлсин”, факир эшак минса, “Қайдан олдинг?” Ё нотўғрими? Болани калтак билан қўркув асосида тарбиялайсанлар. Қўрқоқ бола ўла қолса рост гапирмайди, катталар эшитишни хоҳлаган сўзнигина айтади. Болалигингни эсла, эй “тений”!

Иккинчи кўриниш

(Терговхонага зулмат чўкиб, саҳнанинг чап ярми ёришиади. Пештоққа арабча ёзувда “Янги ҳаёт” мактаб-интернати” деб ёзилган. Ўн чоғли қўйон дўйпили болалар шовқинланиб, арқон тортишида баҳслашяпти. Саҳнага узун кўк қўйлак-қора шим кийган ўн ёшлардаги Усмон Носир қўлида китоб билан кириб келади. Арқон тортаётган болалардан бири иҳраб-сихраб бақиради)

Мўйдинжон: Ўбба, ҳамшираваччалар-эй! Қуриб-эмап кеткирлар-эй! Ўсманжон, ке, ўртах, бизга қарашиборгин. Мўнови энанғди эмгирлар биздан битта кўп-та. Сен бизга қўшилсанг, посанги бўласан, хўппи?

(Усмон китобни супага ташлаб, ўйинга шавқ билан қўшилади. “Торт-торт, отангеди моли кетди! Торт-торт, иштонбўвинг кетмасин!” деган қийқириқлар. Усмон қорачадан келган Ўктам исмли сабоқдошига қараб, ҳазил аралаш “Чуҳ, қора йўргам!” деб арқонни силтайди. Тарафкашлари бу ҳазилдан завқланиб, гайратланиб, аргамчини тортиб олишиади. Рақиблари улар томон чалакам-чатти қалашиб ийқилади. “Урҳооо, биз ютдик! Урҳооо!” Болалар уст-бошларини қоқиб, нафас ростлайдилар.)

Рақиб болалардан бири (аламзадалик билан): Усмон, чапақай-да! Ўшаничун биз эвлаёлмай қолдик! Сизлар кўп иргишиламанглар! Чапақайди иши қийин! Бўймаса-ю!

Мўйдинжон (чуқур-чуқур тин олиб): Ўртах, нимага дарсхонада қопкеттинг? Чакирсам, товиш бермийсан?

Усмон: Ўртоқ, мен... яна шеър тўқидим!

Мўйдинжон: Йўғ-э, олдама, қони кўрсат! Тунов кунғи “Ҳақиқат қалами” деған шеърингмасми?

Усмон (китоб ичидан шапалоқдек қогозни олади): Мана, “Кечмиш кунларим” деб номладим.

Мўйдинжон (олдин шеърни пичирлаб ўқиб чиқади, ора-чора Усмонга қараб-қараб қўяди): Ўртах, ўзинғ ўқиб берақо. Мўнўвларам эшиксин. Эй, боллар, бақа кенғлар, Ўсманжон шеър ёзипти.

(Болалар уларни ўраб олишиади.)

Иқбол МИРЗО

Усмон (қизарип-бўзариб, ҳаяжон ичида қогозни икки қўллаб тутганча, лекин қарамасдан овози титраб, ёдаки шеър айтади):

*Мен ўксиз түгилдим,
Бир косиб отадан,
Бир гариб онадан.
Турмуши қийинди
У вақт бизга...
Бечора отам
Бойда ишларди.
Иши учун ҳар кун
Оз ҳақ оларди...
Уч нон уч жонга –
Бир кунлик озиқ...
Отам “оҳ” дерди:
“Шу экан ёзиқ...”
Овқатсиз, очикдан*

Иқбол Мирзонинг “Усмон Носир” пъесаси хусусида

Адабиёт дарвозасини ҳар ким ҳар хил йўллар билан очиб киради. Кимдир 48 варақли дафтарни тўлдириб, “Янги аср романини ёздим!” деб карнай-сурнай чалиб киради. Кимдир адабиёт оламига қандай кириб қолганини ўзи ҳам билмай, ҳар эҳтимолга қарши, бир газетага шифир, бошқасига “ҳажнома”, яна бир журналга ҳажвий ҳикоя йўллаб, ҳар икки кунда қўнғирофу билан муҳаррирнинг асабини бузиб, ниҳоят, уларнинг чоп этилишига мубаффақ бўлади ва ўзини серқирра ижодкор, деб ўйлай бошлайди. Яна кимдир дунёда на Ёзувчилар юшмаси борлигини, на чиқарган китобига қалам ҳақи берилишини ҳам билмай, “ҳужра”сидан чиқмасдан нималарнидир ёзаверади, ёзаверади, ёзаверади...

Бугун янги асари илк бор эълон қилинаётган нозиктаъб шоир Иқбол Мирзо ўзбек адабиёти оламига қачон ва қандай кириб келганини ўзи ҳам эслай олмаса ҳам керак. Телевизорга чиқиб олиб, “Мен ундаи асарларни ёздим, бундай асарларни ёздим”, демаганидек, матбуотда ҳам ҳадеганда кўринавермайди. Лекин у билан учрашиб қолсангиз, сизнинг қўлингизга ёстиқдек-ёстиқдек бўлмаса ҳам тандирдан янги чиқсан уч-тўртта китобини, гуноҳли иш қилиб қўйгандек, хижолат чекиб, тортиниб беради. Агар унинг бу китобларини варақлай бошласангиз, бири каттагина роман, иккинчиси лирик шеърлар гулдастаси, учинчиси эса турли мавзулардаги лирик шеърлар ва таржималар гулдастаси эканлигини кўриб, яйраб-қувониб кетасиз...

Яқинда мен худди шундай ҳолатни ҳис этдим. Менга совға қилган китобларининг бири “Кўзларингга термулсайдим” деган лирик шеърлар девони, иккинчиси “Кўнглингда нима бор, билмайман” деган шеърлар ва шеърий сафар таассуротлари, учинчиси эса ўзбекнинг жабрдийда, хокисор ва покдомон қизи Бону ҳақидаги ростмана роман!.. Бундан бир йилми-икки йилми олдин кўришганимизда ҳам менга “ижодий ҳисобот” сифатида иккита янги китобини ҳадя қилган эди.

*Отам оғриди.
 Күп ёттолмади,
 Ылди!..
 Уч нонсиз уч жон –
 Ўликни кўмдик.
 Отам ўлганига
 4-5 кун тўлди.
 Гадолик қилдик,
 Ўзгалар қулди.
 Уйсиз, овқатсиз
 Жуда қийналдик
 Хизматчи бўлиб.
 ...Ховлини сотдик,
 Сўнг...*

(Овози бўғилиб, тўхтаб қолади. Мўйдинжон унинг тирсагидан тутиб, кўзларига қарайди. Ўктаам Усмоннинг қўлидаги қогозни олади.)

Мен ўйлаб қолдим. “Дунёда кечаси мижжа қоқмайдиган одамлар ҳам бўлади”, деган гапларни эшишган эдим. Иқболжонга синчилаб қарадим. Йўқ, тунда эл қатори ҳордиқ оладиган одамларга ўхшайди. Фақат “илҳом париси”ни топиб олиб, шомдан саҳарга қадар шеър ёзгани-ёзган...

Иқболжон бу сафар учта китоб билан бирга битта саҳна асарининг қўллэзмасини ҳам берди. Бу Иқболжоннинг ҳамашаҳари, забардаст ўзбек шоири Усмон Носирга бағишиланган тарихий фожиа экан.

Усмон Носир ҳақида, айниқса, саҳна асарини ёзиш қишин. Муаллиф бундай асарда иложи борича тарихий ҳақиқатдан чекинмаслиги керак. Шоир чеккан азобларни кўрсатавериш ҳам томошабинни толиқтиради. Иқболжон жуда тўғри ўйлни топган. 25 ёшида ижод оламидин бадарға қилинган шоирни фақат унинг Шеърияти кўтариб туради. Бу асарнинг иккита бош қаҳрамони бор. Улардан бири – Усмон Носирнинг ўзи бўлса, иккинчиси эса – Шеърият. Баъзан Шеърият асарда Усмон Носир қиёфасида чиқиб, пора-пора этилган дил жароҳатларини очади. Баъзан Усмон Носир Шеъриятынинг шоҳона либосида гавдаланиб, ўзининг ўлмас инсоний ва ижодий қудратини кўрсатади. Агар шу асарни Олимжон Салимовдек сеҳркор режиссёр саҳнага қўйса борми, тарихий фожиани сўнмас истеъдоғнинг фожиали тантанасига айлантириб юбориши мумкин.

Асарда яна бир муҳим саҳна бор. Бу саҳнанинг шабадалари олдин ҳам ўқтин-ўқтин эсиб турган. Мен бу саҳнани “Она саҳнаси” деб атаган бўлардим. Отадан эрта етим қолган шоирни жабрдийда онаси Холамбиби катта қилган. Усмон Носир ўрта мактабни тугатар-тугатмас Москвага, Россиянинг тарихий шаҳарларига бориб, дунёни кўра бошлаган. Аксар умрини эса Тошкентда ўтказган. Ижод, дўystone гурунглар, сафарлар туфайли бу дунёдаги бирдан-бир меҳрибони Холамбигини тўйиб кўролмаган. Биз яшаган даврнинг драматик-фожиавий воқеалари шуни кўрсатдики, ҳар бир инсоннинг мингта дўсти бўлса ҳам, бирортаси Она ўрнини боса олмайди. Драматург ана шу абадий ҳақиқатни саҳна имкониятларини ҳисобга олган ҳолда спектакль финалида шундай

Иқбол МИРЗО

Болалар: – Вийий, мунча зўр!

– Юрагим қалтираб кетди.

– Қойил!

– Давоми йўқми?

Ўқтам: Давоми... сув тегиб, чапланиб кетибди...

(Ўша давр жадидларига хос кийинган устоз Ашурали Зоҳирий кириб келади.)

Болалар (жўровоз): Ассалому алайкум, муаллим!

Зоҳирий: Ваалайкум ассалом, яшанглар! Хўйёўп, бугун пайшанба, ўрисчасига нима бўлади? Ҳа, “четверг”, баракалла! Эртага қанақа кун демак? Яшанглар! Эрта жума, озодлик куни. Уйларингга боринглар, ота-она, жигарларни сухбатига қонинглар. Эртан хуфтонга қолмай қайтасизлар, маъкулми?

Болалар: Маъкул, маъкул!

Зоҳирий: Фақат хушёр бўлинглар! Кўча-кўйда нима кўп? Балли! Дайди ит кўп. Итдан баттар нима сероб? Яшанглар! Банги-қиморвуз сероб. Итни жигига тегмай, пиёнистани кайпини бузмай, ин-уяларингга тани соғ етволинглар, хўпми? Қани, борақолинглар!

(Болалар қувонч билан қийқириб, ошиқиб, тарқалишиади. Саҳнада гамгин Усмон, Мўйдинжон ва Зоҳирий қолишиади.)

Зоҳирий: Ия, тойлоклар, сизлар-чи? Усмонжон болам, ўтган сафар ҳам шетта тунаган эдингиз. Уй ичилар тинчми, ишқилиб? (Мўйдинжонга қараб.) Сиз-чи, опоқ бола? Уйингиздан олабўжи чиқдими? (Хўрсиниб.) Оналаринг айвонда йўл қараб ўтиргандир.

Усмон: Мен... шетта қолиб, китоб ўқимоқчиман. Уйда шароит йўқ.

Мўйдинжон: Унда бизикига кетдих. Бир ўзинг бейда зерикип ўларсан, ўртах.

кўрсатганки, шу саҳнагача сояда юрган Она асарнинг учинчи бош қаҳрамонига айланади. Энг муҳими, у она-Ватан тимсоли даражасига кўтарилиб, асар асосий концепциясининг очилишига муҳим ҳисса қўшади.

Асардаги яна бир муҳим масала – Терговчи билан Усмон Носир ўртасидаги “жанг” саҳналари. Қатоғон мавзуига бағишиланган қариб барча асарларда терговчилар ўта нодон, ўта жоҳил, ўта миллатчи, инсоний қиёфасини йўқотган жонивор сифатида тасвирланиб келади. Ушбу асарнинг дастлабки саҳналарида ҳам шундай аксилисон образини кўрамиз. Лекин воқеалар ривожлангани, у маҳбус шоирдан бир неча газ паст эканлигини сезгани сайин ўсиб-одамлашиб боради. У Усмон Носирнинг улкан истеъододи учун ғанимлари “шарофат”и билан қамалганини тушунади. Драматург ҳатто айрим саҳналарда ўзбек менталитетига хос айрим нуқсонларни унинг тили билан юзага чиқаради. У Усмон Носирга ўзбек халқининг бошқа илғор миллатлар таъсирида ривожканганига ургу бераб, ўзбек шоирини ижодда ҳам, ҳаётда ҳам Есенинга тақлидчи бўлиб қолганиликда айблайди. Аммо унинг ўзи ҳам Усмон Носирнинг ўзбек халқининг истеъододли фарзандларидан бири эканлигига ишонгани учун астойдил ёмон кўради. Шоирнинг қамоққа олинганини тўғри деб билади. У ана шу мустабид совет давлат тузуми қатоғон сиёсатининг фалсафиј асосларини очиб ташлайди: мустабид тузумга Шахслар, истеъододли кишилар, истеъододли халқ эмас, қуллар керак. Гидростанциялар қуриш, қўриқ ерларни очиш, миллионлаб тонна пахта ва буғдойларни етишиши учун! Терговчи Усмон Носир билан бўлган сўнгги саҳнада дилидаги шундай гапларни айтиб,

Зоҳирий: Ҳа, яшанглар! Ўртоқ дегани мана бунақа бўпти! Яхши қундаям, ёмон қундаям чин ўртоқ нима қилмайди? Балли, бир-бирини ёлғиз қўймайди. Фамташвишни ўртоғинг билан бўлишсанг, тенг ярмига камаяди. Севинчингни айтсанг, нима бўлади? Яшанглар, севинч икки карра кўпаяди. Қани, борақолинглар. Бугун ётоқ жойларингизга бир кимё дору септириб, ҳашаротларни юзини тескари килмоқчимиз. Ҳа, яшанглар! (*Чиқиб кетади.*)

Усмон: Ўртоқ, ҳалиги шеъримни давомини айтиб берайми?

Мўйдинжон: Ҳали Ўҳтам пўстак “чапланиб кеткан” деди-ю.

Усмон: Ўчиб кетгани билан... эсимда турипти. Тўгрисини айтсан, ўртоқ, шеърни аввал хотирамда ёзман, кейин қоғозга кўчираман.

Мўйдинжон: Опқочмағин, ўртаҳ. Шеър пақас қоғозга ёзилмеми? Ҳа, мейли, тезроқ ўқигин. Қонним дам бўпкетти.

Усмон: (*бироз ўйланиб тургач, титроқ товушда шеър айта бошлайди.*)

*Отам ўлди, мен сарсон бўлдим,
“Шум етим”, деб сўқдилар мени.
Ажаб қунга мубтало бўлдим,
Кўчаларга кувдилар мени...
Ўша қунлар дилимда ҳаёт
(Оғир дамни унумтиб бўлмас!)
“Тур! – дедилар. – Тур, етимча зот!”
Иложим ийқ – тураман бирпас.
Сўнгра ўзим ўзим олдимдан
Қарамасдан кулиб ўтамен.
У эски “мен” фақат ёдимда,
Энди менда яшар бошқа “мен!”*

совет давлат тузумининг тимсоли сифатида намоён бўладики, бу образ ҳам, шак-шубҳасиз, асар муаллифининг катта ютуғидир.

Мен ўзбек адабиёти баҳтига Усмон Носирларни етиштирган водий зиёлиларидан, ижодкорларидан бири Иқбол Мирзони шу катта ижодий ғалаба билан табриклайман ва севимли журналимиз мухлисларидан унинг нафақат қайноқ илҳоми, балки кўзёшлари билан ҳам яратган “Усмон Носир” трагедиясини улуғ шоир таваллудининг 110 йиллигига қилган совғаси сифати қабул қилишларини сўрайман.

Камина ўта камтарин, ўта маданиятли ва ўта истеъододли шоир Иқбол Мирзонинг “Усмон Носир” тарихий фожиасини “Шарқ юлдузи” журнали мухлисларига тавсия қилар эканман, уларнинг ҳам бу асарни ўқиб, мендек ҳайратга тушишларига ва шу қунларда қутлуғ 55 ёшига тўлган севимли шоиримизга “Усмон Носир” тарихий фожиасига ўхшаган зўр-зўр асарлар ёзиши ва бунинг учун “илҳом париси” бўлмиш келинумиз билан бирга узоқ йиллар соғсаломат яшаб, баҳтили ва саодатли турмуш кечиришларини тилашларига ишонаман.

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари доктори,
академик

Иқбол МИРЗО

(Мўйдинжон тиқиллаб йиглайди, кўзёшларини енгига артиб, Усмоннинг елкасидан қучоқлайди. Саҳнанинг орқа томонида Усмонжоннинг онаси Холамбиби гира-шира намоён бўлади. Вазмин тебраниб, дардли, ҳасратли қўшиқ куйлайди. Мўйдинжон билан Усмоннинг кейинги суҳбати шу қўшиқ садосида давом этади.)

Эй фалак, чархинг бузилсин,
Кимларга хор этдинг мени.
Майли бору, майли йўқقا
Интизор этдинг мени.
Интизорлик торта-торта
Танда тоқат колмади.
Йўлчивиндек саргайиб
Учарга ҳолат қолмади.

Мўйдинжон: Ўртах, нима, аянғди соғинмисанми?

Усмон (уф тортиб): Соғинаман, синглим Иношният ўлгудай яхши кўраман. Жуда соғиндим-да... Лекин...

Мўйдинжон: Ўртах, туврисини эт, ўгей отанг ёмон қарейми сенга?

Усмон: Ёмон қарашам гапми? Кўргани кўзи йўқ. Нима айбим боракан, билмайман. Уйига борсам, кейин аямга зулм қиласади. Бўлмаса, ҳамма юмушларини бажараман. Аямни роҳати учун, ота розилиги учун тинмай уй ишларини қиласаман. Нетай... Хўқизга салла ўрасанг ҳам сузаркан, эшакка чопон ёпганинг билан тепаркан.

Мўйдинжон: Йўғ-э, нусқасидан ёмон одамга ўхшамейди-ю.

Усмон: Ёмон... одамга ўхшамайди, ха.

Мўйдинжон (кулади): Шеттаям бурама гап қиласан-а, Ўсманжон? Кеттих бизикига, юр...

Учинчи кўриниш

(Саҳнанинг ўнг томони ёришиб, яна терговхона кўринади. Манзара биринчи пардадагидек.)

Терговчи: Вой-бўй, “гений!”, тирноқларинг қани? Яна девор тимдаладингми?

Усмон Носир (юзини ўғиради): Агар эркак бўлиб қўлимдаги кишсанни ечсанг, кўрсатаман нима бўлганини!

Терговчи: Сени тилинггаям кишан солиш керак. Назоратчини нега урдинг?

Усмон Носир: Айтдиму, онамни сўқди.

Терговчи: Нима бўпти? Сўккани билан сўқилиб қолармиди? Бизда, масалан, сўкмай гапирсанг хурматсизлик хисобланади.

Усмон Носир: Унда нега Сталинни сўқди деб менга айб қўйяпсан? Нега?!

Терговчи: Сен халклар отасини сўқмагансан, хақорат қилгансан. Иккови бошқа-бошқа масала. Нима деганинг эсингдами?

Усмон Носир: Минг марта айтдим, ёзиб ҳам бердим, Сталинни маҳалламдаги бўёқчи жуҳудга ўхшатганман. Шу, холос.

Терговчи (Ўрнидан сапчиб туради): Нима?! Шу, холос?! Биласанми, сен айтган бўёқчи-мўёқчиларнинг миллионтаси ўртоқ Сталиннинг ҳаром тукига арзимайди! Дохийни кимгadir ўхшатиш сен иприскига тушиб қолдими? Манави қовоқаллангга тўппончани тираб тепкини босиш учун ана шу ўхшатишингни ўзи етади!

Усмон Носир: Отсанг от! Жонимга тегдинг! Ҳаммангга тупурдим! Туфу!

Терговчи (ёнидан револьверни чиқариб, отмоқчидай ўқталауди. Кейин дастаси билан Усмон Носирнинг бошига уради): Сенга ўқ ҳайф! Сен Пушкин эмассан!

Усмон Носир (ўрнидан турмоқчи, кишини силтаб узмоқчи бўлади): Номард! Хунаса! Зўр бўлсанг, бир мартаға қўлимни еч! Кўрсатаман сенга ўзбекни муштини!

Терговчи: Сен қачон тилни тийишни ўрганасан? (Пауза.) Тўғри, энди кеч... Бўларинг бўлган, кунинг битган...

Усмон Носир: Ҳали судда кўрасан – очиқ суд қилишганда. Шунақа гапларим бо-ор...

Терговчи (қаҳқаҳа отиб кулади): Ҳа, содда сарт-а! Кимга ишоняпсан? Нимадан умид киляпсан? Судменман! Ҳукмингни чиқариб бўлганман. Сендақа олифталарни, миллатим дейдиган, Туркистоним деб қўксига урадиган жипириқларни жойи жаҳаннамда! (Тамаки тутатади. Пауза.) Менга қара, оғайничалиш, ҳалиги... Чўлпонинг зўрми ё сенми?

Усмон Носир: Чўлпон... устозим. Тириклар орасида ундан зўр шоир йўқ.

Терговчи: У ҳозир қаерда, биласанми? Ертўлада... Ит азобида ётиби. Жулқунбой деган тили заҳар ёзувчингни шунақа эзишдики, шунақа дабдала килишдики, ана кетар-мана кетар бўп ётиби.

Усмон Носир: Маразлар! Ҳайвонлар! Чўчқалар! Сенларгаям Худо бордир!

Терговчи: Афсус... Ҳамза Ҳакимзода деган жадидингга улгурмай қолдим-да! Эртароқ жаҳаннамга равона қивориши. Ўшани сухбатини бир олмоқчидим.

Усмон Носир: Унда нима қасдинг бориди, қанжиқ ит!

Терговчи (Яна уради. Кейин гўё ҳеч нарса бўлмагандай хотиржам сўзлайди): Қанжиқ ит сени насабинг бўлади, тушундингми сартвачча?! (Эшикочилиб, терговчи ёрдамчиси кириб келади. Усмон Носирга қараганча, қўлидаги қогозни терговчига узатади. Терговчи вараққа термилиб, гапида беихтиёр давом этади.) Ҳамза... хмм, Ҳакимзода Ниёзий, Нихон... хмм... “Яша, Турон” деб ёзган ўша Ҳамзами?

Терговчи ёрдамчиси (таажжублануб): Қанақа Ҳамза? (Қогознинг четидан тутиб, энгашиб қарайди.) Йўқ, Ҳамзамас, Абдурауф Фитрат-ку...

Терговчи (унга ўқраяди ва қогозга имзо чеккач, боши билан “чиқ” ишорасини қиласди): Ҳмм... Лаънати Ҳамза! Йигирма тўртингчи йилги чегаралашни сиёсий хато деган фитначи ўшамиди? Туркистонни нега парчалаб ташладинг, деб кимсан Ленинга қарши чиққан шаккокми? Жадидбошилардан бири бўлиб, миллатини уйғотмоқчи бўлган ўша гўрсўхтами?! Ёмон кўраман! Қани энди қўлимга тушганда-ю, суюкларини мижиқлаб-мижиқлаб сен айтган итларга егизардим!

Усмон Носир: Ҳа, сенлар сопини ўзидан чиқариб, сотқинларга оттиргансан. Кейин, “Тошибўрон қилиб ўлдирди”, деб Фаргона уламоларини, кўрбошиларини балогардон қилгансанлар... Чиябўрилар! Муханнаслар!

Терговчи: Оғайничалиш, биз деворни йиқиладиган тарафига қаратиб итарамиз. Уни гумдан қилишга қўнгилли миллатдошларинг жон деб ёрдам беришган. Умуман, Худо урган эл экансизлар, бирлашмайсан, бир-бирингни қўлламайсан, ичининг тўла ҳасад... бирор кўрмаса, ҳаромдан ҳазар йўқ. Ҳамманг ўғри, иккюзламачи, кўрқоқсан... Йўқ, де-чи! Индамайсан! Рост гап тошни тешади. Сенларни тарихингни, феълингни сув килиб ичворганман. “Яша, Шўро, яша, Шўро, сен яшайтургон замон!” Қалай, “гений”?

Усмон Носир: “Яша, Турон...”

Тўртинчи кўриниши

(Терговхонага зулмат чўкади. Саҳнанинг чап томони ёришиб, “Дорул-шафақа” мактаби кўзга ташланади. Синфхона. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўсмир Усмон Носирнинг сабоқдошларига шеър ўқиб беряпти. Ёнида Пўлат Қаюм, Қори Ниёзий, Ашурали Зоҳирий ва Субҳий афанди.)

Ҳамза:

Яши ҳолин йўқотган, оқибатсиз Туркистон,
Истиқболин ушотган, оғиятсиз Туркистон,
Ўз жисмига ўқ отган, ҳамиятсиз Туркистон,
Зиллат лойига ботган, эй, гайратсиз Туркистон,
Зулмат тоши ёғилса-да, кўзи очилмас,
Руҳсиз тандир, ханжар урса қони сочилмас!

Қори Ниёзий: Оҳ-оҳ, бале!

Ҳамза:

Ўзгалар миллати-чун моли жон ила қурбон,
Фикру донииш иўлида бағру жигари бирён.
Бору йўқни қулурлар илм иўлига эҳсон,
Ажаб, бизни Туркистон доим ер бирла яксон.
Зулмат тоши ёғилса-да, кўзи очилмас,
Руҳсиз тандир, ханжар урса қони сочилмас!

Эсиз, эсиз Туркистон, қани авалги ҳоли?
Оlamга зиё берган ул хуршиди иқболи.
Абри гафлат қуршиди, тун бўлди истиқболи,
Хўр бўлса миллатимиз, тутмасмикан уволи?
Зулмат тоши ёғилса-да, кўзи очилмас,
Руҳсиз тандир, ханжар урса қони сочилмас!

(Шеър давомида муаллимлар “Бале!”, “Офарин!”, “Тасанно!”, “Чўх гўзал!” каби рагбат бериб турадилар. Ўқувчилар маҳлиё, айниқса, Усмон Носир ҳайратдан қотиб қолган. Шеър якунида гулдурос қарсак чалинади, ҳамма ўрнидан даст туради.)

Пўлат Қаюм: Кўп ибратли, аччик ва фасоҳатли шеър битибсиз, Ҳамзахон aka! Аммо захри бироз ортуқ туюлди.

Ҳамза: Қуллуқ, Пўлатхон! Нетай, шу кунларда юрагим тўла захру зардоб...

Ашурали Зоҳирий: Ҳамзахон, кўнгилни кенгрок тутинг. Бу гапларни сўнгроқ гаплашурмиз. “Санойи нафиса” тўгарагимиз учун маслаҳат-кенгаш беринг. Шеър қандай тўкилур, замонанинг етук адиллари кимдур сиз учун? Шундан сўйласангиз.

Ҳамза: Мен учун адид аҳли демак фақат шеър тўкигучиларгина эмас. Аввал, шеър нечун керак, зарурати недур деган саволга жавоб топайлик. Бир даврда, қадимда ғазал хотун кишига мақтав, хушомад деб қаралган. Адабиёт кўнгил хушлаш учун саналган. Тўғри, Навоий ҳазрат бу қарашни тафаккур ва тарбия томон бурди. Аммо ҳанузки, қалам аҳли шеърни эрмак қилиб келурлар.

Пўлат Қаюм: Ҳамзахон ака, тасаддуқ, Гулханий, Муқимий ва Фурқатнинг ҳажви-чи?

Ҳамза: Фақат ҳажв қилмоқ, муаммони кулгига олмоқ кифоят қилмас. Адиб бор-бўйи, ҳар сўзи бирла зиё тарқатмоғи, тарбия бермоғи шарт. Тарбияки, улуғ мақсадга – миллатни бир бутун қилмоқ, мамлакат яхлитлигини асрамоқ, раъиятни илфори замон мартабасига кўтармоқ демак. Шу йўсин мен замоннинг энг илгор адиби деб Исломил Гаспиралини танийман. Мен ундан юрт нима, миллат нима, Туркистон не, туркийлар ким – ўргандим.

Ашурали Зоҳирий: Ҳамзахон, ўқигувчиларга “Тошбақа ва чаён” масалингизни айтиб беринг. Хўб ажойиб холосангиз бор.

Ҳамза: У масалларимни ўзингиз ўқиб берсангиз ҳам бўлар. Ҳозир мен бу йигитчаларга юрагимни кон қилган бугуннинг масалидан сўзламакчиман. Мен бугундан эътиборан бу давлат ишларига истеъро бердим. Бас, мен бу турлук иккиюзли, мунофиқ ва разил ҳукуматга хизмат қилмасман.

Ашурали Зоҳирий: Ҳай, ҳай, Ҳамзахон, шайтонга ҳай беринг!

Ҳамза: Қайси бир шайтонни айтасиз, қайси бирига ҳай берай?!

Пўлат Қаюм: Устоз, сўзларингиз бу норасидаларга оғирлик қилмасмикан?

Ҳамза: Кимга айтай?! Ким мени тушунади?! Биз суюк-суюгига қўрқув уриб кетган, қон-қонига хиёнат шимишган бир элатмиз. Йўқса, бу нав осон алданиб қолмасдик. Бизга ҳар бир миллий жумхурият ўз тақдирини ўзи белгилайди, ички ишига аралашмаймиз деб қасам бердилар. Энди-чи? Дунёнинг энг йирик салтанати бўлган Туркистонимизни ҳар турли сунъий ном ила парчалаб ташладилар. Мен бундай адолатсизликка, риёкорликка муроса қилолмайман. (*Бироз тин олиб*) Мени сўзларим бу қоракўзларнинг ҳеч йўқ биттасининг кўнглида яшаб қолса ҳам минг розиман. (*Усмон Носирга қарайди*) Сен, ўғлим, бу ёққа чиқ-чи! Темур ким, биласанми? Бобур-чи? Навоийни ўқиганмисан? Туронни эшитганмисан? “Шажараи турк”ни вараклаб кўрдингми? Ўқи ва уқ, холоса қил. Бу хаёт шафқатсиз курашдан иборат. Номард кўп, ўғлим, сотқин кўп. Ҳаётинг олдинда, фақат ҳушёр бўл. (“Яша, Турон” қўшиги янграйди)

Бешинчи кўриниш

(*Терговхона ёришиади. Аввалги ҳолат: Усмон Носир кишинбанд, ёқавайрон. Лаблари четидан қон сизган. Терговчи қўлидаги таёқни четга отади.*)

Терговчи (захарханда қилиб): Ҳўш, жаноб Носиров, энди нима дейдилар? Аксилинқилоб тарғиботи билан қачондан бери машғулсиз? Дастрлабки тўдабошингиз ким? Ҳамтоворкларингиз? Шогирдларингиз? (*Столга шаптат уради. Усмон Носир “қилт” этмаганини кўриб, тутақиб, бақира кетади*) Ўв, “гений”! Бу саволлар ҳаммаси сени тилингда айтганда риторик саволлар! Ҳаммасини биламиз! Ҳатто сен билмаган нарсаларниям! Ўшанчун НКВД деб қўйибди! Ҳаммаси бизни кафтишимизда! Худо ҳам, пайғамбар ҳам ўзимиз! Қоғозга кўл қўй! Бўлди, кейин сени тинч қўйман! Бўл!

Усмон Носир: Қўйганман! Аллақачон қўйганман!

Терговчи: Қачон? Мендан аввалги терговчилар ҳам “Итдек қайсар экан, тирноғи орасига игна тикиб ҳам, рецидивистлар камерасида каламушларга талатиб ҳам, оч қўйиб, калтаклаб ҳам синдирилмадик” дейишганди-ку! Ўшанчун менга топширишганди-ю сени! Қачон, кимни назорати пайти кўл қўйгансан?

Иқбол МИРЗО

Усмон Носир: Аллақачон, қамалмасымдан анча бурун күйганиман! Ҳамманга күйганиман!

(Терговчи сүз ўйинини тушуниб, таёкни олиб, беаёв савалай кетади. Чарчагач, жойига ўтириб, тамаки тутатади. Пауза. Усмон Носир оғир хириллаб нафас олади.)

Терговчи: Күл құясанми, бошқами, аслида буни бир тийинлик қиймати йўқ. Ўзимиз ҳам ўхшатиб құяверамиз. Ким текширади? Ким сўрайди? Кимни нима иши бор? Агар бирорта валломат қизиқиб қолсаям, жазаси бир жуфт мушт ёки манави таёк...

Усмон Носир: Мени очик суд қилишингизни, халқим олдида сўроқ қилишингизни талаб қиласман! Бошқа гапим йўқ! Мен очлик эълон қиласман!

Терговчи (оёқларини стол устига қўйиб чалишитиради, ҳуштакда “Интернационал”ни чалади): Майли, баттар бўл! Бир савол: ўйлаб қолдим, нега ҳужжатларда Носировсану, шеърларингга Усмон Носир деб қўясан?

Усмон Носир: Бу тахаллус.

Терговчи: Тахаллус жонивор сал бошқачароқ, маънолироқ бўлмайдими? Масалан, Маяковский, Максим Горький, Демьян Бедний... Уларда ғоявий ишора бор. Ёки ҳамқишлоғим Есенинга ўхшаб насабингни ўзгартирмасдан ёзаверсанг ўлармидинг?

Усмон Носир: Сен Рязанданмисан?

Терговчи: Ҳа, айнан Константиновданман. Сергун билан мактабдошман. Лекин бу билан фаҳрланмайман, аксинча, шоирларни ёмон кўришим, нафрлатанишимга сабаб ўша Есенининг бўлади.

Усмон Носир: Ҳа, сениям ясаганми дейман-да!

Терговчи: Ароқхўр, қиморбоз, хотинбоз... Хуллас, “боз-боз...”, бетайн ёт унсур эди. Кўп ичганидан восвос бўлиб, ўзини осиб қўйган. Умуман олганда, яхши қилган.

Усмон Носир (ўқрайиб, нафрат билан): Балки у ўзини осмагандир. Балки... ёрдам бервортандирсизлар?

Терговчи (ҳушёр тортиб, Усмон Носирга синчиклаб қарайди. Оёгини йигиб, ўрнидан туради. Тамаки тутатади. Ўйчан у ёқдан-бу ёққа юриб): Балки, балки... балки, балки...

Усмон Носир: Эхх! Номард дунё! Эхх! Одамни боласи-я!

Терговчи (бепарво): Шундай қилиб, “гений” жаноби олийлари, Носировдан “ов”ни олиб ташлаб, тахаллус ясадим дегин-а? Жуда ишониб кетдим-да! (Кескин қайрилиб, қўлидаги таёқ билан Усмон Носирнинг иягидан кўтариб, кўзларига қарайди.) Бизни шунчалик овсар деб ўйлайсанми, а?! Фамилиянгдаги “ов” қўшимчаси русча бўлгани учун опташлагансан. Шунчалик бизни ёмон кўрасан! Сенга маданият, мактаб, маърифат олиб келган шўро миллатини ёмон кўрасан. Тахаллусмиш-а? Сенга манави Ильич чирокларини олиб келган марҳаматли зотлардан нафрлатланасан! Манави чирокни! (Қўлидаги таёқ билан лампани уриб синдиради. Зулмат чўқади.)

Олтинчи қўриниш

(Саҳна ёришиганда, ярми яктакли, ярми яктаксиз бир тўп ўсмирлар латтадан ясалган тўпда футбол ўйнашияти. Ҳакам мактаб директори Мухтор Муҳаммадий.)

Мухтор Мұхаммадий: Тұхтанглар, (әңгашыб, түпни олиб, құлтиқлады). Нече марта айтдым, барака топтурлар, бу футбол, оёқ үйини, “Эшак минди” мас. Сен, Үкташиб, нега ҳадеб рақибларингни устига иргийсан? Сен-чи, Собиржон, рақиб равоти колиб, нұқул үзингникига тепяпсан. Ундан күра, Усмонхон билан үрин алишиб, нариги жамоада үйна!

Мұйдінжон: Туври, Үсман бизга үтсін. Энанғди эмгір, түпти үнг аёхтаям, чапидаям баравар тепади. Маалим, шу инсонтанми? Бизга үхшаб пақас үнғида тепсин. Довлатти иши үйинчахми? (*Болалар кулишади.*)

Мухтор Мұхаммадий: Оббо, сен-эй! Менға қаранглар, агар үйинни яхши ўрганиб олсаларинг, Күқон ишчилар жамоаси билан үйнаймиз.

Собир: Июв, ростанми домла? Улар бизни лойпасиллоқ қибташлашса керак. Оқпошшо давридан бери түп тепишиади-ю! Үзларини ажриқ әкілган үйин майдониям бор. Акам билан Бақа Чорсидан түти сотволиб қайтаёттанды күрганман. Бизи мактабға үнта келар-ов...

Усмон: Боллар, агар астайдил бўлсак, албатта, ютамиз. Ҳамма гап иштиёқ ва интизомда. Фақат...

Мухтор Мұхаммадий: Нима фақат? Айтаверинг, Усмонхон.

Усмон: Ҳақиқий дамлама түп бўлсайди, теридан тикилган...

Мұйдінжон (қийқириб кулворади): Мабодо қўчқарди пуфаги бўмайдими? Сув қуйиб тепса, шилқиллаб жуда кетатта, қаттиғам тиймейди.

Усмон: Пуфагингни чойхалта қил, тушундингми? Батта жиддий гап кетяпти.

Мухтор Мұхаммадий: Усмонхон, мен бир бозор оралаб суриштирай, агар топсам топдим, топмасам махсидўз Шукрулло жуволдизга айтиб, тикирамиз. Ё ишчи тўптепарлардан дараклайман. Топамиз-да ишқилиб. Ўзимам қизиқиб қолдим.

Усмон: Менам сиз билан борсам дувдим, муаллим.

Мухтор Мұхаммадий: Сиз китобингизни ўқинг, Усмонхон. Тўп тепиши бир эрмак – чаққон, соглом бўлиш учун. Ҳалиги, шеър ёзишга үхшаган. Асосийси, илм...

Усмон: Муаллим, узр-ку, лекин мен учун шеър эрмак эмас.

Мухтор Мұхаммадий: Лаббай, нима дедилар? “Эрмак эмас?”

Усмон: Ҳа, жиддий иш. Асосий масала деб ўйлайман. Шеърсиз ҳаётни ранги ўчади.

Мухтор Мұхаммадий: Йўқ-е?

Усмон: Худо урсин!

Мухтор Мұхаммадий (атрофга аланглаб): Ҳай-ҳай, болам-а! Қасам ҳечам керакмас-да. Бўлди, ишондим.

Мадамин: Менгаям шеър эрмак эмас. Жиддий масала. Мениям Худо урсин!

Мухтор Мұхаммадий: Оббо! Қасамхўр қиморвозлар даврасига тушиб қолдимми дейман? Шу онт ичиб, ишонтирадиган нарсами? Қойилмақом қилиб ёзинглар, кейин ўз-ўзидан ишонаверамиз. Тавбангдан кетай. Ҳай, сиз, Усмонхон, таъби назм эгасисиз, ҳаммамизга аён. “Бизнинг қўзги” деворий газетимизда бот-бот, бинойидай чиқиб турибсиз. “Санойи нафиса” тўгарагимизни пешқадамисиз. Тадбирларни шеърингиз атиргулдай безайди. Лекин Мадаминжонни иқтидоридан сал ғофилроқ қопмиз чоғи.

Мадамин: Энди кўрсатаман!

Мұйдінжон: Нимани кўрсатасан? Ай-яй-яй бўмейми? (*Ҳамма кулади.*)

Иқбол МИРЗО

Мадамин: Шоирлигимни кўрсатаман демокчиман, дурбин! Мен ҳам зўр шоир бўламан!

Муҳтор Муҳаммадий: Ха, балли. Сизни тўгрисўзлигингиз, қатъиятингизга қойилмиз. Кимдир мулла Собир Абдулонинг кутубхонасидан Фузулий девонини ҳардамхаёллик билан кўлтиқлаб, обкетиб қолганда, сиз қайтариб обориб бериб, яна узр ҳам сўрагансиз.

Усмон (қизарид): Муаллим, эртасига ўзим ҳам бориб кечирим сўраганман.

Муҳтор Муҳаммадий: Бу иш у қадар айблик эмас. Сиз китобни азбаройи Фузулий ғазалларидан маст бўлиб беихтиёр олгансиз. Мастиқдаги хато катта гуноҳ саналмайди. Фузулий ўзи айтмишки, “*Бан сани ишиқингда мастмен, бас гуноҳим не дурур?*”

Усмон: Тўппа-тўгри, устоз.

Муҳтор Муҳаммадий: Фузулий, бу шоирнинг тахаллуси. Бас, сизлар ҳам шеър йўлига кирибсиз, демак, киройи тахаллус жоиз. (*Атрофдаги болаларга қараб ҳазиллашади.*) Ё мени гапим тўғрими?

Болалар (сакрашиб): Тўғри, тўғри...

Муҳтор Муҳаммадий: Усмонхон, насабингиз қоғозда Носиров ёзилган-а?

Усмон: Тўппа-тўгри, устоз.

Муҳтор Муҳаммадий: Демак, сиз Усмон Носирий бўласиз.

Усмон: Устоз, “ий”си нега керак? Усмон Носир бўлақолай.

Муҳтор Муҳаммадий: Ҳаа, замонавийроқ бўлади дейсиз-да.

Мадамин: Менгаям замонавийроғидан топайлик, муаллим, илтимос.

Муҳтор Муҳаммадий: Ҳаа, шоли баҳона, а? (*Кулиб болаларга қарайди.*) Бовужуд, балки ҳар бирингизга тахаллус кўйиб чиқармиз? Бугун “Буюк тахаллус куни” бўлиб тарихда қолсин...

Ўқтам: Бизга керакмас, ҳаммамизни бир чиройли лақабимиз бор. (*Ёнидаги болага қараб.*) Тўғрими, мўнди?

Бола: Ўроқдай тўғри, пўстак.

Муҳтор Муҳаммадий: Лақаб эскилик сарқити. Қадимда авомнинг насаби ёзилмаган, шунга касби-кори, кўриниши, қилиғига қараб лақаб тўқилган. Бирорни бирордан айриб олиш учун.

Мўйдинжон: Бизи гузардоғи Ислеял кандиҳти чойхонасида нуқул лақаб бўйича асқия кетади. Мазаққа атейлаптан ҳалидоқо отларди ёпиширишади. Ўтириши охири солишишминан тугейди. Раса маза қип томаша қиволамиз.

Муҳтор Муҳаммадий: Ўзи, сени ҳаммага гапинг асқия. Боғдодни қайси қишлоғидан эдинг, Мўйдинжон?

Мўйдинжон: Чичқон қишлиҳтаң, домла, билмесми?

Муҳтор Муҳаммадий (кулиб): Биламан, биламан. Ҳай, асқия ўз йўлига. Ҳозир сизлар учун бундай майнавозчилик эп эмас. Айниқса, бизнинг зиё масканимизда. (*Мадаминга юзланади.*) Сиз, Мадаминжонсиз, насабингиз дафтартга Умаров битилган. Замонавий бўлса, Амин Умар бўлади-да! Болалар, ё мени гапим тўғрими?

Болалар: Тўғри, тўғри... Амин Умар, Амин Умар...

Мадамин: Менга кўпроқ Умарий ёқади. Амин Умарий бўлақолсин, устоз, сиздан нима кетди?

Муҳтор Муҳаммадий: Олақолинг, мендан нима кетди, Амин Умарий бўлақолинг. (*Жиддий қиёфада.*) Бир кун келиб бу тахаллуслар ўзга маъно касб этади. Ўша кунларга бешикаст, беталафот етайлик. Амин Умарий, Усмон Носир...

Иккинчи парда

Еттинчи кўриниш

(Саҳна ёришади. Терговхона. Дастлабки саҳналардаги манзара.)

Терговчи: Московни асқия қилиб, нималар деб валдираганинг эсингдами?

Усмон Носир: Ҳазиллашганман. Гап келгандা...

Терговчи: Бу шунчаки ҳазил эмас. Сени миллатчи эканингга, бизни ёмон кўришингга яққол далил. Нимаймиш, “Маст кўп бўлгани учун “Масткўп” дейилганмиш! Нима, сенинг Кўқонингда ичишмайдими? Дининг тақиқлагани билан қадимдан бўза, қимбиз... ха, нега ишшаясан, нотўғри талафуз қилдимми?

Усмон Носир: Қимиз...

Терговчи: Ҳа, тўғри, қимиз... лекин сен устимдан кулма! Мен ўзбекмасман, раҳмат десанг-чи сени тилингни шунчалик билиб олганимга... Ўзингни ўзбекларинг ўз тилидан ор қилишни бошлаган. Бизни миллатдошларга уйланиш урф бўлганига сабаб ҳам шу! Хўп, мавзуга қайтамиз... Қимиз, май, шароб, мусаллас, вай-бўй, турини қўплигини қара! Қора халқ яширинча, зодагонларинг ошкора “тортиб” келган. Адабиётинг ҳам бошдан-оёқ шаробга ботирилган. Йўқ дегин, бекорчи гап дегин! Бертельсни бизам ўқиганмиз.

Усмон Носир: Тасаввудаги май-шароб бошқа нарса. У тимсол. Қадимда ҳеч ким пиёниста бўлиб, кўчада думалаб ётмаган. Алкашлар кейинги йилларда пайдо бўлди.

Терговчи: Ўзинг-чи? Ичишда унча-мунча мужикни ярим йўлда қолдириб кетасан. Москвада ичволиб, қанча жанжал қўтартганинг, муштлашиб милицияга тушганинг ҳақида далиллар бор. Яна, ўзингга идеал қилиб пиёниста, восвос Есенинни танлаганинг-чи? Пес песни қоронгида топади-да. Есенин танда қўйган “Стойло Пегаса” майхонасини такягоҳ қилганинг-чи? Топган пири муршидингни қара! Кейин Есениннинг “Богема” маразини Тошкентда тарғиб қилганинг, безориликни ҳунарга айлантирганинг-чи?

Усмон Носир: Тўғри, ичганим, ружу қўйганим бор гап. Шоир шунақа безори бўлиши керак, ўзининг хос дунёсида яшаши шарт деб ўйлаганман. Қолаверса, шухрат қанотида ҳаволаниб кетганимни ҳам тан оламан.

Терговчи: Отангга раҳмат! Боракансану! Тан оларкансану, ўғил бола! Бўларкану!

Усмон Носир: Лекин бу қилмишларим мени қамашга асос бўлолмайди. Мен Тангри хузурида гуноҳкорман, лекин бандаси олдида зигирча айбли эмасман.

Терговчи: Оббо! Пластишка яна тескари айланаб кетди-ю! Хўп, (столга шапнатлади) энди нозикрок мавзуга ўтамиз, қизлар масаласи. Бу борадаям айбинг йўқми?

Усмон Носир: Бу жиноят эмас, мен бирорни зўрлаган эмасман.

Терговчи: Лекин хўрлагансан! Тўғрими?! Ёлғон деб кўр-чи! Сени ўзбекнинг Пушкини эмас, Дон Жуани дейиш керак! (Ўрнидан туради, образга кириб масхараомуз шеър ўқийди.) “Севгим бирор қизда тинмаган ҳали...”

Саккизинчи кўриниш

(Терговхонага зулмат чўқади. Саҳнанинг чап томони ёришади. Їш Усмон Носир залга қараб, у ёқдан-бу ёққа юриб, ёниб шеър ўқияпти.)

*Севги! Сенинг ширин тилингдан
Ким ўпмаган, ким тишламаган?
Дардинг ёйдай тилиб кўксидан,
Ким қалбидан қонлар тўймаган?*

*Сени яхии биламан, гўзал,
Петраркани ўқиганим бор,
Буюк Римнинг Санфоси азал
Хаёлимни ошиқдай тортар.*

*Биламанки, Тассо бечора
Роҳат кўрмай ўтган бир умр.
Эй, маккора қиз, Леонора,
Номи қора билан ёзилгур!..*

*Балки, гулдан яралган пари,
Тош кўнгилли Биатричи –
“Гадосан!” деб қочмаса нари
Данте баҳтили бўларди пичи?!?*

*Балки Ҳамлет ойдин тунларда
Офелияни эркалатарди,
Балки узун сочини силаб
Аzonгача эртак айтарди.*

*Агар хиёнатни билмаса,
Ёқмаса фожиа юрагин,
Йўқ, йўқ, шоир! Гар шундай бўлса
Шекспирнинг йўқди кераги!*

*Дездемона, гуноҳсиз дилбар,
Жигар қонларингни ичган ким?
Биламан – Отелло, биламан...
Отелло ҳақлами?.. Шоир жим!..*

*Жим!.. Уфқдан ботар қуёшини
Шарт кесилган бошга ўхшатдим.
Парча-парча қуйған шафақлар
Тирқираган қонни эслатди!*

*Қандай қўрқинч! Қандай қабоҳат!
Мумкин эмас ҳеч қийналмасдан!
Ақлидан озганми муҳаббат?
Мумкин эмас, қарши турмасдан!*

*Мумкин эмас, эй олий жсаноб,
Неча юракни айлаб хароб,
Шоҳона тож кийған муҳаббат,
Мумкин эмас! Қандай қабоҳат –*

*Ки, одамнинг ўзингинамас,
Ҳиссини ҳам ҳароб қилса давр!
Қийналаман!.. Юрагимда ҳавр –
Бу қаршилик! Йўқ! Гина эмас!*

*Бу қаршилик! Кўринг тарихни –
Парвонадек қаноти кўйган.
Бу қаршилик! Кўринг тарихни –
Умр тенасида мушт туйган...*

*Қийналаман виждан билан ман –
Мумкин эмас қарши турмасдан
Ўз зиммамга катта иши олдим;
Эҳтимолки, тамом қилмасдан –*

*Умрим тугар. Аммо бўлмайди
(Кўнглим ўрнига ҳеч тушибмайди!)
Сенга қарши бош кўтармасдан,
Асрларни йиғлатган севги!*

(Қарсақлар, олқишилар, “офарин!”, “қойил!” деган хитоблар янграйди. Бир дона қизил атиргул тутган Насима залдан югуриб чиқади. Усмон Носирга аввал қўл, кейин гул тутади. Шоир гулни олиб, ҳидлаб, ўтиб, Насимага қайтариб беради. Сўнг саҳнага ярим қоронгулик чўкиб, иккиси қўлтиқлашиб, саир қилишиади.)

Насима (ҳаяжонда): Зўрсиз, даҳосиз, Усмон ака!

Усмон Носир: Сен сабаб, Насимам! Сен сабаб!

Насима: Вой, нега мен сабаб бўлай? Менгача ҳам ажойиб шеърлар, достонлар ёзиб юргансиз-ку!

Усмон Носир: У ҳавас эди, ҳаваскор қаламкашнинг машқлари эди.

Насима: Энди-чи?

Усмон Носир: Энди ёзганларимга ўзим ҳам суқланаман. Ўқиб, маза қиласман. (Қўлларини кўкка кўтариб хитоб қиласди.) Эхх! (Киз чўчиб, ўзини орқага олади.) Ха, нега сакраб тушдинг?

Насима: Билмасам... Ҳалиям юрагимда ҳадик бор. Бирдан, кутилмагандан хувв бирдагидай шапалоқлаб қоласизми дейман. (Кулади.)

Усмон Носир: Ўшанда мен ҳақ эдим.

Насима: Нега? Мени нима айбим бориди?

Усмон Носир: Учрашувга таклиф қилса, хўп деб югуриб чиқаверасанми? Ўзбек қизи, мусулмонни боласи...

Насима: Вой, бегона одам эмас, сиз ўзингиз таклиф қилгансиз-ку! Нега чиқмас эканман?

Усмон Носир: У пайт менинг кимлигимни билмасдинг-ку! Ўшанга жаҳлим чиқкан. Синамоққа таклиф қилгандим. Сен бўлсанг...

Насима: Сизни ўшандаям жуда яхши билардим. Гарчи биринчи марта кўриб турган бўлсамам, ғойибона танирдим. Шеърларингиздан кимлигингиз, юрагингиз, феълингиз кўриниб туради.

Иқбол МИРЗО

Усмон Носир: Ҳалиям фикринг ўзгармадими? Ўзим ҳам шеърларимга ўхшайманми?

Насима: Жудаям. Икки кўзингиздай.

Усмон Носир: Эҳҳ! Қандай яхши! Сени шундай париваш севса, ишонса, тан олса! Бундан ортиқ баҳт борми? Сен мен учун илҳом парисисан, сени топдиму, ўзимни йўқотдим. Сен сабаб илҳомим дарёдай жўшди. Уни тизгинлай олмайман. Эҳҳ! Шеър шаршарадай қуилилиб келадиган бўлди. Раҳмат сенга, Насимам, ўзимнинг фариштагинам! (*Қизнинг қўлини ўпади.*)

Тўққизинчи қўриниш

(Сахна қоронгилашиб, терговхона ёришиади. Терговчи панада. Усмон Носир кишинбанд. Пичирлаб, беҳол шеър айтади.)

Ҳали гул ёшлигим шамолдай ўйнар,
Севгим бирон қизда тинмаган ҳали.
Ҳали сочим қора, ишқ-ла тараиман,
Оппоқ қирров дона инмаган ҳали.
Ҳали тугилганинг йўқ, ўғлим Кундуз,
Она бўлиб бирор келган йўқ уйга.
Бола тўғрисида бир шеър битириб,
Чарчаб ухлаганда, кирдинг тушибимга...

Терговчи (столга шапатилаб, шеърни бўлади): Қандай орзуманд мисралар! Қандай қанотли, тиник байтлар! Аммо... шундай баланд шеърларни сендай тубан кимса ёзгани ҳайратланарли. Бу гапларим шу ердан ташқарига ҳеч қачон чиқмаслигини билганим учун айтаман. Мен ҳам ёшлиқда шеър ёзардим. Яхши ёзардим. Лекин анави Серёгани кўрганимдан кейин йигишитирғанман. Аблаҳ бўлсаем, буюклигини сезганман. Шунинг соясида қобкетмай деб бошқа ишни бошини тутганман...

Усмон Носир: Тўғри қилгансан. Қолаверса, шоирлик қисмат. Бу йўлни сен танламайсан. Юқоридан, сен ўйлагандан кўра юқорироқдан Ўзи танлайди.

Терговчи: Сал одамга ўхшаб гапирса, дарров баландпарвоз, сийқа оҳангга ўтволасан. Сен билан фақат ҳақорат ва қалтак тилида гаплашиш керак. Хўп, ўз ишимизга қайтамиз. Москвада анави татарвачча Муса Залилов...

Усмон Носир (унинг гапини бўлади): У буюк татар шоири Муса Жалил бўлади.

Терговчи: Хўп, сен айтганча бўлақолсин. Ўша буюк ҳамтовоғинг билан қандай фитна тайёрлагансан? Қанақа ташкилот тузгансанлар? “Ягона туркий миллат” иттифоқими? Кейин, анави найнов Маяковскийни ёнига нима мақсадда боргансанлар?

Усмон Носир: Юз марта айтдим сенга! Нима бало, чулчутмисан? Ўн марта ёзib бердим. Ҳеч қанақа фитна-митна бўлмаган. Биз фақат адабиёт ҳакида гаплашардик. Ҳеч қандай пантуркизм ғояси бўлмаган. Тўғри, бизнинг тарихимиз, динимиз, қонимиз бир, яқинлигимиз шунда. Ҳамма миллатдаям ўғри бор, тўғри бор. Гоҳо ўз оғанг билан гапинг рост тушмайди, қонинг қўшилмайди...

Терговчи: Нимага ишора қиляпсан? Мени ғалвирим шундай ускунаки, яхши гапларинг, тўғри фикрларинг шамолдай ўтиб кетаверади. Аммо тагдор қочиримларингни дарров илғайман. Саволларимга келсак, мен милён марта

сўрашга ҳақлиман. Милён марта ёздириб оламан, лекин... ҳа-а, дарвоқе... энди сенинг кўрсатманг ҳеч кимнинг бош оғриғига ҳапдори бўлмайди-куя?..

Ўнинчи қўриниш

(Терговхона қоронгилашиб, саҳна ёришади. Орқа узок фонда гира-шира Москва манзараси. Девордаги “20 лет работы” деган ёзув остида Маяковскийнинг ижод намуналари, РОСТА агиткалари, сиёсий суратлари, чақириқлари осилган. Маяковский асабий, хўмрайган алфозда тамаки тутатяпти. Ёнида иккита йигитча унга ўйчан қараб турибди. Саҳнага пўрим Муса Жалил билан Усмон Носир кириб келади. Бирпас кўргазмани айланаб, томоша қилишади.)

Муса Жалил: Тавба! Ҳеч ким йўқ, бошқирд даштидай хувиллаб ётиби-я?! Яхшиям Чўлпон ҳазратларини юмушлари чиқиб қолиб, келмаганлари.

Усмон Носир: У киши валий одам-да, оғам. Кўнгиллари сезган бўлиши керак. Маяковскийни бунақа нокулай вазиятда кўришни хоҳламаганлар, ҳойнаҳой.

Муса Жалил: Бу кўргазма кимга керак ўзи? Совуқлигини қара!

Усмон Носир: Даврнинг ўткинчи сиёсий воқеликларига бағищланган ҳар қандай асар: шеър бўладими, романми, суратми, ўша воқеа оёқлагач, у ҳам бўшаган конфет коғозидай қадрсиз бўп қолади. Гап шунда, оғам.

Муса Жалил: Ҳа, кейинги кунларда Чўлпон домланинг сухбатлари таъсири сенда ёрқин кўриняпти. Қара-я, Фарғонада, Тошкентда эмас, Московда устоз билан бемалол гурунг куриш сенга насиб этди.

Усмон Носир: Московга Оврўпа санъатини, адабиётини чуқуррок ўрганаман деб келсан, толеим кулиб, Чўлпон домланинг сабоқларига мушарраф бўлиб турибман, оғам. Тошкентда у кишининг атрофида гирдикапалаклар кўп: ҳаёт-турмуши қизғин, бемалол ўтириб, гурунг қуришга фурсат бўлмасди. Бу ерда мусофиричилк важҳидан таниш-билиш кам, бир-биримизга тансиқмиз.

Муса Жалил: Домла туркий эллар нафис адабиётини, диний ва дунёвий илмни нуктадони экан. Шеърлари ўта зариф, оҳангдор ва оригинал. Мен ҳам у кишидан кўп нарса олдим. Замонанинг чин шоири шубҳасиз, Чўлпондир.

Усмон Носир: “Маяковский ҳам зўр шоир...” деган эди Сергей Александрович. Ҳа, Муса оға, шоир деганлари замонасоз бўлмаслиги керак. “Замона соз бўлса ҳам, замонасоз бўлмагин” деб лутф қилган Жулқунбой.

Муса Жалил: Қодирийни айтасанми? Шу дейман, ўзбекка Худо берган-да! Бу ёқда Фитрат, Бехбудий, Авлоний, Мунавварқори, бу ёқда эса Чўлпон, Қодирий, Ҳамза ва... сен.

Усмон Носир: Маяковский бизга қарайпти, оғам. Юринг, саломлашамиз.

(Улар Маяковский томон икки-уч одим ташлагач, у юзини ўгириб, шогирдларига бир нарсаларни гапира бошлийди. Усмон Носирнинг саломи аликсиз қолади.)

Усмон Носир (жахли чиқиб): Бу қанақаси, оғам? Бу кибр, такаббурлик қаердан?

Муса Жалил: Қўй, кайфияти йўқ кўринади. Кўргазмага у кутган одамлар келмаганидан тажанг. Айтишларича, Сталин, Молотовларга ҳам таклифнома киритган экан.

Усмон Носир: Оғажон, хўп, барибир Алини аламини Валидан олмасин-да. Кимлардир эътибор кўрсатмаса, бизнинг эҳтиромимиз оёқ ости бўлиши керакми? Шуми йўқсиллар шоири? Шуми пролетар куйчиси? (“Пролетар” сўзини эшишиб, Маяковский қайрилиб қарайди. Усмон Носирнинг норози қиёфасини кўриб, ёнидагиларга юзланади.)

Иқбол МИРЗО

Маяковский: Бу жўжахўroz қайдан пайдо бўлди? Кўзим учиб турганиди...

Усмон Носир: Ким жўжахўroz? Ўзбек шоириман, Усмон Носирман, хўпми! Ҳали вақт кўрсатади ким кимлигини! Ҳе, гулғули! (*Муса Жалил унинг билагидан тортшиб четлатади.* Маяковский қўл силтаб, ичкари кириб кетади.) Ана шу калондимоғлиги учун дўстлари ҳам ундан юз ўтирган! Кўнглим қолди, Худо ҳақи, ҳурматим бир тийин бўлди. Замон кўтарса-ю, гердайган тумшуғига қаратиб солсанг! (*Маяковскийнинг шогирдолари югуриб келиб, Усмон Носирни турткилаб, ёқасига ётишади.*)

Усмон Носир (улардан бирининг қўлини қайиради): “Бўридай ғажирдим бюрократизмни! Ҳар хил мандатларда йўқ менда ихлос!”

(*Муса Жалил иккинчисини кўксидан итариб, четлатади. Муштлашии бошланади. Ҳуштак овози, милиционерлар кириб келади. Шовқин-сурон. Чироқ ўчади.*)

Ўн биринчи кўриниши

(Саҳнанинг терговхона бўлими ёришиб, аввалги ҳолат кўринади. Терговчига ёрдамчиси графиндан сув қўйиб узатади.)

Терговчи ёрдамчиси: Кетишга рухсат этинг, ўртоқ лейтенант.

Терговчи: Йўқ, рухсат бермайман. Сен манави юртдошингни асл башарасини бир кўриб қўй. (*Столдан бир варақ қозозни олади ва ўқийди.*) “Пушкин шунинг учун қадрлики, у дворян оиласидан чиқкан бўлса ҳам, рус шоири. Шунинг учун унинг юбилейи ўтказилади. Навоий Пушкин тенги бўлса ҳам, унинг юбилейи ўтказилмайди, чунки, у ўзбек”. (*Усмон Носирга энгашиб қарайди.*) Эсладингми? Кимнинг сўзи бу? Қайси устозингдан?

Усмон Носир: Ризо Қорашоҳ...

Терговчи: Устозингми?

Усмон Носир: Устозим.

Терговчи: Жавлон Раҳмон деган пантуркистнинг уйида, “Сиз менинг раҳбарим, устозим, киблахимсиз, менга йўл кўрсатинг”, деб қаршисида тиз чўкиб, йиғлаганингдан тонмассан?

Усмон Носир: Маст эдим.

Терговчи: Қаранг-а? Маст эканлар бу киши! Бу бизга маълум бўлган айрим тафсилотлар, холос. Ким билади, яна қанча миллатчилик ғояларини ёйгансанлар! Винони мазасини билиш учун бир бочкасини ичиш шартмас, ярим қадаҳ кифоя. Ўша даврада бўлганинг ва шу фикр эгасини устоз деганингни ўзи пантуркист деган айловга тўла асос бўлади.

Терговчи ёрдамчиси: Узр, лекин... ростдан ҳам нега Навоийни туғилган куни байрам қилинмайди?

Терговчи (*ўшиқиради*): Ўчир! Ана, кўрдингми, бу ғоялар қанчалар юкумли! Қанчалар хавфли! Ҳар бир ўзбекни юрагида ана шу туйгу – мен зўрман, бобом дунёни забт этган Темур бўлган, яна бир бобом Ҳиндистонда империя барпо қилган Бобур бўлади, деган хиссиёт бор. Вей, ўша оқсоқ каллакесар ва шаробхўр боболаринг эртак, афсона, билдингми? Сенлар энди икки дунёдаям одам бўлмайсан!

Усмон Носир: Ҳар бир ҳалқ ўз даҳолари билан фаҳрланишга ҳақли эмасми? Шўро қонунчилигига ҳамма миллат баравар дейилган-ку!

Терговчи: Ҳа, ҳамма миллат баравар. Биздан ташқари! Билдингми, сартни боласи? Сен асл қиёфасини йўқотган, насли айнигандан элатсан. Сенда на Навоийни

хислати бор, на Темурни журъати. Ҳаётинг, туриш-турмушиңг тақлиддан иборат. Мана, ўзинг, бор-йўғи Есенинни тақлидчисисан. Ичишниям, жанжалниям ўшандан ўргангансан. Яхшиям кўришмагансизлар, агар топишиб қолганларингда борми?..

Усмон Носир: Ҳа, зўрники тегирмон юргизади. Замон зўрники. Мени қўлим кишанбанд, лекин руҳим озод. Руҳимга кишан уролмайсан! Ўлдиришиңг мумкин, аммо мени енголмайсан!

Терговчи ёрдамчиси (*терговчига қараб*): Ўртоқ лейтенант, тушлик вақти бўп қолди.

Терговчи: Тўхта, сухбатни якунлаб олайлик. Сен, “гений”, катта кетма! Сен бор-йўғи майда безорисан. “Интернациональ” ресторанини ёптириб, “Демон” таржимасидан келган қалам ҳақига бутун хўрандаларга зиёфат берганинг, русча шеърлар айтиб, рус хонимларига шакаргуфткорлик қилганинг, жанжал кўтарганинг, яrim тунгача аиш қилиб, ўн олти мингдан ортиқ пул ташлаб чиқиб кетганинг-чи? Қайси таомилга, қайси ўзбекчиликка тўғри келади бу? Ўн олти минг-а? Ҳазилакам пулми? Тошкентдан бу пулга данғиллама ховли олса бўлади-я?!

Усмон Носир: Ўтники ўтга, сувники сувга. Лермонтовдан келган эди, улфатларга кетди. “Шоир шоирга чин қўноқ!”

Терговчи: Инжиқободда қўй сўйиб, арокхўрлик, базми жамшид қилганинг, қимор ўйнаб, бирорни хотинини ютвоганинг-чи? Бизда хотин киши қиморга тикиладиган мол эмас. Сиздан фарқли ўлароқ...

Ўн иккинчи қўриниш

(*Терговхона қоронгилашиади. Саҳна ёришганида Инжиқободдаги ижод маскани манзараси намоён бўлади. Супада маст-аласт адиллар ўтиришибди. Усмон Носир ёнбошлиб олганча ёнидаги Муҳсин Ҳамидовнинг қўшигига жўр бўлади.*)

Юрак, сенсан менинг созим,
Тилимни найга жсур этдинг.
Юрак, сенсан ишиқбозим,
Кўзимга ойни беркитдинг.
Сенга тор келди бу кўкрак, (кўксига муштлайди)
Севинчинг тошиб қиргоқдан.
Тилим чарчар ажаб, гоҳи
Сени таржисима қилмоқдан.

(*Улфатлардан бири – Абдулазиз Муҳсин Ҳамидовнинг қўлидаги рубобни торлари аралаши чанглаб, қўшиқни тўхтатади. Унинг авзойини кўрган икки адаб секин ўрнидан туриб “биз ҳозир”, деб узр айтиб даврадан чиқиб кетади.*)

Абдулазиз: Бас, Усмон! Вей, Мадамин, бўлди-да энди! Бундай эркакка ўхшаб қарта-парта ташлайлик. Амри маърифга келган муллаваччаларга ўхшаб одоб саклаб ўтираверамизми? Ким ўйнайди? Юрагида ўти бор эркак борми бу даврада?

Усмон Носир: Қўйинг-е, Абдулазиз ака, даврани бузманг. Маза қиляпмиз.

Абдулазиз: Маза қилганда сен маза қиляпсан. Ўзингни шеърингни хиргойи қилиб... бошқаларам кўнгли тортган ишни қилсин. Мен, масалан, бир сўм-бир сўм қарта ташлаб, хуморимни ёзмоқчиман.

Мадамин: Майли, бир сўм қайдан келиб, қайдан кетади. Шилинг қартани, Лазиз ака!

Иқбол МИРЗО

Усмон Носир: Қибладаги ўтовда домла Жулқунбой дам оляпти. Ойбек билан Шайхзода бериги ўтовда. Улар ҳам тинч жойда, табиат қўйнида ижод қиламиз деб келишган. Уларни илҳомини чўчитмайлик.

Абдулазиз: Усмон, укам, қартани жи-им ўйнасаем бўлади. Сўкиниш, жанжаллашиш шартмас.

Усмон Носир: Сизлар ўйновринглар, мен пичи айланиб келаман.

Абдулазиз: Ия, шоири замон, улпатчиликниам салла-чопони бор, қонун-коидаси бор. Улпат учун ўлмак керак, дейдилар. Ё уч-тўрт сўмдан айрилсангиз у ёқ-бу ёғингизга ўт кетадими? Пул ўлсин-а, пул ўлсин! Одам зиқна бўлсаем бир бало...

Усмон Носир: Бўлди, ўйнайман! Фақат бир сўмдан пачакилашмасдан, юз сўмдан ўйнайман. Сен, Мадамин, қози бўласан. Ҳалол туриб бермасанг, анжирга айри қиламан! Бўлинг қартани! Кетди!

(Ўйин бошланади. Усмон Носир бирин-кетин рақибининг бор пулини, кепкасини, кумуши занжирли солма соатини, камзули-ю, камаригача ютиб олади. Абдулазиз аламдан муштини тишлайди.)

Усмон Носир: Ўйин тугади!

Абдулазиз: Тугамайди! Ўйнаймиз!

Усмон Носир: Энди нимангни тикасан? Бесўнақай бошмоғинг менга тўғри келмайди. Кўчага иштонсиз чиқишига ўзинг ҳам сал уялсанг керак.

Мадамин: Бўлди, Лазиз ака, мен кўйлагимни бериб турман, уйингизга етволарсиз.

Абдулазиз (ўрнидан туриб, қайта ўтиради. Усмон Носирнинг тиззасидан босиб, паст товушда, лекин қатъий қилиб айтади): Ютқазган пулим, усти бошим эвазига... хотинимни тикаман. Охирги ўйин! Ё у ёқли, ё бу ёқли! Жаққа жавоб! Таваккал!

Мадамин (ўрнидан туриб кетади): Лазиз ака, миянгиз айнидими? Гулдай хотинни-я? Ўйнама, Усмон!

Абдулазиз: Ўйнайди! Ўйнамай қаққа боради?! Мардлик шарти – охиригача!

Усмон Носир: Ўйнайман! Қайтиш ўйқ!

(Мадамин қартани сузиб, икковига тарқатади. Ўйин жсараёнида Абдулазиз ташлаётган қарталарни Усмон Носир бир-бир ёпиб, ниҳоят, ўзи қарта ташлайди.)

Усмон Носир: Мана, қирол кўзир! Кўтар! Босолмайсан, чунки туз қарга менда! Тамом, мана туз! Ютқаздинг! Хотининг меники!

Абдулазиз (талаواسага тушиб): Ҳазил... ҳазил эди, Усмон...

Мадамин: Ҳазил бўлақолсин, Усмон.

Усмон Носир: Нега ҳазил бўларкан? Бошда айтдим ўйнамайман деб. Мажбур қилдинг. “Эркак киши ўйнайди” дедингми? Биринчидан, эркак киши хотинини ўйинга тикмайди. Иккинчидан, лафзидан қайтмайди. Бўлмаса, бир марта хаммага эшиттириб, “чи-ий” дейсан, бўлди! Кейин кетаверасан. Пулингниям, ашқолдашқолингниям қайтараман.

Абдулазиз: Ўв, нима деяпсан мени?! Ким деб ўйлаяпсан?! Ҳозир чийиллашни кўрсатаман сенга!

(Жанжал бошланади. Мадамин ажратишга уринади. Усмон Носир Абдулазизни босиб олиб, дўппослай кетади. Шовқинни эшишиб, Ойбек, Шайхзода ва Қодирий шошиб келишиади. Қодирийни кўриб, Мадамин Усмоннинг қулогига бир нарса дейди. Усмон Носир ўрнидан туриб, Абдулазизни қўлидан тортиб тургизади.)

Қодирий: Тинчликми, бўталарим? Ҳа, бу кутурган нордай кўпик пуркашиб ётибсизлар? Лаббай, Усмонжон?

Усмон Носир: Шунчаки... кураш тушётгандик.

Абдулазиз: Устоз, алдаяпти бунингиз, қимор ўйнаб, пулимни, кийимларимни ютвогани етмагандек, хотинимният ютволди!

Қодирий: Йўғ-э? Ёпирай! Ўзидан ўзи ютволдими? Ё сиз ҳам ўйнадингизми? Балки ўзингиз тиккандирсиз?

Абдулазиз: Ҳазиллашиб тикувдим, бунингиз ростакамига хотинингни берасан деяпти.

Мадамин: Рост, ҳазил эди. Ўйиндан ўқ чиқди.

Қодирий: Усмонжон, ўғлим, нима дейсиз? Шўхликларга чек-чегара борми? Ҳамма жойда шу гап: нима дейсан, урди-кетди, Усмон Носир стул билан ресторан қандилини синдирган; нима дейсан, ёнди-куйди, Усмон Носир Анқабойни кўпни ичиди сўкиб, урибди; нима дейсан, трамвайда жанжал кўтарибди; нима дейсан, “богема” деб бадмистликни ёшларга тарғиб қиляпти... Бу... сал кўпайиб кетмадими, ўғлим?

Абдулазиз: Устоз, ўтган ҳафта мени кепкамни анҳорга отворди.

Мадамин: Ўзингиз бепарда гап айтгансиз, Лазиз ака, қўйинг, чалишлиқ қилманг!

Қодирий: Усмонжон, қани, бир нарса денг...

Усмон Носир (*пул ва буюмларни Абдулазизнинг олдига ташлайди*): Ма, ол! Қайтиб мени кўзимга кўринма! Кечдим сендақа даюс – жанаасдан!

(*Қодирийнинг ишораси билан Мадамин ва Абдулазиз чиқиб кетади.*)

Қодирий: Усмонжон, мен насиҳат эшитишни ёқтирамайман. Насиҳат қилишниям. Сиз ақлга муҳтоҷ йигитмассиз. Эс-хушиңгиз жойида, Худо юқтирган шоирсиз. Бир гапни айтай сизга, балки эшийтгандирсиз ҳам. Баъзи бировлар Чўлпонни Пушкин, сизни Лермонтов деркан. Мен айтдимки, ҳар қандай қиёс аслиятга соя соладир. Улар ўз йўлига, бизникларни эса тенги йўқ Чўлпон, қиёси йўқ Усмон деб билингиз дедим. Тушундингизми? Шарқдан Пушкин чиқди деб ёзишганида ҳам эътиroz қилганман. Йўқ, шарқдан Усмон Носир чиқди, у бутун дунёнинг бетакрор ва ягона Усмон Носири!

Ўн учинчи кўриниш

(Саҳнанинг терговхона бўлими ёришиади. Терговчи ёрдамчиси тамаки тутатиб, кишианбанд Усмон Носирнинг лабига қистиради. Шоир ҳар тамаки тортганда, папиросни олиб, кутиб туради. Тутун қайтаргач, яна қистиради.)

Усмон Носир: Бу марҳаматинг учун ўзинг ҳам қия бўлиб кетишинг мумкин. Мен кимсан ҳалқ душмани, аксилинқилобчи, пантуркист, миллатчи, Шўронинг аждаҳодай душманиман.

Терговчи ёрдамчиси: Сен... ўзбекни шоирисан. Усмон Носирсан. Сенга раҳмим келади. Ёш йигит...

Усмон Носир: Ҳеч қачон ўйламаганман-ки, бир кун келиб шафқатга зор, одамларни раҳмини келтирадиган нотавонга айланиб қоламан деб. (Пауза.) Агар мендан гап олмоқчи бўлсанг, бекор овора бўласан. Мен айтадиган гапимни айтиб бўлганман. Гуноҳкор бўлишим мумкин, лекин жиноятчимасман. Ҳеч қанақа бузғунчи фикр ё ғоя бўлмаган менда.

Терговчи ёрдамчиси: Айғоқчилик пасткашларнинг иши. Мен сени гуноҳсизлигингта ишонаман. Афсуски, сен ўпқон гирдобига рўпара келиб қолдинг.

Иқбол МИРЗО

Оёққа турган пайтинг зилзилага түғри келди... (*тамаки қолдигини олиб, ўз лабига қистиради. Тутундан күзини қисиб, сўзлайди.*) Анави кириб қолса, мен тутатган бўлай, сени ҳидлаб кўрмас... Айтганча, бирор нарса зарур бўлса, мендан сўрайвер. Имкон борича кўллайман сени.

Усмон Носир: Раҳмат, илтимос, менга бир парча қоғоз билан икки энлик қалам бер. Кафтигма қистириб қўй. Терговхона деворига ёзганларимни ким ўқыйди? Ёзиб, сенга берсам, ташқарига, дўстларимга етказишга ёрдам бероласанми?

Терговчи ёрдамчиси: Уриниб кўраман, факат... куюшқондан чикмай... бирорни сўкмай... ёzsанг. Давлатга қарши гап бўлмаса...

Усмон Носир: Дўстларимдан кўмак сўрайман. Дўстларим кўп. Мадамин Даврон... Ҳаммаси мени яхши кўришади. Миртемир... Уларга ёмонлигим йўқ. Тўғри, баъзилари билан ёқалашганман, урганман, лекин беғараз. Мени қўллашса керак. Улар талаб қилишсинки, мени ишимни очиқ судда кўришсин. Ишончим комил, суд залидан озод бўлиб чиқиб кетаман.

(*Эшик тарақлаб очилиб-ётилиб, терговчи пайдо бўлади.*)

Терговчи (*Терговчи ёрдамчисига қараб*): Ҳа, шоввоз. Бирор нарса чиқдими? Ё ўша эски ҳаммомми?

Терговчи ёрдамчиси: Эски тос. Ўша-ўша гап. Ё бунинг иродаси пўлатдан, ёки ростдан ҳам айби йўқ.

Терговчи: Айби бор, айби бўлмаса, бу ерда ўтиармиди? Бир балоси бўлмаса... (*Усмон Носирнинг елкасига таёқ билан уради. Масҳараомуз.*) Ўв, “гений”! Айбинг борми-йўқми? Ўзинг айтақол. (*Ёрдамчисига қайрилиб.*) Айтганча, бу нусха “Боғчасарой фонтани”ни атай бузиб таржима қилган деган кўрсатма бор.

Терговчи ёрдамчиси: Шунақа айблов ҳам бўладими? Балки маҳорати етмагандир. Тилни яхши билмас.

Терговчи: Маҳорати ҳакида шубҳа бўлиши мумкинмас. Русчани ўрисдан яхши билади. Москвада ўқиган. (*Усмон Носирга қараб.*) Тўғрими, “гений”? Ҳатто Москванинг нуфузли газетлари “Шарқдан Пушкин чиқди” деб буни улуғлашган. Лекин... “Шарқнинг Пушкини” асл Пушкиннинг достонини қасдан бузгани аниқ. Бу ҳақда унинг Тошкентдаги адиб дўстлари ҳам кўрсатма беришган.

Усмон Носир (*бақиради*): Ёлғон! Тухмат! Оғзингга қараб гапир!

Ўн тўртинчи кўриниш

(*Терговхона қоронгиллашиб, саҳна ёришиади ва “Ёши Ленинчи” газетаси” деган лавҳа остида Усмон Носир ёзув машинкаси қўйилган стол ёнида Муҳсин Ҳамидов билан сұхбатлашиб ўтирибди.*)

Усмон Носир: Катта истеъодд эгаларининг оҳанрабоси бўлади. Албатта, ўша таъсир доирасига кирсанг, тамом, тортиш кучини енгиб, чиқиб кетишинг мушкул. Мен ҳам “Боғчасарой фонтани”ни ўзбекчага ўгирап чоғим ана шундай кучли таассуротга тушдим. Ўзимни ўша хонлик даврига, Кримга бориб қолгандай, Заремани корачифидаги тарам-тарам чизикларни аниқ-тиник кўраётгандай, соchlаридан таралган анбар бўйини туйгандай бўлдим. Оҳ, бу нақадар totли туйғу!

Муҳсин Ҳамидов: Чин шоир сендеқ таъсирчан бўлади. Сениям оҳанрабонг бор. Киши бир сұхбатлашса, кейин хумори бўлиб юради. (*Кулади.*)

Усмон Носир: Лермонтовни “Демон”ини “Нега “шайтон” деб таржима қилмадинг?” деб уюшма маломат қилди. Ахир, Демон бутунлай бошқа яратик. У шарқона шайтон эмас. Балки иблисига яқинроқдир.

*Кувегинди руҳ, қайгули Демон
Гуноҳкор ер узра учарди.
Маъсуд кунлар хаёли шу он
Кўз олдидан бир-бир ўтарди.*

Дўстим, таржима катта мактаб. Сен ҳам уннаб кўр.

Муҳсин Ҳамидов: Бе, йўл бўлсин. Ўрисчада “твоя-моя”дан нари ўтолмайман. Роса чалкаш тил-да ўзиям. Усмон, сен “Боғчасарой фонтани”ни қўллэзмасини Чўлпонга берганингда, устоз, “Баракалла, агар Пушкин тирик бўлганда, талантингга тан бериб, цилиндрини ечиб таъзим қиласарди, таржимани аслиятидан ҳам ўтказиб юборибсан”, деганмиди? Ростми шу?

Усмон Носир: Ҳа, гувоҳлар ҳам бор. Қолаверса, таржимам даражасини ўзимам яхши биламан. Ахир неччи ой шу достон ичиди яшадим, жинни бўп қолишимга сал қолди.

Муҳсин Ҳамидов (*ўрнидан туриб, нари-бери бориб келади*): Неча марта қайта ёзгансан?

Усмон Носир: Бир марта улгуржи ағдариб, кейин қайта-қайта ишладим.

Муҳсин Ҳамидов: Русчини кўрсанг, ўзбекчаси эсингга тушадими?

Усмон Носир: Нимайди?

Муҳсин Ҳамидов: Таржима ягона нусхамиди?

Усмон Носир: Ҳа, нима гап? Бунча ғалчага ўхшаб чайналдинг? Асабни бузяпсан.

Муҳсин Ҳамидов (*иккиланиб*): Шу... ҳалиги... газетага ташлаб кетган қўллэзманг... ҳалиги... ўйқолиб қопти. Бирорта бегона одам олганми, десанг, биномизга нотаниш кимса йўламайди. Қизиқ...

Усмон Носир: Шунақа де... мен биламан ким олганини... Мараз! Лекин чучварани хом санабди. (*Ўз бошига ва юрагига бош бармоғи билан ишора қиласади.*) Ҳаммаси мана бу ерда! Демон, мақсадингга етолмайсан! Ўтири, қофозни қистир, ёз! Кетдик! “А.С.Пушкин “Боғчасарой фонтани”. Ёз! Саъдийдан иқтибос:

*“Мен ҳам қўплар каби қўргандим бир чөз,
Баъзилар энди йўқ, ўзгалар йироқ”.*

*Қовоқ осиб ўлтирадар Гарой,
Лабларида каҳрабо чилим.
Даҳшатли хон атрофида жим
Бош эгиб тик туради сарой.*

(*Усмон Носир анқайиб қолган Мадаминнинг елкасига кафт қўяди.*) Ёз, нега анграясан?

Муҳсин Ҳамидов: Ҳаммаси эсингда борми? Ростанам зўрсан! Генийсан!

Усмон Носир (*тамаки тутатади, Мадаминнинг гапига бош иргаб қўйиб, давом этади*):

*Жимжит эди бутун кошона:
Ҳамма хоннинг хафа юзидан
Ғам ва ўтли газаб изидан
Пайқар эди мубҳам нишона.
Аммо мазгур соҳиби фармон
Кўлларини бир силтаб солди:
Барча секин тарқалди ҳар ён...*

Иқбол МИРЗО

(Шоирнинг жўшиқин овозини эшишган газета ходимлари бирин-кетин йигила бошлиайди. Барчаси маҳлиё бўлиб тингларкан, Усмон Носир уларга парво қилмасдан, шеър айтишида давом этади.)

*Кўшиклар аро бир ўзи қолди.
Эркин нафас олди сийнаси,
Тўлқинланиб, билмай сукунти,
Ўйнаб турган кўрфаз ойнаси
Акс этгандай қора булутни.
Унинг жиддий манглайи аён,
Дил тўлқинин айларди баён...*

(Яна тамаки тутатиб, у ёқ-бу ёққа юриб, айтишида давом этади. Хонада йигилганлар нафас ютиб тинглайдилар.)

*...У ерларда ҳар на жонлидир:
Ўрмон, водий, гулистонли қирип,
Узумларки, ёқут, қаҳрабо,
Тераклару сувлар салқини;
Эрта билан қуёши ёлқини
Таралганда, эсганда сабо,
Айиқтогенинг айланасида
Зангор ҳаво ярқирап экан,
Тиник, кўм-кўк сувнинг пастида
Қизил нурлар барқ урадр экан,
Тоғлар ошиб, қирғоқ иўллардан
Учар экан иўлчининг тоиि,
Унинг ҳиссин ўнгу сўллардан
Жалб этади бу ер чиройи!..*

Усмон Носир: Бўлди! Тамом! (Ўзини стулга ташлайди. Хонадагилар ўрниларидан туриб, қарсак уриб олқишиладилар. Мадамин Усмон Носирни кучоқлаиди.)

Муҳсин Ҳамидов: Яшасин, поэзия! Яшасин, Усмон Носир!

Учинчи парда

Ўн бешинчи кўриниш

(Терговхона ёришганида, столга бои қўйиб ётган Усмон Носир кўринади. Холамбибининг ҳазин овозда айтган қўшиги янграйди:

*“Эй фалак, чархинг бузилсин,
Кимларга хор этдинг мени...”*

Терговчи ёрдамчиси яқинлашиб, Усмон Носирнинг елкасидан секин туртиб уйготади.)

Терговчи ёрдамчиси: Носиров, кўзингни оч, уйғон. Терговчи келгунча гаплашволайлик.

Усмон Носир: Шўрлик аям! Тушимга кириб қолди... Хайрият, тушимда бўлсаем кўрдим. Унинг гуноҳи нимайди? Эҳҳ, қийноққа солинган одамдан кўра четда турганлар кўпроқ азоб ейди. Сени ўтга ташлашса, бир тўлғонасан, бир фарёд урасан. Яқинларинг, дўстларинг, айниқса, онанг ўзи ўлгунча азоб чекади.

Терговчи ёрдамчиси: Хуллас, Носиров, онангла ёзган хатингни кишилар орқали етказдим.

Усмон Носир: Раҳмат сенга! Нима учун ёрдам қилаётганингни билмайман. Мендан қайтмаса, Худодан қайтсин! Онанг баҳти иқболингни кўрсинг!

Терговчи ёрдамчиси: Айтганинг келсин. Мен виждоним буюрган ишни киляпман, бошқа таъма-умидим йўқ. Сен яхши инсонсан, мардсан. Шунинг учун... хуллас, тўғрисини айтишим керак, агар ёлғон гапирсан, мазлумга зулм қилган бўламан. Хуллас... хатингни олиб, онанг Ёзувчилар уюшмасига борибди. “Боламни чиқаришга ёрдам беринглар, гуноҳсизлигини биласизлар, шуни айтинглар тепага ё икки энлик хат ёзib беринглар”, деб ёлворибди. Лекин...

Усмон Носир: Нима лекин... айтавер.

Терговчи ёрдамчиси: Лекин... хуллас, “Биз халқ душманини онаси билан гаплашмаймиз”, деб уюшмадан ҳайдаб чиқаришибди.

Усмон Носир (*ўтирган жойида силтаниб, тутақиб*): Маразлар! Исқиртлар! Хоинлар! Сендан илтимос, жон дўстим, охирги илтимос, ўзинг аямни ёнига бор, мени номимдан кечирим сўра! Мени деб бечора аяжоним қанча азблар чекди. Шуҳратга кўмилиб юрган вақтим хизматларини қилолмадим. Гоҳи бадмаст пайтим қўполликлар қилдим. Ресторанларда пул сочиб, аиш қилиб юрдиму, аяжонимни кувонтириб, кўнглингиз нима туслайди, деб сўрамабман-а?! Битта айбим бор, битта жиноятим бор: мен аямни рози қилолмадим. Ўғил бўлиб, дардига малҳам бўлиш ўрнига бошига бало бўлдим. Дўстим, хоҳла буни илтимос де, хоҳла васият де, ўзинг биласан! Аяжонимни топиб, кўлларини ўп, мен учун йигла, хайрлаш, видолаш аяжоним билан...

Терговчи ёрдамчиси: Хўп... фақат... йиглама. Сенга ярашмайди. Хўп... мен кетдим.

(У чиққач, бир фурсатдан сўнг терговчи кириб келади.)

Терговчи: Ий-э! Ана, холос! Шунча қийноқ, хўрлик кўриб, миқ этмаган темир одам обидийда қилиб ўтирибдими? Тинчликми?

Усмон Носир: Дўстларим... уларга ишонгандим... Ўзим қанақа дўст бўлсам, улар ҳам шунақа деб ўйларканман.

Терговчи: Ий-э! Мен сени “гений” деб юрсан, қип-қизил тентак экансан-ку, оғайни! Наҳотки, шунча пайтдан бери оддий нарсанни тушуниб этмаган бўлсанг? Сени ким қаматди? Ким устингдан ёзди? Ким кўрсатма берди? Сени Кремлда ўтирган Сталин танирмиди? Сени шеъринг тугул отингни ҳам эшитмагани аниқ. Шу болани қамаб беринглар, деб айтмагани ҳам кундай равшан. Ана шу ўзингни коракўзларинг, жигарларинг, улфатларинг уюштириди-ку ҳамма балони! (*Столдаги тахламлар орасидан бир варақни олиб ўқийди.*)

*Падарларингизга минг раҳмат!
Сўзни бўяб, хўп бердингиз зеб,
Кеча-кундуз чекдингиз заҳмат
Ёзувчилар уюшмасин деб.*

(Хоҳолаб қулади) Боплагансан лекин! Қойил!

Усмон Носир: Кеб қолганда қайтариш йўқ-да. Ярми ҳазил. Балки шу ҳазилларнинг охири зил бўлдими?

Терговчи: Йўқ, гап бошқа ёқда. Сен учун шеърият тириклик шарти. Анавилар учун эса адабиёт тириклик воситаси. Улар уюшмадан ойлик олиб, қозон қайнатади, бола боқади. Бугун маоши тўхтаса, ўша заҳоти касбини ўзгартиради. Ҳамма жойда ишлаб, яшаб кетаверади бу тараққослар. (*Пауза.*) Айбинг шуки... сен талантсан! Гуноҳинг шуки, ҳаммани ўзингдай соддадил деб ўйлайсан. Сен ўз истеъдодингни қурбонисан, гений!

Ўн олтинчи кўриниш

(Терговхона қоронгилашиб, саҳна ёришади. Уюшма залида Усмон Носирни муҳокама қилишияти. Ҳайъатдаги уч киши наебат билан савол беради.)

Масъул котиб: Сиз, Усмон Носир, Пушкиннинг “Боғчасарой фонтани” достонини атай бузуб таржима қилганингизни тан оласизми?

Усмон Носир: Тан оламан.

Котиб: Ризо Қорашоҳдан пантуркизм таълимоти бўйича сабоқ олганингизни, унга мурид тушганингизни тасдиқлайсизми?

Усмон Носир: Тасдиқлайман.

Ўринбосар: “Мехрим” номли тўпламингизда Шўро ҳукумати сиёсатидан норозилик оҳанглари борлигига, тушкунлик ва умидсизлик кайфияти устувор эканига иқрормисиз?

Усмон Носир: Иқрорман.

Масъул котиб: Сиз, Усмон Носир, онгли равишда миллатчилар таъсирида бўлганингизни, нажот туркий давлатлар бирлашувида, деб кўп бора таъкидлаганингизни эслайсизми?

Усмон Носир: Эслайман.

Масъул котиб: Ўртоқлар, мажлисни чўзишдан фойда йўқ. Мана, тўртта асосий саволга тасдиқ жавоби олдик. (*Залдан “Бундай безорига сафимизда жой йўқ”, “Миллатчиларга ўлим！”, “Йўқолсин пантуркизм！” каби луқмалар эшишилади. Масъул котиб томогини қириб, ёлғондакам йўталайб олади.*)

Равшаной (Ўрнидан туриб қичқиради): Ўртоқлар, ўртоқлар! Усмон Носир ўз айбига тўла иқрор, ўзингиз эшийтдингиз! Энди бундай ёт унсурга сафимизда жой йўқлиги аниқ-оидин бўлди!

Масъул котиб: Ўртоқлар, мен Усмон Носирни Ёзувчилар уюшмаси сафидан ўчиришни ёқлаб овоз беришингизни сўрайман!

Усмон Носир: Тўхта, эй, Демон, нималар деяпсан? Ваъда бошқача бўлганди-ю. (*Маъсул котибнинг ёқасидан олади*) Муттаҳам! Ифлос! Саволларга тасдиқ жавобини бериб турсанг, бўлди, оқлаб, олиб қоламиз, деб лафз қилдинг-ку мажлисдан олдин! “Ўзингникини маъкуллайман, деб овора бўлма, устозларинг қамоқда ётибди, ёш жонингга жабр қилма, айбинг йўқ, биламиз, лекин “ҳа” деб туравер, охири яхши бўлади”, деб айтдинг-ку! Мохов!

Масъул котиб (талаواسага тушиб, чинқиради): Олинглар буни! Мен бунга ҳеч нарса демаганман, тухмат қиляпти! Шўро ҳукуматига душманлигини тан олиб турган ёт унсур қанақа инсон бўлиши мумкин? Бунинг жойи турмада! Бунақаларни бугунни эртага кўймасдан отиш керак! Ҳе, халқ душмани!

Усмон Носир: Эхх, масхарабоз! Икки дунёда одам бўлмайсан! Сени Худога солдим! Худо урсин ҳаммангни, ҳеббим-ҳезалаклар! Туфу ҳаммангга, ҳаромхўрлар!

Үн еттинчи күриниш

(Терговхона ёришиади. Терговчи ёрдамчиси икки соқчи билан Усмон Носирни олиб киради. Соқчилар шоирни стулга ўтқазиб, құлларини кишинеңдік кетади.)

Терговчи ёрдамчisi: Синглингга ёзган хатингни ўзим әлтиб бердим. Онангга ҳам учрадим.

Усмон Носир: Аям соғмилар, синглим... сингилларим эсонми?

Терговчи ёрдамчisi: Ҳа, тузук... бир шеъринг құлма-құл бўлиб, тоза машмаша бўпти.

Усмон Носир: Қайси?

Терговчи ёрдамчisi: Ҳалиги, мен Насрулло Давронга етказган шеър. Қарғалар хақида.

*Бўлмоқ истаб шеърият узра дарга,
Итардилар мени чуқур бир жарга.
Менга аён: булбулнинг ошёнига
Қўнолмагай уринии билан қарга...*

(Терговчи киради. Терговчи ёрдамчisi қад ростлайди.)

Терговчи: Ҳа, қарға қарғанинг ҳам қўзини ўядиган замон келди. (Терговчи ёрдамчисига қараб) Сен боравер. (Стулга ўтиради) Хўш, шоир... Менимча, бугун хайрлашамиз.

Усмон Носир: Очиқ суд-чи?

Терговчи: Ёпиқ суд хукм чиқариб бўлди. Ҳукм қатъий, шикоятга ўрин йўқ. Ёпиқ қозон ёпиқлигича қолади. Охирги илтимосинг бўлса, менга айтиб қол.

Усмон Носир: Суд... Қанақа суд бўлди бу?! Қамоққа тикишганига бир йилдан ошди. Суд эса ўн дақиқага ҳам бормади. Шуми инсон қадри? Шуми Шўро адолати? Мен норозиман! Ишим қайта кўрилишини сўраб, наркомга ариза ёзаман!

Терговчи (тамаки тутматади): Очифи... мен олий жазо – отув сўрагандим, шунда осон қутулардинг. Бир марта “тарс” этарди-ю, жонинг тинчирди. Энди қийин бўлади: ҳар куни ўласан, ҳар куни сени қайта-қайта ўлдиришади. Боз устига, Сибирнинг қаҳратони...

Усмон Носир: Устозларим... Қодирий, Чўлпон, Фитратлар нима бўлди?

Терговчи: Устозларингни суддан бир кун олдин отиб ташлашган. Кейин хукм чиқарилган.

Усмон Носир: Отиб ташлашган? Қандай?! Нега?! Эй, Худо! Сен шу қиёматни кўряпсанми? Сенинг шу жаҳаннамдан хабаринг борми? Ё, Тангрим! Нега осмонни ташлаб юбормаяпсан? Нега вулқонларинг жим? Нега зилзила тушиб, бу лаънати дунёни ер ютмаяпти?! Эй, Худо!

Терговчи: Шоир, бардам бўл... Тўғрисини айтсам, сендей матонатли одамни кўрмаган эдим. Одам боласи дош беролмайдиган қийноқларга чидадинг. Тан оламан, сен мени енгдинг. Ҳеч кимни сотмадинг. Ҳолбуки, сени ҳамма сотди. Қамоққа кирган кунингданоқ севган қизинг сендан юз ўғирди. Бир ой ичida эрга тегиб кетди. Эйй, бу аёл зоти... (қўл силтайди.)

Усмон Носир: Уни гапирма. Эҳҳ, Насима... киприги кўксига соя соглан қиз... Мен телба ҳали туғилмаган ўғлимизга исм танлаб юрибман-а?.. Лекин тўғри

Иқбол МИРЗО

қилдинг. Мендей бетайин, ҳавои шоир сенга ярашмас эди. Мени эслама... мени ўйлама... Майли... фақат...

Терговчи: Фақат... сенга содик бўлиб... онанг қолди, холос. Сен уни ўйла. Онанг учун хам у ёқдан эсон қайтишинг керак.

Усмон Носир: Онам... Аяжоним... Оқ ювиб, оқ тараб... эҳҳ... аяжоним-а! Мени туғиб нима қилардинг?! Ўгайликда мунгшиб, етимлиқдан мунгайиб қолганимда икки кўзинг икки томчи ёшга айлангани кўзларимда қолган. Аммо дунё мени ўгай тутди-ку! Бегонадай юз ўтириди-ку! Энди йиглаб-сихтамоққа кўзингда ёш борми? Аяжон, мени ситамлардан асраб, жонингни азобга қўйганинг каммиди? Барибир... замоннинг... даврнинг... ситамлари... жабру жафолари зўр келди-ку... Ҳаммамизни қон қақшатди, қон қусдирди-ку... Аяжоним, ёлғизим мени, менда биргина илинж, биттагина таскин, битта толе қолди. Сени тушимда кўрсам бас... Мана шу мен учун катта баҳт... чексиз саодат! Ўтинаман, аяжоним, ҳар куни тушимга кир... ҳар куни мени хув гўдак пайтим каби опичлаб, уфқларда олтин кема бўлиб юзган янги ойни кўрсат... Қўзичноғим, дагарим, деб соchlаримга бармоқ солиб тара... қалампирмунчогингни ҳидини туюй... Аяжон, мен ўлмайман, ўлишга ҳақим йўқ, мени ўлдиришолмайди... Сен мени дуо қилиб тур... Мени тушимга кириб тур... Бошқа нарса керакмас... (*инграб, шиглаб шеър айтади.*)

*Она жоним, сог бўлсанг
Севинчим менинг.
Ўзим ҳар жойда, дилимда –
Мехринг ўти сенинг...*

(Саҳна умумий ярим қоронгиликка чўқади. Холамбиби рўмоли елкасига сирғалган, паришион ва афтода ҳолда “Эй фалак, чархинг бузилсин” қўшигини айтиб кириб келади. Терговхона атрофида айланиб, киришига йўл тополмайди. Усмон Носир талпинади, талвасага тушади, бақиради, овози чиқмайди. Она ўғлини саҳна бўйлаб излайди. Ниҳоят қўшиқ сўнггида қарга қагиллайди, изгирин изиллайди, паровоз чинқириги янграб, поезд гилдираги садоси эшитилади. Она товуши келган қоронгилик томони қўлларини чўзиб, чўйк тушади.)

Она (фарёд солади): Эй, фалак, чархинг бузилсин сени! Эй, замон, ўт тушсин сенга! Эй, Худо, Художоним! Аянг ўлса бўлмасмиди, жоним болам, Усмонжоон!.. (*фарёд поезд қичқиригига қўшилиб кетади.*)

Тамом

Кори қуши^{*} чинқириғи

Хикоя



**Шерзод Комил
ХАЛИЛ**

Қария Апон Габа кампири вафотидан бери ёғингарчилик пайтлари дарё асосан ёмғир сувларидан куч-кувват олишини билгани туфайли балиқ овига деярли чиқмай қўйганди. У ов қиласидаган Амгун¹ дарёси сувларини Узоқ шимолда қад ростлаган Буриенский² тизмаларининг чақир ён бағирларидан шарқираб, шовва солғанча оқиб келувчи Сулук³ ва Аяkit⁴ ирмоқлари сувлари тўлдирав, бу дарё эса Хабаровск ўлкасининг абадий музликлар қоплаб ётадиган тоғлари ва тайга ботқоқликлари оралаб то Долган⁵ ва Даљжа⁶ кўлларигача бўлган узок масофани босиб ўтади.

1 Амгун – Сулук ва Аяkit ирмоқларининг қўшилишидан хосил бўлган дарё. Амгун Амур дарёсининг чап ирмоғи ҳисобланади. Дарёнинг узунлиги 723 километрни ташкил этади. Дарё хавзасида тўрт ярим мингта кўл мавжуд бўлиб, негидальц халқи ўзини Амгун (Хумгун) одамлари деб билишади.

2 Буриенский тизмалари – Узоқ Шарқнинг жанубий қисмида жойлашган Хабаровск ўлкасининг таҳминан тўрт юз метр масофага эга тоғ тизмаси, энг баланд чўққилари 2106 метрни ташкил қиласиди.

3 Сулук – Буриенский тизмаларидан бошланадиган ирмоқ.

4 Аяkit – Буриенский тизмаларидан бошланадиган яна бир ирмоқ.

5 Долган – бу ерда Амгун дарёсининг куйи оқимида жойлашган кўл назарда тутилмоқда. Мазкур кўл туркий халқлардан бири ҳисобланадиган долганлар номини олган.

6 Даљжа – Амгун куйи оқимидағи кўл. Амгун куйи ирмоқлари канал орқали Даљжа кўлигача етиб боради.

* Кори қуши – осмон сферасидан ташқарида ўсадиган темир дараҳтда яшовчи афсонавий қуш. Қадимда бу қуш оғирлигидан темир дараҳт эгилиб, қанотларини кокканда тўфон пайдо бўлади, деган тасаввур бўлган. Айrim афсоналарда кори қуши улкан бургут, бошқаларида түякүш каби узун-узун оёкли баҳайбат парранда сифатида тасвирланади.

Шерзод Комил ХАЛИЛ – 1982 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) фалсафа факультетини тамомлаган. Унинг 2016 йил АҚШда "I left poetry" ("Мен шеъриятдан кетганман") китоби нашр этилган.

Шерзод Комил ХАЛИЛ

Апон Габанинг қизи бу ердан хийла олисга, нивх⁷ларга келин бўлиб тушган. Шунинг учун ота уйига икки-уч ойда, онда-сонда бир келади. Чолнинг ўғли Тундал эса, Хабаровск бозорларига балиқ олиб бориб сотиб юрган пайтлари Елена исмли бир рус қизини учратди-ю, отасини ҳам, негидальц⁸ларни ҳам унудти. Аслида Апон Габанинг бир қорни озгина таомга ҳам тўяди. Шундай экан, умри шомида ўзини хатарга қўйишига ҳожат ҳам йўқ. Қолаверса, ёмғирли маҳаллар Амгун кутрайди, унинг бўтана сувлари тўлиб-тошади, сел келиши мумкин. Апон Габа ёғочдан бунёд этилган эски чорчўп уйининг деразаси олдида ёлғиз ўтиаркан, умрининг шитоб билан ўтиб кетган йилларини эсларди. Ў! Бир бошқача даврлар эди-да ўзиям! Мана шу ёғоч кулбани ўз қўллари билан курганида ҳали Тундал туғилмаган, хотини Ергукнинг қорнида эди. Апон Габа баҳорги ов мавсумида Амгунда балиқ овларди. Ўшанда дарё уйга яқин бўлгани учун Ергук ҳам, балки уйда ўтиравериб зериккандир, ким билсин, унинг балиқ овлашини томоша қилгани келганди. Ергукни тиббий қўриқдан ўтказган сариқ сочли, тўладан келган, совуққонгина Майя Дементьевна деган шифокор аёл:

– Хотинингнинг кўзи майда ёрийди. Мартдан бошлаб доим кузатувингда бўлсин, – деб тайинлаганди.

Қизиқ: бу руслар баҳорги ов вақтини “март” дейди, тайга резаворларида тухумдан пайдо бўладиган пайтни эса “май” дейди. Кузги лосось ови палласини эса негадир “сентябрь” деб аташади. Негидальцлар-ку бу жумлаларга аллақачон ўрганиб ҳам кетди. Ўз тили йўқолаётган ҳалқлар шу тариқа бошқа ҳалқлар тилига мослашиб бораверар экан-да, начора. Хуллас, ўша шифокор аёл тўғри тахмин этган экан, ўша баҳорги ов вақтидан Ергукни тўлғоқ тутиб қолганди. Яхшиям уйда қолмай, у билан бирга овга келган экан. Бўлмаса бечоранинг ҳоли не кечарди?! Ўшанда Апон Габа тутган балиқларининг ҳаммасини Амгунга қайта улоқтириб, хотинини қўтариб олиб, ҳаллослаганча кулбага етказиб келган ва шаманинг аёлига одам юборганди. Шаман аёл қандайдир рангли иплардан тугунчаклар қилиб уни ечаётганида, бола эсон-омон туғилди. Ҳеч қанча муддат ўтмай шаманинг шахсан ўзи ҳам орқасига ғалати қоп осиб, қўлида асо ва гурзи қўтарганча етиб келиб, аллақандай маросимларни ўтказгач, етти ойлигига туғилган болага Тундал исмини берганди. Ўфилчалик бўлган Апон Габа роса суюнган, ҳали бу уйда кўп-кўп болалар туғилишини дилида туғиб қўйганди.

– Негидальцларнинг кўпайиши учун хотинларингизни кўпроқ тугдиринглар зангарлар! – дерди Апон Габанинг ўзи доим негидал тўйларида арча арогидан ичиб роса оёққа туролмайдиган маст бўлиб қолган пайтлари.

7 Нивхлар – Хабаровск ва Сахалин оролининг шимолий қисмида яшовчи кам сонли ҳалқ. Нивх Амур бўйларида негидальцларга кўшни бўлиб яшайди. Улар билан қуда-андачилик қиласди. Негидальцлар асосан нивхлар билан ассимиляция бўлиб бораётганилиги кузатилмоқда. Нивхлар Россиядан ташкари Японияда ҳам яшайди. 2010 йилги Бутунrossия аҳолини рўйхатга олиш китобида нивхлар сони 4652 киши эканлиги кўрсатилган.

8 Негидальцлар – Ўзларини негидальц тилида "Yegidal beyenin" – "Соҳил одамлари", "Amgun beyenin" – "Амгун одамлари" деб атайдиган кам сонли ҳалқ. Ижтимоий антропологлар негидальцларни Амур ўлкасида майда тунгус-манжур ҳалқларидан бири деб билишади. 2002 йил Хабаровск ўлкасида 567 та негидальцлар қолганлиги аниқланган. 2001 йилда Украинада ҳам 52 та негидальцлар борлиги рўйхатга олинганди. Негидальцлар дини шаманизм ва анимистик тасаввурларга суюнади. Кейинчалик уларнинг аксарияти руслар таъсирида православ динини қабул қилган бўлса-да, ҳамон шаманларини улуғлайди. Аҳолининг асосий қисми овчилик ва балиқчилик билан кун кечиради. Негидальцлар шимолнинг йўқолиб кетиш арафасида турган кам сонли ҳалқларидан бири сифатида маданий идентикнинг асрлаб қолишига интилаётган инсоний маданиятлар кўмагига муҳтожлардан бириди.

– Худди ўнта боласи бордай гапирасан-а? – қулишарди ҳамроҳлари уни сүяб кулбасига келтириб ташлашаркан.

– Ҳали қараб турларинг! Менинг болаларимни санашга бармоқларинг етмай қолади, – бўш келмасди Апон Габа.

Аммо гап бошқа, ҳаёт бошқа экан. Эртага нима бўлишини одам билмайди.

Апон Габанинг иккинчи фарзанди дунёга келиш арафасида Ергук унга:

– Тундал туғилишидан олдин ўз уйимизни қуриб битказгандингиз. Бу туғилажак болага совға эди. Энди яна боламиз бўлади. Унга нима совға қиласиз? – деб қолди.

– Буғу! – ваъда бериб юборди беихтиёр Апон Габа.

– Ҳазиллашманг?! – ишонқирамай қайта сўради Ергук сўнг хурсандлигини яширолмай бир ҳаприқиб қўйди: – Наҳот бизнинг ҳам ўз буғумиз бўлса, қандай яхши!

Ергукнинг суюнганича бор. Ахир ўз буғусига эга бўлиш ҳар бир негидалнинг орзуси эди. Айниқса қўш буғули аравага эга бўлган негидаллар тўйларда, айик байрамлари ва негидалларнинг бошқа маросимларида ўз буғули аравасида ҳайвон мўйналарини ёпиниб келганида ҳамма ўзгача ҳайрат ва синоатда боқар, ундайларга бўлган хурмат ва эҳтиром оддий ўн-ўн иккита ит тортадиган араваларда келадиган бошқа негидалларга қараганда ўзгача аҳамият касб этарди. Бундай маросимларга илиқканча шунчаки пиёда борадиганларга эса бирор эътибор ҳам қилмасди. Апон Габа негидалларнинг эътиборли, бообрў одами бўлишни истарди. Балки шунинг учун ҳам беихтиёр Ергукка шундай ваъда бериб юборгандир, яна қайдам? У буғу тутувчи негидал овчиларига бу борада гап очганида:

– Қиши келсин, муродингга етасан, фақат бизга ёрдам беришинг керак, – дейиши.

– Ўрмон баргларини ташлаган ойда керакли йўлларда лаҳм қазамиз, қор ёғиш олдидан бу лаҳмлар устини барги-ҳазонлар билан номига ёпиб, йўлни тузатиб қўяшимиз. Тўғри, бу вақтда буғуларни алдаш қийин. Буғулар жуда сезгир жонивор. Фақат биринчи қордан кейин улар белгиларда барibir бироз адашадилар ва шу йўлдан ўтишса, лаҳмга тушишади ва у ердаги сиртмоққа илинишади. Агар бизга шу ишларни бажаришда ёрдам берсанг, ўзингга ҳам буғу тутиб берамиз. Кейин ҳар биримизга тегишли ўлпонимизни ҳам берасан, келишамиз.

Овчилар Апон Габа билан шундай шартлашишди. Буғуга эгалик қилиш уни кўп қишинчилкларга солиши маълум бўлса-да, истиқбол учун ҳаммасига рози эди. Нима бўпти? Кўпроқ балиқ тутиб қарзларини узади, албатта. Ўзиям оқ амур балиқларини ушлайди, карпларни тутади, форель балиқларини қармокқа туширади, налим ва ротан балиқларини тўрга киритади керак бўлса, муҳими, буғуга эришса, хотини Ергук олдида ҳам юзи ёруғ бўлади. Қарабсанки, дўсту душман ўртасида ҳам Апон Габанинг номи тантанавор жаранглайди. Шу мақсадда ҳомиладор Ергукни ёлғиз қолдириб овга кетган Габани овчилар роса ҳолдан тойдиришди: буғулар ўтиши мумкин бўлган қанча жойларда лаҳм қаздиришди. Эҳ, булар унинг шу меҳнати ортидан канча буғу ушлашади. Бу дунёда ҳамма меҳнатни қора халқ қилади, лўттибозлару учарлар эса доим улар ортидан роҳат топади. Лекин нимадандир воз кечилмаса, бошқа бир даражага эришиш осон эмас. Бошқа вақт бўлганда-ку, бу ўжар овчилар билан ойлаб ҳам бирга юарди, аммо Ергукнинг куни яқин. Ёнида бўлмаса, унинг ҳоли нима кечади? Хотинининг кўзи ёрийман деганда шаманинг аёлига ким одам юборади? Гарчи Майя Дементьевна: “Шаманинг аёлига эмас, врачга ишонинглар, Ергукнинг кўзи туғруқхонада ёрисин”, деган бўлса ҳам...

Ўшанда врачнинг айтганига қўнганды, ҳозир хотиржам бўлармиди?! Ўлгудай қайсар ва чўрткесар Апон Габа врач аёлнинг талабини шу заҳотиёқ қатъий рад этганди:

Шерзод Комил ХАЛИЛ

– Негидаљцлар шамалларга, дараҳтларнинг руҳларига азалдан ишониб келган. Нега мен аждодларимиз ақидалари қолиб сизга ишонишм керак? Бас, хотинимни текширгани келганингизга розилик берганимнинг ўзиёқ сизга катта илтифот кўргизганимиздир. Энди ҳаддингиздан ошманг! Негидаљц болалари сизлар ўйлаб топган туғруқхоналарда эмас, уйларида туғилаверади...

Майя Дементьевна бошини сарак-сарак қилганча, афсусланиб кетганди. Апон Габа биринчи қор ёға бошлаган вақтгача овчилар югурдаги бўлиб буғу оvida юраркан, врач аёлга қаттиқ гапирганидан энди пушаймон бўларди.

– Энди буғулар бу қазилган лаҳмларга тушиб, сиртмоқларга қачон илинار экан-а?! – илинж билан сўрарди Апон Габа қайта-қайта.

– Бунча ичинг тор, – силтаб ташлади уни овчиларнинг бошлиғи, ўрмон яланглигига олов атрофида давра қуриб яқинда отиб ўлдирилган ёввойи тўнғиз гўштини танаввул қилишаётганда. – Энди қор ёға бошлади. Бу ёғида буғу тутамизда...

Апон Габанинг юраги сиқилганича бор экан. Шаманнинг шахсан ўзи унга чопар юборганди. Унга хотинининг кўзи ёригани, шаман аёлининг ҳозир ўша ердалиги, ҳамма ишни ташлаб зудлик билан қайтиши кераклиги тушунтирилганди. Чопар аниқ гап айтмади:

– Бола туғилган бўлса, ўғилми-қизми? – сўради у.

– Билмайман, фақат тез қайтишингиз керак! – деди келган чопар.

Овчилар базўр норози оҳангда унга қараб колишиди. Шаман айтган бўлса, бунга ким ҳам қарши чиқа оларди?! Апон Габа шошилинч уйга қайтди. Кулбасига яқинлашганида у ерда кўплаб негидаљцлар йигилганидан юрагига нимадир тиқилди. Уйи томон чопди. Уни Ергукнинг отаси кекса Имкан қаршилади:

– Ергукни бой бериб қўйдик, – деб йифлаб юборди чол.

Апон Габа уй ичига кирди. Юзига сурп ёпилган Ергукни кўриб дод солиб хўнгради. Уни марҳум аёли билан ёлғиз қолдиришиди. Апон Габа эзилиб йифларкан, бирдан нимадир эсига тушиб ташқарига чиқди. У ўғли Тундални қидиарди. Бошқа уйда болаларга шаман аёл қараб турганини айтишиди унга.

– Болаларга!? – ҳайратланди у мисоли телба каби.

Ўша уйга кирганида шаман аёл ўғли Тундал билан бирга кичкина қизалоққа ҳам қараб ўтирганини кўрди. Шаман аёл маъюс:

– Габа, бу сенинг қизинг, лекин кечир, аёлингни сақлаб қололмадим, – деди.

У индамади. Нима ҳам дерди? Энди барибир Ергук қайтмайди.

Апон Габа қизчани бағрига босди:

– Кичкина Ергук! – деди. – Худо онангни олди, сени берди. Унинг яшамаган умрларини ҳам сен яша, қизим!

Қизчани шаман аёлга тутқизаркан, ҳеч нарсани тушунмаётган уч яшар Тундални маҳкам қулоқлади.

– Ўғлим Тундал, биз энди қандай яшаймиз?! Онанг Ергук бизни ташлаб кетди.

Бироқ Тундал бу гапларни тушунадиган ҳолатда эмасди ҳали. У отасининг хафалигидан маъюсланди, холос, балки тушунгандир, ким билсин...

Шаман маросимларни ўтказгунча, хотини билан Апон Габаникidan кетмади. Ўзи ҳамма маросимларни ўтказди, хотини болаларга қаради. Ҳатто кичкина қизалоқни буғу сути билан парвариш қилиш учун буғуси туққан негидаљц аёлларига Апон Габанинг қизига меҳрибонлик кўрсатиб беришларини тайинлабди. Ергукни кўумиб келишганидан кейин ҳам келган негидаљц аёллари Апон Габага учраб, буғу сути керак бўлса, тортиномай бизникидан бориб олаверинг, ласос тутганингизда келишиб

кетаверамиз дейишди. Шунисига ҳам раҳмат, эх, негидальцлар, яхшиям бир-бirimiz билан нимадир алмашиб яшаймиз, бўлмаса ҳаёт нима бўларди, эртанги кунимиз қандай кечарди, Худо билади?!

Маросимлар тугаши билан ҳамма кетди. Апон Габанинг болалари олдида эса мархум Ергукнинг тул қолган опаси Улукни ташлаб кетишиди. Улук қорача рафтор, бирор унга қараса тезгина кўзини олиб қочадиган қисик кўз, аммо худди мархум синглиси Ергук каби истараси иссик аёл эди. Бир пайтлар уни Амгуннинг юқори оқимида яшайдиган бир негидальц йигитга турмушга беришган. Ўша пайтлар мархум хотинининг унга айтиб беришига караганда, опаси Улукнинг қорнида боласи бўлган. Ҳомиладорлиги оғир кечган. Қўлидан бирон иш келмай, уйда азоб чекиб ётган. Бир куни даҳшатли фалокат рўй беради. Қишлоқ осмонида кори қуши пайдо бўлади.

Бу қуш негидаль қарияларининг айтишича афсонавий ҳисобланар, жуда улкан ва баҳайбат бўлиб, олис шимолдаги темир дараҳтида уя қуар экан. Кори ўша ерда яшайди, тухумларини очиб чиққан полапонлари ҳам темир дараҳтида улғаяди. Полапонларини гўшт билан боқади. У гўшт баликникими, ҳавонники, одамми фарқи йўқ, у исталган жонзотга даф қилса бас, кори қушидан на қочиб, на кутулиб бўлади. У жуда баланд овозда қичқиради. Уни ўз кўзлари билан кўрган ва чинқиригини ўз кулоқлари билан эшитган одам зоти борки, ўлим билан юзлашишга маҳкум. Кори қуши билан учрашиш муқаррар ўлим демак. Мархум Ергукнинг опаси, мана шу Улук кори қуши овозини эшитади. Ҳомиладорлик азобларини чекиб уйда ётгани учун яхшиям бу мудаббир қушни кўрмайди, аммо унинг даҳшатли овозини эшитади. Ўшанда юқори Амгун бўйидаги қишлоқдан кўпчилик ўлиб кетди. Улар баҳайбат корини кўришган экан. Эҳтимол кори болаларига емиш учун кимларнидир темир тирноқлари орасига чангллаганча олиб ҳам кетгандир, яна ким билсан?! Мархум хотини Тундалга ҳомиладорлик вактида уни текширгани келган гениколог врач аёл Майя Дементьевага бу ҳақида айтганида у:

– Ҳа, юқори Амгун бўйида дифтерия тарқаганида кўпчилик одамлар ўлганди, – десада, негадир кори ҳақида индамаган. Мийифида кулиб кўйганига қараганда, балки бу гапларга ишонмагандир, аммо ўша йили қанча одам ўлиб кетгани рост. Кори қушининг овозини эшитган Улукнинг ҳам ҳомиласи қорнида нобуд бўлади, эри ўшанда ўлган. Апон Габанинг қайнотаси қизи Улукни у ердан уйига олиб келади. Шундан буён бу тул аёл деярли хеч кимнинг кўзига кўринмай отасининг хонадонида яшаб юрганди. Синглиси ҳаётлик вактларида ҳам бу ерда ҳатто меҳмонга келмасди. Балки Апон Габадан тортингандир. Энди шаманинг хотини шу аёлни Апон Габанинг болаларига қарашга ёрдамчи қилиб ташлаб кетганди. Улук болалар билан бир уйда, Апон Габа эса бошқа уйда ётиб юрди. Болалар билан нонуштада, тушликда ва кечки таомдагина дастурхон устида кўришарди. Улук ҳам, Апон Габа ҳам бир-бирлари билан деярли гаплашишмас, гоҳ-гоҳ бўладиган сұхбатлар ҳам “ҳа” ва “йўқ”дан нарига ўтмасди. Кунлар мана шундай бири бошқасини қувалаб бораракан, бир куни қайнотаси Имкан, шаман ва унинг хотини уларнига келишиди. Апон Габа уларни меҳмон қилди.

– Гап шундай, – деди шаман, – болаларга она керак. Уларга меҳр, баҳт берадиган она лозим. Сенга эса аёл керак. Биз Имкан билан ўйлашиб Улукни никоҳингга олсанг яхши бўлади, деган карорга келдик. Бунга ўзинг нима дейсан?

Апон Габа индамай тураверди.

– Бор Улукни ҳам бу ерга чақириб кел, – деди шаман аёлига.

Шерзод Комил ХАЛИЛ

Шаманнинг аёли Улукни айтиб келди. Улук ҳам дастурхон қуиига келиб ўтириди. Шаман бу гал Улукка юзланди:

– Биз отанг билан келишиб, сени Габага хотинликка бермоқчимиз.

Улукнинг ранги бўзарип ерга қаради.

– Габанинг болаларига сендан меҳрибонроқ она топиб бўлмайди, – дея шаманин гапини кувватлади унинг аёли ҳам.

Имкан, Габа ва қизи Улукни жимгина кузатиб турарди. Шундан сўнг, шаман бутун масъулиятни ўз бўйнига олиб, уларни эру хотин қиласиган маросим амалларини ўтказди, аёли эса ёрдам бериб турди. Апон Габа ҳаммасига кўнди. Дарҳакиқат, болаларга фақат Улук она бўлгандағина ўгайлик қилмайди. У Улукка аввало шунинг учун розилик билдириди. Бу унга қулай, эртанги кунидан хотиржамлик туиши мумкин бўлган ягона чорадай туюлди. Апон Габа кейинчалик ҳам бу карори тўғри бўлганлигига кўп бора амин бўлди. Улук билан бошланган ҳаётидан сўнг, мархума Ергук аста-секинлик билан унинг хотирасидан ўчиб борди. Аввало Тундал бир неча кун йиғлаган бўлса-да, сўнг Ергукни унтиб, Улукка ўргана бошлади. Бир куни Апон Габа Тундал уни “она” деб чақирганини эшилди. Кичкина Ергук эса, шундок ҳам уни ўз онаси деб биларди. Мархума аста-секин хотиралардан ўчди, Ергук деганда ҳамма фақат қизчани хаёлига келтира бошлади. Апон Габа мархумани уннутмаслик учун исмини қизига берганди, аммо ҳаммалари ўтмиш кечмишини унтиб янги ҳаётга кўнишиб кетишиди. Улук ҳам Ергукни худди ўзи тукқандек парваришлади, фақат ўзи ҳеч қачон ҳомиладор бўлмади. Кори қуши овозининг фалокати Улукка бир умрга тамға босган, балки бутун умр аёл бола кўрмай ўтиши мумкинлиги эҳтимолдан холи эмасди. Шундай бўлди ҳам. Улар биргалиқда Тундал ва Ергукни ундириб-ўсиришиди, лекин бошқа бола кўришмади. Апон Габа ҳам энди аввалги Габа эмас эди. Энди негидальц тўйларида ароқ ичиб тўполон қилмас, негидальцларга бола туғдириш бўйича маслаҳат бермас, ўз бугусига эга бўлишга ҳам ортиқ қизиқмасди. Ҳамма нарса Худонинг қўлида эканлигига батамом амин эди. Туғилаётганида онаси вафот этган Ергук ҳам бир пасда бўйи етиб, катта қиз бўлди. Лекин негидальц эмас, нивх йигитига турмушга чиқди. Қизи ўша йигитни суйган экан. Апон Габа фарзанди баҳти учун қайсаражик қилиб ўтирамди. У томирларидағи негидальц қони ўғли Тундал орқали авлодлари томирида ҳам оқишига ишонарди. Аммо уларнинг кори қушидай баттол душмани бор экан, авлоди мудом хавф остида қолаверишини ҳам ўйлаб, сиқиладиган Апон Габа кори қушини ҳеч бўлмаса ўз ўлимни олдидан бўлса ҳам бир марта кўришни истарди. Бир гал анча йиллар олдин жуда кучли қичкириқни эшилди. У кори қуши негидал осмонидан учиб ўтдимикин, деб чопиб чиқди. Одамлар аллақаёққа қараб югуришаётганди. Апон Габа ҳам уларга қўшилганди ўшанда. Кейин билса бу Амгун юқори оқими бошланадиган худудларда олтин конлари топилгач, казув ва ташув ишларини ташкиллаштириш учун бу ёқларга илк бора келган янги темир йўл поездининг овози экан. Апон Габа кори қушининг овози деб янглишганди. Яна бир гал бошқа алфоздаги гулдураган овоз кўқдан келганида у бу гал аниқ кори қуши келди деб ўйлаганда, одамлар:

– Бу вертолёт – осмонда учадиган темир машина, ичида руслар бўлади. Вертолётни ўшалар бошқаради, – дейишиди.

Апон Габа ҳайрат ва ваҳимадан мум тишлаб қолди. Тундал ҳам улғайиб, Хабаровск бозорларига негидальц ўртоқлари билан балиқ сотадиган бўлганидан кейин Апон Габага жуда кўп қизиқ гапларни гапириб кела бошлади. Ойна ичидан одамлар чиқиб гапиаркан, бошқалар унга қулоқ солар эмиш. “Телевизор”

дайишибиди унга буни. Дунё ўзгариб кетганди. Мана Тундал ҳам ўзгарди. Кампири Улукнинг вафотидан кейин, деярли уйда ўтирамайдиган одат чиқарди. Шу Улук уни уйда тутиб турган экан. Охири ўғли уйга Елена исмли рус қизини етаклаб келди:

– Ота, мен у билан турмуш курдим, – деди тап тортмай.

– У сен Амгунда балиқ ушлаганингда ўрмонда резавор теришга борадими? – деди.

– Отам, бунча соддасиз, – деди эрининг ўрнидан хотини Елена. – Ҳозир ўрмонда резавор теришга бало борми? Ана бозорларда, дўконларда ҳамма мевалар, резаворлар бор, керак бўлса, ўша ердан сотиб олаверамиз.

Апон Габа келинидан балиқ терисидан оёқ кийим тикишни, балиқ суягидан эса чанага қўшиладиган итлар учун занжирли ип ясашни, сурпга кашта тикишни, мунҷоқ қадашни, яна негидалъцлар билиши керак бўлган қанча нарсаларни сўради. Йўқ, келин бўлмиш Еленанинг буларнинг ҳеч қайсидан хабари йўқ экан. Апон Габа жуда хафа бўлди. Яхшиям Улук туппа-тузук юриб, миясига кон қуюлиб бирдан ўлиб қолган экан. Буни кўрмади. Кўрганда ҳам балки ўларди. Тундал, шунча туппа-тузук негидалъц қизлари бўла туриб, улардан бирорини эмас, ҳеч нарсани билмайдиган ўзга қавм қизига ўйланибди. Апон Габадан ҳатто бир оғиз изн ҳам сўрамади. Фақат Елена билан Хабаровскка қайтаётганида Габа билан хайрлашгани кирапкан деди:

– Ота, мендан хафа бўлма. Сен синглим Ергукни нивхларга турмушга чиқишига қарши бўлмадинг-ку, энди мендан ҳам рози бўл. Сен ҳам ўз ҳаётингда яшагансан, мен ҳам ўз ҳаётимни танладим. Ахир мен ҳам сен каби дунёга бир марта келганман. Бир куни кори күшининг қичқиригини эшитганимизда эса барибир ҳаммамиз ўламиз, – деди.

Тундал отаси билан қучоқлашиб хайрлашди. Мана шундан буён қорасини кўрсатгани йўқ. Апон Габа дераза олдидан нари кетди. У симтўр каравотига бориб чўкаркан, Тундалнинг отаси билан хайрлашаётганда, кори қуши ҳақидаги гапини яна хаёлидан ўтказди:

– Бир куни кори күшининг қичқиригини эшитганимизда биз ҳаммамиз ўламиз!

– Ҳозир тирикмиз-ку, ўғлим, – юпанди Апон Габа, – негидалъцлар тирик, демак яшашимиз керак!

У хира кўзларини ташқарига тикди, ёмғир бутун кенгликлар бўйлаб шаррос куярди. “Бундай пайтлар, – ўйлади Апон Габа, – Амгун кутрайди...”

2021 йил
Москва–Переделкино



Бирлик

Асардан парча



Тоҳир ҚАҲҲОР

Сўзбоши

Бирлик – ўзбек шеъриятида янги тур.

Бирликлардан тузилган “Бирлик” китоби 1987–2022 йиллар орасида ёзилди. Ўзга асарлардан фарқи – бошقا тилга ўгириб бўлмайдиган китоб. Яъни, уни шеър ўлароқ тўла таржима қилиши мумкин эмас. Чунки тилимиздаги икки англамили битта сўз билан сатрнинг боши ва охирни қофияланган бирликни фақат ўзбекчада яратиш мумкин.

Бир сатрли шеърлар жаҳон адабиётида икки минг йилдан бери бор. Бироқ улар қофиясиз. Ана шу нуқсони боис уларни шеър деб қабул қилиши қийин... 1988 йилда чиққан “Юлдузлар менинг bogim” китобимда “Енгилиш – энг енгил иши”, “Турма бўлсанг, дунё, турма!” каби илк бирликларим босилганди. Бирликлар ойлар, йиллар сайн ўнта, иигирмата, ўттизта бўлиб кўпая борди. Ўзбек тили имкониятларини, бойлигини кўрсата оладиган шеър тури яралётганидан ҳаяжоним ичимга сигмасди. Ўттиз икки йил китоб битишини кутуб ёздим, аммо битмади: чунки тилимизда бирлик яратишга лойиқ сўзлар – чексиз. Аввал беш юзта бўлса китоб қилиб чиқараман, деб ўйлагандим. Кейин мингта, бир ярим мингта, икки мингта бўлишини кутдим, ўйлаганимдан ҳам ошиб кетди...

Тоҳир ҚАҲҲОР – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, халқаро Аҳмад Яссавий, Турк дунёсига хизмат (Туркия) мукофотлари билан тақдирланган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. “Оқ ўрик”, “Оқаётган дарё”, “Осмон кимники”, “Эшик тақиљлаётар”, “Кун кўзи”, “Юлдузлар менинг bogim”, “Тогнинг парвози”, “Хур Туркестон учун” каби шеърий ва публицистик китоблари босилган. Г. Маркеснинг “Ошкора қотиллик қиссаси”, X.Н. Отсизнинг “Кўкбўриларнинг ўлими”, “Кўкбўриларнинг тирилиши”, Д. Алтнинг “Шарқнинг энг буюк ҳукмдори Темур” романлари, И. Аканинг “Буюк Темур давлати”, Насимийнинг “Жононни севарман”, С. Ширвонийнинг “Ғазаллар” ва бошقا қатор жаҳон адабиёти намуналарини таржима қилган. У “Замонавий ўзбек шеърияти” (Анқара 1995), 32 жилдлик “Турк дунёси адабиёти антологияси”га мансуб уч жилдлик “Ўзбек адабиёти”(2000) муаллифи. Қирқдан ортиқ халқаро илмий анжуманларда ўзбек адабиёти, матбуоти, таржима масалалари мавзусидаги маъruzalari билан қатнашган.

Ниҳоят, “Бирлик” китобини нашрга тайёрладим. Бугунда давлат тили мақомига эришган, тил байрами сифатида шарафланаётган, дунёнинг энг кўп сўзлашиладиган тиллари сафида олтинчи ўринга кўтарилган туркий тилнинг энг қадимгиси – Туркистон туркласига, яъни ўзбек тилига багишлаб бу асаримнинг биринчи бўлимини “Ўзбек тили” деб атадим. Зотан, мустақил Ўзбекистон номи маданияти, санъати, спорти билан таниларкан, хусусан, “ўзбек кураши”, курашдаги атамалар ҳам бошқа тилларда ўзбекча ўлароқ қўлланилмоқда. Шеъриятда янги пайдо бўлган бирлик турида, албатта, жсаҳон шоирлари ҳам келажакда ўз бирликларини яратадилар, биз газал, мухаммас, сонет деганимиздай, улар ҳам ўзбекча бирлик сўзини шеър тури ўлароқ қўллайдилар, деб ўйлайман.

Шаклан бир сатрли шеърлардан тузилган “Бирлик” китоби мазмунан ҳам оламларни яратган Биру Бор, бир Одам отадан тарқалган ва бир Ер юзида яшаётган башарият бирлиги ва тенглиги, элимизнинг, тилимизнинг бирлиги, бирлик-баробарлигимиз ҳақида.

Муаллиф

I. ЎЗБЕК ТИЛИ

БИР

Бир-бирини билмас ҳеч ким гар билмаса недир Бир.

ЮРТИМ КЎРИНИШИ

Туманларим тоғлар ичра, боғлар ичра туманларим.

ДАЛА БОЛАСИ

Тин кам олдим; экдим, тердим, куриди тинкам.

ЁШ ЎЗБЕК ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Туғ илар, байроқ кўтарар – янги миллий шон туғилар.

ҚИШЛОҚЛИК

Экмак-тиқмак билан у топади ош, нон-экмак.

XXI АСР

Кунда, жаллод бўш турмас – жиноят бор ҳар кунда.

ДАЛА-ДАШТДА

Тўқли кунинг, ёрлақагир; тўйдирганинг қўчкор, тўқли.

ЁФИ

Ёғинг турса бошингда, бошингдан оқар ёғинг.

ТЎЙМАС

Тўй-мас ҳар кун; замон тўй-мас; инсонлар тўймас.

ҲАЁТ

Яшай иш кўрсатиб, дер қаҳрамон – шу яшайиш.

ИККИ ЧАЛҒИ

Чалғиси замоннинг сенда; замонда ажал чалғиси.

ТАЛАБ

Талаб қилса чархи гардун, Қароқчи* ўтар талаб.

* Етти қароқчи юлдузи.

ЙЎҚСИЛ

Йўқ, сил эмасди у; сикилиб ўлди йўқсил.

ТУТ

Тут-тутма, ҳеч не қолмас; қолар ғариб мозор, тут.

КЎМИТ

Кўм итинг, эъзозлаб кўм; сенинг-да шай кўмитинг.*

*Кўмит – арабча қабр, форсча гўр сўзининг эски ўзбекчаси.

Тоҳир ҚАҲХОР

ТУРКИСТОН ИСТИЛОСИ ВА БЎЛИНИШИ

Кечдим-кетдим шу юртдан; аждодлар айбин кечдим.

АТТОРОНА ТАРОНА

Ўт, чечак ундирур тупрок; барчасин куйдурур ўт.

ТАМАКИ

Чекилди тамаки, қайғу чекилди.

СТАЛИНЧА ТУШУНЧА

Бу тамок, емак етмас – керак халқни бутамоқ!

САРОЙ КАЛАМУШИ

Бу юргандан ўлган яхши, дер-у, қўрқар буюргандан.

БАРЧАНИНГ КЎЗ ЎНГИДА

Бандит, ўғри ким, биларлар; ялоқ ялаш билан банд ит.

ЧЕЧАК

Чечак чиққанми пулингга, суйганингга ол чечак!

БЕЛКУРАК

Белингни тик тутмоқ-чун тинмай ишлат белингни.

ШОНЛИ ОТ

Отинг, молинг қолмас, минг йил қолур – бўлса шонли отинг.

ОФАТЛАРНИНГ ЁМОНИ

Шар офат шу – фириб-ла шарафсиз топса шарофат.

ГОВЛАР

Ғовлар кўп, ғовғачи кўп, бир бошим шундан ғовлар.

ОДАМ БЎЛИШ ҚИЙИН

“Ака, менам элликка кирдим!”

Элликдан ошса эшак, эшакдир; чиқма элликдан.

ҚУРУЛТОЙ

Ўйин мансаб кирлатганлар элни сотиб, бошлар ўйин.

САНЪАТКОРНИНГ КЎЗИ

Кўз юмушинг бажармаса, тезлашар кўз юмушинг.

НОМАҶЛУМ ЁВ

Қонунда йўқ “мим”ни сўйиш, сўйсанг, чиқмас – қон унда йўқ.*

**Мим –лом-мим демаслик, индамаслик ва мимлаш, яъни чақимчилик англамида.*

МАНСАБДАН ТУШГАН НОНҚЎР

Кеча ялаб юрганди, энди сўкар кундуз-кеча.

ФОҲИША

Кеч киришин кутмасданоқ бошлар кундуз-кеч кир ишин.

КЎЧИЛАДИГАН МАКОН

Бит-мас, сени еган – ғам, бу ерда роҳат битмас.

ФИРАВН

Тузоқлаб эзди халқни, иш тутмади туз оқлаб.

ЭЛБЕК

Нўхтасиздир бу булоқлар; нўхталаган нўхта сиздир.

ХУМСОН ЙЎЛИДА

Ошай тоғ, Хумсон бориб, дўстлар-ла ошни ошай.

УГАМ

У кам, бу кам дема, Угам Хумсонга етар, укам.

СЕВАР ОТА МОЗОРИ*

Тақадир гул инсонлар; бизнинг гулни так, адир.

**Хумсондаги мозор.*

ШОИР ҚАБРТОШИДАГИ ЁЗУВ

Тин олма, елдай эс, сўз; учди мендан мангутин.

1938 ЙИЛ ВА ҲУКМРОН

Қирилиб йўталар у; эли ётар қирилиб.

ЎҚИ

Ўқи, бил – миллатингга санчилмиш қай ёв ўқи.

ХАЛҚ ТАРАФ, ҲАЛҚУМ ТАРАФ

Адаш, у ён йўл солдинг; йўлимиз бўлди адаш.

ТУРКУМ

Туркум яшар ўзбек, қозоқ бўлиб айри, туркум-туркум.

ВАТАН ХОИНИ

У ётлик килди, бироқ бўлмади ҳеч уётлик.

“ЭШВОЙ” ЯНГРАГАНДА

Садоға бўлсин жон бундай садоға!

ҚИЛИЧ ВА ЧАФИР

Қилич – руҳинг, очун – ёв; кураш, бардош қил, ич.

ЎТАЧИ

Ўта-чи бурчинг, замон дардин эмла, ўтачи.

* Ўтачи –*табиб*.

ИККИЮЗЛАМАЧИ ВА КЎЗГУ

Акси яхши кўринар, асли бунинг том акси.

СЕВИНЧ

Ёр лақаб қўйди “қулим” деб бизга, Тангри ёрлақаб.

ТУРОНДА

Тур – онингда, ҳар нафасда кураш эл деб Туронингда!

ЙИЛЛАР

Оққани сайин дарё тус қоришар – оқ қани?

ҚЎРҚИНЧЛИ ЙИЛЛАР

Қоплар тўла илонлар... ичимни кўркув қоплар.

ЙИФИМ

Йигим-йигим ўтин, чўплар; ким эшитар кулгум, йигим?

ИККИ МИНГ ЙИЛ ОЛДИН

От олса, ўқ-ёй олса, ўқни ёвга отолса...

ЁРЛИК

“Тиландинг ёвдан ёрлик!” дерман, билмас тил андинг.

ДАНГАСА ДОНО

Оғир меҳнат инсонни маймун қиласи охир.

Соғлар ишласа кун-тун, согаярми сўлу соғлар?

ТОЛИБ

Толиб ҳеч ютуқ топмас ҳар йўлда қолса толиб.

СОВУҚ

Қор, орттиридинг кўзёшимни, кўнгилни ҳам корорттиридинг.

ҚИШНИНГ БОШЛАНИШИ

Бошқор энди шу кунларни, эй, Бош Булут, эй, Бош Қор!

КЎРКАМЛИК

Кўркуни қадр айлангиз тарк этмасдан кўрк уни.

ЁЗУҚ ВА ФАРОСАТ

Ёрдилар, дўстдилар кўпи, охир бошимни ёрдилар.

Тоҳир ҚАҲХОР

ҲАЛОЛ ҲАҚ

“Ишлаганинг ҳақини манглай тери қоттасдан беринг”.

Терингиз пахта, олинг ҳақ қуrimасдан терингиз.

КУРАШОЛМАГАН ЭЛ

Ўтунди ёвга, ёлворди – мозоридан ўт унди.

ЖОНИ ЖАҲАННАМГА

Томуғлиқ оғунгдан юрт тўйди, Нумруд, томуғлиқ!

ШАМОЛ, ЧОР ТУРКИСТОНИ

Шамол, бу юрт қоронғу, қўлингга шам ол.

УЗУК

Узук сотқин бармоқда, ҳар томон йўллар узук.

БЎЛИНИШ

Йўл олмадим қаламушлар билан – у ён йўлолмадим.

ОРОЛ БЎЙИДАГИ ХАЛҚИЗ ҚИШЛОҚ

Уни чиқмас бу қишлоқнинг; тегирмондан уни чиқмас.

ҚОРА ХАБАР

Қорабоғдан хабар келди: “Кутулмадик қора боғдан”.

ХАЛИЛ РИЗО

Курагимдан ол зиндонни! Юрт иш кутар курагимдан*.

**Х. Ризо-1960 й.дан шўро ва мустамлакачилик сиёсатига қарши
курашган, пантуркист дея қаматилган озарбайжонлик буюк шоир.*

ҲАҚИҚАТ

Ботинингиз чиригунча сўзламоққа ботинингиз.

КУЛИНГИЗ

Кулингиз ўзингиздан –хечдир тупрок, кулингиз.

ҚОПҚА

Қопқа не солсанг ейдир; сени ейдир сўнг қопқа*.

**Қопқа-эқак.*

БИР УМР

Совут, қилич бўл ўзинг; отинг боғлаб, гоҳ совут.

ЖОН УЗУМИ

Узум узуб жон узуладар... надир жон чиқсан у зум?..

БОСИЛГАН ЎЛКАГА

Чўлпонга ўҳшатма

Қонталаш эл... авжида юрт талаш, мол, қон талаш!

МИЛЛАТ ТОМИРИДАГИ ИЙМОН

Қон-мас, тўкилган – иймон; ёв-чи, қон тўкиб қонмас.

СОВЕТ АСИРЛАРИ

Иккинчи жаҳон уруши даври; Сталин буйругига кўра,

“асир аскар бўлмас, хоин аскар бор”.

Қонунингдан оқар бўлди қон бунингдан, қон унингдан.

ЭСЛИ ДЕҲКОН

Қолдик ҳосил, машоқ йиғиб, жон сақлаб қолдик.

ЖАЛЛОДЛАР ДАВРАСИ

Қотил шу ҳалқ қонин ичар... Лойиксан, кел, сен ҳам қотил*.

**Қотил-қўшил.*

СПАРТАК

Қул, очлар ҳеч қолмасин, әркни құчсин қулочлар!

РИМ

Бу ким? Қулдир, қул мансабдор, қулжаллобдир – боши буким!

ДЕВ

Қулай деса, қуласин деб айтмоқ ҳам әмас қулай.

ТОНГ НУРИ

Сур бетингга нурини; ҳей, нур ёйилсін сурбетингга!

ЁР КЕЛМАГАНДА

Ёр гум бўлди, шум бўлди... ҳар қуни бошим ёргум.

ЯХШИ ХОТУН

Ёмон хотун шаётин қамчисидур (С. Оллоҳёр)

Хо тун бўлсун, хо кундуз, ато эт яхши хотун!

САЙРОҚИЛАР

Саъвалар сайроғи оғриқ жоним савалар.

БАХТСИЗ КЕКСАЛИК

Оқ сочи билан гўнгхўр қарғаларнинг оқсочи.

ТЎЛА

Тўла еб-ичдинг юртни; бадалин жон-ла тўла!

АЗОН

Фазода энг сўнгги азон садоси тинса, қиёмат бошланади.

Аzon Ерни қўрийди; руҳларни асрар аzon.

ЎТМИШ

Ўйдим-чуқур у йўлларда мен-да бир ўй-дим чуқур.

ЙЎСИН

Шу йўсин яшаш шудир: кўлмак шу ва шу йўсин.

ИШХОНА

Тўнкалар кўп жойда айблар бошқаларга тўнкалар.

УСТАЛАР

Чопишга устадир бу; анави – бош чопишга.

ТИЛИМИЗ

“Тилимиз ...баҳтсиздир” (А. Фитрат)

Тилимиз баҳтли бўлар бир бўлса гар тилимиз.

ИСТЕҦДОДСИЗЛАР ЙЎЛИ

Қозон, товоқ, чаноқ бўл, ялоқ бўл ва ном қозон.

ЧАЛМА

Чалма созинг, халқ маддоҳи, йиқилмасин замон, чалма!

УЧИШ (1)

Учарлар барча хуснингга; уч, де, қанотсиз учарлар.

УЧИШ (2)

Учарлар мадху ташвиққа, элмас, яшнар учарлар.

ҚАЗИЛМА, БОЙЛИГИМ

Қазилма бойлигим – сиррим!.. Гизлан, юз йил қазилма!

БЎШЛИК

Бўшлиқ қилдинг – ўрнинг олди шум чалалар, тўлди бўшлиқ.

ЙИЛЛАРНИ ЮТДИ

Ютди ичга ҳақ сўзни – хоин уларни ютди.

ЮЗСИЗЛАР

Юзсизлар эл алдайсиз – сотқин юзда-юз сизлар!

Тоҳир ҚАҲХОР

ГЕНЕРАЛ НИШОНЛИК ЖҮРӘБЕК

Тұла-ди күкси орденга... әвазига жон тұлади.

ТИРИКЧИЛИК

Тиним* бор ичимда, ташда йўқ тиним.

**Гин – арабча рух, форсча жон сүзининг эски туркчаси.*

ҚИМИЗ, БЎЗА ВА ЧОФИР

Ичингиз бутун экан, бут бўлишиб ичингиз.

ТЕМУР, БОЙҚАРО, БОБИР ВА БИЗ

Чогиринг келтирганда, қабримдан ҳам чогиринг.

ИЖОД

Ёзиб дардим, овунаман дардим ёзиб.

ОРТДИ

Ортди қайғули юким, кунлар юкини ортди.

БИТИМ

Битим туз, овоз бер дер, чида дер қонхўр битим.

СТАЛИНЧА СИЁСАТ

Беки тайин бу ўлқанинг; қулоқ, оғзин бекитайин.

ЎСМИР ЭСДАЛИГИ

Бу ёғлиғни* кўриб, эслар ўёғлиғни, буёғлиғни...

**Ёғлиғ – рўмалча.*

БУРУН

Бурун, юз, кўз гўзалдир ерга кўмилмасдан бурун.

ДАЛА

Тала-дала Тангри мулки; шайтон дейди: “Уни тала”.

БОЙБИЧА

Олмос бу, ҳар ким олмас, фақат сенгадир, ол, мос.

ШЎРО ЧАНГИ

Чангини чал давроннинг, чиқар халқининг чангини.

ЎЗЛИК

Ўзга ўздош истадим, бироқ чиқдилар ўзга.

ЧИНИНГНИ АЙТ

Чинингни синдирайми? Сен – ёвсан, айт чинингни!

ЧЕРЧИЛ ВА РУЗВЕЛТ

Битишиди икки ёв-дўст, уруш ҳукмин битишиди.

ОСВЕНЦИМ

Бит талаб ётганларни ёндирилар битталаб.

ЎЛИМ КЕЛГАН ТУН

Бутун бу дунёсин йўқ этди бу тун.

УРИЛГАН ОДАМ

Паналарда юрар писиб, юртдан айбин паналар-да.

БОРИНГИЗ

Борингиз етмайди ҳеч, сабру бардошга борингиз.

ЧАККИ

Чакки сўзлар гирромларга ош берманг, етар чакки.

СЕВГИЛИ САНАМ

Санам, севган кунимсан, суюк ойим ҳам санам.

УЗУМ

У зум умри тугади – узилди узум.

ОЧКҮЗЛАР

Үт улар, ёқар улар – барчасин баҳридан үт!

1937 ЙИЛ

Унинг чиқса, егани қолмас унинг.

1938 ЙИЛ

Олқиши тўла давралар; қорлар қонли – ол-ол қишиш.

БОШКЕСАР

“Ассалому алайкум, дор оғочи” деб туриб,

Гўрўғли сўради...” (халқ достонидан)

Бошкесар – жаллод эса, кимдир бунда бош кесар?

НЕДИР

Эркин яшамоққа қўймас не эркин?

ЁВГА ЁНДОШ

Чангинг чиқарар ёвлар улар-чун чалсанг чангинг.

СИБИРДА

“Репрессия даврида ўн икки минг қамоқ бўлган,

бошлиқлари ... миллатига мансуб эди”.

Чопилди ўрмон ичра; қанча бошлар чопилди.

БИРОНГОР

Биронгор* қирилса, топ чекинмоққа бирон гор.

*Биронгор – ўнг қўл ўрду.

ЧОРАКОР

Чоракор бўлган элга қилмас ҳеч бир чора кор.

ЗОТАН

Бил имингни, ишорангни: билолмассан билимингни.

НОРИН СУВИ ҚИРҒОҒИДА

Норин оқиб турибдир; чогир ич, егин норин.

ЧАМАН

Чаман отдай лаллайса эл, юрти бўлмас ҳеч чаман.

СОҒИНДИМ

Соғиндим – айрилиқлар фазосидан соғ индим.

БЕТИ ЙЎҚ

Бети йўқ “китоб” ёзар, бир маъноли бети йўқ.

ЧОЙЧАҚА

Чой, чақа тергандар бор; хорлар сўрап чойчақа.

БЕШТА-БЕШТАЧИ

Отим ким, деб сўрайди отиб олгач беш отим.

СУЗУК

Сузма қилиб қўйиб ишни, кўзинг сузма!

ОЛҚОРЛАР

Олқорлар ўқ еб қочур – сўқмок бўлди ол қорлар.

ТУРКИСТОННИНГ ҚЎЙИНДИ ҲОКИМЛАРИ

Кўйни-қўнжи тўлиб яшар, бўриларга бериб қўйни.

ЧЎҚИНДИЛАР АСРИ (1870-1970)

Чўқиндилар, ердан чиқди ваё кўқдан, чўқиндилар.

ХОТИРЖАМЛИК

Чоғ ўтармиш... ўтса-да, ўтмаса-да, кўнглим чоғ.

ЖАДИДЛАР

Фоя – сиз Туркистонда; ўладир юрт ғоясиз.

Тоҳир ҚАҲХОР

ЧАККА

Чакка ўтар – маънавий, емирилар минг-минг чакка.

ТУШКУН

Тушкун, кўрқоқлигинг тогидан тушкун!

ГЎРЎҒЛИ

Қиличин сермаса, бўлар ҳатто қил ичин.

33 ЙИЛ

Афғон юрти бўлди талон, ўттиз уч йил чекди афғон.

СУРНАЙЧИ

Чалиб сурнай хонингга, йикитдинг элни чалиб.

ЧАҚИР

Чақир тошларда тилиндим, юмшоқ қумлоқ, мени чақир.

ХУДОСИЗГА САВОЛ

Недин динсиздирсан; динсизлик не дин?

ЧАНГОФИЗ

Чанговиздан куй чиқар; чанг чиқар чанг овиздан.

БАХТСИЗ

Танландинг баҳтсиз бўлиб – руҳланмадинг, танландинг.

СЛАВЯНЛАР

Чорлашдилар мужик экан; князлашиб, чорлашдилар.

ҚОРАДЕНГИЗ, БОЛҚОНЛАРДА

Сақлаблар* туркийларга яна нени сақлаблар?

(*Сақлаб – славян.)

ЧИҒАНОҚ

Чиганоққа етар оғзинг; ақлинг етмас чиганоққа.

АЯ

Ая, ойи, она, анна, момо, ача – барин ая!

ТИЛДОШЛАРИМ

Бошпанасиз қолганда, бошқалармас, бош пана – сиз.

ПОРЛОҚ КУН

Бу Лутсиз кун, Гитлерсиз кун, золимларсиз, булутсиз кун.

ЧИФИР

Чифирдан сув ичган эл, тўйдингми чифир-чифирдан?

ЁВЛАР

Бўлдирдилар Туркистонни – ўзбек, қозоқ бўлдирдилар.

ИККИ ДАРЁ НАРИСИДАН КЕЛГАНЛАР

Қаҳрамон Широқ келгинди ёвни чўлда адаштариб йўқ этди...

Чимтомоқ чалаларга хайф базму чим, томоқ.

ЎЗИБЎЛАР БОШ

Ўзи бўлар бор ўлжани; барча эмас, ўзи бўлар.

ИЛИНДИМ

Боғингга кириб гоҳ-гоҳ илиндим-ку боғингга.

ЧАҒИР КЎЗЛИ

Чагир қўзлим, тотли сўзлим, бот-бот энди куй чагир.

ЁШЛИК

Жалол жасур эди қирқда, етмишида бўлди жа лол.

ОҚ ВА ҚОРА

Бир оқ бор-у, бир қора; қора оқ бўлмас бироқ.

ҲАЗРАТ ИБРОХИМНИНГ ЎГИТИ

Бут, бутун яшай десанг, инсондан ясама бут.

АҲМАД ЯССАВИЙ 125 ЁШДА

Қоқар эшик сўнг йиллар, юракка чиви қоқар.

МОНАРХИЯ

Бошкесар* бор муҳитда улуғланар Баш кесар.

*Жаллод.

ҚОПИГА ЯРАША СОПИ

Оёқяланг давроннинг усули: “Оёқ яланг!”

КУТИЛМАГАНДА

Чиқиб қолди боқинганлар... бизнинг оёқ чиқиб қолди.

БАЙТУЛМОЛ

Байтумол* хослар учун; олмас ундан бай тул мол.

*Давлат хазинаси; М. Беҳбудийнинг ёзишича, Усмонлилар
салтанатининг ийқилиши сабабларидан бири султону вазирлар
байтумолдан ўз чўнтағидай фойдаланган.

ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИ

Чанг солар ҳар ён, бироқ йиллардир чиқармас чанг.

ТОВУШ

Фижинганди юртни ўйлаб, товуш келди: “Фижин, Ганди!..”

*Маҳатма Ганди – мустамлака ва истибоддога қарши курашган ҳинд.

ТҮНЮҚҮК

Чинга борсанг Туркэлиндан, сўзини олма чинга.

ХОРУН АР-РАШИД

Айрмалик бор ўлкада, яххисини айир, малик!

БОСИБ ОЛИНГАН ЕР

Босик бўлсанг, босиб ўтиб, дерлар “Босик!”

ЧАККИ

Чакки ялашда қашқа, ишиям доим чакки.

АЛПАЧИНО

Бурун тиққан ҳар ишга ўлар ажалидан бурун.

ЧАРС

Чарс одам, бош эгмас ҳеч; сўнгида синар чарс-чарс.

КИРҚЧИРОҚ

Кирқ чироқ пилигини, сўнгра ёқкин қирқчироқ.*

*Люстра.

ҚОЗОН ЧАКЧАГИ

Чакчак каби ширин сўзли; гоҳ заҳари томар чак-чак.

БАНКДА

Чекимга тушди, чекчайдим пул ололмай чекимга.

БИРОВ

Бир ов, ўлжа бўларсан бошингда турса бирор.

ЯРАМ

Битик ёзмай нечалар, ярам битмас – йўқ битик.

ТУЯЛАР УЮРИ

Уюр тия. Онглар ухлар, десам, ҳуркиб, қошин уюр.

ОЁҚ ОҒРИФИ

“У қалай?” десам, дейди: “Тузалар, бир уқалай.”

Тоҳир ҚАҲХОР

ЧИРТ-ПИРТ

Чирт-пирт бўлиб кетди кунлар... қандай кўзим юмай чирт?

ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА

“Хо, ким экан юртни берган?” Бахти қора ҳоким экан.

БАХТ КУЙЧИСИННИНГ ФОЖЕАСИ

Элингда қатағон; чечак элингда.*

**Кўлингда, шева.*

АСР

Аср вақти каби тез ўтди аср.

ЧИҚИМЛИ

Чиқимли, тор макондан жимгина чик, чик имли...

БЎТАКЎЗЛИ

Бўтакўзли жоним келар – йўллар яшил, бўтакўзли.*

**Бўтакўз – вероника ўсимлиги.*

ДАРАБЕКЛАР

Чангалида юрт бойлиги; ҳалқ далаю чангалида.*

**Дарабек – дара беги, феодал.*

НОСКАШ

Чеким йўқ долларга, майли, носим бордир минг чеким.

БЎЗЛАМА

Бўз отим, ҳеч бўзлама, бизники шу тоғ, қир, бўз.

ЁЙИЛМАДА

Ёйилмада жонон билан чўмил, лекин ёйилма-да.

АЛДОҚЧИ SMS

Чал қанча, алда қанча, ёқимлисан чалқанча.

САРОЙ БЕРКАНИНГ ЎЙИ

Мункир Сарой йўлида-да сотилар, отдай мункир.

ҲАЙҚИРИЛМАГАН ҲАЙҚИРИҚ

Қазма –лопатка сенинг; етар, олтиним қазма!

“ХАЛҚЛАР ТУРМАСИ”

Ютар Сибир инсонларни... бундан факат “Мўйлов” ютар.

КАРМАНА

Кар мана, кўр мана! Қани инсон, Кармана?*

**Бухоро амири қўтичча Карманада яшарди. Ҳокимият ва бойлик пора олди-бердисини улоштирувчи эронийлар қўлида эди... (Радлов, “Сибирдан”*

ТЕРРОР ТАРАФДОРИ

Тошдан болта тутган одам кутар тағин тошдан* болта.

**Тоши-таси, ташқари.*

ЕТМИШ ЙИЛ

Аzon пайти ўтди, бироқ чақирмади мулла азон.

ЭНГ СЎНГГИ ЛЕНИН ОРДЕНИНИ ОЛГАН АДИБ

Тақдир, Ленин сийлади бот... Кафанингга уни тақдир.

ЧИҚ

Чиқ-чиқ қилас соат, дейди: бу қайғудан сен-да чик!

ЭСКИ БОЗОР

Бол талаш, буғдой талаш, пичоқлаш-у, болталаш.

БАХТЛИ ЎЛИК

Қўрқиши, меҳнат, зулм йўқ; йўқ дунёвий ўт, қўр, қиш.

БУЛГОР

Бул ғор “Асҳоби қаҳф”мас; бу-да турк эмас, булфор.*

*Татаристондаги эски булгорлар эмас,
Болгариядаги ассимиляция бўлган булгорлар.

ЧЕГАРАДА

Чегарасиз ўлкада, элсеварлар, чегара – сиз.

ЁВ КУЧАЙГАНДА

Қалқ, қани, кўр: ҳалқ қани, борми беш-ўн қалқани?!

ТИК

Тик шоҳга айт, эгилмасин; эгилса ҳалқ – тик шоҳга айт.

ҚУВЛАР

Қувлар бойлиқ, мавқе деб ҳаётдан бир-бирин қувлар.

ЦИҚИТ

Чиқит еб ётаверма, энди бошқа ерга чиқ, ит!

ҚИЗИЛ МИЯ

Қизилмия ўсаверар; ўстирмайди қизил мия.

ТУБАН ЎЗАН

Ўзанингдан қирқар – қутул маддоҳ шоир-ўзанингдан!²

ҚЎШНИЛАР

Қўшинининг кулида қўшинининг ҳақи бор.

Чаплашдилар бешта қўшни, юзга қора чаплашдилар.

ОЛА

Ола-ала олалар – олдда; сен қолдинг, ол-а!

ЎТ

Ўтурур елкангда иблис, томуғ юзингга ўт урур...

ЭЛУ ЭЛАТЛАР ФАРҚИ

Қизлик уй бошқадир; бошқадир қизлик.

БИР ЮЗСИЗ

Юз сиз, минг сиз, улусим; юз қорайтар бир юзсиз.

ФИРОТ

Қўнғирот ўлкасига учеб-учиб, қўн, Ғирот!

БЕРУНИЙ ТУФИЛГАН ЕР

Ўқи, ёт бу, дема; ҳайқир фахр билан: “Ў, Қиёт³ бу!”

ОРОЛ ЮТСИН

Хазар қилсанг бу юртлардан, сени ютсин Орол, Хазар!

ҲАЙКАЛЧИ

Ҳайкалингдан қутулдигу қутулмадик, ҳай, калингдан!

ЯНА БАХТСИЗ

Бойланди – қашшоқ эди – мол-дунёга бойланди.

ҚАЙРИЛИШ

Қай тайин сўзни айтдинг? Бошқа ёққа қайтайин.

БОСТИРМА

Бостирма, шароб бўлса, саройдир ҳар бостирма.

ҚИЗИЛОФОЧ

Қизилофоч – нодир... Бу юрт нелар бўлди, қизил оғоч?!

ТУРОН ЙЎЛБАРСИ

“Сўнг асрда Турон йўлбарси камайиб кетди, “Қизил китоб”га киритилди”.

Йўл, барси кўп тоғларнинг, қани Турон йўлбарси?

Тоҳир ҚАҲХОР

ҚАТЛИОМ ҚУРБОНЛАРИ

Доримиз эрк эрди, бермай, замон тиқди доримиз.

ҚОРАҚУМЛИК

Қорақумдан олтин ол ўзинг, ё қутқар қора қумдан!

ХОНЛИК ДАВРИДАГИ ОЛИҚ-СОЛИҚЛАР

Қиртишлаб олдилар, вох, дәхқон қолди қир тишлиб.

ЁТЛИК

Қовоқ, бош, күз бизники; ётлик қилма, қовоқбош!

ЗИДДИЯТ

Тортеб олди – ўлчаб олди, йўқ-йўқ, талааб-тортиб олди!

СИНОВ

Синарми эл зулмдан? Тангри элни синарми?

ШЎРОНИНГ МАЗМУНИ

Тузум, ошим бут бўларди, ярим этди золим тузум.

ҚЎЙИНДИННИНГ КЎП ГАПИ ЁЛҒОН

“Кўй осмондан инди!” дея айтаверар қўйинди.*

**Ноиб, мустамлакачилар тайинлаган юрт бошлиги.*

МУТЕ КАРВОН

Қимизингдан ичиб, юрдик юз йил этмай қим изингдан.

ЧАПАНИ

Чўзма-чўзмасанг қарзинг, маччойи, гапни чўзма!

УЛУШ

Улуш тегмаган итлар кўшкка қараб қиласар улуш.

ЧУМЧУҚТИЛИ

Чумчуқ тилин билмасам-да, яйрадим еб чумчуқтилин*

**Туркий емак тури.*

МИЛТИҚ ЎҚИ САНОҚЛИ

Қирқимга айланасан бокаверсанг қирқ имга.

ҲАЁТ БИР ЎЗИШМАҚДИР

Ўзгири бўлсам ўзишмада; яшасам бас эркин-ўзғир.

ОВ

Қир ов учун ўнғай, фақат тушмай туриб туман, қиров.

ЧАЛА ОЛИМ

Чақасан, сўм эмассан; лек барчани чақасан.

ВОҲА ВА ВОДИЙ

Қайроқ – адир, буғдойлик; бу қирлар-чи, тош қайроқ.

ТУРКИСТОН ЗУЛУКЛАРИ

Юмма-юмма таларлар; кеча-кундуз кўз юмма!

ТИЛИ БОШҚАЛАР

Қайиш-мас, олтин белбог бер – тили бошқа ҳеч қайишмас.

СУВ, ТОШ ВА САБР

Тошховуз, тўлқин от бир; тош қирғоқдан тош, ҳовуз!

ҚАЙЛИК

Қайлиқ танла ўз юрtingдан, сўрагайлар: “Қайлиқ қайлиқ?”

Давоми бор

Таҳрир, танқид ва холислик муаммоси



Илҳом ҒАНИЕВ

Ҳар қандай адабиёт инсон онги ва тафаккурини ўстиришга, ислоҳ қилишга хизмат қилар экан, бунда адабий танқиднинг ҳам муносаби ўрни бор. Шу маънода газета-журналларда чоп этилаётган адабий-танқидий мақолаларнинг савияси, унда кўтарилаётган муаммолар, адабий-эстетик қарашлар, таҳлил ва талқинлар, танқидий мулоҳазалар ҳам нафақат санъат асарлари ривожига, балки китобхоннинг дид ва фалсафий фикрини ўстиришга таъсир кўрсатади.

2021 йил мобайнида “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Хуррият” газеталари ҳамда “Жаҳон адабиёти”, “Шарқ юлдузи”, “Тафаккур”, “Ёшлик” журналларида эълон қилинган адабий-танқидий мақолаларга тўхталиб ўтамиз.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида “Адабий-танқид ва адабиётшунослик”ка алоҳида саҳифа ажратилган бўлиб, унда куйидаги рукнлар мавжуд: “Такриз”, “Муносабат”, “Бир асар ҳақида икки фикр” “Адабий сухбат”, “Адабий ўйлар”, “Кутлов”, “Хотира”, “Адабий дўстлик”, “Тил – миллат кўрки”, “Нигоҳ”, “Мен севган қаҳрамон”, “Бадиа”.

“Ҳисли кўнгил тарихи” бўлган бадиий адабиёт инсон ва унинг ҳаёти орқали муайян тарихий даврнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий муаммоларини ҳам акс эттиради.

Илҳом ҒАНИЕВ – Ҳалқаро Яссавий мукофоти соҳиби. 1964 йилда тугулган. Филология фанлари доктори, “Туркӣ ҳалқлар адабиёти тарихи (дарслик)” “Фитрат. Эътиқод. Ижод”, “Фитрат драмалари поэтикаси”, “Тақдиримиз ўз қўлимиздами?”, “Достоевскийни тушунниш”, “Абдулла Ориф фалсафаси”, “Рауф Парфи Ўзтурк дунёси”, “Рӯҳий гўзаллик қисмати”, “Умид ва иродада”, “Сабр”, “Сукунат сирлари ёки гўзаллик”, “Улуғ бирлиқ қайгуаси”, “Асрға татигулик дард”, “Тагорнинг мангу қўшиқлари”, “Стендалъ ва Қодирий”, “Чингиз Айтматов ва XXI аср”, “Шавкат Раҳмон олами” ва “Миллат ва ахлоқ” каби китоблар ва юздан ортиқ мақолалар муаллифи.

Илҳом ҒАНИЕВ

Таъкидлаш жоизки, Салим Ашурнинг ижодкор ва адабиётшунос олимларимиз билан бўлган адабий сухбатлари давр руҳи, миллий адабиёт ва адабиётшуносликнинг долзарб муаммолари; ижтимоий ҳаёт, ижодкор шахс феномени, зоҳир ва ботин, ҳақиқат ва мажоз; бадиий адабиётнинг бугунги даражаси ва мавқеи каби муҳим масалаларга қаратилган. Масалан, унинг Кўчкор Норқобил билан “Адабиёт ғолиб жойда жаҳолат мағлубдир”, Наим Каримов билан “Истиқлол – бош гоямиз, бош мафкурамиз”, Қозоқбой Йўлдошев билан “Бирор жамият ва миллат ўз педагогикасиз юксак бўлолмайди”, Хуршид Дўстмуҳаммад билан “Идрок ва изҳор эҳтиёжи”, Иброҳим Ғафуров билан “Кўзимга тўтиё олтин тулпоринг”, Ҳосият Рустамова билан уюштирган “Шеър таржимаси қалб таржимасидир” каби адабий сухбатларида юқорида қайд этилган муаммолар хусусида атрофлича фикр юритилади, муҳим хulosалар ва муаммони бартараф этишининг аниқ йўллари кўрсатиб берилади. Бизнингча, ана шундай хulosаларни умумлаштириш ва уни амалиётга, иш дастуримизга айлантириш; соҳага доир қонунлар ишлаб чикишда қўллаш шарт ва зарур. Номлари зикр этилган ва бошқа қўплаб сўз фидойилари ҳамда миллатсеварларнинг маънавий ҳаёт, бадиий адабиёт, она тилимиз, ҳалқ тафқур ва дунёқарashi, китобхонликка оид фикрлари ниҳоятда керакли. Аммо бу фикрлар амалиётга тадбиқ қилинmas экан, маънавий-ижтимоий ҳаётимизда ҳеч нарса ўзгармайди.

Филология фанлари номзоди, доцент Ҳалим Сайдовнинг “Файласуф адаб” мақоласида ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ижодий эволюцияси тўғрисида аниқ, холис фикрлар билдирилган ва етакчи олимларимиздан бири Дилмурод Қуронов таъбири билан айтганда “Мом синдроми”дан холи бундай мақолалар нафакат адабиётшунослик, балки газетанинг муштариylари учун ҳам ниҳоятда зарур маънавий эҳтиёждир. Муаллиф бадиий таржима, жаҳон адабиётини пухта ўрганиш, жаҳон ва ўзбек адабиёти бўйича олиб борилган қиёсий-типологик илмий тадқиқотлар ёзувчи ижоди тадрижида муҳим омил бўлганлигини тўғри қайд этади. Шунингдек, адаб ижодида алоҳида ўрин тутадиган, Абдулла Қодирий ҳаётининг таҳликали кунларига бағишланган “Ёлғиз” қиссаси теран таҳлил қилиниб, тадқиқотчилар назаридан четда қолиб келаётган айрим жиҳатлари очиб берилган.

Сайд Анварнинг мазкур руқнда берилган “Устозларга устоз бўлган адаб”, Жумақул Қурбоновнинг “Яхшиларнинг меҳри унутилмас”, Хол Муҳаммад Ҳасаннинг “Шеъриятга садоқат”, Лазиз Тангриевнинг “Англаш изтироби”, Асрор Сулаймоновнинг “Гарашага боролмадим”, Файрат Мажиднинг “Ҳамиша эслаймиз Неммат Аминни”, Шоира Орипованинг “Абдулла Орипов ва догоистонликлар” мақолаларида муҳтарам шоир ва ёзувчиларимиз ҳақидаги хотиралар, улар табиатидаги олийжаноб фазилатлар, бадиий ижодга доир айрим мулоҳазалар баён қилинган.

Профессор Дамин Тўраевнинг “Асотирлардан илҳомланиб” мақоласида атоқли адаб Ўткир Ҳошимовнинг “Баҳор қайтмайди” қиссаси сюжетига асос бўлган ривоятнинг гоявий негизи ва ёзувчининг бадиий маҳорати хусусида сўз боради. Ривоятдаги икки дўст тақдирига қиссадаги Анвар ва Алимардон тақдири пайвандланган. Муаллифнинг қайд этишича, ҳалқ оғзаки ижодидаги нодир ривоятлар ҳамда мумтоз адабиёт анъаналари ҳар бир ёзувчига сюжет яратишда ёрдам беради.

Академик Наим Каримовнинг “Зўр муҳитнинг денгизида” мақоласи шоир Элбек ҳаёти ва ижодига бағишланган. Маълумки, Элбек – янги ўзбек адабиётининг

шаклланиши ва ривожланиши учун хизмат қилған, миллий адабиётда замонавий масал жанрига ассоc солған, автобиографик ҳыкоя ва достон жанрини бошлаб берған, “Тозагул” номли биринчи ўзбек шеърий романини яратған ижодкор. Наим Каримов бизни шоир таржимаи ҳоли ва ижодига доир янги маълумотлар билан таништиради.

“Адабий дүстлик” рукни остида Олмоснинг “Мехмондўст хонадон соҳиби” (Фофур Ғулом ҳақида хотиралар), Рустам Мусурмоннинг “Кўч ҳақида роман” (Кенесбой Каримовнинг “Огабий” роман-дилогияси тўғрисида), Гуландом Курамбоеванинг “Қардошлиқ кўйчиси” (Миртемирнинг “Қорақалпоқ дафтари” ҳақида), Ҳайдарали Мадиброҳимовнинг “Адибга ихлос” (Ўткир Ҳошимов ҳақида), Каримбой Курамбоевнинг “Туркман шоирларининг ҳам устози” (Навоий ва туркман адабиёти тўғрисида), Лобар Қўчқорованинг “Ўлмас мисралар” (Музайяна Алавия шеърияти ҳақида), Азизбек Норовнинг “Шеърият рассоми” (Иван Бунин шеърияти ҳақида) мақолалари чоп этилган.

“Тил – миллат кўрки” рукнидан эса Муслимбек Йўлдошев, Собир Ўнап, Луқмон Бўрихон, Нормурод Норқобилов, Муҳиддин Раҳимнинг сахна нутқи нуқсонлари, сухандонлар нутқи муаммоси, адабий асар – тил ҳодисаси сифатида, насрый асарлар тилини бойитувчи воситалар ҳақидаги фикр-мулоҳозалари ўрин олган. Айниқса, Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Исажон Султоннинг “Асар оҳанг – ти-лида” номли мақоласи ижод – тил – масъулият яхлит ҳолда талқин этилгани билан ажралиб туради. Адиб бугунги ўзбек насррида яратилаётган асарларда тил тобора жўнлашиб, сўзлашув ёки ахборот тилига яқинлашиб бораётганлиги, бу – тезкор замонавий макондаги оддий ахборот тилининг таъсири эканлиги, санъат асарига талабнинг жўнлашиб бораётгани таъкидлайди.

“Нигоҳ”, “Мен севган қаҳрамон” рукнларида Илҳом Ахрорнинг “Дарахт дарахтга суянарми, ахир” (Бахром Рўзимуҳаммад ижоди бўйича), Бобомурод Эралининг “Сотқин ўғил қисмати” (Проспер Мерименинг “Маттео Фалконе” номли новелласи тўғрисида), Масъума Аҳмедованинг “Кумуш оқшомлар” (Вафо Файзуллоҳ ижоди ҳақида), Муҳаммад Шодийнинг “Оч қоғиядан қоч, қоғия...” (қоғия ва унинг шеърдаги ўрни), Турсун Алининг “Кўзларни яшнатаётган дарахт” (Дилрабо Мингбоеванинг “Йўлдаги аёл” шеърий тўплами тўғрисида), Нурмуҳаммад Азизовнинг “Теранлик сари йўл” (Икром Отамурод ижоди), Адҳамбек Алимбековнинг “Қалб дарахти мевалари” (Зикрилло Неъмат шеърияти ҳақида), Нортўхта Қиличнинг “Сўзу сўз”нинг мўъжизаси” (Сувон Мелининг “Сўзу сўз” китоби ҳақида), Қудрат Шариповнинг “Қуёш ардоғидаги юрт илҳоми” (Тоштемир Турдиев ижоди ҳақида) мақолалари эълон қилинган.

“Муносабат”, “Бир асар ҳақида икки фикр” рукнлари остида берилган мақолалар ҳозирги адабий жараёнга дахлдор фикрлар салмоғи баландлиги билан ажралиб туради. Абдулла Шернинг “Хазинага йўл” (китобхонлик ва унга хос жиҳатлар текширилган), Сирожиддин Рауфнинг “Кўнгилларда байрам давом этади” (Президентнинг 2021 йил 26 мартағи “Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори шарҳига бағишланган), Шаҳноза Ашуреванинг “Инсон ва табиат мувозанати” (Нормурод Норқобиловнинг “Оқбўйин” қиссаси тўғрисида), филология фанлар доктори Сувон Мелининг “Ёшлиқ ҳам бир қуш ёхуд уч китобга бир назар” (Орифжон Комилов, Жалолиддин Сайд, Фарруҳ Ҳасанов китоблари ҳақида), яна шу муаллифнинг “XXI асрга раҳмат ёхуд Йўлдош Эшбек ҳақида сўз” (Йўлдош Эшбек шеърияти ҳақида),

Илҳом ФАНИЕВ

яна шу муаллифнинг “Буюк адабиёт орзуси” (адабий жараён ва Жавлон Жовлиевнинг “Кўрқма” романи), Д. Мамаражабов, Ш. Ўриновнинг “Орифона фалсафага хос талқинлар” (Илҳом Фаниев ва Нодира Афокованинг “Абдулла Ориф фалсафаси” китоби), Илҳом Фаниевнинг “Ўтган аср “Ултонтоз”и ким? (Олим Тошбоевнинг “Ултонтоз” романи ҳақида), Отабек Жўрабоевнинг “Адабиёт тарихини яратиш масъулияти” (Нусратулло Жумахўжа, И. Адизованинг “Ўзбек адабиёти тарихи (XVI XIX аср биринчи ярми)” дарслиги ҳақида), профессор Узоқ Жўракуловнинг “Софинч сатрлари” (Ахтамкулининг “Исмингизни юракка яширдим” шеърий тўплами), Берди Раҳматнинг “Кўнгил байрами” (Рауф Парфи ижоди), Амриддин Бердимуродовнинг “Клеопатра ҳақида роман” (Мухаммад Алининг “Клеопатра” тарихий романи) мақолаларининг бугунги адабий танқидда муайян қиммати бор.

Нортўхта Қиличининг “Сўзу Сўз”нинг мўъжизаси” ва таниқли олимлар Шуҳрат Сирожиддинов ва Узоқ Жўракуловнинг “Миллатпарвар олим” мақоласида зукко адабиётшунос Сувон Мели илмий тадқиқотлари ўрганилган, илмий фаолиятига баҳо берилган, асарларининг ўзига хос жиҳатлари кўрсатилган. Мунаққидлар Сувон Мели тадқиқ услуби анъанавий танқидчиликдаги илмий критерийлардан бироз фарқ қилиши, “Комик катарсис”, “Ўғригина боланинг иззати ёхуд меҳр сехри”, “Бой ила хизматчи” ёки тикланган нусха муаммоси”, “Мангу мунг (қадим туркларнинг “қабристон поэзияси”), “Бадиий трагизм қирралари”, “Лирик фожелик”, “Тилла балиқча фожиаси”, “Адабиёт дарвозаси”, “Миллат кўзгуси”, “Маданий мөроснинг чиқити йўқ”, “Кауфман нега кулди?” сингари мақолаларида кўтарилилган масалаларнинг ўзиёқ унинг юксак илмий салоҳиятидан дарак беришини таъкидлаб шундай ёзадилар: “Сувон Мелининг барча йирик тадқиқотларидан тортиб, кичик мақолаларигача назарий умумлашмалар, аниқ ва салмоқли хulosалар безаб туради. Бундай назарий хulosалар кўпинча фалсафий мушоҳадалар билан уйғунлашиб кетади. Улар баъзан илмий асарнинг бошида бериллиб, тадқиқот давомида ёйиб талқин этилса, баъзида талқин якунига келиб “портлайди”. Момақалдироқ ҷақини каби кўнгиллар зулматини ёритади”.

2021 йилда энг кўп муҳокама сабаб бўлган асарлар Исажон Султоннинг “Алишер Навоий”, Олим Тошбоевнинг “Ултонтоз” ва Жавлон Жовлиевнинг “Кўрқма” романлариидир. “Ултонтоз”да шўро даврига хос инсон ҳақ-хуқуқларининг оёқости қилиниши, “Кўрқма”да хорижга ўқишга жўнаган 70 нафар талабанинг аянчли тақдир кўрсатилган. Ҳар иккала романда мана шу фожиаларни келтириб чиқарган сабаблар кучли драматизм воситасида очиб берилган.

Жавлон Жовлиевнинг баҳс-мунозараларга сабаб бўлган, хилма-хил муносабатлар билдирилган “Кўрқма” асари парадокслар романи, у ҳақдаги муносабатлар ҳам парадоксга айланди. Шоира ва олима Нодира Афокованинг “Тақкослар романни” ва китобхон Абдулатиф Абдуллаевнинг “Кўрқма”дан уққанларим ва қўркқанларим” мақолалари газетанинг айни бир саҳифасида келтирилган.

“Хуррият” халқимиз орасида энг кўп ўқиладиган мустақил нашрлардан бири бўлиб, йил давомида 52 та сони чоп этилади. “Нуқтаи назар”, “Мушоҳада”, “Сурат ва сийрат”, “Кўнгил мулки”, “Мутолаа” рукнлари остида берилаётган мақолалар давр билан ҳамқадамлиги билан ажralиб туради.

Нурбой Жабборовнинг “Илмдан топилган шараф” (32-сон) мақоласида матншunos ва навоийшунос олим Шуҳрат Сирожиддиновнинг илмий фаолияти, ўзбек ман-

башунослиги ва матншунослигига қүшган ҳиссаси түғрисида холис ва самимий фикрлар билдирилған, захматкаш олимнинг меҳнатлари ҳақли эътироф этилган.

Академик Ақмал Сайдовнинг “Қизғалдок баргидек дилдан учар ғам...” ёхуд Абдулла Орипов ижодининг фалсафий талқини” деб номланган мақоласи “Абдулла Ориф фалсафаси” китобига тақриз тарзида ёзилған. Муаллиф мазкур китобда шоир ижодини ичдан нурлантириб, элга манзур қилиб турган қирралар бадиий сўз қудрати, миллий ҳис-туйғулар ва умумбашарий ғоялар, жайдари фалсафалар, серқатлам маънолар, метафорик образлар, инсон тақдиди, давр, илоҳий таълимотлар билан уйғунлиқда таҳлил ва талқин этилганлигини таъкидлаб кўрсатади.

2021 йил “Жаҳон адабиёти” журнали “Адабиётшунослик. Фалсафа” рукни остида 20дан ортиқ илмий мақолалар чоп этган.

Аҳмаджон Мелибоевнинг “Шоир нечун севди ўз юртин”, Зухриддин Исомиддиновнинг “Баҳорий бадииятдан баҳрамандлик”, Баҳодир Раҳмоновнинг “Шоирлар тилашар фақат яхшилик”, Олим Олтинбекнинг “Рауф Парфи ва жаҳон адабиёти”,Faфур Пўлатовнинг “Синовларда синмаган қалам”, У.Бекмуҳаммаднинг “Бартольднинг бойликлари”, Адҳамбек Алимбековнинг “Азиз Несин – драматург”, Илҳом Фаниевнинг “Тақдиримиз ўз қўллимизда?”, шунингдек рус ва инглиз тилларидан таржима қилинганд Э.Понинг “Композиция фалсафаси” (Хумоюн Акбар тарж), М.В.Фаннинг “Кўнгил дунёсига сафар” (М.Абдуллаева тарж), Ошонинг “Ижод” (О.Салимов тарж) мақолаларида адабиётнинг энг муҳим масалалари муҳокама қилинганд. Ҳеч иккilanмай айтиш мумкинки, мазкур мақолаларда ўртага ташланган масалалар ниҳоятда муҳим ва адабий танқидчилик ривожида ўз ўрнига эга. Уларда адабий-танқидий материал турли ракурсларда текширилған, масалага психоанализ, фалсафа, мантиқ нуктаи назаридан ёндашилған.

Баҳодир Раҳмоновнинг “Шоирлар тилашар фақат яхшилик” мақоласида туркий ҳалқлар фахри бўлган ижодкор Ўлжас Сулаймонов шеъриятига хос умуминсоний ғоялар, юксак бадиият, ўзига хос услуг борасида муҳим илмий фикрлар баён қилинганд.

Олим Олтинбек “Рауф Парфи ва жаҳон адабиёти” мақоласида миллат ва эрк сарвари бўлган исёнкор шоирнинг дунё сонетчилигига Шекспир йўли (эркин сонет)ни танлаганлиги ва шу йўлда ўзбек сонетчилигини камолот босқичига кўтарганлигини таъкидлайди. Шоир ҳаётининг сўнгги йилларида (2003) Шекспир сонетлар китобидаги биринчи сонетни таржима қилган экан. О.Олтинбек шоирнинг ўз дастхатида сақланаётган, ҳозирга қадар эълон этилмаган сонетни тўлиқ келтиради ва таҳлилга тортади.

М.В.Фаннинг “Кўнгил дунёсига сафар” мақоласи Хосият Рустамованинг Ву Виэт Ҳунг томонидан таржима қилинганд китоби ҳақида. Китобдан шоирнинг 60 та шеъри ва 32 саҳифадан иборат манзумалари ўрин олган. М.В.Фан мақолани қўйидаги якуnlайди: “Хосият Рустам мазкур китоби орқали вьетнамлик китобхонларга меҳрибон ва кенг қалбли, суюкли ўзбек ҳалқининг кўнгил оламига кириб бориш учун янги бир йўл очиб берди десак, муболага бўлмайди”. Миллий адабиётимизнинг хорижда ҳам танилиб бораётгани ва бу жараённинг тобора кенгаяётгани ниҳоятда қувонарли.

Хиндистон ва бутун дунёда Ражниша диний ҳаракати етакчиси сифатида кенг шуҳрат қозонган Ошо “Ижод” китобида ижодкор шахси, унинг олам ва одамга бўлган муносабатини; ички “мен”и, зохир ва ботиний дунёси-

Илҳом ҒАНИЕВ

да ҳис-кечинмаларнинг аксланишини, туйгуларнинг ўсиши ва қовжирашини; шоир руҳиятидаги мунг ва изтиробнинг, улкан андухнинг сабабларини, фано сарҳадларидағи машаққат ва риёзатларини бирма-бир тафтиш қиласи.

Асар бошдан-охир мана шундай фикрлар занжиридан иборат, уни парчалаш, рад этиш имконсиз. Шу каби ноёб китобларни таржима қилиш бугуннинг муҳим эҳтиёжидир.

“Шарқ юлдузи” журналида 2021 йилда адабиётшунослик ва адабий-танқидага доир қатор мақолалар берилган бўлиб, уларда ҳозирги адабий жараён ва яратилаётган асарларга баҳо берилган.

Адабиётшунос Марҳабо Қўчкорованинг “Талқин” рукнида берилган “Оғрикли хислар таронаси” мақоласида истеъодди адиб Шойим Бўтаевнинг “Юлдузларга элтар йўл” китоби таҳлил қилинган. Китобда уруш мавзусидаги қисса ва ҳикоялар жамланган. Мақола муаллифига кўра, бу асарларда юз миллионлаб одамларни ўз домига тортган Иккинчи жаҳон уруши ва унинг салбий оқибатлари тасвиранган, мустабид тузум қатағони сабабли ўзининг асл фарзандларидан ажраган жабрдийда ҳалқ бошига тушган мусибатлар очиб берилган. Асар гояси, қаҳрамонлар табиати, адибнинг образ яратишдаги маҳорати, ижодий концепцияси каби масалалар ёритилган мазкур мақолада ҳалқона мотивлар тасвири, диний мифологиянинг насрдаги ўрнига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Зукко адабиётшунос Ҳамидjon Ҳомидийнинг “Таҳлил” рукнида чоп этилган “Зуллисонайн устоз” мақоласида олим Раҳим Воҳидовнинг илмий асарлари ва уларнинг таснифи, тадқиқот доираси ва долзарблиги, хос жиҳатлари кўрсатилган.

Жовли Хушбокнинг “Талқин” рукнида берилган “Тақдир зарбаси ёхуд эзгулик билан ёвузликнинг шафқатсиз ҳамда азалий кураши ҳақидаги қайгули ва оригинал асар” мақоласида (1-сон) Шаҳодат Исахонованинг “Нодираи даврон ёхуд амирнинг тавқи лаънат тўни” тарихий романни таҳлилга тортилган. Адибанинг асар гоясини очишда пейзаждан унумли фойдалангани, портрет яратиш маҳорати, диалогларнинг ўзига хослиги, романий тафаккурнинг даражаси мисоллар орқали кўрсатиб берилган. Қаҳрамонларнинг руҳий оламида кечаётган эврилишлар, инсон табиатига хос қарама-қаршиликлар, тарихий давр, ижтимоий муҳитни тафаккур ва таҳайюл призмасидан ўтказган мунаққид асардаги бир қатор ютуқларни кўрсатади.

“Таҳлил” рукнида Рустам Турсуновнинг “Адабий издошлиқ ва бадиий таъсир” (5-сон), Баҳром Рўзимуҳаммаднинг “Атиргул ифорли бўрон ташрифи” (6-сон), Ғулом Фатҳиддиннинг “Бир ўқнинг тўрт қурбони” (8-сон), Умида Сиддиқованинг “Хотирасидан айрилган ота, саратондан вафот этган адиб” (9-сон), Адига Давлатованинг “Шундай туғилади аслида шоир” (10-сон), Раҳимбой Жуманиёзовнинг “Мангуликка муҳрланган фикрлар” (11-сон), Абдураҳмон Пиримқуловнинг “Зикрилла неъмат зикрида” (12-сон) мақолалари берилган.

Рустам Турсуновнинг мақоласида Фузулий ва Эркин Воҳидов шеърлари қиёсан ўрганилган, улардаги адабий муштараклик, гоя, тасвир, ифода, сўз қўллашдаги яқинлик тўғрисида фикрлар баён қилинган.

Баҳром Рўзимуҳаммад эса адабий муҳит ва унинг ижодкорга таъсири, ижодкорлар ўртасидаги маънавий-руҳий яқинлик, бадиий ижоднинг ўзига хос сир-асрорлари тўғрисида самимий фикр-мулоҳазалар билдирган.

“Адабиётшунослик” рукнида Нажмиддин Рашидовнинг “Ирфоний ишқ куйчиси”, Абдураҳмон Пиримқуловнинг “Миллий қадриятлар тажассуми” (2-сон), Зилола Юлдашева “Замонавий санъат – маданият кўзгуси” (6-сон), Қуванишбай

Оразимбетовнинг “Қадим тарих саҳифаларини ёритган роман”, Айимхан Эшниёзованинг “Мактуб қиссаларда муhabbat талқини” (7-сон), Қозоқбой Йўлдошевнинг “Омадни бўйсундириб” (8-сон), Бекзод Ибрагимовнинг “Элбек шеъриятининг ўзига хос хусусиятлари” (9-сон), Авазхон Ҳайдаровнинг “Шарқ мумтоз шеърияти таржимасида шакл ва маъно муштараклиги” (11-сон) мақолалари берилганки, улар ҳам жиддий мулоҳазаларга бойлиги билан диққатни тортади.

Озода Пардаева “Мутолаа” рукнида берилган “Тил мўъжизаси” мақоласида устоз Озод Шарафиддиновнинг таржимонлик маҳорати хусусида сўз юритган. Муаллиф Озод Шарафиддиновнинг таржима устаси сифатида мақол ва маталларни она тилимизга ўғиришдаги маҳоратини аниқ мисоллар орқали кўрсатиб беради.

Абдурасул Раҳимовнинг “Сотиб олинган насиҳат” (6-сон), Айша Матниёзованинг “Ҳаётга меҳрни аритмас неъмат” (8-сон), Шаҳобиддин Ўриновнинг “Фанлар чорраҳасидаги фикрлар” (11-сон), Абдулла Улуғовнинг “Ҳаяжонга тўлиқ қалб манзараси” (12-сон) мақолалари ҳам шу руҳни остида берилган бўлиб, уларда бугунги адабиётимизда ўз ўрни ва овозига эга бўлган таникли ижодкорлар асарлари мутолаасидан туғилган таассуротлар ифодаланган.

Абдулла Улуғов фикрлар салмоги баланд мақоласида Сирожиддин Сайид, Эшқобил Шукур, Нодир Жонузоқ ва бошқа шоирларнинг covid тўғрисидаги, Мирзо Кенжабек, Ҳалима Аҳмедова, Мансур Жумаев, Одил Икром каби ижодкорларнинг тасаввуфона шеърлари ва бошқа шоирлар ижодидаги хос ўзига хосликлар хусусида атрофлича фикр юритади. Ҳар бир асарнинг яратилишига турткি бўлган омилларни кўрсатиб, уларнинг бевосита ижтимоий мухит билан боғлиқлиги, давр руҳини ўзида акс эттиргани, бадиийлик мезонлари нуқтаи назаридан баҳо беради.

“Бизнинг мулокот” рукнида Салим Ашур ва Шодмонкул Саломнинг “Адабиёт дунёнинг умрини узайтиради” (2-сон) мақоласида билдирилган фикрлар бугунги адабий жараён учун тезис бўлди, дейиш мумкин. Шоирнинг “Чин Сўзнинг ҳаёти қоғозда бошланиб, қоғозда тугамайди. Рост Сўз миллатнинг юрагига кўчади ва ўз ҳаётини давом эттиради” ёки шеър ва шоирлик тўғрисидаги “Шеър – шоирнинг дунё олдидаги, миллат олдидаги қасами, виждон қасами, фидолик қасамидир” каби мулоҳазалари муштарийлар учун ҳам, ижодкорлар учун ҳам маънавий қувват бўла олади.

“Заминнинг ҳар бурчи муқаддас менга” деб номланган адабий суҳбатда Ўлжас Сулаймонов билан Икром Отамуроднинг янгича фикрлаш жараёнида миллий адолат ҳамда миллатлараро ҳаққоний муносабатларни қарор топтириш, ўзбек ва қозоқ адабий алоқалари, шеъриятдаги географизм, космизм, историзм ҳамда фикр кўламининг кенглиги хусусидаги қарашлар нафақат ижод ахли, балки муштарийларга ҳам қизиқиши ўйғотиши шубҳасиз.

Жовли Хушбоқ ва Мирзапўлат Тошпўлатовнинг “Тириклик шамидай милтипар ҳавас...” (12-сон) мақоласида ҳам адабий танқиднинг долзарб муаммоларига диққат қаратилган.

“Адабиёт ва шахс” рукнида Аҳмаджон Мелибоевнинг “Чимилдиқдан бошланган ижод” (2-сон), Азamat Суюннинг “База”си бақувват журналист” (4-сон), Мирзо Кенжабекнинг “Мухтасар тавсиф” (Муҳаммад Раҳмон шеъриятининг маърифий моҳияти, 9-сон), Анвар Намозовнинг “Тоҳир Маликнинг сўнгги кунлари” (12-сон) каби мақолалари берилган. Уларда Сайди Умировнинг амалиёт билан ўйғунлашиб кетган илмий-педагогик фаолияти, журналист Аҳмаджон Мелибоевнинг касб

Илҳом ҒАНИЕВ

маҳорати, Мухаммад Раҳмон ижодий эволюцияси ва илоҳий-ирфоний шеърият, Тохир Малик ижодининг нозик кирралари ҳақида сўз боради.

Ибн Сино таваллудининг 1040 йиллиги муносабати билан шифокор жарроҳ ва ижодкор Жуманазар Бекназар “Буюк Сино” маърифий романини ёзди. Нурбой Жабборовнинг “Буюк Ибн Сино образининг янгича талқини” (2-сон) тақризи шу асар ҳақида. Адабиётшунос Ибн Синонинг туркий экани умумбашарий сиймо эканини истисно этмаслиги, алломанинг илмий асарлари ирқидан, динидан, тилидан қатъи назар, барча учун бирдай манфаатли эканига ургу беради.

Мунаққид асарни ниҳоятда синчиллик билан таҳлил қилган. “Воқеалар тасвири бобокалонимиз сиймосини яққол образли намоён этган бўлса, шеърлар беназир ҳакимнинг бой руҳий дунёсини, турли вазиятлардаги турфа кечинмаларини, кўнгил оламидаги ҳассос туйғуларини ўкувчи қалби ва шуурига таъсир чан шаклда етказгани жиҳатидан қимматлидир” деб ёзади у.

“Матнларни вараклаганд” рукнида Меҳрибон Ёдгорованинг “Роман эпизодларида давр нафаси” (3-сон) мақоласи берилган. Тадқиқотчи Шуҳратнинг Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида Ўзбекистон ёзувчилари архивида сақланыётган “Олтин зангламас” романи кўлёзмасини ўрганиб, Ҳожар исмли образ асар нашрларидан тушириб қолдирилгани, унинг прототопи; романдаги тўртта кичик эпизод бевосита Шуҳратнинг ўз ҳаёти билан алокадорлиги ҳақида маълумот беради.

“Тадқиқот” рукнида Холмўмин Файзуллаев (“Бўталок” хикоясида инсон ва табиат фалсафаси”), Гулруҳ Худоёрова (“Абдулла Орипов шеъриятидаги “марди-кор” образи”), Қандилат Юсупова (“Килиманжаро қорлари” асари бош Қаҳрамони Гарри Смит ички конфликти”), Сайфиддин Рафиддинов (“Маърифат ва улуг шахс қисмати”), Ғулом Бобоҷонов (“Файзи била олам тўлуб...”)ларнинг чоп этилган илмий тадқиқотлари ҳажм жиҳатидан ихчам бўлишига қарамасдан уларда қўйилган масала аниқ ёритилганлиги билан ажралиб туради. Энг муҳими, бу мақолаларда муаллифлар муҳим янги илмий хуласаларни баён этишган.

Икром Отамуроднинг “Теран томирлар” рукни остида берилган “Ҳақиқат билан оғриган шоир...” мақоласи Ўлжас Сулаймон билан, Муҳайё Тўлаганованинг “Шеър ёки боғ қолар...” мақоласи (6-сон) эса ёзувчи ва шоир Омон Мухтор билан боғлиқ адабий ўйлардан таркиб топган.

“Бир шеър таҳлили”да (7-сон) Равшанбек Эгамбердиевнинг “Умр ва учлик талқини” жажжи тадқиқоти берилган, унда Рауф Парфининг бир учлиги таҳлил қилинган. Мавзу доираси қанчалик кичик бўлса, масала моҳиятини теранроқ англаш ва талкин қилиш имкони ортади.

Муаллиф “Бир-бирига даҳлдор бўлган бу уч тушунчалар билан ўзининг тахай-юл оламига чорлайди” деган фикрнинг асосини етарлича асослаб берган.

Азamat Зариповнинг “Абдулла Орипов шеъриятида тоғлар образи”, Дилафрўз Жабборованинг “Жадидчилик ва жадид адабиётига янгича муносабат” (8-сон) мақолаларини ҳам адабий танқидчиликнинг ютуғи дейиш мумкин.

Санобар Тўлаганованинг “Шахсият ва ижод” рукни остида берилган “Оқишининг ўйлига солдим қунимни” (9-сон) мақоласида ижодий ва инсоний “мен” орасидаги уйғунлик тадқиқ қилинган. Муаллифга кўра, Қодирийнинг эстетик идеали давр зиддиятлари орасида ўзлигини англаб етиш умидида курашаётган шахс сифатида гавдаланади, Чўлпонда ижтимоий тузум муаммоларини ўз қисматига айлантирган

инсон эстетик идеал даражасига құтарилған, Ойбекнинг эстетик идеали эса күнгил қишиси, юксак түйғулар сохиби, адолат учун курашувчи қаҳрамондир.

Таъкидлаш жоизки, айрим мақолаларда фикрларни умумлаштириш ийқ, муаллифнинг жиiddий нұқтаи назари мавжуд әмас. Баён қилинган фикрлар асосида чиқарылған хulosалар етарлича асосланмаган. Айрим ишларда муаллифнинг тадқиқотчилик потенциали юқори эканлиги яққол күрінсә-да, бу жиҳат амалда тұлалигича рүёбға чиқмагани сезилиб туради. Бироз шошма-шошарлық билан ёзилған мақолаларда муаллиф нигоҳи ярқ этиб күзға ташланмайды, шеър таҳлиллари, талқин ва хulosаларда юзакилик сезилади. Бизнинг фикримизча, бадий асарлар билан бир қаторда адабий танқидий мақолалар сони ва сифатини оширишга эътиборни янада кучайтириш керак.

Мунаққид Дамин Тұраевнинг Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллиги мұносабати билан ёзилған “Бадий сюжет яратиш маҳораты” (11-сон) мақоласида мураккаб сюжетли асарлар сирасига кирадиган “Иккى эшик ораси” романидаги образларнинг ўзаро алоқалари, улар орасидаги қарама-қаршиликлар, мұносабатлар, у ёки бу характеристикин тарихи, ташкил топиб бориши тадқиқ этилған. Мунаққид фикрича, бу мураккаб сюжетта ўзбек халқи босиб ўтган қарийб қирқ йиллик давр қамраб олинған, романининг мураккаб сюжети унинг ғоявий мазмунидаги мураккабликдан келиб чиқкан ва ҳар бир ҳикоячига даврнинг зағорлығы оширилған.

Дилфуза Кўзиеванинг “Ватандош” рукнида берилған хорижда яшайтган ўзбек адабаси Шаҳодат Улуғ билан “Адабиёт – инсоният даври қадар давом этади” (12-сон) деб номланған сұхбатида замонавий ўзбек адабиёти ва дунё адабий жараёнлари ўртасидаги узвийлик, ҳозирги давр жаҳон адабиётида содир бўлаётган тенденциялар, кейинги йилларда ўзбек тилида ёзилған энг яхши ижод намунаси дейиш мумкин бўлған асар(лар) тўғрисида сўз боради.

“Ёшлиқ” журналида 2021 йилда Қозоқбой Йўлдошнинг “Кўркам сўз”, Мирзо Кенжабекнинг “Адабиёт – сўзга жон бағишламоқдир”, Паризода Рўзибоеванинг “Кўркоқ қизнинг “Кўрқма” ҳақидаги ўйлари” (2-сон), Улугбек Ҳамдамнинг “Ижодкор, аввало, ҳаёт китобини ўқиган бўлсин”, Бекзод Ибрагимовнинг “Бек Алига бир савол” (4-сон), Санобар Тўлаганованинг “Тақдир сулҳи ёхуд муроса илми”, Сувон Мелининг “Яратганинг нуридир илм” (8-сон), Қозоқбой Йўлдошнинг “Жасоратнинг юз йили”, Гўзал Матёкубованинг “Рауф Парфи шеъриятининг ўқ чизиги” (9-10-сонлар), Гулбаҳор Қурбонованинг “Муштарак тақдирлар бадий талқини”, Исломжон Ёкубовнинг “Бадий сўз айтиш масъулияти (умидли ёш носирлар ижодига бир назар)” (11-12-сонлар) мақолалари ҳамда Неъмат Арслоннинг “Зол кампир ва ёзувчи” ва Абдуқаюм Йўлдош билан уюштирилған “Кузатиш – ижодкор қисмати” адабий сұхбатлари эълон қилинған.

Қозоқбой Йўлдошнинг “Кўркам сўз” мақоласида бир қатор ёш ижодкорлар: Нурмуҳаммад Азизнинг “Зариф гуссалар”, Шахриёр Шавкатнинг “Рухим құшлары”, Мухаммад Сиддиқнинг “Ёху”, Нажмиддин Эрматовнинг “Бўзла энди, бўзтўрғай”, Феруз Неъматуллаевнинг “Кабиса”, Ниятило Элбекнинг “Кўнглимдагилар” китобларининг ҳар бирига алоҳида мұносабат билдирилғанлиги, ёшларнинг ижодий ютуқ ва камчиликлари кўрсатилғанлиги эътиборимизни тортди.

“Тафаккур” журналида чоп этилаётган мақолалар мавзунинг долзарблиги, таҳлил ва талқиннинг ниҳоятда чуқурлиги, илмий, фалсафий жиҳатдан юқоришлиги билан ажралиб туради.

“Жавондаги жавоҳир”, “Маъно ва моҳият”, “Моҳият жилолари” рукнлари остида берилган мақолаларда тарих, бугун ва келажакни боғлаб турган ва уларнинг мавжудлигини таъминлайдиган омиллар хусусида, бадиий адабиётнинг башарият олдидаги вазифаси тӯғрисида, шахс ва жамият, инсон ва табиатнинг ўзаро муштараклиги, мабодо бу диалектика бузилса, келиб чикадиган йўқотишлар, фожиалар ҳақида фикр юритилади.

“Моҳият жилолари” доимий рукни орқали жаҳон ва миллий адабиётимизда воқеа бўлган асарлар ҳақида турли ракурсларда муносабат билдириб борилади.

“Маъно ва моҳият” рукнида сўз кимёгари Зухриддин Исомиддиновнинг “Ривоятнинг хидояти” мақоласи чоп этилган. Унда Аскад Мухторнинг “Чинор” романида келтирилган, устоди соний деб ном олган Форобий билан боғлик ривоятнинг асар моҳиятини очиб берувчи очқич эканлиги, унинг ҳозиргача эътибор берилмаган нозик, пардапечмаъноси, ёзувчи концепцияси ана шу ривоятга сингдириб юборилганлигига диққат қаратилган. Романда нақл этилган “Жаҳоннинг саккизинчи мўъжизаси” халқларнинг машаққатли меҳнати, эрки, қони эвазига бунёд этилиши кўзда тутилган “коммунизм” эканлигини мунаққид изоҳга ҳожат қолдирмайдиган аниқликда асослаб бера олган. Олим огоҳлик қўнгироғини чалиб бонг уриш сафдошлари қатори Аскад Мухторнинг ҳам чекига тушганлигини таъкидлаб, ёзувчи ижодига янгича аспектда ёндашади.

Инсоф билан айтганда, Зухриддин Исомиддиновнинг ҳар бир мақоласи фанимиз учун ноёб бир тухфа. Унинг “Шавқи наво”, “Навоийнинг идеали ким?”, “Сайдинг қўябер, сайёд” сингари чиқишлиари фавқулодда ходиса каби ўқувчиларни ҳайратта солгани ҳам муболага эмас.

Раҳмон Кўчкорнинг “Буюклик тимсоллари” рубрикасида эълон қилинган “Одамзоднинг дардига таъзим” мақоласида “Жиноят ва жазо” романининг айрим қирралари; бутун инсониятни баҳтли ҳаётга етаклашни орзу қилган, аммо қотилга айланган, алалоқибат тавба йўлини танлашдан бошқа чораси қолмаган Родион Раскольников образи; “Жинлар” романи ва бугунги кундаги ижтимоий иллатлар; Ленин, Сталин ва Достоевский; сиёсий ўйинлар каби муаммолар таҳлилга тортилган.

Олим Тошбоевнинг “Ҳақ сўз ҳаммоли” мақоласи ҳассос шоир Абдулла Ориф ижодий эволюцияси, шахс феноменига қаратилган. Муаллиф шоирнинг адабиётга ялпи адабий савия паст бўлган ва ўта сиёсийлашган муҳитда кириб келиши, руҳият тилсимининг кашшофи бўлган сўз соҳибига хос миллий характер яратиш маҳоратига алоҳида ургу беради. Шунингдек, “Илоҳий комедия” таржимаси ва у билан боғлиқ айрим хотираларни эсга олади, “Ҳаким ва ажал” достонининг яратилишида Данте асарининг таъсири хусусида фикр билдиради. “Буюк муаллимдан қолган мерос – миллий бойлик. Ташна кўнгилларга таскин бу. Шундай шоири бор халқ ўзини баҳтли санашга ҳақли. Абдулла Орипов шеърияти – маъдан. Ер остидағи конлар бир кун тугаши мумкин, аммо бу хазина қиёматгача барҳаёт”, деб ёзади Олим Тошбоев. У феномен шоир ижодини жуда нозик кузатган. Мазкур мақола Абдулла Орипов сиймосини ўқувчи кўз олдида бир бутун ҳолда гавдалантиради.

“Жавондаги жавоҳир” рукнида Зебо Қобилованинг “Бир томчи сув” (4-сон), Иқбол Мирзонинг “Сайдга айланган сайёд” (2-сон), Илҳом Фаниевнинг “Қалам ва оламий алам” (1-сон) деб номланган, муаллифлар энг сара деб топган асарлари мутолаасидан туғилган фикрлар, муаллифлар қалбини тўлқинлантирган ҳислар акс этган мақолаларберилган. Зебо Қобилованинг “Шох улдурки” (Нодира девони

ҳақида), “Хам мұхтожлик, ҳам муштоқлик” (Абдулла Қодирийнинг “Мехробдан чаён” романы ҳақида ўйлар), “Мангү қүшикни ким куйлады” (Чингиз Айтматовнинг “Қулаётган тоғлар ёхуд Мангү қайлық” романы тұғрисида), “Самимият сатрлари” (Хуршид Давроннинг “Бир-бириң эркалар иккі кабутар” шеърий түплами таҳлили), “Орифлик маслаги” (“Навоийга қайтиш” китоби талқини) деб номланған ихчам тадқиқотларида фикрлар сиқиқ, изчил баён қилинганды, илм ва адабий ижодни синтезлашған бундай мақолалар ўқувчиларни ўзига жалб қилиши табиий.

Үтган йили “Талқин ва тадқиқотлар” рукнида 36 нафар олимнинг илмий мақолаларыда жамият, ахборот сиёсати, дин ва дунё, шеър ва таҳрир, глобаллашув, тамаддун ва тарих сингари хилма-хил мавзулар ёритилған. Бундай қисқа мақолалар муштариylарни олам ва одам, жамият ва тараққиёт тұғрисида жиддий мұлоҳаза юритишига ундаши билан ҳам мұхим ахамият касб этади.

Хозирги ўзбек танқидчилигимизда фитратона интеллект, Озод Шарағиддинновға хос жасорат, Норбай Худойберганов табиатидаги муросасиызлик, Баҳодир Саримсоқовчесига назарий асос, Иброҳим Ғафуров битикларидаги фасоҳат бироз етишмаётгандек туюлади.

Адабий-танқидий мақолалар сон жиҳатдан күп бўлса-да, афсуски, сифат жиҳатидан мақтандулиқ даражада эмас. Бугунги адабий танқиднинг жиддий құсурларидан бири ва асосийси: танқид ва холислик мөъерида эмас, яратилаётгандың бадий асарларнинг аксариятига ўз вақтида баҳо берилмаяпты, муносабат билдирилмаяпты. Аксарият ҳолларда, бир ёки икки тақриз, таассуротлар баёни билан чекланилмоқда.

“Жаҳон адабиёти” журналида “Адабиётшунослик, фалсафа” рукнига яна бир – “Таржимашунослик” ҳам қўшилса, унда қиёсий адабиётшунослик, герменевтика, психоанализга оид жиддий тадқиқотлар мунтазам бериб борилса, жаҳон адабиётидан миллый тилимизга ва ўзбек тилидан бошқа ҳалқлар тилларига қилинаётгандың таржималар сифати илмий, холис таҳлил ва тадқиқ этилса, бундан адабий жараён фақат ютар эди.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси – адабиётимизнинг бош минбари. Шундай экан, унда миллый адабиётимизда воқеа бўлган асарларни жиддий ва кенг мұхокама қилинса, адабий жараён янада жонланған ва фикрлар хилма-хиллигига эришилған бўларди. Назаримизда, “Тил – миллат кўрки” рукнида бир хилликдан қочиш лозим; ҳар бир иштирокчининг ихтисослиги, қизиқиши, тажриба ва интеллектига қараб савол борилса яхши бўларди.

Хулоса қилиб айтганда, 2021 йил адабий жараён ва адабий танқидда силлиқлик давридан янги босқичга ўтиш эхтиёжи катта.



Бахтиёр
ИСАБЕКОВ

Тилимиздаги мантиқсизликлар

Кейинги пайтларда миллий тилимизнинг ота-боболаримиздан мерос қолган шакли ўзгариб бораётганини, очик айтиш керак, ҳатто бузилиб талқин этилаётган ёки қўлланётган ҳолатлари кўп учрамоқда. Ачинарлиси, бундай ҳолатнинг чоп этилаётган китоблар, ОАВлар, интернет тармоқларига қўйилаётган матнларда ҳам мавжудлиги одатий ҳолга айланиб бормоқда. Бу лоқайд қараладиган масала эмаслигини барчамиз яхши англаймиз. Аммо она тилимизни келажак авлодга согсаломат, барча гўзалликлари, унда акс этган асл маъносини тўлиқ тарзда сақлаб қолган ҳолда тақдим эта билиш борасидаги ҳаракатларимиз суст эканлигини тан олишимиз керак. Ахир бугунги кунда кенг қўлланиб келинаётган, аждодларимиз томонидан асрлар давомида яратилган қанчадан-қанча мақол, матал, масалларнинг ҳар бири ўз аник нуқтасига етказилган мантиқий асарлардир. Улардан қай дараҷада унумли, ўринли фойдаланилмоқда? Бу сўз, сўз бирикмалари, мақоллар асл маъносини тушуниб, тушунтириш, аммо зинҳор улардаги мазмун-моҳиятни англамай туриб “тузатишлар” билан қўлламаслик кераклигига қай даражада эътиборлимиз?

Шундай экан, она тилимиз имконият даражаси, кучи, қудрати, энг асосийси маъно-мазмунини барча гўзалликлари, унда акс этган билим ва теран маъносини сақлаган, ҳолда келгуси авлодга етказабилишимиз муҳим. Чунки қадимдан қўллаб келинган мақол, матал, сўз бирикмалари ва ибораларга лоқайд ўзгартиришлар киритиш, ҳозирги тушунилишининг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида аник тўхтамга эга бўлмай туриб уни оммалаштиришга уриниш баъзида ота-боболаримиз тафаккурига нисбатан ҳам саводсизларча қарашларга олиб келиши мумкин. Буни айрим мисолларда кўрсатиб берсак.

Бахтиёр ИСАБЕК – 1945 йилда туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг (ҳозирги ТДПУ) ўзбек тили ва адабиёти, тарих факультетларини битирган. “Туркий филологияга кириш”, “Эрк йўлида”, “Яссавий насабномаси ва Амир Темур”, Ижтимоий йўналишдаги умумтаълим мактабларининг 10 синфи учун дарслик, “Туркологияга кириш”, “Махмуд Кошгариј, Девону лугати-т турк”, “Қадимги турклар”, “Яссавий ҳикматлари лугати” каби китоблари, турли даврий нашр ва тўпламларда 250га яқин ижтимоий сиёсий ва илмий мақолалари нашр этилган.

“Тоғ тоғ билан учрашмайды, одам одам билан учрашады” энг күп қўлланадиган мақолларимиздан бири. Аввало мазкур мақол маъносига мантикий эътибор қаратсан: инсонларнинг бир-бири билан учрашиши мантикий жиҳатдан тўғри, аммо тоғ билан тоғни учрашмаслигини таъкидлаш, яъни сиёқ (образ) қилиб олиннишида қандай мантиқ бор? Ахир тоғ инсон ёки бошқа жониворлар каби ҳаракатдаги яратиқ эмас. Демак, ё бу қадим мақолнинг ўтмишдаги идроки, ё биз уни қандай кўринишида қабул қилишимиз (балки қўллашимиз)да ноқислик бор. Бу саволга жавоб топиш учун мақол илк бор қайд этилган ёзма манбага мурожаат этсан, унда “Taғ taғقا қавушмас, киши кишига қавушур” кўринишини топамиз. Бу ўриндаги “қавушур” сўзининг маъноси асосан ҳозирги тилимизда икки нарсанинг бир-бирига ёпишиши, бирлаштирилиши, уланишидир. Бежизга ҳозирга қадар ҳам “икки ёшнинг бошини қовуштириб қўяйлик” жумласи ишлатилмайди. Хўш, бундай гализлик бизнинг ҳозирги тилимиздан қай тарзда “Тоғ тоғ билан учрашмайды” бўлиб ўрин олди деб ўйлайсиз? Бу жараён, назаримизда, икки сабаб натижасида юзага келган:

1) тилимизда “қовушмок” сўзи маъноси торайган ва истеъмолдан чиқа бошлаши натижасида унинг ўрнида “учрашмок” сўзи қўллана бошланган. Яъни аста-секинлик билан “қовушмок” сўзи бошқа ўринларда илгариги маъносида қўлланишига имкон қолмаган, йўл берилмай қўйилган;

2) бошқа бегона тил таъсирида “қовушмок” маъноси ўзгартирилган тарзда талқин этилган.

Нега шундай ҳолат юз берган? Аввало, бу мақол “Девони лугатит турк” асарида бўлганлигига қарамай, XX асрга келиб бизга қайси тил орқали ўзимизга қайтарилиган бўлса, унда ўша тил таъсири борлиги ҳақиқатга якин, деган хулоса чиқариш мумкин. Бунинг учун ҳеч иккиланмай ўзбекча-русча лугатга кўз ташланг: “қовушмок – соединиться, соединиться вместе образовав какую либо общность, союз” тарзида таржима қилинган.

Кўриниб турибдики рус тилида бу сўзининг маъносини тўлиқ акс эттириш учун бутун бошли бир жумла тузиш керак бўлар экан. Шунинг учун улар бу мақолни қовушишдан олдинги жараённи акс эттирувчи “встречаться” сўзи билан берганлар. Оқибатда, ўзбек тилининг “байнаминаллаштирилиши” жараёнида Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони лугатит турк” асарида асли мавжудлигига қарамай, бу мақол руслар берган шаклга шак келтирилмаган тарзда қўлланилиб қолмоқда.

“Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил” ёки “Мингни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил” мақолига ҳам эътибор қиласак. Биринчидан, бу ерда улардан қайси бири маъно жиҳатдан тўғри ҳисобланади? Чунки шу мақол оддий оғзаки нутқдагина эмас, юкорида айтганимиздек, ҳозирги матбуотимиз, умуман ОАВларда исталган тарзда айтилаётгани гувоҳи бўлиш мумкин. Эътиборлиси, мақолдаги “бир” сўзининг “минг”га ўзгариши ёки ўрин алмашишида “фикр” ва “шукр” сўzlари билан боғланиши ўзгарганлигини ҳам кузатиш мумкин. Бу қайта куришлар мазмунга қай даражада таъсир қилиш ёки қилмаслигига диққат қилинг:

Мақол “Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил” кўринишида “Сен ўзингни қийин ахволда деб туйсанг, бошқа бир қийин вазиятдаги одамни топиб кузатиб, ҳолатинг униқидан яхшироқ эканлигини кўргач, вазиятингга шукр қил” таълимими беради. “Мингни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил” кўринишида қўлланишида эса мақсад минг (бу ракам саналган минг нафар инсонни эмас, балки жуда кўплликни англатади, бу ўринда “минг” ва “бир” сўzlаридан кейин келадиган “киши” сўзи тушириб қолдирилган) киши ҳолатини кўриб фикрламасдан шукр қилишни, ундан кейингина, яъни бир нафар инсонни кўриб фикрлашни

Бахтиёр ИСАБЕКОВ

ифода этиб қолган. Сўзлар ўрнининг бу тарзда ноўрин алмаштирилгани эса аждодларимиз фикрлаш тарзи сал оқсагандай тасаввур туғдирибина қолмай, умуман энг мантиқийлардан бўлган тилимиз характерига ҳам уйгун эмас.

Шу сабаб мақолнинг “Бирни кўриб фикр қил, мингни кўриб шукр қил” вариантидаги фикрий мантиқ изчиллиги унинг азалий кўриниши бўлган деб ҳисоблашимизга имкон беради. Яъни киши ўзи ёки бошқанинг ҳолатига баҳо беришдан аввал жуда кўп одамлар аҳволи билан танишгандан кейингина қайсири башқа кимса ёки инсонлар унинг ўз аҳволидан ҳам оғирроқ вазиятларга дуч келганини англай олади, шу таққосга кўра ўз ҳолатига шукр қилмоғи табиий бўлади.

Умуман, бугунги ўзбек матбуотида адабий тилимизни ажойиб ва гаройиб тарзда “бойитиш” авжига чиққан, назаримда. Бундай “кашфиётчилар” туфайли тилимиз қоидалари писанд қилинмай, “янги” сўзлар, кам унумли бегона тил қўшимчалари ҳам фаол қўллаб келинаётгани ачинарли. Ҳар қандай тилга ҳеч бир эҳтиёжсиз башқа тил грамматик шаклларини олиб кириш эса ўша тил ули (фундаменти)га зарба беришdir.

Ўзбек тилида асрлар давомида аниқ-тиниқ маъноли “-ча” сўз ясовчи қўшимчаси бўлиб, у маълум, ҳатто маълум бўлмаган этник номларга қўшилганда, ўша этнос тили ва шу этноса тегишли нарсалар номини ҳам ясовчи хусусиятига эгаки, башқа халқлар тилида бундай қўшимча кам учрайди. Масалан: хитой-хитойча, ҳабаш-ҳабашча;

Энди бир кичик тажриба учун хозиргача дунёда йўқ бирор халқ номини ўйлаб топсан. Дейлик, пурон халқи. Шу заҳотиёқ бу халқ тилини ифодаловчи жанговар қўшимчамиз тайёр: пурон тили – пуронча!

Энди кўпгина ОАВларининг ўзбек тилининг сўз ясашга тайёр бу қўшимчаси мавжудлигига қарамай, ҳатто негадир айнан “ўзбек” сўзининг ўзидан четлатиб, “ўзбекча”ни “ўзбекона”га айлантиришларидан мақсад нима? “-она” қўшимчасини яна қайси миллатга нисбатан қўллаш мумкин, қизик? Балки кейинроқ ўрис+она, араб+она, инглиз+она, қозок+она... сўзлари ҳам ясалар? Ёки бирваракайига тузилган ва тузиладиган лугатларимизни ҳам, масалан, “Русона – ўзбекона”, “Ўзбекона – хитойона”, “Мўгулона – ўзбекона” ва ҳоказо тарзида тузар ё тузатармиз?!

Тўғриси, “-она” қўшимчасининг ўзига ҳеч бир қаршилигим йўқ, асло! Аммо унинг қўллаш керак ёки керак бўлмайдиган жойларда ҳам ишлатилиб кетилавериши қайсири форсийсеварнинг “Ўзбек тилида форс унсурлари кўп” деб гердайиши учун керакми? Тилимизни “туркона”, “ўзбекона” тарзида “ясаб”, хурсанд бўлиб юраверайликми? Ахир “Ўзбекона лаззатли таомлар” деган ёрлиқни исталган ошхона пештоқида кўришга ўрганиб ҳам қолдик-ку...

Яна бир машхур, кўп ишлатиладиган, шу билан бирга кўп баҳсу мунозараларга сабаб бўладиган мақол хусусида ҳам тўхталиб ўтсан: “Устоз – отангдай улуғ”ми ёки “Устоз – отангдан улуғ”? Ота-боболаримиз ростдан ҳам “устоз (мехмон) отангдан улуғ” дейиш орқали оталаримизнинг фарзандлари олдидаги мавқеини пасайтиришни назарда тутгану, биз уни тузатяпмизми?

Буни аниқлаш учун аввало мазкур мақолнинг асл кўриниши ва биз “тузатган” шаклида ўзгаришга учраган сўзнинг дастлабки ва силжиган маъноларига эътибор берайлик.

“Ота” сўзи қадимги турк лугатида ва Маҳмуд Кошғарий “Девон”ида ҳам падар маъносига келади. Замон нуктаи назаридан анча кейин, ҳатто “Юзлаб йиллар давомида ўзгаришга учраган” Аҳмад Яссавий ҳикматларида бу сўзнинг жуда қадимий маъноси қайд этилиши билан бирга Яссавия тариқати йирик вакилларининг исм ёки лақабларидан бугунги кунгача этиб фойдаланилади. Туркистон ота,

Мантиқий тилимиздаги мантиқсизликлар

Исмоил ота, Мұхаммад Шариф ота, Занги ота, Сузук ота каби қадамжолар номла-нишларида “ота” сүзи ҳеч вақт үзини туғдирған отаси маъносидә құлланмаган ва ундай анг-ланмайды ҳам. Бу сўзниң форсий маъноси “пир”, туркий “куловуз” деганидир.

Тадқиқимиз мавзуси бўлган мақолдаги “ота” сўзи ҳам айнан ана шу маънода деган хулоса чиқариш мумкину, аммо шу ўринда бошқа бир мақол: “Суяги бизники, эти сизники”га тўхталиб ўтамиз.

Барча, ҳатто ҳозирги авлод вакиллари ҳам бу мақол қайси ўринда қўлланишини яхши билади. Тўғри, фарзандини шогирдликка топшираётган ота устозга суяги (скелети) биздан, энди сиз унга инсоний эт бахш этинг, деган фалсафий мазмунли мурожаат қиласиди. Бунда фарзандини олиб келиб, устозига топширганлар ўз фарзанди учун ҳаётда етакчилик қиласиди устозидан бироз паст тутиш ҳолатини кузатамиз. Аммо, “ота” сўзининг дастлабки маъноси ҳам “етакчи”, “раҳбар” бўлган. Фақат XI–XII асрда келиб “қанғ” сўзи билан бирга қўлланиб, кейинчалик бу сўзниң тилдан сиқиб чиқарилиши натижасида ҳозирги “ота” маъносидаги ишлатила бошланган. Бироқ “ота” сўзи ўзининг дастлабки маъносини, гарчи торроқ доирада бўлса ҳам сақлаб қола олган. Хусусан, бу маъно рус тилига турк тилларидан ўтган “атаман” сўзида ҳам аниқ кўринади.

Энди динимиз нуқтаи назари, айниқса, исломий суфийлик назаридан қаралса, устоз, пир, куловуз Яратган йўлига етакловчи, икки дунё учун ҳам зарур таълимни берувчи ҳисобланса, падар маъносидаги ота дунёга келтирувчи ва асосан жисмонан ризқини етказиб берувчи, фарзанд қўрикловчиси ҳисобланади. Яъни ота ҳам тахминан ҳайвонлар ўз насли учун қиласиди ҳаракатларни тақрорлади. Ана энди хулосани чиқариш ўзингизга ҳавола – ота улуғми ёки устоз?

Айрим тилшунос ёки “Янгича тил яратувчилар”нинг “Бу сўзни мен билмайманми, демак ҳалқ ҳам билмайди”, демоги тилимизнинг лексик бойликлариға нисбтан ҳужумдан бошқа нарса эмас. Қадим ва асл маънени тўлиқ етказувчи соғ сўзларни қўллаш эса реакцион, феодал-клерикалик ҳам эмас.

Аввало, ўзбек тили деганда унинг ўз ичига оладиган қатламларини, биринчи навбатда ўзини ўзбек ҳисоблаган, қайси давлат, қайси вилоятда тўп бўлиб яшашидан қатъий назар, кундалик турмушида қўллайдиган ўзбекча тил жамини тушунмоқ керак. Яъни миллий тил барча ҳалқларнинг ўз ижтимоий-рухий мулкидир. Бир тўпнинг иккинчисидан шева фарқлари ўзбек тилига нисбатан мавқеининг кам ёки кўплигини белгилай олмайди. Аммо бу фарқ миллат орасидаги мулоқотни қийинлаштириши сабабли уларни, яъни бу сўзлар қўлланишидаги фарқларни уйғунлаштириш, ҳатто бир хиллаштириш эҳтиёжи адабий тилни вужудга келтиради ва у дастлаб ёзма шаклда намоён бўлади. Адабий тилнинг оғзаки шакли эса кейинроқ пайдо бўлади. Ёзма адабий тил ҳам оғзаки адабий тил ҳам ўзбек тилининг таркибий қисмлари ҳисобланади. Ҳар қандай тил, жумладан ўзбек тилининг ҳам ривожланиши ёки тушкунликка тушиши айнан адабий тилнинг шевалар ҳамда адабий тил тарихи билан қай даражада муштарак эканлигига боғлиқдир. Биз тил доим тараққий этади, деган ёлғон тушунчага ўргандикми, кўнидикми билмадим, лекин тилнинг ривожланишда орқага кетиши, ҳатто ўлиши ҳам бор ҳодиса эканлигини унутмаслигимиз керак. Шевалари билан алоқани узган, адабий тил тарихи билан дўстлашмаган, бошқа тил сўзлари ва ёт ифода турлари тиқиширилган ва айниқса муайян чоғда тил эгаларининг ўз тилига беписандлиги тил ривожига тўсқинлик қиласиди, уни тушкунликка тортади. Тил тушкунлиги эса сўзсиз умум-миллий ижтимоий, ақлий тушкунлик томон етаклайди. Эсдан чиқармайлик: миллий тил умуминсоний бўлмиш тафаккур томон йўналган ягона воситадир.

Навбатдаги, “Дўпписини (теплагини, қалпогини, салласини (ҳатто “шапкасини” варианти ҳам учрайди) ол десанг, бошини олади” мақоли ҳам бевосита тилимиз тарихи билан боғлиқ. Аммо шеваларимизга бефарклик, тилнинг бу барча қатламлари ўзбек тилига дохил эканлигини билмаслик оқибатида юзага келган чалкашлик ва фикрий ғализликдир. Яъни мазкур мақол Маҳмуд Кошгари, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий каби адабий тилимиз асосчилари ва ҳозирги шимолий ўзбек шеваларида мавжуд бўлган “Бўркини ол десанг, бошини олади”нинг турли тарқамидир.

Хўш, нима бўпти, шу ўзгаришга осмон узилиб ерга тушибдими, дерсиз? Ҳа! Шундай дея оламиз. Негаки ҳар бир мақол ҳалқ яратган бир асар. Бу асарнинг бадиийлиги, жаранглилигига путур етдими, унинг маънога уйғунлиги ҳам йўқолади. Тилдан бир умумлашган маънога эга бўлган сўз чиқиб кетди ва шундай маънога эга бўлган бир сўз унинг ўрнига келтирилмагани сабабли анча жузъий маъноли сўзлар билан алмаштирилиб туришига имкон яратилди. Агар тилимиз тарихида ёки шеваларимиздаги “бўрк” сўзининг адабий тилимизга киришига имкон берганимизда, “бош кийим” каби сал ғализорқ, калка қилинган бирикма ўрнига оддийгина “бўрк” деб ёзиб қўярдик. Чунки “бўрк” сўзи ҳам дўппи, ҳам телпак, қалпоқ, калапўш, ҳатто рўмол, шапка, шляпанни ҳам ифода эта олади.

Яна бир мисол. Рус тилида “пожар” сўзига ўзбекча “ўт” эквиваленти қўлланиб, “пожарник”дан “ўт ўчирувчи” деган маъно жиҳатдан мутлақо нотўғри бирикма қабул қилинганига ўрганиб ҳам кетдик. Бу ҳолат ўзимга “Ўт” ва “Ўрт” сўзи маъноларини бирлаштириб ёки бу сўз маъноларини мутлақо тушунмасдан ўрисчадан саводсизларча калка қилиб лугатимизни атайлаб бузишга ҳаракат қиласиганлар иши бўлиб қўринаверади.

Балки лугатимизга янги ижтимоий бирлик номини акс эттиromoқчи бўлганлар ўзбек шеваларидан бехабардир, лекин мазкур янги сўз бирикмасини ижод қилганлар минг йиллик ўзбек адабиёти босқичларини билмаганми?

Ёзма адабиётимизнинг кенг тарқалган шеър жанрида ошиқ аввал тутокади, кейин ёнади, ундан кейин ўртанади, ўртанишдан кейин кул бўлади. Шунга доир мақолимиз бор: “Ўрганган кўнгил ўртанса кўймас”. Энди “ўртанса” ўрнига “олов олса”, “оловланса”, “олов бўлиб ёнса”, “ўт бўлиб ёнса”, “ўтланса”, “ўт ёқса”, “оташланса”, “оташ олса” каби маъно жиҳатидан синонимларни қўйиб қўрсан, айни мақсад ифода этилмаслиги кўриниб турибди. Чунки “ўрт” сўзи бу манбанинг тўлиқ ва гуркираб олов олишини англатади. Ўзбек тилида мавжуд бўлган, “мана ман!” деб турган сўздан воз кечиш (сўзга нисбатан бу муносабатни бошқача изоҳлаб ҳам бўлмайди) бизнинг “ўт ўчирувчи” инсонларимизни ишхоналардаги “огнетушител”га тенглаштириб, ўзбек тилининг мантиқий гултожи ҳисобланган, исломий тафаккуримизга мос “ким?” сўроғи факат ва яна факат инсонларга берилади, деган қоидамизга хилофликни вужудга келтирганини кўриш мумкин. Бу ўринда тилимизда азал ва ҳозиримизда яшаб келаётган “ўрт” сўзи олинганида ёки олинса, пожар – ўрт, пожарний – ўртчи (ҳар ҳолда бундан “ўрт+она” ясай олмасалар керак!) бўлар ва биз ачиниб ёзган муаммолар изига тушармиди?

Бу мавзумиздан унча узоқ бўлмаган бошқа бир – “Огнеопасно” сўзи таржимаси, аниқроги, калкасига эътибор қилинг: “Ёнгиндан хавфли!” Таржима ҳам, калка ҳам аввало ўғирилаётган тил қоидаларига мос бўлсагина манба тил тартиб ва таркиби сакланади. “Огнеопасно” сўзи маъноси эса ҳар қандай оловдан нари бўлишни, ҳатто бу жой ёнида гугурт чўпини ёкиш ҳам хатарли эканлигини билдиради. “Ёнгин” эса маъно жиҳатидан “ўрт”га айланәётган ёниш жараёнини ифода этади. Ҳар ҳолда, “Ёнгиндан хавфли”дай бирикмани давом эттириб келаётганлар “Оловни яқинлаштириш хатарли”, “Олов яқинлаштирилмасин” каби бирикмаларни қўллашса тилимизга уйғунроқ бўлармиди?..

Мантиқий тилимиздаги мантиқсизликлар

Ҳамма тилларда ҳам мажхул нисбат шакли барча шахсларга тегишли бўлади ёки умуман шахсларни кўрсатмайди. Манъони бундай ифода этиш хусусияти ўзбек тилида кенг имкониятларга эга. Бу жуда яхши, аммо бундай кенглиқдан тўлиқ фойдалана олмаётганимиз ёмон.

Масалан, метро вагонлари, автобус эшикларига ёпиштирилган “Суянманг!” ёки “Суянмангиз!” деган ёзувларни учратамиз. Бу огоҳлантиришлар иккинчи шахс кўплиқка қаратилган. Энди шуни “Суянилмасин!” деб ўзгартириб кўринг. Ҳа, бу ҳаммага, умумшахсга тегишли манъони берадиган даъват бўлади.

Мен бутун ҳаётим давомида ўзбек тилининг бу каби нозик, ниҳоятда нозик имкониятидан ҳатто оғзаки нутқда ҳам кенг фойдаланилганини кузатганман. Кўп йиллар бурун “Тошкент оқшоми” газетасида Талъат деган йигит ишларди. Аввало бу инсон бирорни сан ёки сиз дейишдан қочиниб, саломлашганда “Яхшимилар, соғ-саломатмилар” деб кўришарди. Кейин иш юзасидан гапга ўтилганда “Фалончининг китоби (газета мақоласи...) ўқилдими” (“ўқидингизми?”, “ўқимадингми”нинг ўрнига), “Кўриб чиқилса яхши бўларди...” Яна бошқа мавзуларда ҳам: “Овқатланилдими ёки тушлик қилиндими, бирга овқатланилса яхши бўларди, обериларди”, деб лутф қилинарди. Тановул қилиб ўтирганингизда эса бундай ифода: “Олинсин энди” ёки “Бошлансан” тарзида давом этарди. Хуллас, тил имкониятини жуда яхши ҳис этган бу шахс билан бир-икки соат ҳамсухбат бўлиб ҳам у сизни сизсираганинг, сансираганинг англатмас эди. Ана шу инсоннинг нутқидан келиб чиқиб ўзбек грамматикасида уч шахсни бир вақтда ифода эта оладиган шакл бор, деган хulosага келганман. Чунки юқорида келтирилган мисоллардаги “-ил”, “-л”, “-н” гарчи бизнинг грамматикамизда шахссиз гап ёки шахси умумлашган гап таркибида келиши қайд қилинган бўлса ҳам, ушбу вазиятда суҳбат фақат икки шахс орасидалиги ва ўзбек тили мантиқий тиллигидан келиб чиқкан ҳолда иккинчи шахсни англатаётганини таъкидламоқчи эдим.

Яна бир жиддийми ёки эҳтимол унчалик бўлмаган хulosага ҳам келдим: ўзбек тилида рус ва бошқа хинҷ-оврупо тилларидаги феълнинг ноаниқ шаклига феъл ҳаракат номи шаклларидан бўлмиш “-моқ” кўшимчаси бор. Луғатларимизда феъл туркумига хос сўзлар ана шу шаклда берилади. Ўйлаб кўрилса, “-моқ”ка нисбатан, бу ўйғунлик -ил \ -ин + син, яъни, “-илсин”, “-инсин” шаклида анча кучли бўлиб, аскарларимизда ишлатиладиган буйруқ тизимидағи атамаларга қулагийлик туғдириши керак: қадам босилсин, олға бир қадам босилсин, отилсин, қўшиқ айтисин ёки куйлансан, тўхтатилсин, куролланилсин... ва ҳоказо.

Мазкур мақола ва унда келтирилган хulosалар, тавсия, таклифлар, бу борада куйиб-ёнишдан мақсад нима? Аввало ҳар бир ўзбекман дегандан илти-моски, ҳеч биримиз миллий тилимизнинг умуминсоний тафаккурга суюнган нуқталарига зарар етказадиган ҳар қандай “икир-чикир”га нисбатан ҳам лоқайд бўлмайлик. Чунки биз “майда-чуйдалар” деб қарайдиган жиҳатлар вақти келиб тасаввур ҳам қилолмайдиган миқдордаги зарар етказиши мумкин. Энг ёмони бу зарар моддиятимиздан ҳам кўра маънавий қиймат, гуруримиз, миллийлик, миллий тафаккуrimиз асоси – тилимиз соғлигига намоён бўлиши мумкин. Шу боис қадриятларимиз асоси бўлган тилимизни лоақал энди, лоақал бугун ва ёки ҳозирнинг ўзиданоқ асраларлик! Чунки тилимиз, кундалик ҳаётимизда кўллаётган сўз, ибора, мақолларимизгача, юқорида айтилганидек, ота-боболаримиз тафаккуридан яралмиш мукаммал асарлардир ва бу асарлар фақат сиз ёки маълум давр ёки тузумгагина тегишли мерос ёки мулк эмас, у миллатники! Миллат мулкига хиёнат қилиш, унга шикаст етказиш эса кечирилмас гуноҳdir.



Қўғирчоқ театри санъатида ривоятлар талқини

**Венера
ЮСУПОВА**

Ҳар бир миллат маданият ва санъатининг ўқ илдизлари ўша халқ кечмиши, тарихи, ижтимоий тараққиёти билан туташdir. Ўзига хос руҳий мерос ҳам ҳисобланадиган халқ оғзаки ижодидаги қаҳрамонлик эпослари эса ташки тазийикдан ҳимояланишга ҳам хизмат қилиш билан бирга тарихий хотира, бебаҳо маданий меросдир. Қаҳрамонлик, ватанпарварлик мавзусидаги ёзма ва оғзаки манбаларни қай даражада тадқиқ этиш, уларни ўрганиш эса миллат қиёфаси, унинг салоҳияти ва дунёвийлик даражасидаги ўз мақом ва ўрнини ифодалайди.

Халқ оғзаки ижодининг рақамланган ва ёйин этилган намуналари сифатида ҳам хизмат қилган қаҳрамонлик эпослари ўзига хос “халқ педагогикаси” ҳамдир. Шу боис барча миллатларнинг турли даврлар шамол ва бўронларидан эсономон чиққан қаҳрамонлик достонлари, эл оғзида кўчиб юрган ривоят, хикоят, мақол, матал ҳамда эртаклар замонавий “оммавий маданият”нинг айрим салбий жиҳатларидан ўёки бу даражадаги ташки таъсирларидан ихоталанишда аскотади, ўзига хос “руҳий қалқон” вазифасини ўтайди.

Бежизга Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Мұхсин Қодиров “Анъанавий театр драматургияси” китоби сўзбошисини “Оғзаки драматургия” деб номламаган. Чунки Туркистон театри эрамиздан аввал ўтган 4–5 минг йилликларда ҳам мавжуд бўлиб, ўша даврда ҳали пье-саларни нашр қилиш йўлга қўйилмаган эди. Аммо Қўқон қўғирчоқ томошалари, Хива ўёки Бухорода намойиш қилинган спектаклларнинг саҳналаштирилиб, Қўқон ва Тошкентда маҳаллий труппалар томонидан талқин қилиниши анъанага айлана борган.

Венера ЮСУПОВА – 1959 йилда тугилган. Островский номидаги театр ва рассомчилик институтини тамомлаган. Унинг мақолалари кўплаб халқаро ва республика миқёсидаги нашрларда чоп этилган. “Қўғирчоқ бошқарии асослари” фани бўйича ўқув қўлланмаси чоп этилган.

Абдулла Қодирийнинг “Мехробдан чаён” романида ҳам құғирчоқ үйин воситасида Құқон хонлигіда со-дир этилаёттан ноҳақликлар жонсиз оғочдан ясалған құғирчоқнинг аччиқ ва заҳарханда тилида жаранглагани ва хон ҳамда унинг мулозимларига бемалол оёқ чўзиб умргузаронлик қилишга, ижтимоий ҳаётнинг “Эски ҳаммом, эски тос” тарзида давом эттирувчи бўлғанларга кун бермаган, мавжуд аччиқ ҳакиқат дол-зарб муаммо сифатида аъёнлар томонидан тан олин-ган ва уни ижобий ҳал қилинишида маълум аҳамият касб этганини кўрамиз.



Ольга ОСТАНИНА

Тадқиқотчи Л.Бей эпосга оид ёдгорликлар ҳақидаги илмий изланишларида: “Халқ эпос ва достонларидаги тарихий воқеалар миф ҳамда эртакларга шундай мохирона кориштириб юборилганки, тахайюлий ва фантастик элементлар ҳақиқатта, аслида чиндан ҳам бўлған реал воқеалар эса афсонага ўхшайди. Чунки эпос жасорат тўғрисида ҳикоя қиласар экан, унда кундалик ҳаётда мавжуд бўлған ҳазил-хузул, кизиқарли воқеалар, донишмандлик ҳикматлари, энг ажабланарлиси ҳикоятдаги лофт аралаш кечмиш ўта ишонарли даражада гавдалантирилади. Илмга асосланган қарашлар ва чўпчак тўнига ўранган реал воқеалар чуқур илдизлари мавжуд ҳикоятга айланади. Хуллас қалом эпос ва достонларда жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун аскатадиган қадимий донишмандлик намуналари борлиги боис бу билан ҳар бир ватандош ҳисоблашади ҳамда ўз турмуш тарзини ҳикматларга мутаносиб равища мувофиқлаштиради”, деб қайд этади.

Инсоният ҳаёт тарзининг асосий унсурлари, айниқса, унинг салбий жиҳатлари қадимдан то ҳанузгача Ўрта Осиё, Кавказ, Яқин Шарқда мавжуд бўлған құғирчоқ театрларининг асосий мавзусига айланиб қолган ва жонсиз оғоч томонидан берилган дакки-ю, таъна-дашномлар енгил кулги уйғотиш баробарида томошабинларнинг кувваи ҳофизасига бундай яшаш боши берк кўчада умр кечириш эканлиги тўғрисида ахборот йўлланган.

Қадимги Овросиё ҳудудида құғирчоқ театрлари ижтимоий-сиёсий масалали воқеаларга танқидий бўёқ бериб, норозиликни дадил билдириш мумкин бўлған минбар вазифасини ҳам ўтаган.

Бундай томошалар Бухоро амири ва Хива хони хузурида ҳам намойиш этилганилиги ва юқори мансабдаги сарой аъёнлари ўртасида нохуш кайфият уйғотганлиги ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд.

Жамиятдаги муаммолар шу тариқа оммага етказилиб турилгани учундир, дастлаб құғирчоқ ўйинларининг аксариятини катта ёщдаги томошабинлар, аслзода-ю, зодагонлар томоша қилишган, фақат кейинчалик уларни оддий ҳалқ вакиллари ҳам кўра бошлаганлар. Гапга тўн кийгизиб, бадхулқ аъёнлар, ҳукмрон синф вакилларини чимчилаб ва ўйиб олишдан ҳалойик тугул танқид тигига олинган ҳукмдорлар

Олга ОСТАНИНА – 1967 йилда туғилган. Тошкент давлат маданият институтини тамомлаган. “Ким миёв айтди?”, “Шелкунчик”, “Ва Андерсен яна...”, “Тўмарис”, “Етти сайёра” ва бошқа спектакларида хореография муаллифи. “Ритмика. Пластика” фани бўйича ўқув қўлланмаси чоп этилган.

Венера ЮСУПОВА, Ольга ОСТАНИНА

ҳам мириқиб қаҳқаҳа отган. Аммо ихчам саҳналарда ўйналған томошалар ҳақидағи шов-шувлар улус орасыда ҳам кенгайиб бораёттганлиги боис амалдорлар бу ҳолатдан хүшёр тортадилар. Гарчанд құғирчоқбоз ва масхарабозлар жазоланишмаса-да, уларға ўғай күз билан қараş, томоша майдонларидан четлатишиш бошланади. Ана шундан кейингина құғирчоқбозлар асосан кичкіншікташып болалар учун томоша күрсатыб, қорға нонини топиб яшашға ҳаракат қыладылар.

Үтган асрнинг иккінчи ярмида Москвада фаолият күрсатған Сергей Образцов бошчилигидаги Марказий құғирчоқ театри әрталаб ва кундуз кунлари болалар ҳамда ўсмирилар учун спектакллар намойиш этса, оқшом ва ярим кечада ёши қатталар учун қўйилған сатирик спектакллари орқали обрў-эътибор топған. Қизиги, ўша даврдаги бешафқат цензурага эга мағқурага қарамай, Образцов театри сатирик танқид ўчогини ўчиришга ҳеч ким жазм қылолмайди. Чунки москваликлар ва пойтахт меҳмонлари бу спектаклларга ҳар қанча қиммат нархда бўлишига қарамай, ҳатто бир неча йил олдиндан чипталарни сотиб олиб, томошага келишга давом этганлар.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ҳар бир вилоятда құғирчоқ театри бўлиши шарт эканлиги ҳақидағи топшириғига биноан кўплаб вилоятларда құғирчоқ театрлари ва улар учун инфратузилмаси мавжуд янги бинолар барпо этилмоқда. Қолаверса, 2020 йили Президент Қарори билан Республика құғирчоқ театрига “Миллий театр” макоми берилиши ва театрнинг номи “Ўзбек Миллий құғирчоқ театри” деб ўзгартирилиши бу жамоа фаолияти учун янада кенг имкониятларни очиб берди. Ш.Мирзиёевнинг “Буюк шоир Навоийнинг 580 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида”ти Қарорига биноан Ўзбек Миллий құғирчоқ театри томонидан 2021 йилнинг февралида Навоий “Хамса”сининг “Сабаи сайёр” достони асосида Тўра Мирзо томонидан “Баҳром ва Дилором” (саҳналаштирувчи режиссёр Ш.Юсупов) пьесаси саҳналаштирилиб, мазкур пьеса ва спектаклга “Сабаи сайёр”даги ҳали-ҳануз саҳнавий инъикоси топилмаган “Ахий ва Сахий” ривоятининг асос қилиб олингани эътиборлидир.

Айтиш жоиз, үтган асрнинг 80-йилларидан бўён Бухоро, Хоразм, Самарқанд вилоят театрлари ва Тошкентдаги республика құғирчоқ театрида фаолият күрсатиб, ўнлаб, йигирмалаб құғирчоқ спектакллари саҳналаштирган, Туркия ва АҚШда ўтказилған құғирчоқ театрлари фестивалларида ўз спектакллари билан қатнашиб, совринлар олган ҳозирда Ўзбек Миллий құғирчоқ театрнинг бош режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатған артист Шомурод Юсупов австриялик ҳомийлар ёрдамида фаолият кўрсатаётган хусусий Самарқанд Дарвоза марионетка театрида ҳам режиссёр сифатида бир неча спектакллар саҳналаштирган. 2019 йил эса Шомурод Юсупов ва драматург Тўра Мирзога мазкур марионетка театрнинг австриялик ҳомийлари Алишер Навоийнинг “Куш тили” асари асосида спектакль яратишига буюртма берган. Муаллиф ва режиссёрга аванс тариқасида маблағ ҳам ажратилиб, мазкур спектакль 2020 йил Вена шаҳрида ўтказилиши белгиланган фестивалда қатнашиши режалаштириб ҳам олинган. Гарчи пандемия туфайли мазкур фестиваль ўтказилмаган бўлса-да, “Куш тили” спектакли устида олиб борилаётган ижодий ишлар ҳали-ҳануз давом этмоқда.

Асосан афсонавий қаҳрамонлар ҳақидағи асарларни саҳналаштириб келган Ш.Юсупов “Алломиши” ва “Широқ” құғирчоқ спектакллари учун халқаро мукофотлар билан тақдирланган.

Режиссёрнинг Тўра Мирзо қаламига мансуб “Тўмарис” ва “Жалолиддин Мангуберди” пьесалари асосидағи спектакллари республика театрларида воқеа бўлганлиги ҳам алоҳида эътироф этилди.

Ўйлаймизки, бундан кейин ҳам мазкур театр жамоаси миллий құғирчоқ театри санъатида ривоятлар ва қадимги эртак, афсоналарга асосланган қатор саҳна асарлари билан томошабинлар меҳри ва ишончини қозонишда давом этиб қолади.

Шаҳодат
ИСАХОНОВА

ГАВҲАРШОД БЕГИМ

ёхуд қиёмат ўйини

Тарихий роман¹



* * *

Абусайд мирзо шайхулислом Хўжа Тафтазани, вазири аъзам Шайхзода Пир Қавом ва амир Шерҳожилар йўлбошлигига юз чоғли суворийлар билан Ихтиёриддин қалъасига етиб келишганида, тонг бўзара бошлаган, қалъанинг кўланка шаклида қорайиб турган баланд деворлари элас-элас кўзга ташланиб қолган эди. Атрофда хўрзларнинг бўғик қичкириғи-ю, отларнинг туёғидан чиқаётган дўпирдан бўлак сас эшитилмас, ҳар-ҳар замонда ўтиб қоладиган дайди итларни ҳисобга олмаганда, қаршиларидан одам тугул бирор бир жонзот ҳам чиқмади. Бечора итлар ҳам отларнинг шовурини эшиитганлари ҳамоно қўрқанларидан йўлларини бошқа томонга солишганича, жон ҳолатда урра қочишарди. Қалъага яқинлашганларидан кейингина девор айланиб, соқчилик қилиб юришган йигитларнинг қораси кўринди.

– Чиндан ҳам жуда улкан ва маҳоватли қалья эркан... – деди Абусайд мирзо ҳайратли нигоҳини қуш ҳам учиб ўтолмайдиган юксак деворларга тикканича, бош чайқаб, – Амир Саййид Асилиддин Арғуний бирлан амир Паҳлавон Ҳусайн девонанинг гапларига ишонмаган эрдим, айтганларича бор эркан!

– Ҳа, олампаноҳ, ул амирларингиз ўшал кунлари қалъани олмоқ учун жуда катта жонбозлик ва жидду жаҳд кўрсатиб эрдилар! – деди Абусайд мирзонинг гапига жавобан амир Шерҳожи. – Лек ичкаридаги сарбозлар кўплиги боис, Паҳлавон Ҳусайн бехудага қон тўкилишини истамаган эрди. Бугун Худо хоҳласа, ишимиз хамирдин қил суғурган киби осон кечадур, барчаси ўзимизнинг одамлар!

– ИншоОллоҳ! – деди кечадан бери қалъадаги бойликларни ўзича ҳисобкитоб қиласвериб, туни бўйи кўзи илинмаган Абусайд мирзо ҳомуза тортаркан. – Одамларингиз ишончимизни суиистеъмол қилишмаса бўлди!

– Суиистеъмол қиладиганлари аллақачон ин-инига кириб кетган, олампаноҳ! – деди Шерҳожи қўлидага қамчисини ишонч билан ҳаволатганича. – Мабодо, қолган-қутгани бўлса, мана биз балогардонмиз! Сиз ҳеч хавотир олманг!

– Фақат... Маликамизнинг хазинабони Аҳмад ясовулбоши... – дея энди гап бошлаган ерида амир Шерҳожи дарров шайхулисломнинг оғзига урди.

¹Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

Шаҳодат ИСАХОНОВА

– Бир Аҳмад ясовулбоши масаласини ўзим ҳал қиласен, ҳазрат! – деди шайхулисломнинг гап суқиши ёқмай ва “ҳар нарсани гапираверманг” дегандай имо қилди. – “Индамагин калга ўзи келар ҳолга” деганларидай ясовулбоши ҳам яқинда ўзига келиб қоладур!

– Аҳмад ясовулбоши маҳди улёға шунчалик садоқатли одамму? – деди Абусаид мирзо ҳайратомуз оҳангда.

– Садоқатли қаерда, олампаноҳ, ҳаммаси олтиннинг кучи! – беихтиёр, ясовулбошининг фидойилигини ўз қаричи билан ўлчаганича, масхараомуз кулди Шерҳожи. – Суяқ ташлайдургон эгасидин бошқасини билмайдургон бир ит-да!

– Барибир мақтовга арзирли одам эркан! – деди Абусаид мирзо. – Зеро, мингта садоқатсиз, хоин дўстдин, битта ана шундай садоқатли ит афзал... Қойил, зўр ясовулбоши эркан. Ўлмай тирик қолса, ёнимизга олурмиз!

Қовун тушириб қўйганини англаған Шерҳожининг тили калимага келмай, томоқ қирганича, шайхулисломга маъноли қаради. “Гап қўшиб, чалғитинг” дегандай ишора қилди. Шайхулислом эса вазиятни чамалагач, унинг имосини кўрмаганга олиб қўяқолди.

Абусаид мирзо ҳам шаъмали пичинги Шерҳожига таъсир қилганини унинг юзидан англади. Кариллаётган Шерҳожи бирдан овози ўчиб, талмовсираб қолган, нуқул томоқ қирарди. Шундан кейин мирзо гапини давом эттирмади. Салтанатга Шерҳожига ўхшаган тентакни тентак деса арпа бўйи ўсадиган, салла деса калла олиб келадиган ва энг асосийси, амрини қош қайтармай бажарадиган ношудлар жуда аскотишини ҳисобга олди. – Қалъани хоқони саид Шоҳруҳ мирзо ҳазратлари курдурғанмилар? – дея ўргадаги нокулай сукутни ўзи бузиб, вазири аъзам Шайхзода Пир Қавомга юзланди Абусаид мирзо.

– Бул қалъанинг тарихи жуда узун, олампаноҳ! – деди Абусаид мирзонинг саволига жавоб қайтармоқ учун қалъя ҳақидаги билгиларини хаёлан эслаганича, жавоб қилди Шайхзода Пир Қавом. – Сиз, тарихни биздин кўра яхшироқ ва мукаммалроқ билурсиз, олампаноҳ. Ўқиган ёхуд эшигтан бўлсангиз керак Ҳирот шаҳри бир неча бор бузилиб, қайта тикланган. Милодий еттинчи асрда Ҳирот таҳтига курдлар ҳукмдори Шоҳ Фахруддин ўлтирган. Ул ҳукмдорнинг кўплаб жанговар филлари бўлган ва бул қалъани асосан ўшал филлар учун курдирган. Шул сабаб номи ҳам “Қалъаи пилбанд” дейилган. Хоқони саидимиз Шоҳруҳ мирзо таҳтга ўлтиргач, қалъани девор бирлан ўраттирдилар ва номини ҳам Ихтиёриддин қалъаси деб ўзгартирдилар. Кейинроқ, қалъя ичиндаги баргоҳ ва кўшк ёнига баланд минора тиклатдилар. Ҳозир кирганимизда кўурсиз, миноранинг таги, яъни пойдевори маҳсус зиндондур. Бул зиндонда фақат олийнасаб шахслар сақланар эрди.

– Маҳди улёни ҳам Абдулатиф мирзо зинданбанд қилгани ростму, амир Шерҳожи? – деди бу воқеа ҳақида қулоғига чалинган гапларни эслаган Абусаид мирзо қизиқиши билан ва кайфияти тушиб, оғзига талқон солгандай жим келаётган Шерҳожига ўтирилди.

– Оре рост, олампаноҳ, – лақмалик қилиб Абусаид мирzonинг қаҳрини келтирдим деб ич-этини еб келаётган Шерҳожи мирzonинг мурожаатидан яйраб кетди. Шайхулисломга ҳам мақтангандай қараб олди. – Хоқони саид Райнинг Пашов қасабасинда вафот этгач, қўшин қўмондонлигининг ишонч ёрлиғи набиралари Абдулатиф мирзога топширилган эрди. Лекин қўшун ҳали Ҳиротга етмасданоқ Абдулатиф мирзо амир Жунайд Бўтанинг гапига кириб, маҳди улё малика бирлан амир Сўфи Тархонни ҳибсга олдирди. Тўғриси, аларнинг ораларидин не гап ўтганини ҳалигача ҳеч ким аниқ билмайдур. Баъзиларнинг

айтишича, маликамиз йўл-йўлакай Ҳирот таҳтида қолган набиралари Алоуддавла мирзога маҳфий мактуб йўллаб “валиаҳд” ул мирзо эрканлигини маълум қилган эрмуш. Ва бундин гўё Абдулатиф мирзонинг амири Жунайд Бўта хабар топиб, мирзога етказган дейишадур. Маликанинг хибсга олингандигидин хабардор бўлган Алоуддавла мирзо амирлари Аҳмад Тархон, Мирзо Солих ва Увайс тархонларни икки минг энг сара лашкарлари бирлан маликамизни қутқармоққа юборди ва маҳди улёни Нишопур йўлинда хисбдан қутқариб, ўрнига Абдулатиф мирzonинг ўзини мана шул Ихтиёридин қаъасига зинданбанд эттирди. Бул мудҳиш хабар Улугбек мирзога етгач, не воқеалар юз берганидин ўзингизнинг хабарингиз бор, олампаноҳ...

Соқчи йигитларнинг қалъя деворларидаги машъалаларни ёққанича, юргуgilаб колиши Абусаид мирzonинг назаридан қочмади.

– Тонг отган-ку, нега алар машъалаларини ёқишаётir? – деди хавотирга тушган Абусаид мирзо хушёр тортиб.

– Бул биз учун ишора, олампаноҳ! – деди амир Шерҳожи худди ҳамма ишни ўзи бажараётгандай қамчили қўлини кўксига викор билан қўйганича. – Яъни, бул ишоранинг маъноси “ҳаммаси жойида” дегани, хавотир олманг! Ҳаммаси айтганингиздек бўладур!

– Омин! – Абусаид мирзо юзига фотиҳа тортаркан, ҳар эҳтимолга қарши амири лашкар бўлиб суворийлар сафида келаётган хос амири Аҳмадёрга маъноли қараб қўйди.

Амир Аҳмадёр мирzonинг ишорасини англаб, бош иргаганича, отига қамчи босди. Шерҳожининг гапи тўғри чиқди. Лаҳза ўтмай, қалъя дарвозаси шараклаб очила бошлади.

Шер тасвири туширилган қуббали темир дарвозанинг ҳар табақаси икки найза бўйидан ҳам баланд, эни ҳам шунга яраша эди. Ҳар табақани уч-тўртта навкар йигитлар биргалашиб очмоқда эди. Улар ичкарига кираётган суворийларга аллақандай ҳадик ва хавотир аралаш кўз ташлаганларича, тезда орқага чекиниши. Филларга мослаб қурилган баргоҳ ҳовлидан анча ичкарида, лекин бино қайта таъмирлангани учун кичик сарой нусқини олган, кўриниши ҳам муҳташам эди. Баргоҳнинг этагида қурилган кўшкнинг айвону устунларини Шоҳ Фахруддин мармардан кўтартирган, ислими нақшлар билан безатилган ранго-ранг болор ва вассаларини эса Шоҳруҳ мирзо таъмирлаш жараёнида ёғочдан қайта ясаттирган, бироқ бугунга келиб шоҳ Фахруддин ва филлар ҳақидаги гапни эса ҳеч ким эсламас, эслатган тақдирда ҳам уни ривоятдай қабул қилишарди.

– Мана сизга айтганим ўшал минора, олампаноҳ! – деди Шайхзода Пир Қавом баргоҳнинг чап томонида қад кўтартган баланд ва ҳайбатли минорага ишора қилганича. – Хоҳласангиз, кириб, зинданни ўз кўзингиз бирлан кўришингиз мумкин!

Абусаид мирзо зиндан сўзини эшилса, мазаси қочарди. Ўшандада, ота-бала жангиди Абдулатиф мирзо уни ҳам Улугбекнинг куёви Абдулло мирзо билан биргаликда Кўксаройдаги зинданга ташлатган, баҳтига волидасининг яқинлари ора кириб, бир амаллаб қочиб қутулган эди. Ўшандан бери зиндан сўзи унинг учун ўлим билан баробар туюларди. Ҳозир ҳам зинданга кирса худди яна хибс қилинадигандай тасаввур уйғониб, беихтиёр, бош чайқади.

– Хайрли ишни хосиятли жойлардин бошлайлук, вазири аъзам! – деди Абусаид мирзо баргоҳни кўздан кечиравкан, нигоҳи билан хазиналар бўлинмасини излаб.

Шерҳожи дарвозани очган йигитлардан бирини имлаб чакирганича, қалъя кутволи қаердалигини сўради. Йигит овозини пасайтириб, унга нимадир деди.

Шаҳодат ИСАХОНОВА

– Ха, яхши, унда ўзинг йўл бошла, – деди амрона оҳангда.

Хазиналар бўлинмаси бинонинг пойдевор, яъни ертўла қисмида бўлиб, унга темир эшикли даҳлиздан кирилиб, тош зинали зинапоялар орқали паастга тушуларди. Ҳавони алмаштириш учун қолдирилган туйнуклар ҳам темир панжаралар билан ёпиб ташланган, зинапоялар ёнига қўйилган мойчироқлар ва чақмоктошлар ертўлага тушаётган одам йўл-йўлакай деворлардаги машъалаларни ёкиши учун мўлжалланган эди. Ҳаво ташқарида иссиқ бўлишига қарамасдан ертўла муздеккина, бироз қўланса моғор исини айтмагандага нафас олиш оғир эмасди. Ертўланинг йўлаги кенгтина, икки томондаги қатор темир эшикларнинг оралиғи бир-биридан анча узоқдалигидан хоналарнинг ичи анча катталигини тахмин қилиш мумкин эди. Йўлбошловчи навкар қўлидаги мойчироқ билан девордаги қатор машъалаларни ёкиб чиққач, атроф ёришиб, кирганда аллақандай сирли ва вахимали кўринаётган йўлак бирдан кундуз тусини олди.

– Бул хоналарнинг ҳар бири шаҳзодаларга тегишли эрди... – йўл-йўлакай тушунтира бошлади йўлбошловчи йигит, эшикларнинг ёнида тўхтаркан. – Қулфлар аларнинг исмлари зикр этилган ҳолда куйилган.

– Мана бул хона кимга тегишли? – деди Шерҳожи ўнг томондаги эшикнинг олдига келишганида, кимникилигини ўзи билса ҳам атай.

– Бул хона раҳматли Бойсунғур мирзога товун эрди, – деди йўлбошловчи навкар. – Оллоҳ раҳматига қовушганларидин сўнг, бош ўғлонлари Алоуддавла мирзога инъом этилган.

– Кўрсак бўладирму? – деди амир Шерҳожи зиналардан тушаётган маҳалиёқ кўзлари ёна бошлаган Абусаид мирзонинг кўнглидан кечაётган ғалаёнларни сезгандай.

– Бўладур, бўладур! – деди навкар йигит қўлидаги мойчироқни Шерҳожига узатаркан ва чўнтагидан бир шода калит чиқариб, ичидан бирини танлади-да, кулғга солди. – Фақат... Ичкаридаги мойчироқларни ёқкунимча бироз кутишингизга тўғри келадур...

Темир эшик очилиши билан чиндан ҳам ичкарида қоронғулиқдан бошқа ҳеч нарса кўринмади. Димоғларга темир-терсакларнинг ўзига хос ачфимтил бўйи аралаш димиққан, заҳ ҳаво урилди. Чироқлар ёна бошлагач, қоронғулик чекиниб, улкан харсанѓтошлардан кўтарилилган пойдеворнинг ичи ёришиб ва узун, эни ҳам анча кенг хона кўзга ташланди. Деворларга қиличу қалқондан тортиб турли-туман яроғлар осиб ташланган, чап томонда уюлиб турган нарсалар ичida уловларнинг кумуш ажомлари кўзга ташланарди. Тўрдаги сандиқлар устма-уст қалаштириб ташланганидан ичи бўшлигини билиш мумкин эди.

Кечадан бери хаёлан бошқа нарсаларни тасаввур қилиб ўтирган Абусаид мирzonинг юзи ҳафсаласи пир бўлган одамнидай совуқ бужмайиб, Шерҳожига савол назари билан каради.

Шерҳожи ҳам ўз навбатида йўлбошловчи навкарга “хазинадаги олтинлар қаерда” дегандай зардали ишора килди.

– Бир ойча бурун шаҳзода Алоуддавла мирzonинг одамлари ўғлонлари Муҳаммад Иброҳим мирзо номларидин келиб, барча олтинлару қимматбаҳо нарсаларни олиб кетишиб эрди, – деди навкар йигит айдордай бўйинини эгиб. – Қолган нарсаларнинг барчаси кумуш...

Абусаид мирзо навкар йигитнинг гапини охиригача эшитиб ўтирамади, индамай йўлакка чиқди ва чап томондаги эшикнинг қулфига қаради. Қўйма қулфда Абдулатиф мирzonинг номи битилган бўлиб, муҳри ҳам босилган эди.

– Бул хонадаги хазинани раҳматли Улугбек мирzonинг ўzlари олиб кетганлар!

– деди орқаларидан чиққан йўлбошловчи навкар “Кирганингиз билан ҳеч нарса ўйқ“ деган оҳангда.

– Ҳа, ота-болани айирган хазина... – дея афсусли бош чайқади шайхулислом Хўжа Тафтазани.

– Ота-болани айирган нарса биргина хазина эрмас... – гапга қўшилди Шерҳожи ҳам кўп нарсани биладигандай сирли қилиб.

– Ҳа, кавласанг, бул ерда гап кўп! – Шерҳожининг гапини маъқуллади шайхулислом Хўжа Тафтазани афсус оҳангиди. – Менинча, ота-боланинг ўртасиндаги ёвлик Ҳирот яқининдаги Тарноб жангиндан бошланиб эрди. Эсимда бор, ул жангда чап қанотни бошқарган Абдулатиф мирзо катта жонбозлик кўрсатиб эрди. Лек Улуғбек мирзо вилоятларга йўллаган ёрликларга ғалаба шаънини ўнг қанотни бошқарган ўғиллари Абдулазиз мирзо номига ёздирилар!

Шоҳруҳ мирзо вафот этганда Хуросон тахтига даъвогар ўғилларидан фақат Улуғбек миrzогина тирик эди. Хоқони сайд Шероз сафарига отланаётib, салтанат тахтига марҳум Бойсунғур миrzонинг тўнғич ўғли Алоуддавлани қоим қилиб кетганилиги сабабли ва Шоҳруҳ миrzонинг вафоти муносабати билан юз берган воқеалар оқибатида тахтга ўз-ўзидан Алоуддавла мирзо эга чиқди. Миrzонинг бундай қарорга келишида маҳди улё Гавҳаршод бегимнинг унга юборган мактуби ҳам сабаб бўлган эди. Эрининг вафотидан кейин эллик минглик қўшиннинг қўмондонлигини Абдулатиф миrzога топширган малика ҳали йўлда эканлигидаёқ набирасининг муносабатидаги ўзгаришларни пайқагач, бундан Алоуддавла миrzони хабардор этмоқ ва ҳар эҳтимолга қарши Ҳирот истеҳкомларини мустахкамламогини сўраб, Ҳиротга чопар жўнатганди.

Абдулатиф мирзо томонидан Гавҳаршод бегимнинг банди этилганини иккинчи чопардан эшитган Алоуддавла мирзо Нишопурга қўшин юборди. Абдулатиф мирзо эса бундай вазиятда воқеалар ривожини жиддий баҳоламаган ҳолда жангга киришди. Чунки унинг кўл остидаги қўшиннинг ўн мингигина Улуғбек миrzога қарашли туронлик навкарлар, аксарият қисми эса Алоуддавлага мойил Хуросону Балхлик амиру беклар эди. Бунинг устига маликанинг ҳибсга олинганини эшитган Абулқосим Бобур мирзо норозилигини рамзи сифатида ўз қўшини билан ундан ажралиб чиқди. Мағлубиятга учраган Абдулатиф мирзо асир тушди. Тутқунликдан озод бўлган Гавҳаршод бегим эса Жом шахрининг Саъдабод мавзесида Алауддавла мирзо билан юз кўришди. Алоуддавла мирзо Абдулатиф миrzони Ихтиёридин қалъасидаги маҳсус зинданга ташлатиб, бобосининг наъшини Гавҳаршод бегим мадрасасидаги Бойсунғур мирзо мақбарасига дафн эттириди.

Қиблагоҳининг вафоти-ю волидасининг бошига тушган кўргиликлардан, ўғлининг калта ўйлиги-ю аянчли қисматидан хабар топган Улуғбек мирзо мавлоно Низомиддин Мирак Махмуд Садрни Алоуддавла мирзо хузурига элчи қилиб юборади.

Эндиғина тахтга ўтирган ва ҳали вазиятни тўлалигича қўлга ололмаган Алоуддавла мирзо учун элчининг ташрифи-ю сулҳ борасидаги таклифлари қўл келганди. У Абдулатиф миrzони ҳибсдан озод этиб, яна Балх ҳокимлигини тиклаш билан бирга, Ҳирот тахтини кўзлаб, Жом атрофида қўшин тўплаётган укаси Абулқосим Бобур мирзо билан ҳам келишувга эришди.

– Тўғри ул ҳам бир баҳона, ҳазрат, лек газакнинг асосий боши Ихтиёридин қалъаси эрди! – шайхулисломга эътиroz билдириди Шерҳожи.

– Нечун қалъа? – қизиқди Абусаид мирзо.

– Чунки... – Шерҳожи ҳукмдорнинг ўзига мурожаат қилганидан илҳомланиб кетиб, завқ билан ҳикоя қила бошлади. – Ихтиёридин қалъасини Шоҳруҳ мирзо

Шаҳодат ИСАХОНОВА

анча йиллар илгари Абдулатиф мирзога инъом қилиб эрдилар. Хоқони сайд сўнгти юришларида Абдулатиф мирзони ёнларига олгач, ул мирзо бисотиндаги бир қанча минг мисқоллик қимматбаҳо буюмларни ва икки юз туманик маблагни қалъадаги хазинасида қолдирган эркан. Хоқони сайд вафотидин кейин, билурсиз, ҳамма нарса остин-устун бўлиб, ўзгариб кетмиш. Ҳазрат шайхулислом айтганлари киби Алоуддавла мирзо Абдулатиф мирzonинг қилмишини кечириб, Балхга ҳоким этса-да, ул мирзо қитмирлигини қўймади. Оқибатда Алоуддавла мирзо Балхга юриш бошлайдур. Дўши тор келиб, мағлуб бўлган Абдулатиф мирзо чекиниб, қиблагоҳи Улуғбек мирзодин қўмак юборишни сўрайдур. Бул хабардан Улуғбек мирzonинг нафсонияти оғрийдур ва ёрдамчи қўшинга ўзлари бош бўлиб, Ҳирот сори отланадур!

- Бул хабар қўл келиб денг! – кинояли кулди Абусайд мирзо.
- Шундай, шундай! – кулгуси келмаса ҳам беўхшов овозда ҳукмдорга жўр бўлди Шерҳожи.

– Охир-оқибат кўкламда, Улуғбек мирзо тўқсон минглик қўшини бирлан Абдулатиф мирзога қўмакка келадур ва икки қўшин бирлашиб, Тарноб мавзейида бўлиб ўтган жангда ғалаба қозонадур! Лекин энг қизиги шундаки, Абдулатиф мирзони Ҳирот тахтига ўтқазса-да, ул мирзога Ихтиёриддин қальясининг соҳиблигини бермайдур. Ана ундин сўнгра...

Ундан кейинги воқеалар Абусайд мирzonинг ўзи-ю сотқинлиги билан боғлиқлиги учун мирзо безовталаниб, томоқ кирди.

Сарой дабдабалари-ю ҳашамларидан йироқда, итнинг кейинги оёғига айланган, лекин умид аталмиш ярим ҳақиқат, ярим сароб ваъда этаётган тожу таҳт илинжида кўкнори хаёл билан яшаётган темурий шаҳзодалар учун ҳоқони сайднинг вафоти осмондан тушган омад мисоли таъсир қилган, барчаларининг тегирмонига сув қуйилган эди. Тегирмон бошида турган Абусайд мирзога эса бу имконият ҳиди ҳаммадан бурун етди. Сарсон-саргардонликда ҳаётнинг ҳар хил ўйинлари-ю одамларнинг турфа тусда давранишларини кўриб, қўзи ҳам, ўзи ҳам обдон пишган Абусайд мирзога Улуғбек мирzonинг даргоҳи орзуласининг пиллапоясидай туюлган ва охир-оқибат шундай бўлиб чиққанди. Салтанат жиловини тутмоқ учун илмдан кўра қилични афзал билган Абусайд мирзо Улуғбек мирзо даргоҳида ҳарб сирларини ўрганиши баробарида ҳукмдорлик сирларидан ҳам воқиф бўлган, энг номдор ва салоҳиятли амиру бекларининг меҳрини қозонганди. Унинг илмда якто, ҳукмдорликда ҳам қиблагоҳи Шоҳруҳ мирзодан қолишмайдиган Улуғбек мирзога ҳаваси келар ва шу ҳаваси баробарида Улуғ соҳибқирон бобосидан мерос қолган бу улкан мамлакатларга фақат улар эга чиққанлигидан ҳасад ҳам қиласарди. Шоҳруҳ мизонинг ўлимидан кейинги воқеалар ва Улуғбек мирзо билан ўғли Абдулатиф мирзо ўртасидаги низолар эса, Абусайд мирzonинг кўнглида туғилган ана шу ҳасаднинг ҳақиқатга айланишига имкон яратди...

– Ҳа, аввало, Оллоҳнинг иродаси бул, инсоннинг пешонасига неки ёзилган бўлса, кўрмай иложи йўқ, ондин қочиб қтулиб бўлмайдур, – деди шайхулислом Ҳўжа Тафтазани кейинги гап-сўзлар Абусайд мирзога ёқмаганини сезгач, хаспӯшлаб. – Тақдирга тадбир йўқ дейдилар...

– Амир Аҳмад ясавулбошининг бўлинмаси қаерда? – деди чиндан ҳам Абдулатиф мирзо билан қиблагоҳи Улуғбек мирзо ўртасида юз берган воқеаларни эслагиси келмаган Абусайд мирзо гапни бошқа томонга бурди.

– Йўлакнинг охиринда, олампаноҳ! – жавоб берди Шайхзода Пир Қавом ва йўл кўрсатмоқ баҳонасида Шерҳожидан олдинга ўтиб олди.

Бундан ўн йилча бурун ҳоқони сайдга тегишли бўлган ва унинг қазосидан

кейин Гавҳаршод бегим ихтиёрига ўтган хазина бўлинманинг энг чеккасида, алоҳида эшик орқали кириларди. Улар келганида ташки эшик очик, ичкари эшик ҳам қия турарди. Ичкаридан кимнингдир қаттиқ-қаттиқ гапиргани, кимнингдир алланарсалар деб эътиroz билдираётгани баралла эшитилмоқда эди.

Абусайд мирзо “жим” ишорасини қилиб, тўхтади.

– Эй, Аҳмад ясовулбоши, каллангни ишлат, жўра, ўзингни ўйламасанг ҳам болаларингга раҳминг келсин! – жаҳл билан сўзларди қалъя кутволи, унинг овози мўридан чиқаётганга ўхшаб қалдираб эшитиларди. – Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ дейишган! Нимангта қайсарлик қиласан? Кўзингни очсанг-чи, тахт ҳам давлат ҳам Шоҳруҳзодалар қўлидин кетиб бўлди! Минг чиранишсин энди ани қайтариб олишолмайдур! Ул шаҳзодаларга ишонма, аларнинг мингтаси бирлашса ҳам битта Шоҳруҳ мирзо бўлишолмайдур! Энди давр Мироншоҳзодаларники! Энди аларнинг ногорасига ўйнаймиз! Вактинда этагингни ёпмасанг, кейин кеч бўладур. Мен сенга жоним ачиғанидин имкон бераётирмен, йўқса, сийинг битган эрди. Мен бўлмаганимда сени аллақачон асфаласофилинга жўнатишар эрди!

– Аларнинг ногорасига сен ўйнайсен, мен эрмас! Бундин кейин энди мени “жўра” ҳам дема, менинг хоинлардин жўрам йўқ! – йиғламсираб гапирди Аҳмад ясовулбоши.

– “Хоин” дейсанму, “соткин” дейсанму нима десанг де, майли, лекин мен сенга ўхшаган аҳмоқ эрмасмен, куним учун кунлаймен! Аслинда, мен буни сотқинлик деб ҳам хисобламаймен, чунки Абусайд мирзо ҳам темурийзода. Бунинг устига Хуросон тахтига Шоҳруҳ мирзодин аввалроқ анинг бобокалони Мироншоҳ мирзо ўтирган! Дўппини олиб, яхшилаб ўйлаб қарасанг, биз оддий хизматчилармиз ва темурийлар хизматини давом эттираётимиз, холос. Аларнинг нега тахтдин азл этилгани-ю ўртасиндаги жанжал бирлан бизнинг неча пуллик ишимиз бор? Бул аларнинг иши! – энди сокинроқ гапирди қалъя кутволи. – Бир ҳисобда, сенинг болаларинг бўй етган, жўра, ўзларини ўзлари эплашиб кетишадур. Менинг болаларим эрса ҳали ёш, қўлимга қарашадур. Бунинг устига қари волидам бор. Кампир менинг ғамимни кўтаролмайдур...

– Шул қарорга келибсанму бўлди, ортиқча гапларни менга сўйлама! – унинг сўзини кесиб ташлади Аҳмад ясовулбоши. – Мен ҳам ўз қароримда қоламен!

– Ҳа, жўра, майли-куя, увол бўласен-да, яхши одам эрдинг...

Абусайд мирзо кирганида Аҳмад ясовулбоши юз тубан бўлганича ерда ётар, икки навкар икки оёғини, икки навкар икки қўлинни босиб турарди. Қалъя кутволиси эса семиз гавдасини унинг елкасига ортганича, тиззасини белига тираб, сўроқ қиларди. Ясовулбошининг атрофи қонга бўялган, пешонаси ва бурнидан ҳалиям қон сизиб турарди. Абусайд мирзога кўзи тушган қалъя кутволи ўрнидан сапчиб турди-да, таъзим қилганича, орқага чекинди.

Хонада яхшигина тўполон юз бергани кўриниб турарди, ҳаммаёқ ағдар-тўнтар қилинганидан нарсалар атрофга сочилиб кетганди. Бу ернинг деворларига ҳам аждодлардан мерос бўлиб келаётган ва тобе мамлакатлар ҳукмдорлари томонидан инъом қилинган, сопига қимматбаҳо жавоҳир тошлар қадалган олтин курол-аслаҳалар: қиличлар, шамширлар, ханжарлар, камон ўқлари, совутлар, билакбанд, ҳатто темир жавшану дубулгаларгача осилган бўлиб, тахмон сифат қилиб ишланган тўрт бурчак токчаларда эса тилла ва кумуш идиш-товоқлар, патнислар, обдасталар, дасшўйлар, кўзалару май қадаҳларгача тахлаб ташланганди. Ўнг томондаги тилла сандиқлардан иккитасининг оғзи очик, бўғзигача тўлдирилган шоҳрухий тилла тангалар ва қимматбаҳо тошлар кўриниб турарди.

Шаҳодат ИСАХОНОВА

Абусайд мирзонинг имоси билан ясовулбошини ҳам ўрнидан турғизишди ва ҳар эҳтимолга қарши қўлтиқлаб олишиди.

Аҳмад ясовулбошининг бўйлари баланд, қўл-оёқлари узун, елкадор, қоматидан унча-мунча навкарларга бўй бермайдиган баҳодир кишига ўхшарди.

– Юзларини артинг! – деди раҳми келгандай секин сўзлаб Абусайд мирзо.

Кутвол югуриб келиб, белбогини ечди-да, ясавулбошининг юз-қўзларини артди. Пешонасидан оққан қон ҳамма ёғига чаплашганидан кўзлари олайиб кўринаётган ясовулбошининг чехраси очилиб, қалин қошлари, қирра бурни, қалин лаблари кўзга ташланди. У қорачиклари қоп-қора, катта ўткир кўзларини Абусайд мирзога алам билан тикди.

– Жасурлигинг мени ҳайратга солди, ясовулбоши! – деди Абусайд мирзо мақтов оҳангиди.

– Бул жасурликка кирмайдур! – деди Аҳмад ясовулбоши қатъий қилиб.

– Нимага киришидин қатъи назар сенинг бул журъатинг мақтовга лойиқ ва сабоқ бўлгулиқдур. Бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари салтанатининг бардавомлиги ҳам ана шул содиқлик шарофатидин эрди... – Абусайд мирзо гапимнинг ичидағи тузни бошқалар ҳам тушунсин дегандай ёнидагиларга иддао билан бирма-бир қааркан. Шерҳожи худди шაъма ўзига қилинаётгандай, кўтандай қизариб, кўзини олиб қочди. – Мен сени азалдин билурмен, ясовулбоши ва ана шул хислатингни ҳурмат қилурмен. Фалакнинг гардиши айланиб, қошиқ навбати бизга келибдур ва бул ҳам Оллоҳнинг инояти бирландур. Мен сенинг ёшингни ва энг асосийси, ҳозир сўйлаганим киби, фазилатли феълингни ҳисобга олиб, бундин буён ҳам хизматингда давом этишингга монелик қилмаймен! Чунки сен киби фидойи инсонлар нафақат ҳукмдорларнинг балки, элу улуснинг, давлату салтанатнинг таянчлари ҳисобланасиз!

Абусайд мирзонинг қальяга кирганини эшитган лаҳзадан бери “куним битди” деб ўтирган Аҳмад ясовулбошининг кўнгли бузилиб, йиғлаб юборди.

– Лек менга бул юмуш энди оғирлик қиласидур, олампаноҳ, чунки ёшим ўтди. Икки йилдин бери кутвол жанобларидин кетмоққа изн сўраймен. Мана ўзлари ҳам айтишлари мумкин.

– Келбатингдин қариганга эрмас, ҳалиям унча-мунчасини қаритадиганга ўхшайсан-ку, ясовулбоши, – кулди Абусайд мирзо. – Қара, беш киши сенга базур бас келишибдур!

– Үнда, бир рижойим бор эрди... – деди хиққилаб ва атрофдаги нарсаларга ишора қилди. – Мана бул омонатларни эгасига топширишимга рухсат берсангиз...

– Нима? – Абусайд мирзодан олдинроқ жаҳл билан бақирди Шерҳожи. – Жийданинг тагидин ўтмаганмисен?

Абусайд мирзо Шерҳожига “индама” дегандай қараш қилди.

– Бул омонатлар кимники, ясовулбоши? – деди Абусайд мирзо ясовулбошига пешонасини тириштирганича.

– Бул хазинани менга раҳматли хоқони сайд Шоҳруҳ мирзо топширган эрдилар, – деди дона-дона қилиб ясовулбоши. – Андин сўнгра, маҳди улё маликамиз Гавҳаршод бегим омонат этдилар!

– Демак, бул хазина салтанатники бўлган, шундайму?! – кинояли жилмайди Абусайд мирзо.

– Шундай олампаноҳ, салтанатники! – маъқуллаб бош иргади Аҳмад ясовулбоши.

– Салтанат эгаси дастлаб ким бўлган, Мироншоҳ мирзому? Шундай бўлгач, бул хазинада энди ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, ул салтанатники эрди ва яна салтанатники бўлиб қоладур! Фақат фарқи шулки, энди бул салтанатни Шоҳруҳий шаҳзодалар

эрмас, яна биз, Мироншохий мирзолар бошқарамиз! – деди Абусайд мирзо кўрсаткич бармоғини ўзи томон нуқиб. – Тушунарлиму, ясовулбоши?!

– Тушунарли-қўя... – Ахмад ясовулбоши бошини афсус билан чайқаб, уф тортди.
– Лек чин дунёда бунинг бадалини мен қандай тўлаймен?

– Хавотир олма, биз тўлаймуз! – деди Абусайд мирзо ва қалъа кутволига “олиб чиқинг” ишорасини қилди-да, амири лашкар Аҳмадёрни чорлашини тайинлади.

* * *

Абусайд мирзонинг кутилмаган ташрифидан шошиб қолган Гавҳаршод бегим хизматкордан меҳмонларнинг сонини билгач, уларни сарой тўридаги кичик меҳмонхонага таклиф қилишни буюрганича, бир паст бурун келган ва хизматчилар ҳали дастурхон ёзишга ҳам улгурмаган Абдураззоқ Самарқандийга норозиланиб, юзланди.

– Мирзомиз энди андиша устига ҳам қалам тортаётирларму, дейман?

– Унда менга рухсат берурсиз, маҳди улё!... – деди маликанинг кинояли саволини тушунса ҳам жавоб беришга ўнғайсизланган Абдураззоқ Самарқандий. У Сайид Ҳасан Ардашердан мактуб келтирганди. Суҳбатлари бўлингач, хатни маликага беришни ҳам, бермасликни ҳам билмай, ўрнидан кўзгалди. – Майли, бошқа сафар келурмен...

– Вақтингиз зиқ бўлса, қолинг деб қистамаймен, йўқса, кута билурсиз... – деди Абусайд мирzonинг бемаврид ташрифдан хавотирланиб, хаёли қочган Гавҳаршод бегим ташқарига йўналаркан. – Ошчи қизлар Туркистон пичагини ёпишаётган эрдилар, ялпиз пичак, насиба қилиб кетурсиз!

– Ялпиз пичак бўлса, қолурмен. – деди ёш боладай кувониб кетган Абдураззоқ Самарқандий Гавҳаршод бегимни эшиккача кузатиб қўяркан. – Менинг энг севган таомим ялпиз ва кади пичак, алар менга волидаи муҳтараммани ва киндик қоним тўкилган Самарқандимни эслатадур. Емаганинга ҳам неча йиллару неча ойлар бўлиб кетгандур! Волидам раҳматли баҳор келди дегунча ялпиз пичак, ёз бўлди дегунча кади пичак ёпишдин чарчамас эрдилар.

У шундай деганича, маликанинг ҳовлига чиқишини кутиб турди ва эшикни кия колдириб, орқасига қайтди. Оқсоқ қиз қуйиб кетган шарбатдан хўпларкан, қизиқиши устун келиб, эшик қиясидан ҳовли томон секин мўралади.

Кўш қаватли нақшинкор дарвозадан аввал ўн чоғли навкар, кейин олдинмакетин бўлишиб, Абусайд мирзо, яқиндагина вазири аъзам мансабига кўтарилган амир Аҳмадёр, шайхулислом Хўжа Тафтазани, садри аъзам Шайхзода Пир Қавом ва қозикалон Шамсиддин Имомийлар кириб келишиди. Абусайд мирзо жуда башанг кийинган, ҳаворанг ипакдан тикилган хильъати қуёш нурида жилваланаарди. Ҳаворанг салласи эса сидирға, катаклари деярли билинмас, оппоқ ипак кўйлагининг фақат ёқаларигина ҳошияли эди. Калта қўнжли этигининг хиёл бўртиб турган пошнасига кокилган нагал ҳар қадам ташлаганида йўлакнинг мармар тўшамасига тегиб, бир маромда овоз чиқарарди. Шайхулислом Хўжа Тафтазани билан Шайхзода Пир Қавомлар эса оппоқ яктакда, саллалари ҳам оқ, қозикалон Шамсиддин Имомийнинг эгнидаги йўл-йўл нусха майда қавиқ хильъати эса тўқ яшил рангда, хильъат устидан қабо ҳам кийиб олганди.

Навкарлар ичкарига киришгач, Абусайд мирзо ва ҳамроҳлари олдинга ўтишди. Ҳукмдор олдида қил устида юргандай қадамини ўлчаб босишаётган навкарлар орқада қолишгач, эркин нафас олганларича, саройни томоша қила бошлишди. Улкан ва ҳайбатли саройнинг маҳовати уларни ҳайратга солмоқда эди.

Шаҳодат ИСАХОНОВА

– Бул қадар гўзал сарой ҳатто Самарқандда ҳам йўқ! – деди сафнинг бошида кетаётган чорпахил юзли, дароз навкар овозини пастилатиб. – Айтдим, раҳматли хоқони сайд нега Самарқанддай жаннатга келмадилар деб, дидлари чакки эрмас!

– Бизнинг Оқ саройу Кўк саройлар ҳам бундин қолишмайдур! – деди ичидаги улкан иморатнинг кўркамлигига тан берган бўлса ҳам ўз юртининг саройларини кам кўргиси келмай, тил учидаги эътиroz билдириди сариқ юзли, кўк кўз навкар.

– Бир кун бўлса ҳам шундай қасирларда яшасанг-да! – деди ҳаваси келганидан оғзининг таноби қочган дароз навкар. – Бизнинг тирикчилик ҳам ҳаётму? Ит ётишу мирза туришдин фарқи йўқ...

– Ҳар жойни қилма орзу, ҳар жойда бор тошу тарозу дейишган боболаримиз, – кулди кўк кўз навкар. – Шундай жойда яшаган шаҳзодаларга ҳавас қилмай қўяқол, аларнинг аҳволини кўриб турибсен!

– Ҳай, жим, хизматкорлар келишаёттири... – огоҳлантириди орқадаги навкарлардан бири. – Тилингизга эҳтиёт бўлинг!

Абусайд мирзонинг Боги Сафид саройига тўсатдан ва ҳеч бир хабарсиз кириб келиши саройда ҳанузгача амал килинаётган ташрифлар мақоми қонун-қоидасига мувофиқ келмаслиги боис, бу “йўқлов” Гавҳаршод бегимнинг нафсониятига теккан бўлса ҳам, азбаройи олий ҳукмдорга пешвоз чиқмоқ мажбуриятида қолганлиги важхидан ҳам тишини-тишига қўйганди. Лекин ичкарига кираётган меҳмонлар сафида невараси Шоҳ Махмуд мирzonинг садри аъзами Шайхзода Пир Қавомга қўзи тушгач, баттар асаби бузилиб, тотови тиришди. “Демак, бул дўстимиз ҳам сотилибдур...” Андух чекканича, хаёлидан кечди маликанинг ва беихтиёр, садри аъзамни шаҳзода Шоҳ Махмуднинг воситачиси сифатида Султон Санжарнинг даргоҳига юбораётгандаги айтган гаплари ёдига тушди. “Сиз ҳеч хавотир олманг, маҳди улё, Султон Санжарни кўндиримоқ менинг гарданимда. Бул оддий воситачилик эркан, керак бўлса, Шоҳ Махмуд мирзо учун ҳатто, жонимни берурмен...”

Малика ўзини базур босиб олди ва Абусайд мирзони, “Хуш кўрдук, олампаноҳ мирам”, дея жилмайганича қаршилади, лекин ичига чироқ ёқса ёришмаётгани чехрасидан сезилиб турарди.

– Момонгизнинг кайфияти йўқ... – деди шайхулислом Хўжа Тафтазанига қозикалон Шамсиддин Имомий атай, Абусайд мирzonинг қитик патига тегиш учун.

– Чамамда маликамиз бизни кичик меҳмонхонага ўтқизмоқчилар... – деди қозикалоннинг шаъмасидан руҳланган шайхулислом Хўжа Тафтазани ҳам эшимчага қўшимча қиласкан.

– Ҳа, малика момомиз “сийларинг битди” демоқчилар, шекилли... – хизматкор йигитнинг асосий меҳмонхона қолиб, тўр томондаги кичик саройга бошлаётганидан ажабланган қозикалон Шамсиддин Имомий қадамини секинлаштириди-да, Абусайд миризога, “Сиз бунга нима дейсиз”, дегандай маъноли қараш қилди. Ҳукмдордан жавоб бўлмагач, ҳамроҳларнинг муносабатини билиш учун уларга ҳам назар солди. Ҳамманинг боши солик, Шерҳожигина унинг гапини маъкуллаб, калласини иргаётганини кўргач, ўз-ўзича гапириниб, яна йўлида давом этди.

– Туркни туртгунча билмайди деганларидаи, бизнинг элатдошларни албатта тутиш керак, туртмагунингча, миясининг тарки очилмайдур...

– Эчкининг ўлгиси келса қассоб бирлан ўйнашур, деган гап бор... – деди ниҳоят қозикалон Шамсиддин Имомийнинг гапини бўлиб Абусайд миризо қош чимирганича. – Майли, биз, эчкининг арқонини узунроқ ташлаймуз, истаганича ўйнашиб олсун!

Қозикалон Шамсиддин Имомий ялт этиб шайхулислом Хўжа Тафтазани билан

амир Шерҳожига маъноли қарааш қилди. Улар шу пайтгача Абусайд мирзонинг кўнглидаги асл ниятини англагандай бўлсалар-да, лекин унинг бундай қалтис ишга журъат этишига уччалик ишонишмаган, ўзларича, гумону тахин билан чекланишган эди, холос. Шу боис, ҳар учаласи ҳам мирзонинг бу сўзлари замирида шунчаки пўписа эмас, балки қатъий бир қарор, қарор бўлганда ҳам ҳеч ким, ҳатто валломати ҳам ўзгатира олмайдиган ёвўз бир ўч, интиқом борлигини пайқашди.

Абусайд мирзо шу боис ҳам арконни узун ташлаганди. У Хиротга келганидан бери маликанинг хайриҳоҳлари-ю ҳомийлари не қадар кучли ва қудратли эканлигининг тагига етмоқ илинжида хузурига келган ҳар бир одам билан гўё якин кишисидай, яккама-якка гаплашарди. Нима қилса Хуросон элига фойдаси тегиши борасида маслаҳат сўраш баробарида, унга садоқат билан хизмат этса, эгаллаб турган мавқеъидан-да яхшироқ, мўмайроқ мансаб беришни ҳам қистириб ўтарди. Суҳбат орасида маҳди улё ҳамда шаҳзодалари ҳақида шунчаки фикр сўрар, гап чукурлашгудай бўлса, дарров мавзуни ўзгартирарди. Унинг сўзларидағи моҳиятни, коса тагидаги нимкосани сезганлар малика ва шаҳзодалар борасида сўзлашдан қочишар ёки эҳтиёткорлик билан ул-булни баҳона қилишганича, улар билан унчалик яқин эмасликларини ва ҳеч қачон ош-қатиқ бўлишмаганини айтишиб, узр сўрашарди. Билмаганлар эса, раҳматли хоқони саиддан гап очилиши билан қон-қардош ҳисобланмиш ҳукмдорнинг муруватига таҳсинлар ўқишганича, Шоҳруҳ мирзою шаҳзодаларни кўз ёши тўкиб, эслашар, маҳди улё ҳақида эса билганларидан ҳам кўпроқ, кўшиб-чатиб, оғиз кўпиртиришарди.

Абусайд мирзо уларнинг гапларини жимгина эшитар ва эшитгани сари болалигидан бери юрагининг туб-тубида уйғонган ва йиллар ўтган сари катталашиб, тобора ёвузлашаёган ўчнинг исканжасида тўлғанар ва шу пайтгача олинган интиқоми кўзига камдай кўринарди. У бу йўлда ҳеч нарсадан тап тортмас, керак бўлса алдар, сотар, хиёнат қилар, лекин мақсадидан қайтмасди.

Тўрдаги боғча томондан қизларнинг кулгуси эшитилиб, бинафшаранг кўйлакли бўйчангина бир қиз йўлакдан шу томон бўйлади. Улар меҳмонлардан хабарсиз қолишганди. Шунинг учун бир лаҳза нима қилишларини билмай, уймалашиб туришди-да, сўнг боғча ичига кириб ғойиб бўлишди.

– Маҳди улёning бўй етган хонзода набиралари борму? – деди бўйчан қизга кўзи тушгач, хаёли бўлинган Абусайд мирзо Шерҳожига маъноли оҳангда.

– Алоуддавла мирзонинг бош хотинлари Бегика бегим ва қизлари Руқия Султон бегим маҳди улё бирлан бирга яшайдурлар, – деди Шерҳожи оғзининг таноби қочиб, “Ой десангиз ойдин ортиқ, кун десангиз кундин ортиқ”, деб қизни мақташга чоғланаркан, шайхулисломнинг томоқ қиришини эшитиб, ўзини тутиб олди. – Ул қиз Мухаммад Иброҳим мирзонинг ё эгачиси ёхуд ҳамшираси бўладур!

– Оғиз солинмаганму? – деди Абусайд мирзо.

– Бошка томони менга қоронги... – деди Шерҳожи оғиз солинганлар ҳақида эшитган бўлса ҳам гапничувалатгиси келмай.

– Яхши, суриштириб кўурурсиз! – деди Абусайд мирзо ўзи томон келаётган Гавҳаршод бегимни кўргач, маънодор қилиб.

– Маъзур тутгайсиз, олампаноҳ мирзом, келишингиздин нечундир бехабар қолдик... – дэя хижолат чеккандай, манзират қилган бўлди Гавҳаршод бегим уларни кичик меҳмонхонада кутиб оларкан, елиб-югуряётган хизматкорларга ишора этганича. – Узримизни қабул этгайсиз. Мулозимларингиз бир оғиз шипшитиб кўйишганида эрди...

– Ташвишланманг, маҳди улё маликам... Биз энди битта оиламиз... Шундай бўлгач, қачон хоҳласак, келаберамиз! – Абусайд мирзо шундай дэя Шерҳожига

Шаҳодат ИСАХОНОВА

маъноли қараб қўйди ва этигини ҳам артмасдан гердайганича, тўр томон юрди. Хизматкор йигит устига дастурхон ёзаётган олтин хонтахтага кўзи тушиб, тўхтаб қолди.

Кичик меҳмонхонанинг ярмини эгаллаган қирқ кишилик хонтахта қизил олтингдан ясалган бўлиб, кунгира нақшли оёқларига турли хил инжуулардан безак берилган, нақшларнинг четлари ҳамда ораларига эса кумуш ва сарик олтин суви юритилган эди.

– Бухоро олтинидин ясалганму дейман?! – қизиқиши устун келган Абусаид мирзо ўтиришга ҳам сабри чидамай, дастурхонинг бир четини қўтарганича, хонтахтани ушлаб кўрди ва маликани саволга тутди.

– Мен тиллонинг фарқига унчалик бормаймен, мирзом, – деди Гавҳаршод бегим Абусаид мирзонинг томдан тараша тушгандай берган саволидан кўнгли бир хил бўлиб. – Бундай нарсаларни менимча қозикалонимиз яхши тушунсалар керак...

– Тўғри топдингиз, маҳди улё, яхши тушуниш ҳам гапму, олтину олмоснинг пиримен! – деди гарчи маликанинг гапидаги бир чимдим тузни пайқаган бўлса ҳам сир бой бермаганича, жилмайиб, қозикалон.

– Олтин тишлийвериб, қозикалонимизнинг тишлар ҳам эрта тўкилиб кетган, маликам! – ўзича ҳазил қилган бўлди Шерҳожи. Лекин қозикалонинг япалоқ юзи дувва қизариб, лаби чўчайганидан гапи ёқмаганлигини сезиб, индамай қолди.

– Офарин, қозикалон! – унга тел берди шайхулислом.

– Унда мен борай, таомларимиз пишгунича, мева-чевалар еб туурсизлар... – деди уларнинг бемаврид ташрифи боисини унчалик тушунмаган бўлса ҳам гап ўйини қилишаётганидан ниманидир мўлжаллаб келишганини англаган Гавҳаршод бегим пешонаси тиришиб ва ҳамон кўл қовуштирганича, пойгоҳда турган Шайхзода Пир Қавом томонга ўтирилганича, юзига қарамасдан гапирди.

– Тўрга ўтсангиз бўлур эрди, садри аъзам ҳазратлари!

– Э, э, ҳали эшитмадингизму, маҳди улё маликам, Шайхзода Пир Қавом ҳазратларининг кетмонлари янам баланд учган, энди ҳазратим садри аъзам эрмас... – Пир Қавомдан олдинроқ жавоб берди қозикалон. – Рутбалари жуда юксакда, алар улуғлик ва Жалол кавкаби, олий насаб олампаноҳ Абусаид мирзо салтанатининг девон вазири бўлдилар! Кутлаб, дуо қилиб кўйинг!

Шайхзода Пир Қавом Боги Сафид саройига бормаслик ва Гавҳаршод бегимга рўбару келмаслик учун роса баҳона тўқиб кўрган, лекин илоннинг ёғини ялаган қозикалон важнинг каттасини, яъни, Абусаид мирzonинг каттиқ тайинлагани-ю, бормаса, ҳукмдорнинг эътиборидан четда қолиб, эндиғина эришган мартабасидан ҳам мосуво бўлишини рўйач қилгач, ўлганининг кунидан розилик билдирганди. Шу боис, қозикалоннинг ҳозирги гапи ярадор илоннинг думини атай босиб, унга қарши қўзғатаётгандай туюлиб, Шамсиддин Имомийга норозиланиб, ола қараш қилди.

– Хайрли бўлсун... – деди Гавҳаршод бегим Шайхзода Пир Қавомнинг юзига қарамай ва томогига аччиқ нарса қадалиб, тезгина эшик томон йўналди.

Сарғиш, чорпахил юzlари қизарган Шайхзода Пир Қавом терлаган пешонасини ўнг кўлининг орқаси билан сидирганича, хонтахтанинг чап томонига, Абусаид мирзо кўрсатган жойга ўтди. У Санжар мирзо хузуридан қайтгуннича, воқеалар тескарига кетганди. Отаси Абулқосим Бобур мирзо ўрнига салтанат вориси этилган Шоҳ Махмуд мирzonинг каерда эканлиги номаълум, бирор Журжонда деса, бошқаси Мозандаронда дер, беэга қолган Ҳирот таҳтига Абусаид мирзо эга чиққанди. Шул боис, Шайхзода Пир Қавом сувнинг оқими қай томонга бурилишини кутганича, Гавҳаршод бегимга кўриниш бермаган, устига-устак

қозикалон Шамсиддин Имомийнинг тел-телига учиб, шаҳар акобири шарифлари қаторида Абусайд мирзонинг оstonасига бош уриб борганди.

– Ошчиларингиз таомга уннаб овора бўлишмасун, маҳди улё маликам, – деди Абусайд мирзо эшикка етган Гавҳаршод бегимга. – Хозир бизнинг ошчиларимиз хоҳлаган таомингизни келтиришадур. Аслинда, бундин бўён ошпазларингизга жавоб берсангиз ҳам бўладур. Ёлғиз ўзингизга шунча нонхўракнинг нима кераги бор? Мен аларга айтамен, бизга тайёрлашган емақдин сизга ҳам насиба келтиришадур. Хабарчиларимизнинг сўзига қараганда волидай муҳтарамамиз ҳам яқинда келиб қолсалар керак, сизга ҳамсухбат бўладурлар, зерикмайдурсиз... – яна онасининг келишига шаъма қилди Абусайд мирзо. – Сиз маликалар таомидин еб ўргангансиз, маҳди улё. Ундин ташқари, боболаримиз айтганларидаи, ёшни Худо, қарини фидо, яъни таом асрайдур, маҳди улё...

Эшик бўсағасига етган Гавҳаршод бегим мирzonинг гапини эшитиб, орқасига қайтди.

Маликанинг хаёлида ўртадаги парда кўтарилигандай эди. Абусайд мирзо асл ниятини бор бўйи-басти билан намоён этганича, оғзига келганини ҳеч бир андишасиз сўйламоқда эди. Гавҳаршод бегим ҳам ўлар ҳўқиз болтадан тоймаганидай, шу гапдан кейин кўнглига муз оралаб орқаси тутди. Мирzonинг гапини ютиб кетолмади, орияти устун келиб, тилига эрк берди.

– Фидо яшамоқнинг бир воситаси, холос, олампаноҳ... Аслинда ҳаёт ва мамотнинг воситалари кўп ва хилма-хил... – деди Гавҳаршод бегим ичидаги титроқни босиш учун овозини атай баландлатиб.

– Шундайму... Қизиқ... – деди маликанинг бундай зардали шаштини кўрмаган ва кескин овозини эшитмаган Абусайд мирзо дарров муносиб жавоб қайтаролмай.

Малика қўлларининг учигача музлаётганини ҳис қилиб, бир хаёл орқасига қайтмоқчи бўлди, лекин ичидаги түғён ураётган ва наштарга айланиб, бўғзига қадалаётган сўзлар истагига изн бермади.

– Нимаси қизиқ, олампаноҳ? – деди Абусайд мирzonинг юзидағи истехзоли ҳайратни илғаган малика. – Аслинда, мен берган жавоб қизиқ эрмас, сиз менга сўйламоқчи бўлаётган муддао қизиқ! Шундай эрмасму? Сиз сўйган хўроздни мен аллақачон парт қилиб бўлдим. Шул боис, менга очиқроқ сўйлай беринг! Муддаонгиз не? Не бўлса-да сўйланг? Зеро, мен Яратганинг бул ёлғончи ва бевафо фаносидин аллақачон этак силтаб қўйган одаммен!

Маликанинг қўзларидаги оғриқ аралаш ғазабли оташни қўрган уламолар ҳам, ҳатто Абусайд мирzonинг ўзи ҳам бир лаҳза лол бўлганича, қотиб қолди.

– Маҳди улё маликам, ўзингизни босинг! – деди ниҳоят тилга кириб Абусайд мирзо бояги шаштидан тушганича, маликага ёнидан жой қўрсатаркан. – Келинг, ёнимда ўлтиринг! Мен нима дейману қўбизим нима дейдур деган эркан бир бечора баҳши. Шунга ўхшаб, мен ҳам нима ғамдаману сиз нималар деб гумон қилаётурсиз. Бўлаётган воқеалардин бошим қотганидин, сизнинг маслаҳатингизни олайнин деб келиб эрдим. Эшитаётгандурсиз, шаҳзодаларимизнинг машмашасини! Менинг ёнимга кириб, қанот бўладур деб ўйласам, ҳар бири ҳар томонга сочилиб, билган номаъқуличиларини қилишаётир! Султон Санжарнинг ҳам ажали етибдур шекилли, амирлари Шайх Зуннун ва Муҳаммадбекларнинг қутқусига учиб, куёви Бойқаро мирзони ҳам ўйлдин оздиривдур ва менга муҳолифатлик эълон этибдур. Кудангиз Жаҳоншоҳ туркман ҳам Султония ва Қазвинга қаноат қилмай, Ҳиротни қўзлаётган эрмуш!

Ўтган иили Бойсунгур мирzonинг ўғли Султон Муҳаммад мирзо Жаҳоншоҳ туркманинг қизига уйланган ва “сут ҳақи” учун унга Султония ва Қазвиини ињомъ этганди.

Шаҳодат ИСАХОНОВА

– Абулқосим Бобур мирзонинг ўғли шаҳзода Шоҳ Маҳмуд мирzonинг даъвосини тушунса бўладур, – деди малика жавоб бермагач, гапида давом этиб Абусайд мирзо. – Лекин Абдулатиф мирzonинг ўғиллари Абураззок мирзо бирлан Аҳмад мирзоларни не жин урди билмаймен? Балки ул мирзоларнинг ҳам авбош амирлари фикрларини бузаётгандур. Ҳар қалай бул ерда бошқа бир гап борга ҳам ўхшайдур! Бул ахволда не бўладур, биласизму, бир-бирларини еб битиришиадир, холос! Суйган набирангиз Алоуддавланинг ўғли Мухаммад Иброҳим мирзо йўқ таҳти талашиб, отаси бирлан қир-пичоқ бўлганидин хабарингиз борму? Бул не жаҳолат, бул не падаркушлик? Абдулатиф мирzonинг юзи қаролиги аларга сабоқ эрмасму? Ёхуд бул қабоҳат аларнинг қонинда бормикин?

Абусайд мирzonинг, “Ёхуд бул қабоҳат аларнинг қонинда бормикин”, деган сўзлари Гавҳаршод бегимнинг кўксига ҳанжардай ботган бўлса-да, аччиқ ҳақиқат эди. Чиндан ҳам бу не қабоҳатки, бундай кўрнамаклик анинг авлодлари чекига тушди? Қайси гуноҳлари учун?

– Сиз эрса, менинг келишимни бошқа нарсага йўяётирсиз! Янгишасиз, маликам!
– Гавҳаршод бегимни тамоман мот қилдим деб ўйлаган Абусайд мирзо ҳам бу сафар овозини баландлатди. – Мен ҳам виждонини ютган одам эрмасмен. Ёхуд волидамни ёнингизга ҳамроҳ қиласман деганимни айрича тушундингизму? Шундай хаёлга борган бўлсангиз, гапимни қайтариб оламен. Азбаройи ёлғизлигингида ачинганимдин, сизга дардкаш, йўлдош, сухбатдош бўлади деб ўйлаганимдин айтган эрдим бул гапларни! Демак, мен янгишган эрканмен. Ўртамиизда бундай келишув бўлмаган, деб ҳисобланг. Яна бир нарсаки, менинг муддаом мана шул саройни олмоқ деб ўйлаётган бўлсангиз ҳам хато қиласиз. Менга бул сарой керак бўлса, сўраб ҳам ўтираслигим мумкин. Хуросон давлатини эгаллаган хукмдор битта саройни сўраши кулгули эрмасму?

– Тилимга бир калима келди-ю лек, “Сақла сомонни, келар замони”, деган ота сўзга амал қилиб, майли, вақти мавриди келса, айтармен... – деди Гавҳаршод бегим бу гал жим турмай.

– Эҳ, маҳди улё маликам, сиз, вақту замонни айтасиз! Эртага не бўлишини билмаймизу?! Ёхуд сиз биласизму? – деди Абусайд мирзо Гавҳаршод бегимнинг жавобидан энсаси қотиб. – Неки гапингиз бўлса, ҳозир айтинг, ичингизда қолмасун. Эртага Худо пошшодур. Бунинг устига, “Ёшнинг ўлими тасодиф, қарияники муқаррар”, деган нақл бор.

– Бул сўзингиз ҳам тўғрику-я, мирзом, лек... – малика тилига келган калимани айсами-йўқми дегандай, бир лаҳза тин олди. – “Ёш кетадирму ёхуд қари, ани Оллоҳ биладур”, деган нақл ҳам бор...

– Ёш деганда мени назарда туваётган бўлсангиз, сира ҳам хавотир олманг, маҳди улё, – Абусайд мирзо Гавҳаршод бегимнинг юзларига қалқан кинояли ифодани кўриб, ғаши келди. Ичида: “Ажалинг етаётир, шекилли, сен кампирни”, деб буралатиб сўкканича, гапида давом этди. – Мен сизнинг ҳам ёшингиздин улуғроқ ёшларга киурмен, иншооллоҳ! – дея юзига фотиха тортиди.

– Омин! – бир овозда жўр бўлишди ўтирганлар.

– Омин... – деди малика ҳам секингина. – Лек ҳаёт аталмиш бул тириклик мезони умр бирлан ўлчанмайдур, олампаноҳ! Яхши эзгуликлар, яхши амаллар қолдирган инсонларнинг умри ўлганларидин кейин ҳам давом этадур...

– Э, э, маликам, аҳмоқлар ўзларини шундай деб овутадурлар – сассик кўлтиқларини совутадурлар! – деди Абусайд мирзо масхаромуз оҳангда.

– Ҳа, саводсиз нодонлар ҳам шундай фикр қиласурлар! – деди малика.

Ўтирганларнинг хурраси учганича, ялт этиб, бир-бирларига қараши, гап Абусаид мирзонинг ўзига қарат айтилганда эди.

Сабаби савод, илм, китоб ҳакида гап кетса Абусаид мирzonинг жини қўзириди. Соҳибқирон вафотидан кейин фалакнинг гардиши терс айланиб, кўпчилик шаҳзодалар таҳт иштиёқида ўзини ўтга-чўкка уриб, балога гирифтор бўлишгач, уларнинг етимлари итнинг кейинги оёғи саналиб, эътибордан четда қолишган, кўплари салтанат пойидан узоклаштирилган, ҳатто бальзилари бадарга қилинганди. Чекига ўша шаҳзодалар қисмати тушган Мироншоҳий шаҳзода Абусаид мирзо ҳам то Улугбек мирзо мурувватидан баҳраманд бўлгунига қадар, бирор жойда қўним топмаганлиги боис, мадраса таълимими тайинли олмаган, ақлий ва нақлий билимлари ҳам ҳаминқадар эди. Улугбек мирзо унинг қисматидан хабардорлиги боис, ўзи очган олий мадраса мударрисларидан Абусаид мирзога алоҳида устоз тайин этиб, мирzonинг бошқа толиблар қаторига қўшилиб, билим олишига кенг имкониятлар яратиб берганди. Ўзидаги ўқишу мутолаага рағбат ва иштиёқи йўқ Абусаид мирзо эса устози тугул, Улугбек мирzonинг ҳам ҳимматини суиистеъмол қилиб, дарсларга онда-сонда, хушига келганда қатнашган, кўп вақтини ҳарбга сарф этган эди. Мовароуннаҳр таҳтига ўтиргач, Самарқандда иккинчи Абу Али ибн Сино лақабига эришган машхур фиқҳ ва табиий илмлар билимдони Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий хонақоҳида маълум бир муддат қолиб, чидам билан саводини оширган бўлса-да, ҳамон ўғлонларининг таълимига эътибор бермас, Самарқанд таҳтига қоим қилиб келган тўқиз ёшли Аҳмад мирзо ўқиши тугул, ҳатто ўзининг номини ҳам ёзишни билмасди.

Ташқаридаги навкарлар орасида кўтарилиган ғала-ғавур бирдан ҳамманинг диққатини тортиди. Абусаид мирзо ҳам гапидан тўхтаб, хавотир ичда ҳовлига бўйлади. Шерҳожи ўрнидан сапчиб турганича, эшикка югурди. Орқасидан қозикалон эргашди. Савол-сўроқлардан осонгина кутулган Гавҳаршод бегим ҳам пайтдан фойдаланиб, эшикдан чиқиб олди. Навкарлар ҳозиргина Бони Зоғон саройидан келган хабарчини ўраганларича, Шерҳожи ва қозикалонга воқеа тафсилотларини тушунтира бошлашганди.

Отини учириб келганидан ҳансираб қолган хабарчи, қийналиб нафас олар, гаплари узуқ-юлук чиқарди.

– Бўпти, сен ўзингга келиб ол, қолганини мен ўзим айтамен! – деди навкарлар бошлиғи юзлари чорпахил дароз йигит хабарчига ва Шерҳожига юзланди.

– Хабарчининг айтишига қараганда, Санжар мирза, Алоуддавла мирзо ва ўғли Муҳаммад Иброҳим мирзоларнинг йигирма минглик қўшуни Хиротга яқинлашмоқда эрмуш!

Шерҳожи навкарлар бошлиғидан бошқа тафсилотларни эшишиб ўтирмади. Зиппа орқасига қайтди. Унинг афт-ангорига қўзи тушган Абусаид мирzonинг кўнгли ёмонликни сезиб, сапчиб ўрнидан турди.

– Зудлик бирлан Бони Зоғонга кетмоғимиз лозим, олампаноҳ! – деди унинг гаписиз ҳам эшик томон юрган Абусаид мирзога эргашганича, йўл-йўлакай, навкарлар бошлиғидан эшиктган воқеалар тафсилотини сўйларкан, – Санжар мирзо кечада Алоуддавла мирзо ва ўғлонлари Муҳаммад Иброҳим мирзо бирлан иттифоқ тузиб, биргаликда Хирот сори юрган эрмуш!

– Қўшуни қанча эрмуш? – ҳаяжондан оғзи қурий бошлаган Абусаид мирзо тамшанганича ҳовлига чиқди.

– Хабарчининг маълумотига кўра йигирма минг чоғлик эрмуш, – Шерҳожи кўрсаткич ва ўрта бармоғини жуфт қилиб, нуқиди. – Лекин бул саноқ ўтирик бўлиши мумкин. Сабаби, Санжар мирzonинг ўзинда йигирма мингдин ортиқ

Шаҳодат ИСАХОНОВА

навкару суворий бор. Мұхаммад Иброҳим мірзо ҳам ўлғанда ўн мінг лашкар үйқан бўлиши керак. Алоуддавла мірзонинг кўшуни сонидин эрса хабарим йўқ.

— Таомларимиз ҳозир бўлғанда нега турәтиурсизлар? Ҳеч бўлмаса ялпиз пичакдин тотсаларингиз бўлур эрди! — дея уларга пешвоз юри ҳовлидаги хизматкорларга ниманидир тайинаётган Гавҳаршод бегим ҳеч нарсадан хабарсиз.

Абусайд мірзонинг хаёли қочганидан маликага қайрилиб ҳам қарамади. Фақат Шайхзода Пир Қавом, “О, ялпиз пичак тансиқ таом, менинг жони дилим... Лек... Майли, ҳали келгаймуз, маҳди улё”, деганича, ўлганининг кунидан елка қисиб, хайрлашган бўлди.

Шамолдай келишиб, яна шамолдай чиқиб кетишган аёnlар ортидан ҳайрону лол термилиб қолган Гавҳаршод бегимнинг кулогига Абдураззок Самарқандийнинг овози эшитилиб, хаёлини йигиб олди.

— Тинчликму, маҳди улё? — деди дарвоза тарақлаб ёпилиши билан хавотир ичида ҳовлига чиқкан Абдураззок Самарқандий маликага пешвоз юраркан.

— Бул мірзо бор эркан, ҳеч бир ерда тинчлик бўлмайдур! — деди малика тушкун оҳангда, бошини сарак-сарак қилганича. — Лек ҳар ҳолда бугун тинч кетишиди... Яна не кароматлар кўрсатадур, буни олампаноҳ, Оллоҳ биладур...

Хизматкорлар одатдагидай қуруқ ва хўл мевалардан иборат шоҳона дастурхон тузаб қўйишган, тандирдан ҳозиргина узилган ва иссиқ ҳолида бир-бирига ёпишмаслиги учун кумуш патнисга ёйиб келтирилган ялпизли пичакнинг ҳиди иштаҳани қитиқларди.

Абдураззок Самарқандий юзига сариёғ суртилган ярим ой шаклдаги пичакларни кўриб, онасини эслади. Раҳматли волидаси ҳам пичакни баъзиларга ўхшаб, тўрт бурчак қилиб эмас, худди мана шундай ярим ой шаклида ясарди. Тандир қизитиши Абдураззокнинг чекига тушганлиги учун уни ёпиш жараёни ҳам ёд бўлиб кетганди. Волидаси пичакларнинг иккитасини бир қилиб, рапидага жойлаштиради-да, сўнг нон кўринишига келган жуфт ҳамирни сувлаб, қизиб турган тандирга ёпарди. Пичакни яхши кўрган Абдураззок тандир бошидаёқ, иккита-учтасини паққос туширади.

Ҳозир ҳам маликанинг бошлаб беришини кутиб, дастурхонга қўл узатмай зўрға чидаб турганди. Гавҳаршод бегим бояги, “Менинг энг севган таомим ялпиз ва кади пичак”, гапини эшитиб, “Пичакка тўйиб олсин”, деб ўйлади, шекилли, ичкарига кириб кетиб, узоқиб қолди.

— Сиз бемалол овқатланар эркансиз! — деди маликанинг ортидан чиқкан хизматчи қиз таъкид оҳангига Абдураззок Самарқандий бўшатган шарбат бардоғини тўлдириб қўяркан ва шарбатли кўзани унинг яқинроғига сурди. — Баҳузур, ичаверинг, маҳди улё маликам, менсиз таомланиб олсунлар дедилар!

— Ташаккур! — деди беихтиёр пичакка қўл узатган Абдураззок Самарқандий. Пичак иссиқина, ҳамири ҳалимдай юмшоқ эди. Унинг лаблари болалигидан қолган таъмни туряркан, волидаси сўнгги нафасини олаётган чоғ айтган гаплари ёдига тушиб, бўғзига нимадир қадалгандек бўлди.

— Болажоним... Сизлардин... Оғаларингиздин ва сиздин мингдан-минг розимен. Қиблагоҳингиз ва мен орзу қилганимиздек илмли, инсофли ва иймонли инсонлар бўлиб етишдингиз. Нафсингизни мана шул оддий пичак бирлан қаноат қилдира олганим учун бугун эгамнинг хузурларига ёруғ юз бирлан кетаётирмен... Бир онага шунинг ўзи кифоя қиласурни кетадир...

Абдураззок Самарқандийнинг қиблагоҳи Жалолиддин Исоқ Шоҳрух мірзо салтанатида узоқ йиллар имом ва қозилик вазифаларида ишлаган ҳалол, ростгўй инсон эди. Бўйлари баланд, елқадор, қорувли Жалолиддин Исоқнинг овози ҳам

гавдасига монанд жарангдор, салобатидан от ҳуркадиган киши эди. Лекин сухбат жараённида унинг жуда камтар, камсуқум ва хокисор киши эканлиги дарров билинарди. У ҳукм чиқаришда одилликка эътибор берар ва ҳамиша жабрланувчи томонда бўларди. Қувваи ҳофизаси ниҳоятда кучли бўлганлиги учун Шоҳрух мирзо унга мұтабар китобларни ўқиб бериш, мукаррар масалаларни ривоят этиш вазифаларини ҳам топширганди.

Фарзандлари ҳам ота йўлидан кетишиб, Шоҳрух мирзо эътиборига тушган ва сарой аъёнлари қаторидан жой олишган эди. Ака-укаларнинг салтанат тахтгоҳида туб қўйиб палак ёзганини эса баъзи бир ғаламис аъёнлар ҳазм қилолмас, мавриди келди дегунча, оёғидан чалишга уринишарди.

Абдураззоқнинг катта акаси Жалолиддин Абдулғафорнинг умри қисқа экан, ундан ўн йилча кейин кичик акаси ҳам сафарда катиш қилганди. Хоқони сайд томонидан Ҳиндистонга юборилган элчилар орасида Абдураззоқ Самарқандий билан бирга кичик акаси Афиғуддин Абдулваҳоб ҳам бор эди. Улар Қалхот яқинидаги Сур қишлоғига тўхташганида, акасининг юраги иссиқни кўтаролмади, шекилли, чақиришган табиби келгунча, бир пастда жон таслим қилди. Икки акаси ҳам Абдураззоқ Самарқандий каби диний илмларни таҳсил этиш, маорифи яқинияни такомилга етказиш, исми-ишоратнинг маъноларини таҳқиқ қилишда беназир эдилар.

Ўртанча акаси Шарағиддин Абдулқаҳхор ҳам гарчи адабиёт аҳлидан бўлса-да, кўпроқ кимё билан шуғулланар, айниқса, кўнглига маъданни олтинга айлантириш ишқи тушгач, шу йўлдан кетди. У кеча-ю кундуз, тинмай олов билан ишлар, ўтга кўп пуфлай бериши натижасида эса қулоқлари эшитмай қолганди. Шундан бери саройга деярлик келмас, одамларга ҳам аралашмасди.

Икки акаси вафот этиб, ўртанча акаси саройдан кетгач, Абдураззоқ Самарқандийнинг жойи керак бўлиб қолган аъёнларга баҳона топилди. Шоҳрух мирзога Мавлоно Жалолуддин ва Мавлоно Муҳаммад садр, “Унинг илми саёз, оғалари каби ота-боболари ишини давом эттирмай, фақат мулозамат қилиб юрибдур” деган мазмунда арзнома битишиди.

Даргоҳида униб-ўсган қадрдонлари ҳакидаги арзномани ўқиб, нокулай аҳволга тушган Шоҳрух мирзо Абдураззоқ Самарқандийни чақириб, воқеани баён қилди. Абдураззоқ эса ҳеч иккиланмай, “Шубҳаланмаслигингиз учун аҳли илм иштирокинда имтиҳон қилдиринг, олампаноҳим!” деди. Бу фикр аслида Шоҳрух мирзонинг ҳам кўнглидан ўтган, фақат таклифни Абдураззоққа қай йўсинда етказмоқни ўйлаб, хижолат чекмоқда эди.

Шоҳрух мирзо мақом тутган мажлис аҳлини, яъни, ислом раҳнамолари ва даврон улуғларини ўз билими билан ҳайратга соглан Абдураззоқ Самарқандий “Шарҳи рисолани” таҳқиқ этиб, ҳумоюн лақабларига мувашشاҳ қилинган хутбани ёддан ўқиб берди. “Кашшоф” ва “Хидоя”нинг бошланғич қисми “Китоби таҳорат” бобидан берилган саволларга ёзма жавобларни эса уламолар ҳайъати, “Энг нозик ва энг яҳши таҳлил”, дея маъқул топишиди.

Ўшакуни утаълим олишида қиблагоҳи унга қанчалик тўғри йўналиш берганлигига имони комил бўлган ва ёдига қиблагоҳининг биринчи сабоги тушганди. Ўшандада отаси унга дарс ўтишдан олдин жавонидаги китобларни кўрсатиб, “Ўғлим, ҳаётингизнинг қалити китоблардур. Аларни пухта эгалласангиз ва тўғри хулоса чиқара олсангиз, ҳаётда ҳеч ким сизнинг оёғингиздин чалабилмайдур. Алар маёқ мисоли йўлингизни ёритиб туришадур”, деган эди. Абдураззоқ ҳамиша ўша сабоққа амал қилишга жидду жаҳд этарди ва ўша куни бунинг исботини кўрди, чиндан ҳам ҳақсизлик, фиску фасод, риё, туҳмат устидан илм орқали ғалаба қозонганди...

Шаҳодат ИСАХОНОВА

— Яна бир бор хуш келдингиз, малоно, боя ҳатто сўраша олмадик ҳам! – ичкаридан чиқсан малика шундай дея Абдураззоқ Самарқандийнинг қаршисига келиб ўтириди. – Кўринмай қолганингизга бетобмиkinsiz деб хавотирда эрдим. Оллоҳга шукрки, соғ-саломат эркансиз! Қизларимиз ёпган пичак ёқдиму?

– Раҳматли волидам ёпган пичакларини егандай бўлдим. Тоти ҳам, хиди ҳам, ҳатто хамирининг юмшоқлиги ҳам айнан... – Абдураззоқ Самарқандий ёғли кўлларини сочиққа артганича, маликанинг ҳурмати учун ўрнидан тураркан, миннатдорчилик билдириди. – Ошчи қизларнинг кўллари дард кўрмасун!

– Сизнинг ризқингиз қўшилган эркан, йўқса, қизлар ани эртага ёпишмоқчи эрди. Ўзим ҳам пичакни хуш кўрганим учун бугун ёпақолинглар, дедим. Ҳаёт қизиқ эркан, насиб қилса буюрар эркан, насиб қилмаса, тандирдин узилганини ҳам еёлмас эркансиз... – деди малика Абусайд мирзо ва аъёнларини назарда тутиб.

– Шундай, шундай... – бош иргади Абдураззоқ Самарқандий ва чўнтағидан Сайид Ҳасан Ардашернинг мактубини олишга тутунди.

– Хўш, энди ўзингиздин сўйланг, уй-ичилар омонму? – деди Абдураззоқ Самарқандийнинг юзига синчковлик билан тикилиб малика. – Мирзомизнинг йигитлари кўпчилик амиру бекларнинг, аъёнларнинг хонадонларини тинтув қилишган эрмуш, сизнинг хонадонингиз тинчму?

– Тинтув ҳалво... – Абдураззоқ Самарқандийнинг қалин, туташ қошлари беихтиёр, чимирилди. – Кўпчилик амирларнинг боғу боғчасини мусодара этишибдур. Эшитган бўлсангиз керак, Фиёсиддин Кичкинанинг ҳам ҳовлисини хатлашган эрмуш.

– Эшитдим, хонимлари Салима бону Феруза бегим бирлан келиб эрди. Оғаларининг зинданбанд этилганини эшитиб, ғамдин бир бурдагина бўлиб қолибдур, – ачиниш билан бош чайқади Гавҳаршод бегим. – Салима бону шоир ўғлони Алишербекдин ҳам хавотирда. Абусайд мирзо Ҳусайн Бойқаро мирзо бирлан Алишербекдин ҳам шубҳаланаётган эрмуш. Айниқса, Ҳусайн Бойқаронинг Марвда, қайнатаси Санжар мирзо даргоҳинда қолиши Абусайд мирzonинг қонини қайнаттган эрмуш. Шул боис, шотирлар аларнинг ҳам хонадонини хатлашибдур. Абусайд мирзодин ёрдам сўраб борган холаси Феруза бонуни саройидин итдин бадтар қилиб ҳайдаб чиқариб эрмуш.

– Ҳайрон қоладургон замон бўлди, бул мирзо на дўстни биладур, на душманни, на қавму қариндошни! – чуқур уф тортди Абдураззоқ Самарқандий. – Одам не қилишни ҳам билмай қолди...

– Хизматига ўтганларникини қайтариб беришаётган эрмуш... – деди Гавҳаршод бегим.

– Шундай, шундай... – негадир қизариб кетган Абдураззоқ Самарқандий қўлидаги мактубни Гавҳаршод бегимга узатди. – Ардашербек сизга етказишимни илтимос қилиб эрдилар...

Гавҳаршод бегим ҳайрон бўлганини яширмай, Абдураззоқ Самарқандийга ялт этиб қаради ва мактубга узанганича, уни очиб, ўқимоққа тутунди.

“Олий шонли, баланд мақомли, саодат нишонли адолатпеша маҳди улё маликам! Оллоҳдин умрингизни ва тинчлигингизни сўраб, рухсати олийингиз ила қўнглимдагиларни баён этсан. Сизга аёндирики, Оллоҳнинг инояти ва ярлақови ила бул бандай мўминнинг хоқони саид давлати ва салтанати кудратини ошириш, анинг осойишталигини сақлаш, Мухаммадий динини юксалтириш, Ахмадий суннатини ривож топтириш, бидъат ва залолат устунларини йиқишидин ўзга мақсади, фикри-ўйи, жидду жаҳди бўлмаган. Лек бандасининг эрмас, Оллоҳнинг айтгани бўлади деганларидек, бул кажрафтор дунёнинг даврони бир айланиб, анинг жилови

ўзга қуллар ва ўзга қўллар чекига тушмиш. Фалакнинг гардиши ва Оллоҳнинг хоҳиши бирлан жиловдор бўлган ул мирзо яқинда аъёнлару амирлар, олиму фузалоларни саройга чорлаб, бундин буёнги ишлар борасинда маслаҳат солмоқ ниятинда аларнинг ҳар бирига чорлов хати юборибдур. Чорлов хатинда менинг ва Абдураззоқ Самарқандийнинг ҳам номлари зикр этилганини бошига аччиқ кисмат зарбаси тушган бир жабрдийда сифатинда баён этмоқчимен. “Бир кун туз тотган жойингга қирқ кун салом бер”, деган гапга амал қилишга бел боғласам-да, менинг кисқагина умрим бул хизматни бажармоққа урвок ҳам бўлмайдур... Нима демоқчи эрканлигимни, Сиз зоти олиядин қандай маслаҳат сўрамоқчи бўлаётганлигимни англадингиз деб фаҳм этамен. Ҳамиша содик қулингиз Сайид Ҳасан Ардашер.

Гавҳаршод бегим мактубни ўқиб чиққач, Абдураззоқ Самарқандийга бир лаҳза жим караб қолди.

— Тақдирга тадбир йўқ дейдилар... — деди ниҳоят малика тилга келиб ва Самарқандий нега қизарганини энди тушунди. Бу сафар унинг сўз оҳангидага тарки дунё қилган одамники каби лоқайд бир ифода бор эди. — Тақдир ўйинлари қаршисинда бандаси ожиздур...

Абдураззоқ Самарқандий Бобур мирзо вафотидан кейин чиндан ҳам ишсиз қолган ва йиққан-тергани билан кун ўтказарди. Ётиб еса тог ҳам чидамаслигини англаб турган бўлса-да, Абусаид мирзонинг таклифига кўнмоқлик ҳам шунча йил тузини ичган хонадонга сотқинлик, мунофиқлик қилишдай туюлиб, охири Сайид Ҳасан Ардашербекка маслаҳатга борганди. Ардашербекнинг ҳам чорловнома олиб, ўзидан баттар ҳолга тушиб ўтирганини эшитгач, иккаласининг ҳам маликага мактуб ёзиб, олдидан ўтишдан бошқа чораси қолмади.

Гавҳаршод бегим ҳам ўз навбатида Абусаид мирzonинг таклифига қош қайтармоқ ўз бошини кундага қўймоқ билан баробар эканлигини англаб турарди.

— Бул паллада саркашлик қилсангиз нафақат ўз ҳаётингизни, балки, болачақангиз, хешу ақрабонгиз ҳаётини ҳам хатарга қуюрсиз... Бул мактубни йиртиб ташланг, бирвларнинг кўлига тушмасун, — деди ниҳоят Гавҳаршод бегим қоғозни буклаб, ич-ичидан хижолат чеккаётган ва қора терга тушган Абдураззоқ Самарқандийга узатаркан. Мен ҳамиша муроса-ю мадоранинг тарафдоримен. Муросаю мадора ўнгланмоғингиз, қувватланмоғингиз, ўз қудратингизни тарозуга солиб кўрмоғингиз учун яхши имкон ва фурсатдур...

Абдураззоқ Самарқандий маликанинг нима демоқчи эканлигини англади. Лекин Гавҳаршод бегимнинг овозидаги қатъият аралаш меҳрибонлик унинг юрагини тўлқинлантириш ўрнига, негадир увшитирди. Биргина боши билан шунча ғамандухни кўтараётган, барчасига балогардонлик қилишга уринаётган маликага ич-ичидан ачинди. Хаёлида ҳозир еру осмон, унинг орасидаги мавжудотлар, ҳатто нафас олаётган ҳавоси ҳам маликани ўзларига бегона тутаётгандай, туюлди. Гавҳаршод бегим кейинги икки ой ичида озиб, анча чўккан, кулча юзларидаги ажинлари ҳам билиниб қолганди. Малика гапираётганида унинг узун-узун бармоқларининг учлари билинап-билинмас титраётганини илгади.

* * *

Абусаид мирзо ёпинчиqlари зарҳалли, эгари қимматбаҳо тошлар билан безатилган Нисо тулпорига минганича, маҳшар шукухли, қиёмат асарли қўшуни кўршовида Санжар мирзо-ю ота-бала Алоуддавла мирзолар лашкари вужудига кўркув ва даҳшат солмоқ учун жанг майдони сари учеб борарди. Довулу ноқора ва бургулардан таралаётган фатху нусрат оҳанглари унинг томирларида қайнаб-

Шаҳодат ИСАХОНОВА

тошаётган қонни баттар жўштирас, бир думалаб Ҳиротдай бошкент жиловини кўлга киритгач, иштаҳаси очилганидан-очилиб, еру осмон устунлигини даъво қилаётган, жаҳонгирлик талабида ураётган юрагига қувват бағишларди.

Абусайд мирзо Гавҳаршод бегим саройидан чиққан куннинг ўзидаёқ, мунажжимларни йигиб, бўлажак жанг қай йўсинда бошланиб, қай тарзда ва қандай натижалар билан тугалланиши борасида хабардор қилишини сўраган эди. Мунажжимлар баҳтли аломатлар, хосиятли ва хайрли дақиқалардан, баракотлардан хабар берувчи кунни тайин этишгач, мирзо темирни қизигида босмоқ учун олий фармон чиқарган ва тавочиларни Хурсоннинг ҳар бурчига йўллаган эди. Фармона олий етган ҳар бир шаҳар ҳокими тезлиқда навкар йигиб, олий хумоюннинг ой насабли узангисини ўпишга мушарраф бўлмоғи ва зафар байроқли кўшунга келиб кўшилмоғи таъкидланганди. Ҳиротга кираверишдаги Хирируд суви ёқасига кўш ташланиб, чодирлар ва ўтовлар тикилган ва улкан лашкаргоҳ бунёд этилганди.

Фармона олийга жавобан оловдек шиддатли, шамолдек суръатли, шердек жасур навкарлар ва суворийлар туман-туман, гурух-гурух, байроқ-байроқ бўлганларича, найза-ю қиличларини ўйнатиб, Ҳируруднинг ўйноқи ва тошқин ирмоғи каби мавжланиб, лашкаргоҳ томон оқарди. Ҳар бир туманнинг ўз байроғи, ўз туғи, ўз кийим-кечаги, тўни-ю абоси ўзгача, бир-биридан ранги ва белгиси билан фарқланиб, шунга қараб уларнинг сонини чамаласа бўларди. Бўйлари баланд, серҳаракатлилигидан танасига ортиқча эт битмайдиган ва бошқа уруғларга нисбатан серсоқол, темурий авлодга мансублигини қирғий қарап нигоҳлари билан англатмоққа мойил барлослар тумани лашкаргоҳнинг аввалидан жой олганди. Улардан кейин майдонга кулча юзли, кўзлари хиёл қисиқ, елқадор ва қорувли қўнғиротлар тармоқ-тармоқ бўлиб олишганича, сурон солиб киришарди. Қўнғирот уруғнинг хурматли ва катта аймоғи бўлмиш қонжиғалининг ўн тўрт тармоғидан йифилган суворийларнинг ўзи мингдан ошиқ эди. Қўштамғали аймоғидан тўққиз тармоқ, оқтамғали аймоғидан етти тармоқ, уюнлидан тўққиз тармоқ ва кир аймоғидан беш тармоқ вакиллар эса кам сонли бўлганлиги сабаб бирлашганди. Лекин барчасини қонжиғали уруғининг амири баҳодир келбатли, ҳар елкаси сандиқдай, бир мушти бир хўқизнинг тил тишлишига кор қиласидаган Сафар Кокил қўнғирот бошқармоқда эди.

Доимо барлослардан кейин сафланадиган найманларнинг уч аймоғи ҳам бутун орқароқда, айниқса, Гавҳаршод бегимнинг яқинлари ҳисобланмиш тархонларнинг бир гурухи Шерҳожи томонидан қатлга етказилгач, бу уруғнинг машқи анча пасайиб қолган, кўпчилиги Ирок, Озарбайжон томонларга қочиб кетганди.

Ҳеч бир уругни мирламайдиган, қорамагиз, чорпахил юзлари қўёшда янаям қорайган, кичик ва қийиқ кўзлари ўлжасига ташланаётган бургутларники каби ёниб турувчи баҳодир келбат мангит суворийлари ҳам, айниқса, амирлари Жўрабек мангит олампаноҳ Абусайд мирзонинг аъёнлари қаторига ўтгач, варраклари уча бошлаганди.

Жўрабек мангит Сафар Кокил қўнғиротнинг акси ўлароқ, ўрта бўй, япалоқ юзлари туксиз, кўзлари бир чизиқ, манқа бурнининг карраклари кўринадиган кўса, пачоққина одам эди. Лекин ўзига бино қўйган, шеъру ғазал тўқишида ва қойиллатиб ўқишида унга етадигани йўқ, гаплари димоғидан чиқса-да манқалиги сезилмасди. Ҳазилу мутойибанинг уйини қуидирад, менман деганини ҳам асқия билан мазасини қочиради. Шу боис, ҳозир ҳам мангит суворийлари кенагас ва қипчоқ уруғлардан олдинроққа ўтишган, уч аймоқдан иборат тўқ мангит, оқ мангит ва қора мангитларнинг мингдан ошиқ вакиллар ўзларини сафнинг эгасидай тутишарди.

Доимо туманларнинг охирроғидан жой тегадиган минглардан нарида эса маҳаллий аҳолидан йиғилган қурама навкарлардан иборат ҳазоралар, афғонлар, лурийу гурий ва яна аллақанча уругу аймоқлар бир саф бўлиб олишганди. Уларнинг юзларидағи ифодадан бу жангга хайриҳоҳ эмасликлари шундок кўриниб турарди. Улар ўлганларининг кунидан пул эвазига, бирорларнинг ўрнига келган ёлланма навкарлар эди.

– Бул шаҳзодаларингиз таҳтга ўтирасидин уруш бошлашадур-а? – деди ёнидаги шеригига шивирлаб, девқомат ҳазора навкари. – Танглайини жангда кўтаришганму дейман, бул баччагарларнинг!

– Э, э, қаёқда, ҳаммаси молу дунё фавғоси! – энсаси қотиб, бошини сарак-сарак қилди шериги ҳам кафтини лабига босиб.

– Хоқони сайд ўлди-ю юртимиздин барака кўтарилди, – гапида давом этди девқомат ҳазора навкари.

– Нафақат барака, шаҳзодалар ўртасидин ҳам оқибат кетди!

– Шунинг учун борини ҳам бой бериб ўлтиришибдур-да! – деди девқомат ҳазора навкари ва “Гапимизни бирор эшитмаяптими” дегандай ҳадиксираб, ён-атрофига қараб олди.

– Қирқ йиллик салтанат ўн йилда талон-тарож бўлди-я?! – деди шериги афсусли оҳангда. – Қандай омон-омон замонлар эрди! Бул ёғи энди нима бўладур, ёлғиз Оллоҳ биладур!

– “Сўфининг кимлиги саломидин маълум” деганларидаӣ, Мироншоҳий мирзонгизнинг даражаси таҳтга ўтирган кунининг эртасигаёқ билинди. Уялмасдин улус бошига сарушумор солиғи солишини қаранг! – девқомат ҳазора навкари жаҳл билан тиши орасидан чирт эткизиб, туфлади. – “Ўғри бўл инсоф билан бўл” деганларидаӣ, ҳар бир бош учун алоҳида солиқ соладиму, бул очкўз баччагар!

– Шуни айтинг, – баттар қизиши шериги ҳам. – Биргина бизнинг оилани олинг, саккиз жонмиз, энди саккиз жоннинг солиғини ҳисобланг!

Девқомат ҳазора навкари бармоқларини букиб, саккиз жоннинг солиғини ҳисоблаётган чоғи довуллар янграб, овози йўлбарсларники каби ҳайқириқли ва вахимали жарчи олампаноҳ Абусаид мирзо келаётганидан хабар бера бошлади.

– Яратганинг ердаги сояси, Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг муносиб вориси, Мавороуннаҳр, Турон ва Хурросон мамлакатлари хукмдори, адолат ва диёнат нишонли Мироншоҳий шаҳзода Абусаид мирзо ҳазрати олийлари ҳузурингизга ташриф буюрмишлар!

Зар шокилали ёпинчиқлари бошқа уловларницидан фарқли қорабайир тулпорини гижинглатганича майдонга кириб келган жарчининг ўзи ҳам ҳайбатли эди. Унинг бўйи баландлигидан отнинг устида ҳам бошқалардан бир бош тепада кўринар, узун-узун оёқлари узангиде буқланиб турарди. У ҳар кафти қуракдай келадиган қўлларини карнай қилганича, тинмай бир сўзни такрорлар.

– Хуш кўрдик, зилли субҳони саййид Абусаид мирзо ҳазрати олийлари! – жарчининг хабарига жавобан лашкарбошилари кечадан бери ёдлатаётган ҳамду сано калималарини тўтилардай такрорлашди отлиғу пиёда аскарлар.

– Сулаймон мартабали шаҳриёrimiz, қадамларингизга ҳасонот!

– Олий насаб, даврон Искандарига жонимиз фидо!

– Улуғлик кавқаби, иқбол қуёшимиз, Оллоҳ салтанатингиз соясини элу улусимиз боши узра абадий қилсин!

Турли-туман, баланд-паст овозларга ҳамоҳанг тарзда ҳавода сермалган қиличу қалконларнинг, тўқмоғу найзаларнинг жарангдор саси қулоқларни коматга келтирада атрофга ваҳшат солди. Ҳатто лашкаргоҳдагиларнинг ўзлари

Шаҳодат ИСАХОНОВА

ҳам сесканч бир нигоҳ билан бир-бирларига беихтиёр, қараб олишди. Яқин-атрофдаги далаларда ўз юмиши билан машғул дәхқонлару чорикорлар эса қўшин келишидан хабарсизликлари боис, узок-узоклардан эштилаётган ваҳимали сасни туйгач, кетмону ўроқларини ташлаганларича, ўтоқдан чиққан ва мол-ҳоли учун йиғиб кўйган ўт-ўланларига ҳам қарамасдан тезроқ қочиш пайига тушишди.

– Бул палакатлар мошим билан тарифимни пайҳон қилишмаса бўлгани! – деди нима гаплигига унчалик тушунмаган бўлса-да, шеригининг “бўл-бўл”идан ўтакаси ёрилиб, унга эргашган андхўйлик чорикор эндинга донлай бошлаган экинзорига қарай-қарай, чопаркан.

– Тариқу мош эрмуш?! Жонингни ўйласанг-чи, оғайнин! – чарчаб қолган шериги нафасини ростламоқ учун йўлнинг четидаги теракнинг кундасига ўтирганича, ҳансира, узук-юлуқ гапирди. – Тариқ бирлан мош кетса, бир амаллаб кунингни кўрурсан. Кўп емасанг оз ерсен, мой емасанг қотган нон. Лек жонинг кетса, не килурсен? Сенинг тўрт жужуғингни ким бокадур?

– Шундайликка шундай-куя, лекин ерни ҳам ижрага олганман-да! – аффус чекканича, худди қўшин уловлари ҳозироқ келиб, экинларини пайҳон қиласидандай яна тариқзорига ачиниб қаради чорикор. – Ишқилиб, Оллоҳ қўрисун, биз томонларга келишмасун! Овоз қай томондин эштилди ўзи, шаҳар тарафдинму ёхуд менга шундай туюлдиму?

– Менимча Ҳирируд дарёси бўйидин келаёттир. Қара, отлар туёғидин чиқаётган чанг-тўзон дарё ёқалаб кўкка ўрлаёттир, – узок-узокларда оқиши-кўкиш тусда товланганича, булутлардай ўркач-ўркач бўлиб, осмонга кўтарилаётган тўзонни чамалаганича хулоса қилди шериги. – Менимча, бул қўшун зиндондин қочган шаҳзода Мухаммад Иброҳим мирзоники бўлса керак.

– Ул шаҳзодани раҳматли Абулқосим Бобур мирзонинг ўғлони Шоҳ Маҳмуд мирзодин енгилиб, Мурғоб суви томон қочди дейишган эрди-ку?! – ҳайрон бўлди чорикор.

– Йиқилган курашга тўймас дейдилар! – кинояли кулди шериги. – Бул шаҳзодаларга кўндоқда теккан касал!

– Ҳа, чиқмаган жондин умид деганларидай, яна бир таваккал қилгиси келиб қолгандур бечоранинг! – шеригининг гапини маъқуллади чорикор.

– Энг ёмони, жангга чорлашса ё ўзим боришим керак ёки бирорта суворий беришим керак! – аффус чекканича, уф тортди шериги.

– Сеники бир танобму? – ишонқирамай сўради чорикор. – Еринг каттага ўхшайдир-ку!

– Қолгани оғамнинг ери, мен ишловчилариға қараб турамен, бошқа қишлоқда ҳам ери бор, – жавоб берди шериги.

– Менинг ерим эрса ўн таноб! – чорикор яна даласига қараб олди. – Ўн танобга ўнта суворий билан битта тия беришим керак! Бунинг устига уловининг емиши ҳам менинг гарданимда!

– Ўҳ – ху! – деб юборди шериги ва овозлар яна баландлаша бошлаганидан хавотирга тушиб, ўрнидан турди. – Кетдик! Бул аҳволда дала тугул ўзимиз ҳам отнинг туёғи остинда қолурмиз!

* * *

Абдураззок Самарқандий билан хайрлашган Гавҳаршод бегим кичик боғча томондан келаётган келини Бегика бегимнинг зардали овозини туюб, хавотирга тушиб, ўша тарафга юрди. Богча ичидаги кўшкда ўтирган канизак қизлар

бошларини эгиб олишган, қизи Руқия Султон бегим кафтлари билан юзини бекитганича, йигларди. Бегика бегим қўлидаги аллақандай қоғозларни қизига нуқиганича, паст овозда, лекин ғазаб билан унга қаҳрини сочарди.

– Ўзимнинг ғамим ўзимга етмайдирму, шунча ғам камму менга?! Қиблагоҳингиз шўрлик ул аҳволда, оғангиз Мухаммад Султон Иброҳим бечора билан аҳволда... Сизнинг кўнглингизга эрса ғазал ўқиши сикқанини қаранг! Устига-устак бул не мактуббозлик... Бул қилмишингизнинг ўзи уят ва қабоҳат-ку! Вой, Худойим, энди сизнинг ҳам ғамингизни кўтараманму?

– Яхши ғазаллар эркан, қизларга ўқиб бераётиб эрдим, анинг нимаси қабоҳат, волидам? – ҳиқиллаганича, ўзининг фикрини тушунтиришга уринарди Руқия Султон бегим.

– Бул не мажлис, бул не можаро? – деди Гавҳаршод бегим келинининг аччиқтиззиқ гапларидан кўнгли ҳар хил томонга кетганича, қўшк зиналаридан ҳарсиллаб кўтариilar экан канизак қизларга “Бизни холи кўйинг” ишорасини қилди. – Нима гап, тинчликум?

Канизак қизлар Бегика бегимнинг жазосидан қутулиб қолганларига шукр қилганларича, бир зумда қушчалардай пириллаб, қўшкни тарқ этишиди. Гавҳаршод бегим Руқия Султон бегимнинг ёнига ўтириб, елкаларидан оҳиста қучганича, кейин келинига юзланди.

– Мен сенга неча бор айтганмен, бировларнинг ёнинда фарзандларингга танбех бермагин деб. Ой қизимиз, пошшо қизимизнинг кўзларидин ёш оқишига сабаб бўлган гуноҳи не эркан? – деди ҳам жаҳл, ҳам хавотирлик билан Руқия Султон бегимнинг соchlарини силаркан.

– Ана, ой қизингизнинг ўзидин сўранг, ўзи сўйласун! – деди Бегика бегим лабларини асабий бурганича. – Бул қизингиз кундан-кунга гап уқмас бўлиб бораётир, “а” десам, “бе” дейдур, “бе” десам, “а” дейдур! Ўзингиз жиддийроқ сўйлашмасангиз бўлмайдиганга ўхшаётур!

– Ой қизимдин кўра, ўзинг сўйлаганинг маъкул, – деди Гавҳаршод бегим келинига бу гал насиҳат оҳангиди. – Анинг афт-ангорига қара, гапирадиган аҳволдаму, ранги кўкариб, юраги ёрилишига бир баҳя қолибдур-ку!

Волидасидан ҳам кўра маликадан кўрқиб турган Руқия Султон бегим бувисининг гапларини эшитгач, дардкаш одами топилгандай маликани кучоқлаб олди-да, яна ийглай бошлади.

– Ҳай, пошшо қиз, “Бойнинг қизи ғарлик қилур, олдини олиб шарлик қилур” дегандай, бу не шайтон йифи?! – деди жаҳли чиққан Бегика бегим бир вақтлар юлдуздай чараклаб турувчи, ҳозир эса ғам-андуҳдан қовоғига ботиб, маҳзун тортган кўзларини чақчайтириб.

– Ҳай, ҳай, оғзинга қараб гапир, келин! – Бегика бегимнинг андишасиз мақолидан энсаси котган Гавҳаршод бегим уни силтаб ташлади. – Не деётганингни ўзинг билаётимисен? Бозорчи хотинларга ўхшаб нақл келтиришингни қара!

– Гапнинг келувига айтиётирмен, бул мақол-ку, маликам... – шашти бирдан пасайган Бегика бегим маликага кўрсатмай лабини бурди. – Шатталик қилишини қаранг, ой қизингизнинг?!?

– Мақоллигини билиб турибмен, лекин гапдин гапнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор! Сен билан мақолинг бирлан ўз қизингни ёмон отлиққа чиқармоқдасен-ку!

– Ой қизингизни ҳозирдин билан йўлдин қайтармасак, эрта-индин ул ҳақда бошқалар шундай дейишадур! – ўзиникини маъқуллади Бегика бегим ва қўлидаги коғозларни зарда билан Гавҳаршод бегимга узатди. – Мана ўқиб кўринг, ой қизингиз не юмушлар бирлан шуғулланиб юрибдур... Бировларнинг ёнинда танбех

Шаҳодат ИСАХОНОВА

берма, дейсуз, ой қизингизнинг ўзи ҳаммага шоён қилиб, ўшал канизакларга ҳам ўқиб бераётган эркан!

Гавҳаршод бегимнинг хаёли беихтиёр, ёмон нарсаларни тусмоллаб, қоғозга узанди.

– Хўш, бунинг нимаси ёмон эркан? – деди қоғоздаги ғазални ўқиркан ва тагидаги исмни кўриб, хайрон бўлганича, Бегика бегимга савол назари билан қаради. – Жуда яхши ғазал, бунинг устига Алишербекники эркан. Бундин нечун ёмон хуласага келдинг? Алишербек ёш бўлса ҳам жуда истеъдодли йигит. Ҳатто мавлоно Лутфий ҳам анинг ижодига тан берган. Алишербекни раҳматли Бобур мирзомга ўзим тавсия қилганмен ва бундин фаҳрланамен.

– Истеъододи бирлан менинг ишим йўқ, давомини ўқинг, маликам! – иддао билан таъкидлади Бегика бегим.

Гавҳаршод бегим Алишербекнинг ғазалларни охиригача ўқиди. Ғазаллар бирбиридин гўзал ва маъноли эди. Охирида эса у қисқагина қилиб, ҳаммага дуои салом йўллаган ва тўрт қатор шеър билан тугатган эди.

*Кўз бирлан қошинг яхии, дудогинг яхии,
Юз бирла сўзинг яхии, қабогинг яхии,
Энг бирла менгинг яхии, сақоқинг яхии,
Бир-бир не дейин, боидин оёгинг яхии...*

– “Яхши”си кимга бағишланганини энди англадингизму? – Гавҳаршод бегимнинг жим қолганини кўриб, “Хатнинг мазмунига ниҳоят маликанинг фаҳми етди” деб ўйлаган Бегика бегим уни саволга тутди.

Шеър шундай гўзал ёзилган эдики, Гавҳаршод бегим ўзи ҳам уни ўқийтуриб, беихтиёр, Руқия Султон бонунинг қалдирғоч қанотига менгзар қоп-қора қошлиарини, узун ва қайрилма киприкли хумор кўзларини, шафтоли гулини эслатувчи пушти ёноқларини тасаввур қила бошлаган эди.

– Мен англамадим... – деди Гавҳаршод бегим хаёлида уйғонган фикрларга ўзининг ҳам ишонгиси келмаганидан келинига сир бой бермай. – Сен англаған бўлсанг, менга маънилат-чи!

– Ҳаммаси аёнку, нимасини маънилатамен? Ой қизингиз бирлан ўшал шоирингиз ўртасинда нимадур бор. Демак, Руқия Султон бегимингиз ҳам бекорга шеър ёзмаётган эркан. Мен ғалчанинг эрса бунга фаҳмим етмабдур. Келган совчиларга “йўқ” деб оёқ тираб тираб олишининг маъносини ҳам мана энди тушундим.

– Йўғ-ей... – бундай бўлишини ҳамон тасаввур килолмаётган Гавҳаршод бегим нима дейишини билмай, Руқия Султон бегимга қаради. – Шул гап ростму, пошишо қизим?

– Волидам ваҳима қилаётирлар... – Руқия Султон бегим йифидан қизарган хумор кўзларини ҳайрат ва қўркув билан катта-катта очганича, инкор маъносида бош чайқади. – Мен Алишербек оғамни... Мен аларнинг ғазалларини яхши кўрамен...

– Фақат ғазалини яхши кўрган одам анинг ёзганларини ёстиғи остинда сақламайдур! Унда нечун мавлоно Лутфийнинг ғазалларини ёд олганингиз бирлан ёстиғингиз тагига қўймайсиз? Мен ғалчаманда-а, ишонаберамен! – жаҳли баттар аланга олган Бегика бегим қизини силтаб ташлаганича, малика томон ўгирилди. – Ой қизингизнинг севимли машғулоти уззукун шеър ёзмоғу, ғазал ёдламоқ бўлиб қолганини энди англадингизму, маликам!

– Нима, шеър, ғазал ёзиш айбуму, волидам? – ҳиқиллади Руқия Султон бегим йифлаганда ҳам чиройли кўринадиган ғунчадек лабларини қимтиб.

– Мен айб демадим сизга, лек бул ишингиз... – қизининг овози шу қадар майин ва сеҳири эдики, қаҳрланиб турган Бегика бегим жаҳлдан тушганини ўзи ҳам сезмай қолди. – Лек қаердаги бир шоир бирлан мактуббозлик қилиш...

– Гумон имондин айирадур – унинг гапини бўлди Гавҳаршод бегим. – Мактубда дуюи саломдин бошқа нарса йўқ-ку?! Ой қизимизнинг ҳам жавобини эшитдин! Гуноҳкор бўлиб қолма яна!

– Илоё шундай бўлсун! – Бегика бегим шундай деганича чимирилди. – Лекин Салима бонуга ҳам қойил қолмадим, индамагандин индай бало чиқадур деганларидаи, келин излашнинг яхши йўлини топибдур! Биз келганимиздин бери серқатнов бўлиб қолганининг боиси, мана қаёқда эркан?!

– Бундай хаёлга боришинг хато! – деди Гавҳаршод бегим Бегика бегимнинг гапига эътиroz билдириб. – Салима бону бул даргоҳга ҳамма вақт келадур. Алар раҳматли маликамиз Миликат Оғо бирлан қадрдон бўлишган. Ўғлонларининг саройинда каниз, яъни, ҳарамдаги маликалару хонзодаларга ва канизакларга мударрис мақоминда эрди. Жуда билимли ва оқила аёл. Аният ўзи минг мисрадан ортиқ ғазални ёд биладур, кувваи ҳофизаси жуда кучли, бунинг устига ажойиб қиссаҳон. Салима бону бирлан бир суҳбатлашсанг, билурсен қандай инсонлигини. Миликат Оғомиз вафотларидин сўнг, Ҳусайн Бойқаро мирзонинг волидаси Феруза бегим аларни Абулқосим Бобур мирзо ҳарамига тавсия қилмоқни мендин рижо қилиб эрди. Салима бону Феруза бегимнинг қизларига ҳам кўпдин бери сабоқ берадур.

– Бизнинг мадрасада ҳам илми фасоҳатдин дарс берадурлар... – гап қўшди Руқия Султон бегим.

– Бобур мирзомизни ҳам Оллоҳ кўп кўруб, барча мударрису талабалар ини бузилган чумолидек саргардон бўлиб қолишган эрмуш. Шул боис, Салима бону ҳам хонадонларга бориб, қизларга одобдин сабоқ бераётган эркан. – афсусланиб гапириди Гавҳаршод бегим.

– Канизу мударислигинга ҳам, оқилу донолигинга ҳам ҳеч эътиrozим йўқ, маликам. Фақат нафсониятимга теккани ўғлонининг ғазалларини менга билдирамасдин ой қизингизга ташлаб кетгани! Тўғри кўнгулда бўлса менга берсун эрди! Мен ўзим етказур эрдим, пошшо қизимизга!

Гавҳаршод бегим келинининг тили яна чиқа бошлаганини сезиб юрган бўлсада, яқинда келгани учун индамаётганди. Мушукдай мулойим, бир сўзни етти ўлчаб гапирадиган Бегика бегим эри шаҳзода Алоуддавла мирзо Ҳирот тахтига ўтирганида ҳам худди ана шундай тили чиқиб, овозини баланд кўтара бошлаганди. Бобур мирзо тахтга ўтиргач, яна ўзининг бечора, хокисор ҳолига қайтган ва мулла минган эшакдай бўлиб қолганди. Алоуддавланинг илтимоси билан яқинда Гавҳаршод бегим уни қизи билан ўз саройга кўчириб келгач, у бироз вақт канизак ва хизматчи аёлларга бош бўлиб, маликанинг ўтидан кириб, кулидан чиқиб юрди-ю, Бобур мирзо вафот этиши билан яна бирдан ўзгара бошлади.

– Салима бонуда айб йўқ... – деди Руқия Султон бегим бу сафар жим туролмай.

– Алардин ўзим сўраган эрдим, “Алишербек оғамизнинг янги ғазалларидин бўлса бизга ҳам беринг”, деб.

– Мадрасалар ёпилган бўлса, сиз қаерда кўра қолдингиз, Салима бонуни? Алар бул ерга келганинда сиз йўқ эрдингиз-ку?! – кўзлари ола-кула бўлганича, қизига ғазаб қилди Бегика бегим.

– Сизга сўйлаган эрдим-ку, Феруза бегимнинг қизлари, яъни, опачаларим Бадиужжамол бегим ва Оқо бегимларнинг чеварлари жуда моҳир тикувчи деб. Аларнига кўйлак тикиришга борганимда кўриб эрдим!

Шаҳодат ИСАХОНОВА

– Энди Феруза бонуникига боришни ҳам йиғишириш керак, пошто қизим. Биринчидин, бўй етиб қолдингиз, иккинчидин, ҳозир алар Абусайд мирзонинг назоратинда! – қатъий қилиб такидлади Бегика бегим ва маликага ўгирилганича гапида давом этди. – Эшитдингизму, маликам, Ҳусайн Бойқаро мирзо ҳам қайнотаси Санжар мирзога қўшулиб, Абусайд мирзога мухолифатчилик эълон этиб эрмуш. Ҳатто ўшал Алишербекнинг ўзини ҳам Ҳусайн Бойқаро мирzonинг ҳамтовори сифатинда таъкибга олишибур! Бунинг устига шоир тоғалари ҳам зинданбанд этилибдур. Шул боис, пошто қизингиз ҳам энди опачалари Бадиужжамол бегим ва Оқобегимлар бирлан мулоқотни тўхтатиши керак!

– Астағфируллоҳ, назоратга олинганларнинг бошинда ўзинг турибсан-ку! – деди кинояли жилмайганича, энсаси қотиб Гавҳаршод бегим. – Лекин Алишербек ёмон йигит эрмас...

Маликанинг гапидан Бегика бегимнинг жони чиққудек бўлиб бўзрайди.

– Вой, вой, бул гапингиз бирлан нима демоқчи бўлаётисиз, маликам? – овозини беихтиёр, яна баландлатди Бегика бегим. – Куёвликка муносиб демоқчимусиз?

– Ортиқча ҳеч нарса демоқчи эрмасмен, фақат бирорни бекордин-бекор ёмон отлиққа чиқарма, бул тұхматга кирадур! Тұхмат ҳам гунохи кабирлардин биридур!

– Маҳди улё маликам, сизни йўқлашаётир! – деди дарбозахона томондан шошиб келган хизматкор йигит уларнинг сұхбатини бўлиб.

– Ким эркан? – деди хайрон бўлган Гавҳаршод бегим қўлидаги қофозларни Руқия Султон бегимга узатаркан, хизматкорга.

– Узр, сўраш ёдимдин кўтарилибдур... – деди хизматкор йигит Бегика бегим тарафга маъноли қараганича, томоқ қириб.

– Ҳай, ҳай! Қофозларни менга беринг-чи, пошто қиз! – эсхонаси чиққудай бўлган Бегика бегим қофозларни қизининг қўлидан юлиб олганича, шоша-пиша хизматкорга эргашган Гавҳаршод бегимнинг орқасидан паст овозда ғудраниб қолди: – Катта буви эрмуш яна?! Катта буви бўлиб насиҳат берадур десам, “Ой қизим, пошто қизим” деб эркалайдургон эварасини шаҳзодалар қолиб, қаердаги бекнинг шоир ўғлига раво кўриб ўлтирибдур? Оғзингдин чиқиб, ёқангга тармашсун, илоё!

– Маликамизни сенсираётимусиз? – малика бувисини сенлаб гапиргани Руқия Султон бегимнинг қулоғига хунук эшитилиб, қовоқларини уйди.

– Нима бўпти сенсирасам, ўзи эшитаётгани йўқ-ку! – қизи маликанинг ёнини олаётгани Бегика бегимнинг нафсониятига тегиб, баттар ловуллади. – Малика бибингизнинг икки юзламачилигига жоним чиққанидин гапираётимен! Хабарчининг кимлигини билса ҳам билмасликка олиб, хизматкордин атай сўраётир. Хизматкор менга қараб, томоқ қирганини кўрдингизму? Малика сўйган хурозни мен аллақачон парт қилганмен. Гўё алардин бошқаларнинг ақли йўқ! Ҳамма ақлу фаросат фақат маҳди улёға берилган! Демак, қиблагоҳи бирлан қўшмозор бўлгур ўшал Шоҳ Маҳмуд мирzonинг одамларидин бири келган!

– Волидам, бечора шаҳзодани ноҳақ қарғаманг! – эътиroz билдириди Руқия Султон бегим.

– Қарғаманг?! Қарғаш беридаги гап, ер муштлаб дуоибад қилурмен! Бизга қилган жабру зулмлари учун мана бул қўлларим ҳатто ўлганимда ҳам аларнинг ёқосинда кетадур! – Бегика бегим ориқ бармоқларини чангак қилиб ёқасини тутамлади. – Уруғ-аймоғига қирғин келсун! Хонумонига ўт тушсун!

– Зулмни Шоҳ Маҳмуд мирзо эрмас, қиблагоҳи амакимиз қилганлар-ку! – ҳамон волидасини жаҳлдан туширишга уринарди Руқия Султон бегим. – Сиз эрса бегуноҳдин-бегуноҳ шаҳзода Шоҳ Маҳмуд мирzonи қарғаётисиз! Бул адолатдан эрмас-ку!

– Аларнинг ҳаммаси бир гўр! – қизининг гапи Бегика бегимнинг энсасини қотирди. – Яқиндаги хунрезлик адолатданму? Мулки бўлмиш Машҳаду Журжон ва Мозондарон етмагандай оғанг бирлан Ҳиротни талашаётган ким? Ўшал муртадку?!

– Майли ўзингиз билурсиз, лек... – Руқия Султон тилига келган гапларни айтса, волидаси баттар тутақиб кетишини ўйлаб, юмшатиброқ давом этди. – Қарғиш ноҳақ айтилса, эгасига қайтадур дейсиз ўзингиз, волидам, қарғишингиз ўзимизга қайтмасин дейман!

– Менинг қарғишиларим қайтмайдур! Нақ ханжар бўлуб, аларнинг кўксига қадаладур! Кўзларини ўядур! – қизининг гапидан жони ҳалкумига келган Бегика бегим унга ўқрайганича, истеҳзоли кулди. – Товба, товба, маликахон бибингиз оғзингизга туфламадиму, мабодо?! Гапларингиздин аларнинг ҳиди келаётир! Гап халтасиндаги ўгиту хикоятлар сизга ўтганга ўхшаётир, пошшо қизим?!

– Секин, волидам, гапингизни малика бибим эшитмасунлар, ҳозир ҳаммадин ҳам аларга қийин, ул бармоғини тишласалар ҳам оғрийдур, бул бармоғини тишласалар ҳам оғрийдур, – волидасига эътиroz билдириди Султон бегим. – Чунки Шоҳ Маҳмуд мирзо ҳам эваралари, менинг оғам Султон Иброҳим мирзо ҳам. Аларнинг ўрнинда сиз бўлганингизда қандай муносабат қилган бўлур эрдингиз?

– Алҳазар, алҳазар, ўрни бошидин ордона қолсин! Эшитгандин йироққа! – Бегика бегим ирим билан кўрсаткич бармоғини тупуклаб, қулогининг орқасига сурди. – Илоё, қулогимнинг орқаси эшитсун! Ўзларидин бери келмасун!

– Шунинг учун аларга осон тутманг!

– Осон тутаётганим йўқ, лек сизни қаердаги бекваччагараво кўраётганига жаҳлим чиқди, холос! Ҳаммалари қиблагоҳингизни маликанинг энг суюмли набиралари деб ўйлашадур. Мен эрса, ишонмаймен ва бунга асосим бор. Бултур Ҳусайн Бойқаро мирзонинг волидалари Феруза бегим, “Ўғлонимни уйлантироқчимен, маслаҳат беринг”, деб олдилариға келсалар, Марв ҳукмдори Муизиддин Санжар мирzonинг қизларини тавсия қилиб ўлтирибдур. “Ўзингизнинг пошшо қизингиз бўй етиб турибдур-ку, нега айтмадингиз?” десам, баҳонасини эшитинг. “Менинг ой қизим гулга ўхшайдур, ани Бойқаро мирзогараво кўрмаймен, анинг ёстиқдоши ҳам ўзига ўхшаган кўркам бўлиши керак”, эрмуш. “Бойқаро мирзо менга ёқадур, пахлавон келбат, сўзлари қиличдай ўткур, бунинг устига келажаги бор шаҳзода”, дедим мен ҳам, атай! Лекин ростдин ҳам Бойқаро мирзо рисоладагидай шаҳзода. Волидаси Феруза бегим ҳам ақлли, баъмани аёл.

– Лекин маҳди улё бибимиз тўғри айтибдурлар, Ҳусайн Бойқаро мирзо менга ҳам ёқмайдур! Сўзлари ўткур эрмас, қандайдур дағал, мулозаматни билмайдур, кўринишлари ҳам кўпол! Шеърлари ёмон эрмасу, лекин... – Руқия Султон бегим “Алишербек оғаникига етмайдур” демоқчи эди-ю яна волидасининг жағи очилишини ўйлаб, индамай қўяқолди.

– Ҳа, сизга ўшал шоирга ўхшаш кўриниши силлиқ, ҳавоий гапирадигонлар ёқадур! – деди пичинг билан Бегика бегим қизининг гапидаги “лекин”нинг тагидаги нимкосага дарров фахми етиб. Сўнг, “дағал”ига ажабланиб, эътиroz билдириди. – Тўхтантг, сиз шаҳзода Ҳусайн Бойқаро мирzonинг дағал сўзларини қаерда эшига колдингиз?

– Бултур, тўйлари олдидин сиз бирлан борган эрдим-ку, ўшал ерда, хизматкор йигитни сўқаётганларини эшитиб қолдим.

– Хизматкорини сўкиш айб эрмас-ку, ул йигит ҳам бирор хато қилгандур! – Бойқаро мирzonинг ёнини олди Бегика бегим.

Шаҳодат ИСАХОНОВА

– Нима бўлганинда ҳам тарбияли шаҳзода биз қизларнинг ёнинда аларни сўкмаслиги керак эрди! – қайсалик билан ўзининг гапини маъқулади Руқия Султон бегим.

– Бирини ўпоқ, бирини сўпоқ десангиз шаҳзода йигитлардин қуруқ қолиб, тенгингиз чўпон бўладур, пошто қиз! – писандади Бегика бегим.

– Ёқмаган одамга теккандин кўра, чўпон яхширок... – кулди Руқия Султон бегим.

– Астағифурллоҳ дeng, оғзингиздин ел учирсун! “Ёқмайди” деб шаҳзода Жалолуддин Шоҳ Маҳмуддин ҳам қуруқ қолдингиз. – Бегика бегим ачингандай бошини соллантириди. – Ул шаҳзода эрса, сиздин ҳам гўзалроғига уйланди. Ҳозир Машҳади шарифнинг маликаси бўлуб ўлтирибдур.

– Сизга ҳам тушунолмаймен, волидам, бир қарасам аларни қаргайсиз, бир қарасам кўкка кўтарурсиз! – ҳайратини яшиrolмаган Руқия Султон бегим волидасига ҳайрон бўлиб тикилди.

– Қиблагоҳингиз бирлан оғангизга қилган зулми учун Абулқосим Бобур мирзони қарғар эрдим, энди Султон Иброҳим оғангизга кўрсатаётган ҳунари учун Шоҳ Маҳмуд мирзонинг ўзини ҳам қўшиб, қаргаймен! Илоё қиблагоҳи бирлан кўшмозор бўлсун! – деди Бегика бегим “Шул нарсаларга ҳам ақлинг етмайдиму”, дегандай иddaоли қараш билан. – Мақтаган бўлсан, сизнинг фойдангизни кўзлаб, волидангизга ўхшаб малика бўлиб юришингизни истаб, мақтаганмен! Сизнинг эрса ҳеч нарсаларга фаҳмингиз етмайдур!

– Мен малика бўлишни истамаймен! – деди Руқия Султон бегим қатъян. – Мен, оддий инсонлардай яшаши орзу қиламен! Сизнинг волидангиз, қиблагоҳингиз, бувим, боболаримдай!

– Бувингиз, боболарингиздай? – истехзоли кулди Бегика бегим. – Товба денг, пошто қизим, фаришталар омин дейишмасун! Нияtingиз ижобат бўлуб, аларга ўхшаб, кепак нону кўмоч еб қолманг!

– Аларнинг кепак нону кўмочи ҳам менга ёғли патишу кабобларингиздин тотли эрди! Сиз малика бўлиб не кўрдингиз, волидам? Айтинг-чи, не кўрдингиз? Ҳар куни бир фавро, ҳар куни бир ўлим хабари... Эсимни танибманки таҳт талашуви! Душман бегоналар бўлса англар эрдим... Йўқ, фарзанд таҳт учун отасини ўлдираётir, оға эрса инисини чопаётir... Қиблагоҳим бечорани иниси кўр қилмадиму? Сарсон-саргадон этиб, ўзга юртларга қувмадиму? Оҳ, волидам, қани биродарлик, қани силаи раҳм? Нечун алар бири-бирларига шунчалик душман, нечун бири-бирларини кўришга кўзи, отишга ўқи йўқ! Эсимни танибманки, фақат таҳлика, на ётишимда ҳаловат бор, на туришимда! Буғдой нонимни, асалли шарбатимни заҳар бирлан ичаётirмен... Маликалик ҳаёти шулму? Модомики шундай бўлса, менга бундай ҳаётнинг кераги йўқ, зинҳор-базинҳор хоҳламасмен! Мажбур қилсангиз ҳам шаҳзодаларга тегмасмен! Узок-узоқларга, ҳеч кимнинг оёғи етмайдургон жойларга қочиб кетамен... Изимни ҳам топишолмайдур...

– Ўшал шоир ростдин ҳам ақлингизни олибдур! – дея бакирди тутақиб кетган Бегика бегим.

Руқия Султон бегим волидасининг бошқа гапларини эшишиб ўтирмади. Бегика бегим қизининг бу қилифидан фигони фалакка чиққанича, бор овозда жаврай бошлаган эди Руқия Султон бегим шарт ўрнидан турди-ю хонаси томон югуриб кетди.

Гавҳаршод бегим хизматкорнинг маъноли ишорасидан уни йўқлаб келган хабарчи Жалолуддин Шоҳ Маҳмуд мирзонинг одами эканлигини фаҳмлаб, қадамини тезлатди. Чиндан ҳам хабарчи ўзининг ишончли навкари Турконшоҳ

экан. Шоҳ Маҳмуд мирзонинг хати қисқа, ортиқча сўз ёзмаган, Машҳади шариғни бошкент қилгани борасида икки оғизгина айтиб ўтган эди. Қолган гапларни эса малика Турконшоҳнинг ўзидан эшидти.

Абулқосим Бобур мирзо қазосидин сўнг, амирлар янгидан ахду паймон ила шахзода Жалолиддин Маҳмуд мирзога байъат қилишган ва уни хукмдор деб эълон этишган эди. Хурросон, Мозандарон, Симонон, Домғон, Марв, Моҳон вилоятлари ва Жайхун соҳилларининг ҳукмдори Абулқосим Бобур мирзо Форс ва Ироқ мамлакатларини ҳам бўйсундириб, тобе этган эди. Аъёнларнинг маслаҳати билан Хожа Исмоил Симоний соҳиби аъзам, Хожа Калон Бузкуш ва Хожа Алилар вазирлик мақомига эришган, амир Шерҳожи мамлакат соҳиб ихтиёри бўлуб, амир Шайх Абу Саъид хос амир мансабини эгаллаган эди.

– Мазлумлар ёнини олувчи, муфсидлар зулмини даф қилувчи одил подшоҳ бўлмас эркан салтанат пойдевори нурайди нақлида айтилгани каби ёш, тажрибасиз шахзодамиз ҳамон дўстларнинг эмас, душманларнинг маслаҳатига амал қилаётиму? – деди Турконшоҳнинг сўзларини эшигтгач, Гавҳаршод бегим надомат билан. – Мехрибони ва маслаҳатгўйи Хожа Исмоил Симоний не юзи қаролик қилмиш, кўрдунгиз?! Ўшал мунофиқ ва қотил амир Шерҳожи эрса, ҳозир Султон Абусаид мирзонинг ўнг кўли ҳисобланадур. Шоҳ Маҳмуд ани мамлакат соҳиб ихтиёри қилиб эрди... Ул нонкўр эрса тархонларимизни...

Маликанинг кўзлари ёшланиб, чукур уҳ тортди. Шерҳожи қатлга етказган тархонларнинг барчаси Гавҳаршод бегимнинг яқин одамлари ва жиянлари эди...

– Худди шундай, – Турконшоҳнинг қирғий кўзлари чақнаб кетди. – Аларнинг салтанат супасига чиқиши аслинда хато эрди...

– Мен алар ҳақинда ҳам, Шайхзода Пир Қавом ҳақинда ҳам шахзодамизга неча бор сўйлаб эрдим, – кўёшларини артди Гавҳаршод бегим. – Шайхзода Пир Қавом ҳам ҳозир Султон Абусаид мирзо даргоҳинда, эшигтдингизму?

– Туйдик... – афсусда бош иргади Турконшоҳ. – Сувни шайхулислом Хўжа Тафтазани лойқалатаётир. Бунинг устига шахзода Султон Иброҳим мираннинг ёёқ остидин чиққани ҳам ёмон бўлди.

– Не қиласи, ҳеч бири сўзимизни олмаётир, йўқса, икки шахзодани яраштиромқа қанча ҳаракат қилдик, кўрдингиз.

– Ҳа, ўзим гувоҳман, маҳди улё. Иш пишай деб қолганда Хўжа Исмоил Симоний ўйун қилгани ёмон бўлди. Бир ўзининг сотқинлиги етмагандай, бошқаларни ҳам авради. Анинг гапига лаққа тушган тархон амирлари, айниқса, Низомуддин Аҳмад Тархон, Қора Баҳодир ва Аҳмад ясовуллар Султон Иброҳим миранга ўтиб олишгач, Шоҳ Маҳмуд мирзо қўшунининг кучлари кесилди... – деди Турконшоҳ,

– Аслинда, бул амирлар сизнинг сўзингизга қулоқ осишиб, шахзодаларни яраштиришга ҳаракат қилишлари керак эрди. Шоҳ Маҳмуд мирзо ярашувга кўниб турган эрди, лекин Султон Иброҳим миран қайсарлик қилди. Ул шахзодани ҳам тушунса бўладур... Тўрт йил зинданда ётмок осон эрмас, айниқса, ёш болага...

– Гап амирларда эрмас, ҳамма қабоҳат шахзодаларимизда. Шоҳ Маҳмуд миран ҳали ёш, лек зиндан заҳмини тотган шахзода янада пишиқроқ, янада тадбирлироқ бўлиши керак эрди. Ул бечора амирлар эрса, ўртада сарон бўлишиб, кўплари шаҳид кетишди, гуноҳларини Оллоҳ мағфират этсун! – деди Гавҳаршод бегим юзига фотиха тортиб, воқеаларнинг давомини сўради.

– Доруссалтана Ҳирот сори юборилган Ҳусайн Алидин, “Хибсда ётган Султон Иброҳим миран зиндандин қочиб, Мургоб суви ёқосинда лашкар тўплаётир”, деган хабар етгач, ҳазрати олийлари Шоҳ Маҳмуд миран жумодул аввалнинг йигирма олтисинда Ҳирот сори юзландилар. Аввал Боги Мухторга, сўнгра, Боги Зонгonga кирдилар ва жумодул охирининг йигирма биринда Ҳирот тахтга ўтирилар.

Шаҳодат ИСАХОНОВА

– Бул гапларнинг кўпидин бизнинг хабаримиз бўлмади... – деди Гавҳаршод бегим Турконшоҳнинг гапларини юраги орқасига тортганича, бош чайқаб тингларкан. – Мирзомиз бирлан охирги кўришганимиз қиблағоҳининг еттиси куни эрди. Шундин сўнг, хеч қандай хату хабар олмадик. Ҳиротга келганларини ҳам кулоқма-кулоқ эшитдик, холос. Шунда ҳам бирор “тўғри” деди, бирор инкор этди. Шерҳожи бизни хавфсиз деб хоқони сайд мадрасасига жойлагач, шул бўйи ўзи бадар кетди. Тархонлар фожиасини ҳам кейин эшитдим. Шахзодамизнинг хабарчиларидин эрса бирортаси ҳам келмади.

– Хабарлашишга ҳам фурсатимиз бўлгани йўқ, – деди Турконшоҳ. – Эртаси куни Султон Иброҳим мирзонинг катта қўшун бирлан Мурғоб сувидин ўтиб, Ҳиротга кираётгани қулоқларига етгач, жанг қилишга фармон бердилар. Афуски, Кусуя қасабасиндаги савашда ғалаба Султон Иброҳим мирзога насиб этди. Шундин сўнг, Шоҳ Маҳмуд ҳазрати олийлари яна Машҳади шарифга қайтиб, ани бошкент эълон этдилар, – деди Турконшоҳ.

– Шоҳ Маҳмуд Мирzonинг амири Ҳусайн Али Ҳирот шаҳри доругаси Мир Ражабни, “Султон Иброҳим мирзони зиндандин қочишига монелик килмагансен”, деб ҳибсга олгани ростму?

– Нафакат зинданга, балки, чин дунёга равона этилди ул муртад. Ўшал жангда Шоҳ Маҳмуд мирзодин юз ўгуриб, Султон Иброҳим мирзо тахти пойини ўпган Хўжа Важухиддин Исмоил Симоний ҳам Фушанж вилоятинда қатлга етказилди...

– Мирзомизнинг соғликлари яхшиму, ишқилиб? – деди Турконшоҳнинг гапларидан дили вайрон бўлган Гавҳаршод бегим ва Шоҳ Маҳмуд мирзо учун кийим-кечак ва янги чопон бериб, уни дарбозагача ўзи кузатиб чиқди.

– Соғликлари ҳозир анча яхши... – деди Турконшоҳ ва нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган жойида, шу томон шошиб келаётган Бегика бегимга кўзи тушиб, Гавҳаршод бегимга қарди.

– Кимлигингизни билмасун! – деди Гавҳаршод бегим секингина, сўнг яна қўшиб қўйди: – Ани кўрганингизни ҳам шахзодамизга сўйламанг...

– Ҳавотир олманг! – деди Турконшоҳ ҳам маликанинг нимага шаъма қилаётганини англаб ва тез-тез юриб, чиқиб кетди.

– Ох, маҳди улё маликам! Бул пошшо қизингиз бир кунмас-бир кун менинг юрагимни ёриб ўлдирадур! – деди дарбоза ёпилиши билан Гавҳаршод бегимнинг ёнига югуриб келган Бегика бегим маликадан нажот сўрагандай мўлтираб. – Ҳозир бир гапларни гапирдики, илон эшитса, пўст ташлайдур! Менимча, ўшал шоирингиз анинг бошини айлантиргани рост! Йўқса, бундай сўзларни айтмас эрди! Гапимни ҳам охиригача эшитмай, хонасига кирди-ю эшигини қулфлаб олмиш! Бул аҳволда не бўладур, билмадим? Пошшо қизингиз ўзини бирор нарса қилиб қўймасмикин деб кўрқаётирмен?

– Ҳар нарса бўлиши мумкин... – деди Гавҳаршод бегим атайлаб. – Ўтган йили Ўсар бакқолнинг қизи бир оғиз гап бирлан ўзини сувга ташлаганини эшитган эрдинг-ку! Ҳозир пошшо қизимнинг ўсмирлик даври, бул ёшда одам таъсирчан бўладур ва теран фикрламайдур. Қилаётган ишининг оқибати не бўлишини ҳам ўйламайдур. Калласига келган хаёлни тўғри деб биладур. Шунинг учун ота-она бул пайтда ўйлаб гапириши ва ўйлаб иш қилиш лозим!

– Мен бечоранинг суюниб турганим шул биргина қиз эрди... – дея нола қилиб юборди Бегика бегим маликанинг гапларини эшита туриб, аламидан тиззаларига муштларкан. – Анга ҳам бирор кори ҳол бўлса, чидолмасмен, маликам! Ўзингиз кириб, алдаб-сулданг, кўнглига қўл солиб кўрунг! Зора сизга очилса...

Келинининг гапидан кейин маликанинг ҳам юрагига ғулғула тушиб, ҳавотири

ошди. Руқия Султон бегимнинг ётоги томон бораркан, бир вақтлар ўзининг ҳам ахмоқлик қилишига бир баҳя қолганини эслаб, қадамини тезлаштириди...

...Ўшанда кундоши Тўти бегимнинг тўй куни эди. Шоҳруҳ мирзони куёв тўра киёфасида кўрмаслик ва куймаслик учун ўзини чалғитиш баҳонасида ота уйига кетди. Қизининг ташрифидан ўзини қўярга жой тополмай, айланиб-ўргилаётган волидасининг қувончи эса Гавҳаршод бегимнинг аҳволини кўриб, бир пасда фамга дўнди, бир дарди ўн бўлди. Кулгуси йигига, йигиси кулгуга айланадиган Гавҳаршод бегимнинг чехрасидаги андух, кўзларидаги мунг муштипар онанинг юрагини куйдириб, вужудига наштар каби ботаётган бўлса ҳам, на осмонга, на ерга сиғаётган қизининг дардига дармон топишга ожис эди.

— Вақт малҳамдур... Барчаси ўтиб кетадур... — дея охири қизига насиҳат қилишга ўтди она. — Биз аёлларнинг қисматимиз шундай. Бундин на мен, на янгаларингиз қочиб қутулган эрмасмуз. ИншоОллоҳ, фарзандлар туғилса, ҳаммаси унут бўладур...

Волидасининг “фарзандлар” деган сўзи унинг бошқа ярасини ҳам янгилади. Бўғизга қадалган фарёдни чиқармаслик учун лабларини тишлиганича, ховлига отилди. Чунки олтинчи йилки, фам-андухни унуттирувчи ўша фарзанд ҳам туғилай демас, кундош балоси эса бошига тушиб ултурган эди. Юлдуз санаб тонг оттирган Гавҳаршод бегим бомдод намозидан сўнг, саройга қайтмоқни ихтиёр этди.

— Бир ҳафта меҳмон бўламен деган эрдингиз, нечун дарров қайтаётирсиз? Яна бир-икки кун туриңг. Бунинг устига ароба ва қўриқчиларингизга жавоб бергансиз, — деди волидаси унинг уйқусизликдан киртайиб қолган кўзларига термилганича, жони ачишиб. — Балки шаҳзода куёвимизнинг ўzlари келиб қоларлар...

— Қўриқчиларнинг ҳожати йўқ, оғамнинг аробаси бўладур, — деди хаёлида бошқа нарсалар ғужгон ўйнаётган Гавҳаршод бегим.

— Йўқ, йўқ, она қизим, уят бўладур. Сиз оддий аёл эрмас, улуғ Амир Темур ҳазратларининг келинларисиз! Сизни қўриқчиларсиз юборганимизни соҳибкорнимиз эшитсалар, қаттиқ ранжийдурлар ва бундин сўнг келишининг муаммо бўлиб қолиши мумкин, — деди қатъий эътиroz билдиридан волидаси. — Яххиси, қиблагоҳингизнинг қўриқчилари бирлан аларнинг аробасинда борганинг маъкул. Ҳам бехавотир, ҳам бизнинг кўнглимиз тинч бўладур!

Гавҳаршод бегим қиблагоҳи Фиёсиддин Тархоннинг олти қўриқчи суворийси ҳамроҳлигига аробага чиқаркан, ортига ўтирилганича, бир кўзида севинч ўйнаётган волидасига, болалиги ўтган қадрдан гўшасига сўнгги бор боқаётгандай, соғинч ва қизганч аралаш армонли нигоҳларини тикди, хаёлан видолашган бўлди. Қизининг ўйларидан бехабар она унга эҳтиёт бўлишни, ёмон нарсаларни ўйламасликни, куёви Шоҳруҳ мирzonинг кўнглини қирмасликни қайта-қайта тайинларкан, жонининг бир парчаси бўлмиш жигарбандининг дардига дармон бўлолмаганидан қайғурганича, уни Оллоҳнинг ҳукмига топшириди: “Ўзингдан ўзга меҳрибоним йўқ, Эгам, менинг қўллимдин ҳеч нарса келмайдур, ани ўзинг паноҳингда асра!”

Гавҳаршод бегим икки ёни теракзор тупроқ йўлдан бир маромда илдамлаётган аробада кетаркан, хаёлида янги келин билан муҳаббатлашаётган Шоҳруҳ мирzonинг баҳтдан сархуш чехраси намоён бўлиб, баттар азобларди. Шундай лаҳзаларда у атрофга аланлаганича, туни бўйи режалаштирган сўнгти қарорини тезроқ бажариш ҳакида, вужудини эзаётган, юрагини ўртаётган дарддан тезроқ халос бўлиш ҳакида ўйларди, лекин қўриқчилар борлигидан бир тўхтамга келолмасди.

Куёш қўтарилиши билан йўлнинг икки ёнида ёстаниб ётган экинзорлар узра ялтираётган шудринглар бугланиб, салқин ҳаво илиқ еллар билан алмашди.

Шаҳодат ИСАХОНОВА

Туёқлар шовуридан ороми бузилган йүнгичқазор беданалари, какликлари париллаб ҳавога учганича, отларни ҳуркитар, беозор мусичалар хавотир ичида кү-кулашар, уловлар ортидан күтарилаётган чанг-тўзон ҳавода муаллақ ҳолича куйлаётган тўргайларни бағрига олганича, кўкка ўрларди. Уруғлай бошлаган кунжут, зигир ва нўхатзорлардан таралаётган ёқимли бўйлар бақатеракларнинг ачгимтил ҳидига қўшилиб, димоқларни қитиқлаб, кўнгилда ажаб ҳислар уйғотаётганидан суворийлар бир-бирларига завқланиб қараб қўйишарди. Гавҳаршод бегим эса ҳозир ҳеч нарсани кўрмас, ўз ҳаёллари билан банд эди. Ароба Зарафшон дарёсига яқинлашганида Гавҳаршод бегим аравакашга юзланди.

- Дарё бўйинда тўхтай билурмисиз?
- Ихтиёргиз, маликам, – элликлардан ошган, бўйлари паст, жиккаккина аравакаш “нега” деб сўрашга ўнгайсизланиб, суворийлар томон бир қараб олдида, хуржунига ишора килди. – Мабодо сув ичмоқчи бўлсангиз волидангиз, тархон ойим мешга сув тўлдириб берган эрдилар!
- Йўқ, шунчаки, дарёни томоша қилмоқчимен... – деди Гавҳаршод бегим аробадан тушишга тутинаркан.

Аравакаш унинг ортидан юрди. Чунки тархон ойим шундай буюрган эди. “Йўлда Гавҳаршод бегимга кўз-кулоқ бўл, айниқса сувдин эҳтиёт қил. Сув ичмоқчи бўлса, мешда сув борлигини айт. Чўмилмоқни баҳона қилса, суворийлар ёнида одобсизлик бўлишини таъкидла. Ҳаргиз ёлғиз қолдирма. Кўксаройга киритиб, канизаклари қўлига топширгач, ортга қайтасен...” Бир ҳафтага келган қизининг эртаси куниёқ кетмоққа қарор қилганидан хавотирланган волидасининг кўнгли нималарнидир сезгандай эди. Бомдодгача ўзини ухлаганга солиб, унинг ҳаракатини кузатиб ётди. Гавҳаршод бегимнинг кўзи илинай демасди. Ўтирас, турас, гоҳ ўнгга, гоҳ чапга ағдарилар, уф тортар, ёстиққа юзини босганича, унсиз ўйғларди. Тархон ойим насиҳатлари ҳавога учганини, унинг қайғусига ҳозир ҳеч ким, ҳеч бир сўз малҳам бўйламаслигини англаб етган эди...

- Мен ёлғиз ўзим бормоқчимен... – деди Гавҳаршод бегим орқасидан эргашаётган аравакашнинг қилиғини хушламай. – Сиз ароба ёнида кутинг! Исиб кетдим, юз-кўзларимни муздай сувда чайиб келай...

– Мен сизни ёлғиз юбора олмаймен, узр... – деди аравакаш тортинибгина.
– Волидангиз менга шундай амр этганлар. Чунки Зарафшон ёз чилласинда кутурадур, тоғдин эриб тушаётган қорлар сувга қўшулиб, қаранг қандай даҳшатли шовуллаётир. Яқинига борсангиз, вахимага тушуб, Худо асрасун, оқиб кетишингиз мумкин...

Киргоқдаги катта-кичик тошларни босганича, дарёга яқинлашашётган Гавҳаршод бегим “волидангиз” деган гапни эшитиб, юраги бир қалқиб тушди. “Оҳ волидаси бечора, демак, қизининг фамини ҳис қилиб, хавотирланган...” Гавҳаршод бегим ҳайқириб, тўлқин-тўлқин бўлганича, забт билан оқаётган дарё бўйига келгач, чиндан ҳам юраги орқасига тортиб кетди. Зарафшон баҳор ва ёзинг чилласида ана шундай лойқаланиб, сап-сариқ бўтана бўлганича, киргогидан ошиб-тошиб оқарди. У ҳарсангтошларга урилганича, атрофга сув сачраташётган тўлқинлар оғушида оқаётган гавдасини тасаввуринга келтираскан, беихтиёр, юраги увушиб, орқасига қайтди.

Арава дарёни ортда қолдириб, Бўрижар йўлига тушди. Самарқанд шаҳрига туташ бу жарлик сел йўли ҳисобланса-да, ери сариқ гил тупроқдан иборат бўлганлиги учун кулолу тандирчиларнинг даромад манбаи ҳам эди. Шу боис, жарлик йилдан-йилга кенгая бошлаган, шунчалик чуқур эдики, туби кўринмасди. Ҳар-ҳар жойида ўсиб турган янтоқ, қизилмия, қичитқи, отқулоқларни ҳисобга олмаганда бу ерда

ўт-ўланлар деярли ўсмас, аникроғи, тупроқ қазувчиларнинг ўзлари уларни ўсишига йўл бермасди.

Гавҳаршод бегим жарликка қааркан, негадир боши айланиб, кўнгли айниётганини хис қилди. У кафтини лабларига босганича, аравакашга “тўхтатинг” дейёлди, холос. Аравакаш унинг аҳволини кўргач, аравани четроққа олди. Кўриқчи йигитлар ҳам, “Нима гап?” дегандай, хавотирланишиб, олдинма-кетин отдан тушишиди.

– Яна нега тўхтадиларинг? – деди югуриб келган кўриқчи йигитларнинг сардори Гавҳаршод бегимдан берироқда турган аравакашни сўроққа тутиб.

– Билмадим, аларга бирор бир овқат ёқмаган, шекилли... – деди аравакашнинг ўзи ҳам ҳайрон бўлганича, хавотир ичида ўқчиётган Гавҳаршод бегимдан кўз узмай.

Йигит индамай орқасига қайтди. Гавҳаршод бегим бургандор оралаб, Бўрижар ёқасига келди-да, кулолларданми, тандирчиларданми қолган ва ўт-ўлан билан копланган бир уом гил тупроқ устига ўтириди. Ҳаво қизий бошлаган, ўзи ҳам туни билан ухламаган учунми, негадир беҳол, кўнгли эса ҳамон босилмаётган эди. Жар тубидан қушларнинг ва кўршапалакларнинг турли-туман овозига қўшилиб, бўриларнинг хунук увлаши қулоғига чалинган Гавҳаршод бегим чўчиб, орқасига қаради.

– Кўрқманг, мен шул ердамен! – деди аравакаш овозини баландлатиб, унга янаем якинроқ борди. – Эрталабки овқатингиз ботмаган шекилли, энди яхшимусиз?

Гавҳаршод бегим жавоб бермай бош иргади. Шу пайт сардор йигит баланд овозда товуш берди.

– Шаҳзодамиз Шоҳрух мирзо ҳазратлари келаётилар!

Аравакаш орқасига қайтишини ҳам, Гавҳаршод бегимни пойлаб туришини ҳам билмай, иккиланиб қолди.

– Сиз бораверинг, мен ортингиздан етамен... – деди Шоҳрух мирзо дарагини эшигтгач, кўнгли бузилиб, кўзларига ёш қалқкан Гавҳаршод бегим.

Тархон ойимнинг гапларидан кейин хаёлини шайтон ҳар ёққа олиб қочаётган аравакаш жойидан жилмади. Сарбозлар етагида келаётган Шоҳрух мирзо йўлда уймалашиб турган кўриқчилар ёнида отдан тушиб, сўнг, Гаҳаршод бегим томон юрганини кўргандан кейингина пилдираб, ортига қайтди.

– Кундузи күёшим... Оқшомда моҳим... – оппоқ кўйлак устидан кумушранг қабо кийиб олган Шоҳрух мирзо ҳар кунги кийимда эди. У қулочларини ёзганича, жилмайиб келарди. – Кўзимнинг гавҳари, юрагим қувончи менинг гўзалим нечун бул гарип гўшаларни макон тутмуш?

Гавҳаршод бегим унга бир қаради-ю, ўгирилиб олди.

– Гариларга ғарип гўшалар насиб этмуш... – деди Гавҳаршод бегим йиғлаганидан овози бўғилиб.

– Ким айтди сизни ғарип деб? – саратонда ўн олти ёшга тўлган Шоҳрух мирзо балоғат фаслининг бор кўркамлигини ўзида намоён этган навқирон йигит бўлиб етилганди. Қалин лабларининг устида кўклам майсалари каби унаётган майнин мўйлаблари, даҳан ва томоқларини билин-билинмас қоплаб олган соқоллари унинг хуснига кўрк бўлиб қўшилган, қиличдай қомати янаем ўсиб, елкалари баҳодирларники каби салобат касб этган эди. – Сиз менинг борлиғимсиз-ку, Гавҳарим! Сиз менсиз, мен сизмен! Менга сизсиз ҳаётнинг қизиги йўқ. Балиқ сувсиз яшай олмагани киби мен сизсиз бир сония ҳам яшай олмасмен! Сиз менинг уммонимсиз, сиз менинг...

Шаҳодат ИСАХОНОВА

– Ҳаммаси ёлғон... Ҳаммаси чўпчак... Ҳеч бирига ишонмаймен, ҳеч бирини эшитиши хоҳламаймен... – Гавҳаршод бегим кафтлари билан қулоқларини ёпиб олди. – Мен ёлғонлар ичинда яшай олмаймен, яшашни истамаймен ҳам... Мен сизни баҳтли қила олмадимми, демак, йўлларимиз айро тушганини мардона тан олмоғим керак! Менинг қисматим мана шул маконда тугаши балки пешонамга ёзилгандур...

– Астағфируллоҳ, нималар деётирсиз, Гавҳарим?! – қўрқиб кетган Шоҳруҳ мирзо Гавҳаршод бегимнинг ёнига келиб, елкасидан тутганича, уни бағрига босди. – Иккимизнинг қисматимиз бирга ёзилган деб мен сизга неча бор айтганмен, биз сўнгги нафасимизгача қисматдошимиз... Сўзларимга ишонсангиз ҳам, ишонмасангиз ҳам яна қайта-қайта тақрорлаймен, сизсиз ҳаётнинг менга кераги йўқ! Магарки, шул қарорга келган бўлсангиз, менинг ҳам танловим ўшал! Майли, сизнингча бўла қолсун! Қўлингизни беринг, мен сизни бағримга олиб учамен! – Шоҳруҳ мирзо шундай деганича, уни шарт кўтариб, жарликнинг тепа томонига қараб юра бошлади.

– Шаҳзодам... Қўйиб юборинг... – типирчилаб, Шоҳруҳ мирзонинг қўлидан тушмоққа уринди Гавҳаршод бегим. – Қўриқчилар бирлан аравакаш не деб ўйлайдур?!

– Не деб ўйлашса ўйлашсун! – атайлаб қайсарона оҳангда гапирди Шоҳруҳ мирзо. – Бизнинг ҳеч ким бирлан ишимиз йўқ! Бизнинг ҳозир муддаомиз битта, яъни, ул боқий дунё сори учмоқ!

– Истамаймен, қўрқиб кетаётирмен... – Шоҳруҳ мирзо худди уни жарга ташлаб юборадигандай шаҳзоданинг елкаларига урганича, яна силталанди Гавҳаршод бегим.

– Нечун, қарордин қайтдингизму? – деди Шоҳруҳ мирзо унинг қилиғидан кулгандай.

– Ҳм... – бошини Шоҳруҳ мирzonинг елкасига қўйди Гавҳаршод бегим. – Жарнинг тубинда бўрилар бор эркан, овозини эшитдим...

– Шаҳзодаларга мазза-да! – кўз қири билан уларни кузатаётган қўrima сардори оғзининг таноби қочиб, хамроҳларига лукма ташлади. – Кеча иккинчи хотинга уйланган куёв, бугун дарров биринчисига келаётir, эртага канизакларнинг навбати! Хўрз нима-ю, булар нима?

– Шуни айтмайсизму, қизталоқ, ҳеч бўлмаса, бекнинг ўғли ҳам эрмасмиз-а?! – унинг гапига қўшилди ёнидаги сарбозлардан бири.

– Шаҳзодамизнинг қулоқлари узоқдин ҳам яхши эшитадур... – хавотирланган аравакаш йигитларнинг оғзидан ножӯя гап чиқиб кетмаслиги учун дарров огоҳлантириди.

– Қайси қулоқларини айтиётирсен? – деди аравакашнинг гапидан энсаси қотган қўrima сардори. – Ўзларининг қулоқлариниму ёхуд бизнинг орамиздаги “кулоқ”лариниму?

– Мен “кулок” эрмасмен! – жаҳли чиқди аравакашнинг. – Тушунмовчилик бўлмасун учун айтиётирмен.

– Биз ҳам ёмон сўз сўзламадик, шекилли, ҳавас қилдик, холос.

Аравакаш қўриқчилар сардорининг юзлари гезараётганини қўриб, нари кетди...

– Кўнглим айниётir, қўйиб юборинг... – ўқчиганича илтижо қилди Гавҳаршод бегим. – Ҳозир ҳамма ёғингизни...

Шоҳруҳ мирзо уни оҳиста ерга тушираркан, хаёлига келган фикрдан юз ифодаси бирдан ўзгарди ва уни даст кўтargанича, бағрига босди.

– Гавҳарим... Демак... Оллоҳ бизни фарзанд неъмати ила сийламиш...

...Бегика бегимнинг овози Гавҳаршод бегимнинг хаёлини бўлди. Келинининг чиройи очилган, Руқия Султон бегимнинг хонасидан жилмайиб чиқарди.

– Эшигини қизлар очиб беришди, маликам, Худога шукр, ой қизимиз ухлаётир! Xали кечки овқатга борурмуз, ўзингиз яхшилаб насиҳат қилурсиз...

Кўнгли хотиржам тортган Гавҳаршод бегим ҳам орқасига қайтди.

* * *

Яратганинг “Қанча кам сонли тўдалар катта тўдалар устидан ғалаба қозонган...” оятининг ҳукми тақозоси билан жанг Абусаид мирзонинг баҳодирлари фойдасига ҳал бўлди. Санжар мирзо, Алоуддавла мирзо ва ўғлони Султон Иброҳим мирzonинг диловарлари бургут чангалига тушган кабутарлар каби шаҳодат шаробини ичмок мажбуриятида қолишиди. Жангда яраланган Санжар мирзони Абусаид мирзо хузурига келтиришганида, унинг камон ўқидан яраланган гарданидаги кон хали тўхтамаган, баҳодир келбат Санжар мирзо талвасага тушган шер каби титрар, вужудидан тер оқарди. Унинг оқ қуюнли туркманлардан бўлмиш волидасиникига ўхашаш қоп-қора қошлари уюлган, бургутларники каби ўткир кўзлари аламдан чақнарди.

– Хўш, нега эришдинг, мирзо? – сўради майдон яқинидаги чодирда жангнинг боришини кузатаётган Абусаид мирзо. – Зафарпаноҳ сипоҳимнинг камлиги сабаб, ўзингга ўхашаш ғаламис ва фитнакор ота-боланинг куткусига учиб, мени бул муҳорабага жавоб беришга журъати етмайдур деб хаёл қилдингму? Мана, оқибатини кўриб турибсен, хўш, энди не қилмоғимни тиларсен?

Санжар мирзо ихраб юбормаслик учун қалин лабларини қаттиқ тишлаб, оғриқдан катаклари керилаётган қирра бурнидан чукур нафас чиқарди. Ярасидан оқаётган қон тўхтамаётгани учун оёқларидан борган сари қувват кетиб, тиззалари ҳам қалтирамоқда эди.

– Аспинда, сен хунхорнинг ниятинг барча шаҳзодаларни йўқ қилмоқ эрди... – деди Санжар мирзо куч тўплаб. – Шул боис...

– Волиданг ромчи ўтмаганму, мабодо? – кинояли кулди Абусаид мирзо унинг сўзини бўлиб. – Чунки фолни тўғри очаётисен. Бул ғалча шаҳзодалар гўра орзулари-ю хом савдоларини телба мияларидин чиқариб ташламас эрканлар, ким бўлишларидин қатъи назар, барчалари қиличим ва қаҳрим шиҳнасининг қурбони бўладурлар! Худди шундай, хеч бирингизни аяб ўтирасмен!

– Шул боис, менга... – нафас ростлаб олган Санжар мирзо гапида давом этди. – Иблис бирлан курашиб, жангда шаҳид кетмоқ шарафлироқдур...

– Иблис? – кўзлари қинидан чиккудай бўлиб олайди Абусаид мирzonинг. – Чиндин ҳам ажалинг етибдур сен мирzonинг! Майли, калимангни айтиб ол ва хотиржам кет, қабринг устига ҳам “шарафла шаҳид кетмиш...” – деб ёздириб қўядурмен!

Абусаид мирзо шундай деганича ёнидагиларга мағрур қараб қўйди.

Шерҳожи пиқ этиб кулган эди, шайхулислом ола қарааш қилгач, лаб-лўнжини йифиштириб олди.

– Олиб чиқинг! – деди сўнг, навкарларга ғазаб билан Абусаид мирзо. – Анинг қовоқ калласини Ҳирот дарбозасига бир ҳафта осиб қўйсунлар!

Санжар мирзо туфламоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, куруқшаган лабларидан сўл чиқмади.

– Амирлари Шайх Зуннун ва Мухаммадбекларни не қилмоқ керак? – сўради уни қўлтиқлаб олган навкарлардан бири.

Шаҳодат ИСАХОНОВА

– Аларнинг ҳам ҳавои ҳаёллар тўла калласини раҳнамоларининг фасод уя курган бошига кўшиб, дарбозага осинг! – амр этди Абусайд мирзо.

– Сизга севинчли хабарим бор, олампаноҳим! – шипшиди Шерҳожи Абусайд мирзога, унинг кайфиятини кўтармоқ илинжида.

Абусайд мирзонинг хаёли ҳамон навкарлар етагида тебраниб кетаётган Санжар мирзода эди. У мирзони оёқларим остига йиқилиб афв сўрайди деб ўйлаганди. Унинг осмондан келиши, бунинг устига “иблис” деб ҳақорат қилиши газабини бўғзига келтириди. У қиличини суғириб, Санжар мирзони тилка-пора қилмоққа хезланди-ю, лекин қуролсиз, бунинг устига ярадор одамга ташланиб, гап-сўзга қолишини ўйлаб, ўзини босди. Асаби бузилган Абусайд мирзога Шерҳожининг “севинчли хабар” ҳақидаги сўзи ёғдай ёкиб, ўзича тахмин қилган бўлиб, чиройи сал очилди.

– Боги Сафидданму? – деди кўзлари чақнаб, тамшанганидан калта мўйлаблари ғалати бурилди. Шерҳожининг бош иргаганини кўриб, ташқарига ишора қилди.

– Ҳавога чиқурмуз...

Шерҳожи шайхулисломга маънодор қилиб қараб кўйди-да, Абусайд мирzonинг орқасидан юрди.

– Хуш не хабарлар, сўйланг-чи, амир?! – Абусайд мирзо ўтов эшигидан чиқишига ҳам тоқати етмай, остоңадаёқ, уни саволга тутди.

– Амр этганинг қиби, Алоуддавла мирzonинг қизлари Руқия Султон бегим хусусинда маълумот олиб эрдим...

– Маълумот берган одам ишончлиму, ишқилиб, сотиб кўймайдму? – сўради Абусайд мирзо. У суриштираётганини бирор билоб қолишидан эмас, бу хабар маҳди улё маликага етса, унга бермаслик учун, бегимни атай, бошқага узатиб юборишидан хавотирланмоқда эди.

– Маҳди улёning ошпазлари Нури бека бизнинг юртлик, сотмайдур. Бунинг устига мўмайгина ақча ҳам бердим, бошқа нарсалардин ҳам хабардор қилиб турадур, – ишонч билан таскин берди Шерҳожи. – Беканинг сўйлашича, бегимга кўпчилик шаҳзодалар оғиз солишган эркан. Ҳусайн Бойқаро мирзодин тортиб, Шоҳ Махмуд мирзогача...

– Шоҳ Махмуд мирзо? – Абусайд мирзо негадир беписанд жилмайди. – Ул мирзо уйланмаганму?

– Руқия Султон бегим рози бўлмагач, қиблагоҳининг қазосидин кейин бошқа қизга уйлантиришиб эрди...

– Руқия Султон Бегим Ҳусайн Бойқаро мирzonи нечун рад этмуш? – қизиқсиниб сўради Абусайд мирзо.

– Ул мирzonинг оти улуғ бўлгани бирлан супраси қуруқ-ку! – беписанд кулди Шерҳожи. – Руқия Султон бегим ҳам волидасига ўхшаган бўлса, одам танлагандурда!

– Волидаси шунчалик пишиқму? – ҳайратлангандай қош учирди мирзо.

– Қайнатиб, қовуриб, устига-устак димлаб ҳам олинган! – Шерҳожи гапи олампаноҳга ёқаётганлигини сезиб, қўлини чўмич ўйнатаётгандай қилиб ҳаволантириди.

– Одам танлашига қараганда, демак, жуда гўзал... – ўша қунги қизни ҳаёлан тасаввур этаркан, энтиқди Абусайд мирзо.

– Гўзал ҳам гапму... – оғзини тўлдириб мақтовни бошлаган Шерҳожининг эсига шайхулисломнинг танбехлари тушиб, ўзини тутиб олди. – Ўзим кўрмаганмен, лек Нури беканинг айтишича, зулфи ҳалқаси бирлан кўнғироқ кокилларининг ўзи жон кушандаси эрмуш... Ял-ял ёнган ёноқлари нуридин ой ҳам хижолат чекармуш...

Сарви қоматининг гўзаллигидин шамшоду санубар...

– Яхши, яхши... – унинг гапини бўлди Абусаид мирзо. – Сиз нима дейсиз, амир, бегим бизга розилик берармикин?

– Сизга... – Шерҳожи олампаноҳни мақташ учун муносиб сўз излаб бир лаҳза жим қолди. – Сизга... Одам боласини айтурсиз, осмондаги Ой ҳам жон деб рози бўладуру, олампаноҳ! Ҳаммадин бурун севинчдин Бегика бегим ўйунга тушса керак!

– Унда... Эртагаёқ совчиликни бошлайдурсиз... – деди ўзини хаёлан куёвтўра ўрнида кўрган Абусаид мирзо чодир томон юаркан. Унинг хәёлига Робия Султон тушиб, “Бул масалани тезлаштиromoқ керак, йўқса, илгаригидай, қуруқ қолишим мумкин”, деган фикр келди. – Шайхулисломни ёнингизга олурсиз...

– Амрингиз бош устига олампаноҳ! – деди қувониб кетган Шерҳожи пилдираб мирзонинг ортидан эргашаркан.

* * *

Жалолуддин Шоҳ Маҳмуднинг хабарчиси Турконшоҳ Машҳади шарифга саккизинчи кун, пешин намозидан кейин етиб келди. Машҳади шариф Алий Мусо ар-Ризо амирул-мўминин Алий ибн Абу Толиб ибн шаҳид Имом Ҳусайн ибн Алий Зайнул-обиддин ибн Муҳаммад ал-Бокир ибн Жаъфар ас-Содик ибн Алий ибн Мусо ал-Козим шарафига шундай номланган бўлиб, бу муқаддас шаҳар Хурросоннинг катта ва баҳаво бошкентларидан эди. Шаҳарнинг мевазор боғлари, гулзорлари, анхорлари шу қадар қўп ва хўб эдики, уни кўрган одам беихтиёр, ердаги жаннат шу бўлса керак деб хаёл қиласди. Таърифини эшитганлар эса ўз кўзлари билан бир кўрмоқ, зиёрат этмоқ орзусида қоларди. Шаҳарнинг муқаддас қадамжоларидан асосийси, кумуш қопламали гумбази ниҳоятда катта ва муҳташам Алий Мусо ар-Ризо мақбараси эди. Унга туташ қурилган мадраса ва Гавҳаршод бегим жомеъ масжиди ҳам худди эгизаклардай мақбара кўркига кўрк кўшиб турарди. Деворлари турфа рангли нақшин кошинлар билан қопланган мақбара эшикларига зарбоф шойи пардалар тутилган, кумуш қопламалар тўшалган оstonаси кенг, даҳмалар жойлашган хонақоҳининг шифтига осилган маҳоватли кумуш қандилларда кечаю кундуз анбар бўйли шамлар ёниб турар, ерига тўшалган гиламларда жума кунлари жамоат бўлиб намоз ўқиларди. Мусо ар-Ризо даҳмасининг қаршисида Хорун ар-Рашид розийоллоҳу анхунинг даҳмаси бўлиб, унинг шарафа токчаларига шамдонлар кўйилган, мағрибликлар бу шамдонларни “ал-хасак ва ал-маноир” дейишар ва ўзлари келтиришган шамларни унга ўрнатиб, ёқишар, сўнг, ихлос билан халифа ҳаққига тиловат қилишарди. Рофизийларнинг зиёрати эса айрича эди. Уни биринчи бор кўраётган одамлар ҳайратга тушиб, ёқа ушлашар, рофизийларнинг қилаётган бу хатти-харакатлари ҳатто жанжал қўпишига ҳам сабаб бўларди. Улар эшикдан киришлари билан аввал Хорун ар-Рашидининг даҳмасини тепкилашарди-да, кейин ар-Ризо томонга ўтиб, унга салом беришар ва дуога қўл очишаради.

Хорун ар-Рашид аббосийлар сулоласига мансуб халифа бўлиб, Эрон зодагонлари манфаатини ҳимоя қилувчи ва қўлловчи бармакийлар хонадонидан чиқсан вазирлар ёрдамида ҳокимиятни идора қилган хукмдор эди. Кўпгина тарихий асарларда уни олижаноб ва адолатли халифа сифатида талқин этишган. Унинг ҳукмронлик даврида мамлакатда қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик, савдо, илм-фан ва маданият, айниқса адабиёт ривожланганди. Мелодий 803 йилда у бармакийларни қирғин килган. Ҳокимиятни якка ўзи бошқаргани боис, рофизийлар уни ёмон кўришар ва қабрини таҳқирлаш билан аждодлари ўчини олгандай бўлишарди.

Шаҳодат ИСАХОНОВА

Шоҳ Махмуд жума намозини амир Бобо Ҳусайн билан Гавҳаршод бегим масжида ўқиб, Мусо ар-Ризо мақбарасини зиёрат қилгач, ҳовлига чиқишиди. Ҳовлида дарвешлар галаси айланиб юришар, баъзилари бурча-бурчак бўлишганича, сухбат қуришарди. Уларнинг эгни-бошлари ўзига хос, хирқа-ю кулохлари ҳам бошқа дарвешларнидан анча фарқ қиласиди. Билаклари, оёғининг тўпиқлари, кулоқлари ва бўйниларига тақиб олган темир ҳалқалари ҳам жуда ғалати, ҳатто бироз кулгули эди. Дарвешлар зовалик авлиё Кутбиддин Ҳайдар таълимотига эътиқод қилувчи “ҳайдария” жамоасининг муридлари бўлиб, ҳалқалари эса соҳибларини аёллар дунёсига бегона эканликларини англатарди. Шоҳ Махмуд мирзо уларни биринчи маротаба кўраётганлиги, айниқса, амир Бобо Ҳусайннинг ҳалқалар ҳақидаги ҳикоятлари ажаблантирганлиги боис, қизиқсиниб, улар томон юрди.

Кузда ўн бир ёшга тўлган Шоҳ Махмуд мирзо ёлғиз ўғиллиги учунми, қиблиагоҳи Абулқосим Бобур мирzonнинг ўлими унга оғир зарба бўлди. Ҳали болалик дунёсининг эртакли осмонида ҳаволаниб ўсаётган кичик ва эрка мирзо худди ҳамма нарсасидан мосуво бўлган одамдай, ёлғизланиб қолганди. Шаҳзода ўшандан бери кечалари ухломас, босинқирап, кўзи илинди дегунча, қиблиагоҳи тепасида тургандай бўлар ва қўрқиб, уйгониб кетарди. Кейинги пайтларда хабдори ҳам фойда бермай қўйганди. Айниқса, Бобур мирзо салтанатида бош вазир ва аморатлик вазифасида ишлаётган, неча йиллардан бери кичик мирzonнинг тарбияси билан шуғулланиб келаётган ва ҳар ишда унга бош-қош ва йўл-йўриқ кўрсатувчи Исмоил Симонийнинг Султон Иброҳим мирзо томонига ўтиб кетиши Шоҳ Махмуд мирзога қаттиқ таъсир қилганди. Бунинг устига ҳали ўлим-қолим талошига кириб кўрмаган Шоҳ Махмуд мирзо Кусуя қасабасининг Шоҳмалик работига яқин ерда Султон Иброҳим мирзо билан бўлган жангда ажал лочинининг ёвуз чангалига рўбарў келганди. Ўшанда қиёмату маҳшар куни унга юз кўрсатиб, ногоралар садоси қулоқларига сури Исрофил наърасидай эшитилган эди. У қоннинг рангини, қоннинг ҳидини қиссаҳонларининг оғзидан эшитган бўлса-да, унинг дарёдай оқишини, ер юзини лолазор каби бўяшини бу қадар яқиндан кўрмаган, юракларни ҳаприқтириб, нафасларни бўғувчи ҳидини туймаганди. У жанг майдонидан анча нарида, хос навкарлари кўршовида турганди. Лекин камонкашнинг дайди ўқ уни ҳам аяб ўтирамади. Ҳалиям Худога бир айтгани бор экан ўқ ўнг елкасига санчилди. Шоҳ Махмуд кўрқиб кетганиданми бошда ўқининг оғригини унчалик сезмади. Навкарлар уни ётқизиб, ўқини суғуриб олишаётганда ҳам чидаб турди. Ярасидан оқаётган қон тўхтамагач, боши айланиб, кўзи тина бошлади. Оғриқ бирдан зўрайди ва хушидан кетай деди. Шундан кейингина у “ӯлаётирмен” деб ўйлади.

– Қиблиагоҳим... Қиблиагоҳим... – дея қўлларини боши узра чўзди Шоҳ Махмуд.
– Мени олиб кетмоқчилар... Истамаймен... – у кўзларини катта-катта очганича, яширинмоқ илинжида ярасининг қонини тўхтатишга уринаётган табибининг ўнгирини юзига ёпди. – Мени қиблиагоҳимга берманг! Тезда яширинг! Чунки қиблиагоҳим ўлганлар... Аниқ биламен! Қабрларига ўзим туфроғ ташлаганмен... Волидам ёлғиз қоладур, ёнларинда хеч ким йўқ, укам ҳам синглим ҳам... Сиз айтинг... Кетсунлар, бул ердин, чунки мен қўрқаётирмен!

– Қўрқманг, олампаноҳ, ўлмаймиз! – табиб унинг оғриқдан терга ботган пешонасини силаб, тинчлантиришга уринди. – Жароҳатингиз оғир эрмас!

– Ростдин ҳам ўлмайманму? – Шоҳ Махмуд юзини очиб, табибга илтижоли термилди. – Лекин қиблиагоҳим ҳамон тепамда турибдурлар-ку?! Айтинг, кетсунлар!

– Олампаноҳим, Бобур мирзо... – табиб осмонга қараганича, ғалати ишоралар қилиб, гапида давом этди.– Сиз, хавотир олмай кетаберинг, мана, ўғлонингиз отдай бўлдилар! Худога шукр, қонлари ҳам тўхтади. Хавф ўтиб кетди...

– Кетаётилар... Ана, қанотлари чиқди! Қаранг, оппок қанотларини ёйиб, учмоқчилар! Қиблагоҳ! Кетаберинг, мендин хавотир олманг! Табиб менга яхши қараётири! Худога шуқр, кетаётилар! – қувонч билан бакириб юборди Шоҳ Маҳмуд мирзо. Осмонга ҳадик аралаш термилганича, табибга ўтирилиб, унинг қўлларини ўпди. – Хизматингизга минг дона Шоҳрухий тилла берамен...

Шоҳ Маҳмуд мирзо шундан бери жангу жадал ҳақида эшитишса авзойи бузилар, амир Бобо Ҳусайн бу борада бирор гап айтгудай бўлса ҳам, қулоқларини беркитиб оларди. Хўжа Исмоил Симонийдан кейин аморатлик вазифасини бажараётган амир Бобо Ҳусайн Симонийнинг акси ўлароқ ҳазилкаш, сертавозе ва дўлвор одам эди. Шунинг учун шаҳзода унга тез кўниди ва Симонийни эсдан чиқара бошлади. Бўйлари баланд, елқадор амир қиличбозлиқда менман деган баҳодирни ҳам ҳолини танг қиласарди. Курашда елкаси ерга тегмаган, чавандозларнинг пири хисобланган амирни шаҳзодага Гавҳаршод бегимнинг навкари Турконшоҳ тавсия қилган, улар бир ой ичида қадрдон бўлиб олишганди.

Машҳади шарифга келишгандан бери шаҳзоданинг кўчага биринчи бор чиқиши эди. У амир Бобо Ҳусайнинг гапига кириб, оддийгина кийинди, қиличини ҳам қабосининг остидан тақди. Лекин ҳар эҳтимолга қарши қўриқчилар олишди, улар ҳам жайдари уст-бошда, лекин яхши қуролланишганди.

Шаҳзоданинг кўриниши қиблагоҳидан кўра, кўпроқ волидасига тортганди. Шунинг учун ёшига нисбатан кичикка ўшар, тўлалиги сабаб бўйлари паст кўринарди. Оқ-сариқдан келганлиги учунми думалоқ, лўппи юзлари доим қизарип турар, нигоҳидан раҳмдиллиги сезиларди. У ўзидан анча баланд амир билан юрганида, одамларнинг кўзига ота боласини етаклаб кетаётгандай туюларди.

– Қизиқ, нечун алар уйланишни хоҳлашмайдур? – деди яқиндан бери силлиқ иякларида битта-иккита мўйлари кўрина бошлаган Шоҳ Маҳмуд мирзо .

– Хотиннинг маънисини билмайдур-да, олампаноҳ! – ўзича ҳазил қилган бўлди амир Бобо Ҳўсайн лаблари дўрдайган каттакон оғзини тўлдириб куларкан.

– Аларнинг севган аёллари йўқму? – амирнинг гапларига унча тушуммаган Шоҳ Маҳмуд мирзо уни яна сўроқлади.

– Алар тарки дунё қилган! – бу сафар ўз билганича маънилатди амир. – Яъни, гўшанишин, ҳамма нарсадин қўл ювиб, кўлтиғига урган кимсалар. Алар учун ҳеч нарсанинг қизиги йўқ, ҳаётнинг ҳам, уй-жойнинг ҳам, бойликнинг ҳам, хотину бола-чақанинг ҳам! Аларни сўфиylар ҳам дейишадур. Алар бул фанодин кўра, ул бақога кўпроқ ишонишадур!

– Ақллари жойиндаму? Ул бақога биз ҳам ишонамиз-ку! – деди ҳайрон бўлган шаҳзода ва мақбара ҳовлисига кираётган йигитга кўзи тушиб, қувонганича, амирни туртди. – Қаранг, Алишербек оғам!

Амир ҳам Алишербекни киргандаёқ кўрганди. Оқ кўйлак устидан кулранг хильят кийган, ўрта бўй, ориқ, буғдойрангга мойил оқиши юзлари чўзинчоқ, кўзлари катта, лекин қиийқ, ўсмирлик билан ёшлиқ фасллари алмашинуви даврида майсалар каби нишлай бошлаган соқол ва мўйлаблари кўриниб қолган ўн беш-ўн олти ёшлардаги ўспиринни амир қаердадир кўрганга ўхшатса-да, танимади.

– Тез, чорланг – деди шаҳзода амирга қатъий оҳангда. – Мен алар бирлан гаплашмоғим керак! Алишербек раҳматли қиблагоҳимнинг зўр шоири эрди. Анинг ғазаллари жуда гўзал, эшитганмусиз?

– Алишербекнинг ўзи ҳақиндаги гаплар қулогимга чалинган, Фиёсиддин Кичкинанинг ўғлонлари-да! Аларнинг қиблагоҳларини, тоғойиларини яхши таниймен. Лек ғазалларини ўқимаганмен... – шоир деганидан кейин уни эслади амир Бобо Ҳусайн.

Шаҳодат ИСАХОНОВА

- Ҳозир таништирамен, – деди Шоҳ Маҳмуд. – Ёхуд ёнларига борамизму?
- Йўқ, йўқ! – қатъий бош чайқади амир Бобо Ҳусайн.
- Нечун? – ҳайрон бўлди Шоҳ Маҳмуд мирзо.
- Дарвешларнинг ёнинда кўришмаганимиз маъқул, – тушунтирди амир Бобо Ҳусайн. – Алишербек алар бирлан гаплашиб бўлгач, менинг ўзим ёнларига борурмен.
- Нечун, мен-чи? – аразлаган оҳангда чимирилди Шоҳ Маҳмуд мирзо.
- Сиз борсангиз Алишербек беихтиёр, “шаҳзодам” деб мурожаат этадурлар ва дарвешлар кимлигингизни билиб қолишадур. Дарвешлар билган нарса эрса, эртаси куниёқ қулоқма-қулоқ тарқаладур. Бул эрса, душманларга қўл келадур ва Худо кўрсатмасун хар нарса юз бериши мумкин. Ҳозир жуда эҳтиёт бўлмоғимиз керак!

Шоҳ Маҳмудга амирнинг гапи маъқул келмаса ҳам ўйлаб кўриб, кўнишга мажбур бўлди. Алишербек дўсти Ҳусайн Бойқаро мирзо билан Гавҳаршод бегимнинг муруватидан фойдаланиб, Абулқосим Бобур мирзо саройидан қўним топгандаридан бери шаҳзода билан чикишиб кетганди. Ҳусайн Бойқаро мирзо уста қиличбоз бўлганлиги учун шаҳзода билан кўпроқ майдонда машқ қилар, сухбатлашиб ўтиришга унчалик тоби йўқ эди. Шаҳзода ҳам кўпроқ Алишербек билан вақт ўтказар, унинг гаплари, мулозамати, шеър ўқишли ёқарди. Алишербек ҳам ҳали болалиги кетмаган шаҳзоданинг қўнглини топа оларди. Ҳусайн Бойқаро мирзо эркатой шаҳзоданинг қиликлари ва гапларидан қулар, у билан эринмай сухбат курадиган Алишербекка баъзан, “Қалай, думбиллашаётимусиз?” деб ҳазил қилиб ҳам қўярди. Бобур мирзонинг ўзи ҳам шеърлар ёзгани боисми, унинг Алишербек билан шаҳзода Ҳусайн Бойқарога меҳри айрича, Машҳади шарифдаги охирги сафарига ҳам бирга олиб кетганди.

Алишербек ховлининг тўрида уймалашиб турган дарвешлар томон юаркан, дарвешларнинг ҳам кўзи унга тушиб, ғимирлашиб қолишиди. Кўлида асоси бор бўйчан, ориқ дарвеш қирғий бурнини тортганича, Алишербекка пешвоз юрди.

– О, шоирлар шоири! – бўйчан дарвеш асосини ҳаяжон билан ҳаволатиб, сўнг таъзим қилди. – Хуш кўрдук, Алишербек! Ҳаяллаганингизга хавотирлана бошлаган эрдук! Дунёга не бўлаётир ўзи? Ишқилиб, талотўплардин ўзингиз омонмусиз, иним?

– Оллоҳга шукр... – Алишербек бўйчан дарвешнинг гапларидан тоғойилариниг зиндонбанд этилганига ишора қилганини англаб, юраги зирқиради. У ҳам бу хабарни бир хафта нарида эшитган, лекин ҳали аниқ маълумотни ҳеч кимдин ололмаганди.

– Биз сизни жума намозига келурсиз деб ўйлаган эрдик, – деди уларнинг даврасига қўшилган дарвешлардан ёшроғи.

– Ҳа, жума намозини маҳди улё маликамиз масжиди жомеъларинда ўқидим, – деди Алишербек наридаги масжидига ишора қилиб. – Дўстларни кўриб, сал ушланиб қолдим.

– Ҳатто, келасизму, келмайсизму деб баҳс бойлашмоқчи ҳам эрдик, – гапини давом эттириди ёш дарвеш. – Ўртага янги хирқа қўйишгач, рози бўлмадим. Эсиз, хўп десам мен ютар эрканмен!

– Бир хирқа сиздин айлансун! – деди Алишербек тавозе билан жилмайиб.

– Йўқ, йўқ, бизга шеърингизнинг ўзи етадур, шоир, бир шеърингиз, юз хирқадин ҳам ортиқ!

– Ҳай, Носир чилим! Паст кетма, биродар! – унинг ёнидаги шериги кўксига тушиб турган мошгуруч соқолини селкиллатиб, танбех берди. – Алишербекнинг шеърини

ҳирқанг бирлан баҳолайсанму?! Аларнинг қиймати тенгсиз! Мен аларнинг бир дона газалини мамлакат хирожига ҳам алмашмасмен!

– Куллук, куллук... – деди Алишербек хижолат бўлиб. – Лекин мақтовнинг ортиғи ҳам соҳибиға зарар келтирадур!

– Шул боис, мен камроқ қилиб айтдим! – деди мошгуруч соқолли дарвеш самимий кулиб. – Йўқса, дунё хирожига тенг демоқчи эрдим!

– Оллоҳ сиздин рози бўлсун! – деди Алишербек таъзим қилиб.

– Бизга янги ғазал келтириңгизум? – деди бўйчан дарвеш асосини ўйнаганича.

– Келтиридим, – деди Алишербек кулранг хилъатининг ён чўнтағига қўл солиб, бир даста қоғоз чиқазиб, бўйчан дарвешга узатди.

– Фақат бир эътиrozимиз бор, шоирлар шоири... – деди мошгуруч соқолли дарвеш кўзларида кулги ўйнаб. Сўнг кўрсаткич бармоғини қошига текизиб, аёл сиймосига ишора қилди. – Бизга ҳалигидай... “Форати дин этти ногаҳ бир балолиг кўзу қош...” дея таъриф этилган битикларингиздин берманг! Йўқса, жамоамиз муридларсиз қоладур. Ўшал куни Носир чилим деганларимиз ғазалингизни ўқигач, оху воҳи кўкка етиб, ҳалқаларини ҳам ечиб отишига бир баҳя қолди!

Дарвешлар гурра кулишди.

– Носир чилим ҳам ўзларига ўхшаб куйганлардин... – кулгидан ёшланган кўзларини артганича, маънилатди бўйчан дарвеш. – Нақ ярасини тирнабсиз! Уч кечак-ю уч кундуз кўксини ерга бериб ётмиш, бечора!

– Шундайму? – қизариб кетди Алишербек. – Узр тилармен!

– Мени масхара қилишмасдин ўзларининг ҳамаҳволини айтишсун! – Алишербекка кўз кисди Носир чилим. – Чекка-чеккага чиқиб, ийғлаб келишганларини ҳеч ким кўрмади деб ўйлашаёттир!

– Ҳай, майли, не бўлганда ҳам ул ғазал Носир чилимнинг танбуринда шундай гўзал қўшиққа айландики... – бўйчан дарвешнинг гапини давом эттириди ёнидаги шериги. – Ани тингласангиз, сел бўлурсиз, шоир!

– ИншоОллоҳ, такиянгизга бориб, эшитурмиз! – дея Алишербек қўлига илинган қоғозни бўйчан дарвешга узатди.

– Куллук, шоирлар шоири! – бўйчан дарвеш қоғозни унинг қўлидан олиб, ўпди.

– Бугун дунё топган калдек тинч ухлаймуз!

– Ҳай, “хайдария” жамоаси... – узоқдан чийиллаган овозда гапириб кела бошлади паканагина мақбара қоровули. – Зиёрату намозингиз битдиму, тарқалинг! Тўпланиб ўтиришга рухсат йўқ! Нималар бўлаётганини эшитгандурсиз, бошингиз балога қолмасидин, жўнанг!

Коровулнинг феълини билган дарвешлар Алишербек билан шоша-пиша хайрлашиб, жўнаб қолишди. Коровул Алишербекни таниб, саломлашди.

– Мен ҳам зиёрат қилмоқчи эрдим... – деди Алишербек даҳма томонга ишора қилиб.

– Ҳа, яхши, фақат эшик олдинда иккитаси сизни пойлаб туришибдур, – деди коровул.

– Кимлар эркан? – ҳайрон бўлди Алишербек.

– Танимадим, кўринишидин ота-болага ўхшайдур, – деди қоровул. Дарвешларнинг дарбозадан чиқишини ўз кўзи билан кўрмоқ учун ўша тарафга қараб кетди.

Одмигина кийиниб олган бола кўзига нотаниш кўрингани учун Алишербек унчалик эътибор бермади. Паҳлавон келбат одамни ҳам танимагани учун яқинлаштуриб, тортинибгина салом берди.

– Ваалайкум ассалом! – деди амир Бобо Ҳусайн Алишербекка бошдан-оёқ тикиларкан ва шаҳзода томонга ишора қилди. – Бул йигитча сизга таниш эрмасму?

Шаҳодат ИСАХОНОВА

Урингангина йўл-йўл кандир хильъат кийиб, салласини қошигача тушириб олган болага Алишербек энди синчковлик билан қаради. Бўйи билан икки юзининг қизиллигини Шоҳ Маҳмуд мирзога ўхшатса-да, шаҳзодани бу алпозда кўришни тасаввур этолмагани учун елка қисди.

Уни Алишербек танимагани шаҳзоданинг кулгусини қистатди ва ўзини тутолмай, кулиб юборди.

– Танимадингиз-а? – деди шаҳзода Шоҳ Маҳмуд ўзининг қилган ишидан завқланганича, салласини кўтариб қўяркан ва кўришмоқ учун кучоғини очди. – Дарвешларга ўхшабманму?

Ҳангу манг бўлиб қолган Алишербек шаҳзодани бағрига босди.

– Вазият ўзингизга маълум... Жума намозини саройда ўқийлик десам, олампаноҳим унамадилар, – тушунтира бошлади амир. – Шул боис, ҳар эҳтимолга қарши шундай кийиндик.

– Тўғри, килибдурсизлар, – амирнинг гапини маъқуллadi Алишербек. – Эҳтиёт бўлмоқ лозим.

– Эшитдингизму, Машҳади шариф энди менинг бошкентим бўлду! – деди қувонч билан Шоҳ Маҳмуд мирзо Алишербекни янгиликлардан хабардор қиларкан. – Қиблагоҳимизнинг оқ саройинда энди мен яшаётирмен. Ҳозир сиз биз бирлан бирга борурсиз. Мен сизга саройимни кўрсатамен! Сиз эрса, менинг шоирим бўлурсиз! Йўқ, шоирларимнинг вазири қилиб қўямен! Мен ҳам шеъру ғазаллар ёзамен. Қиблагоҳим шеър ёзганлар-ку, демак мен ҳам ёза оламен! Тўғриму, Алишербек оға?

– Албатта, инсон ҳаракат қилса ҳамма нарсани уddaлаши мумкин, – деди Алишербек уни кувватлаб. – Менга ҳам тогойиларим ўргатишган.

– Энди эрса, менга сиз ўргатурсиз! – деди Шоҳ Маҳмуд мирзо.

– Келишдик! – деди таъзим билан Алишербек.

– Бул амир энди менинг хос амирим ва аморат вазиридур, – деди шаҳзода амирга ишора қилиб. – Ислами Бобо Ҳусайн. Алар мавлоно Исмоил Симонийнинг ўрнига келганлар. Илгари Мозандарондаги Имод қалъасининг кутволи эрдилар, қиблагоҳимнинг энг садоқатли амирларидин.

– Нима, Мавлоно Исмоил Симоний бошқа юмушга ўтдиларму? – ажабланди Алишербек.

– Эшитмадингизму, ул мавлономиз қочиб кетмиш... – деди Шоҳ Маҳмуд мирзо. Унинг овозида ўкинч бор эди. – Султон Иброҳим мирзога сотилган эрмиш... Маҳди улё бибим мени огоҳлантириб эрдилар. Волидам эрса, “Маҳди улё маликамиз қариб қолган, ҳамма гапларига ишонаберманг, аёнларингизнинг маслаҳати етадур”, деганлари учун гапларига кулоқ осмаган эрдим. Охир-оқибат малика бибимиз ҳақ бўлиб чиқдилар. Амир Шерҳожи ҳам, Шайхзода Пир Қавом ҳам, кимни айтган бўлсалар ҳаммалари менга хиёнат қилмишлар...

– Қиблагоҳингизнинг қазоларидин кейин ҳали Ҳиротга бормаган эрдим, – деди Алишербек шаҳзодадан эшитаётган гапларига ҳайрон қолиб. – Шул боис, кўп воқеалардин бехабармен.

– Лек мавлоно Симонийни тутиб, ўлдиришгани ёмон бўлибдур, – деди Шоҳ Маҳмуд мирзо. Унинг Симонийга раҳми келаётгани юз ва кўз ифодаларида акс этиб турарди. – Аларни ўлдиришмаса, бўлур эрди. Балки афв этишимни тиласалар, қонидин кечур эрдим, чунки соҳибқирон Амир Темур бобомиз гуноҳ қилганларни етти бора кечирар эрканлар.

– Майли, Оллоҳ раҳматига олсун! – деди Алишербек Симонийга қаттиқ боғланиб қолган шаҳзодани қандай юпатишни билмай.

– Саройимга борурмисиз? – деди шаҳзода Алишербекка. Унинг жавобини ҳам

кутмай, амирга юзланди: – Сиз айланиб туриң, амир! – деди гүё Алишербекка айтмоқчи муҳим гапи бордай, сирли оҳангда.

Кейин нима деб жавоб беришини билмай ўйланиб қолган Алишербекка юзланди. Бу сафар унинг нигоҳида сўроқдан кўра “борурсиз” деган амрона ифода бор эди. Амир нари кетиши билан шаҳзода унинг қулогига шивирлади:

– Сизга маликамни кўрсатамен... Ул жуда гўзал... Исли Гул Жаҳон бегим. Лек... Руқия Султон бегимга менгзамайдур... Руқия Султон бегим тамоман бошқача эрди... – шазоданинг қувонч балқан юzlари бир пастда изтиробли тус олди.

Руқия Султон бегимнинг номини эшитибоқ Алишербекнинг вужудига ҳаяжон ўрлади ва беихтиёр, юzlари қизарди. Хаёлида Руқия Султоннинг жилмайб турган сиймоси жонланиб, кўнглида соғинч ҳисини тўйди.

Ёлғизланиб қолган шаҳзодага овунчоқ бўлади деган маънода волидасининг гапи билан Шоҳ Маҳмуд мирзони тезгина уйлантириб қўйишганди. Алишербек беихтиёр, унинг ишкий саргузаштларини эслади. Шаҳзода унга сирларини айтар ва маслаҳат сўради. Унинг муҳаббати баҳор ҳавосидай ўзгарувчан, жуда тез ёқтириб, кўп ўтмасдан, совурди. Бугун қўкларга қўтарган қизи эртаси куни ер билан битта бўлганини қиз бечоранинг ўзи ҳам сезмай қоларди. “Қизлар ҳам шунча сассик бўладирму, оға?” деди бир куни ошпаз қизга мойил бўлган шаҳзоданинг жигибийрони чиқиб. “Мушкамбар сепсан ҳам ўшал хид димогимдин кетмаётир...” Кўп ўтмасдан унинг янги саргузашти бошланарди. “Йўқ, оға, бул қиз ҳам бўлмайдур, кулиши хунук эркан”, дерди шаҳзода янги канизакдан ҳам совугач, унга дардини ёаркан. Шу сабабдан Алишербек унинг Руқия Султон бегим ҳақидаги изҳорларига унчалик эътибор бермаган, унинг куйиб-пишишларини жиддий қабул қилмаганди.

– Руқия Султон бегим менга нима учун рози бўлмаганининг асл сабабини билурмусиз? – деди шаҳзода Руқия Султон ҳақидаги гапларини давом эттиргиси келиб. Унинг кўзлари ҳаяжондан порларди.

Алишербек жилмайганича, боши билан “йўқ” ишорасини қилди.

– Волидам Руқия Султон бегимнинг мендин икки ёш катта эрканлигини баҳона қилган бўлсалар-да, анинг асл сабаби бошқа ёқда... – шаҳзоданинг юzlари бирдан жиддийлашди. – Раҳматли қиблагоҳим... Ер етказиб бормасину ўз оғасининг, Алоуддавла мирзо амакимизнинг кўзларига мил тортириб, аларнинг ўғлонлари Султон Иброҳим мирзони зиндонбанд этганлар. Мана нима учун Руқия Султон бегим менинг маликам бўлишга розилик бермаган! Аслинда, тўғри қилган! Ҳатто Султон Иброҳим мирзонинг ҳам менга қарши оёқланганини ҳам қораламаймен! Менинг ўзим ҳам шундай қилур эрдим. Алишербек оға, энди сиз ростини сўйланг, шул адолатданму? Иниси ўз оғасининг кўзига мил тортириши мумкинму? Менинг оғам ёхуд иним бўлса, бошимга қўтарур эрдим... Бечора маҳди улё малика бибимизнинг, “Тўғри қарор қабул қилмас эркансиз, охир бир кун ўз-ўзингизни еб битиругрисиз ва сиздин ҳеч бир авлод қолмайдур”, деган гаплари ҳақлигини энди фаҳмлаётирмен. Алар Султон Иброҳим мирзо бирлан мени яраттироқ учун нелар килмадилар? Биз эрса...

Шоҳ Маҳмуд мирзо изтироб қалқан кўзларини Алишербекка тикди. Алишербек ҳозир тўғри деса ҳам, нотўри деса ҳам шаҳзоданинг алами босилмаслигини сезиб, сукутни маъқул кўрди. Бундан олти ой олдинги шўх-шодон, ерга урса осмонга сапчийдиган, бир гапириб ўн куладиган шаҳзода еру осмон орасида аросатда, муаллақ қолган етим болага ўхшарди.

– Волидамнинг айтишларича, Худо шул сабабдин менга оға ҳам, ини ҳам, ҳатто сингил ҳам бермаган эрмуш... – шаҳзоданинг катта-катта ва хиёл қисик кўзларида ёш ҳалқаланиб, юпқа лаблари титради.

Шаҳодат ИСАХОНОВА

Айланиб юрган амир Бобо Ҳусайн кафтлари билан кўзёшларини артаётган шаҳзодага кўзи тушиб, югуриб келиб, секингина йўталди. Шоҳ Маҳмуд мирзо йўталнинг маъносини тушунган эди. Кейинги пайтларда йиглоқи бўлиб қолган мирзони амир юпатганича, “Ҳукмдор кўзёшини бирорга кўрсатмаслиги керак”, деб қаттиқ тайинларди. Эсига хукмдорлиги тушиб кетган шаҳзода ёшларини артди-да, Алишербекнинг қўлларидан тутди.

– Кетдик, Алишербек, оға, сухбатимизни саройда давом эттирамуз!

Улар Оқсаройга келишганида вақт шомга яқинлашиб қолганди. Сарой дарбозалари орасидаги йўлакларда қоровул навкарлар айланиб юришар, уларнинг сони олдингисидан анча кўпайганди. Атоф жимжитлиги боис, уларнинг оёқ товушлари-ю қуролларининг шарақ-шуругидан бошқа сас эшитилмас, ҳарҳар замонда ичкаридаги хизматкорларнинг, “Тезроқ бўл, ол, кўтар!” каби буйруқ оҳангидаги гаплари қулоққа чалиниб қоларди. Тош йўлдан қўриқчилар етагида келаётган оддий аробани узоқдан илғаган қоровул навкарлар чопа-чоп қилгандарича, қиличларини қинидан сугуришиб, ҳаволатганларича, бир қаторга тизилишиди. Ботаётган күёш нурларида ажаб товланаётган аслаҳалар юлдузларга ўхшаб ялтирав, атофда ғалати бир манзара намоён бўлганди. Бу амир Бобо Ҳусайн томонидан жорий қилинган қоидага биноан ҳарбий сафланиш эди. Уларнинг ёнидан ўтаётган Шоҳ Маҳмуд мирzonинг бу манзарадан кайфияти кўтарилганлиги чехрасидан билиниб турарди. Сарой қоидасига биноан амир орқароқда борар, лекин шаҳзода қоидани бузиб, Алишербекни эргаштириб олганди.

– Лашкарларим йигирма мингдин ошди, – деди Шоҳ Маҳмуд мирзо фахр билан, саломлашиб бўлгач, қиличларини шарақлатиб қинига жойлаётган навкарларни бирма-бир кўздан кечириб. – Барчалари баҳодирлар! Алар менинг баҳодирларим! Эсингиздаму, киблагоҳимнинг кўшуни ҳам бул қадар кўп эрмасди?!

– Шундай, шундай... – дея унинг сўзини тасдиқлади Алишербек навкарларнинг ҳаракатига ич-ичидан қойил бўлиб.

– Ёнимда қолсангиз, саройимга яқин жойдин боғчали ҳовли олиб берамен, – деди сарой зиналаридан кўтарилаётган Шоҳ Маҳмуд мирзо ва қўли билан этакдаги дарахтзор томонни кўрсатди. – Аёнларимнинг барчалари ўшал гузарга жойлашишмиш...

Алишербек тогалари зинданбанд қилинган куннинг эртасига Абусайд мирzonинг одамлари ўзларининг ҳам боғча-ю ҳовлиларини хатлаб кетишганини, волидаси кичик ўғли Дарвешали билан вақтинча ҳовлининг бурчидаги хизматкорлар хонасида яшаб турганини эшитган ва бир дарди ўн бўлган эди. Шаҳзодага қайта дуч келишини Яратганинг иноятидан деб билаётган Алишербек саройга таклиф қилинишини, уй билан таъминланишини эшитгач, кўз олдида волидасининг кувончли чехраси намоён бўлди. Неча кунлардан бери ғамга ботган дилига малҳам сурилгандай бирдан хотиржам тортди.

– Қуллуқ, олампаноҳ... Миннатдормен... – деди Алишербек ички бир ҳаяжон билан таъзим этаркан.

– Сиз эрмас, мен миннатдормен! – деди Шоҳ Маҳмуд мирзо ҳам қувониб кетганини яширмай.

– Бул хабарни Ҳусайн Бойқаро мирзо туйсалар борму... – дея Алишербек энди гап бошлигар ерида Шоҳ Маҳмуднинг қовоқлари бирдан уюлди.

– Бойқаро мирзо? – унинг кўзлар ҳам чиқкудай бўлиб олайди. – Ул мирзо ҳам тузимизни еб, тузлугимизга тупурмиш нокаслардин чиқмиш! Ул хоинни Абусайд мирзо Самарқандда зинданбанд қилганинда қиблагоҳим ани ҳибсдин халос этиб, салтанатининг хос мулозими мақомига кўтарган ва юз минг кепакий динор

маблағ бирлан улуфа тайинлаган эрдилар. Султон Санжар мирзо эрса қизларини ул мирзога қиблағоҳимнинг ҳурматидин никоҳлаб бериб эрди. Ҳусайн Бойқаро мирзони мен Шайхзода Пир Қавом бирлан қайноталари Султон Санжар ҳузурига мактуб бирлан жўнатиб эрдим. Мактубга жавоб келтироқ ул ёқда турсун, ўзи ҳам қайтмади, номард! Қайнотасининг кутқусига учиб, Марвда қолган эрмуш. Марв, Моҳон ва Жом вилоятларини Султон Санжарга қиблағоҳимиз суюргол қилгани, ёдингиздаму?

– Эсимда... Шундай... – дея тасдиқ ишорасида бош иргади Алишербек. У Ҳиротда юз берадиган ҳодисалардан унча-мунча хабардор бўлса-да, воқеаларнинг бу қадар чигаллашганини тасаввур қилмаган эди. Ҳаёллари остин-устун бўлганича, ўзининг ҳам ахволи шаҳзоданикidan қолишмаслигини англади. Абулқосим Бобур мирзо билан кечирган охирги кунлар ёдига тушди...

Байроқларига ғалаба оятлари битилган зафар нишон мавқаб йўлга отланганида зулқаъда ойининг учинчиси эди. (милод. 1456 йил 3 октябрь) Машҳади шарифнинг шаҳар ичкарисидаги Оқсарой чоҳарбогига келиб қўнгланларида ой ўн тўрт кунлик бўлган, шаҳарнинг мўътадил ҳавоси салқин тортиб, яшилга бурканган боғчалар қизғиши ва заъфарон тусга кира бошлаган эди. Куввати танасига сиғмаган навқирон йигитлардай тўлиб-тошиб оқаётган анхорлар ҳам ёши ўтган баҳодирлардай попуги пасайиб қолган, аввалги мавжлари йўқ, эринчоқлик билан жимирилаб, сокин оқарди. Ҳазонрез боғлар хукмронлиги қарғаларга ўтган. Уларнинг баланд ва ноҳуш овози узоқ-узоқлардан ҳам эштилар, ҳар-ҳар замонда кўм-кўк, булутсиз осмонда иссиқ ўлкаларга учайдиган күшларнинг галаси пайдо бўлиб қолар ва зум ўтмай, яна осмон қаърига сингиб кетарди.

Абулқосим Бобур мирзо эртаси куни ёқ Хуросон Султони Имом ар-Ризонинг муборак мақбаралари зиёратига бориб, ул олий остона гардларини кўзларига тўтиё этгач, раият ахволи ва вилоятлардаги дехқончилик ишларининг бориши билан машғул бўлди. Фалла-ю дон-дуннинг чўғи баланд, ем-ҳашак бу йил ҳар йилгидан ҳам мўл, баҳор яхши келгани боис, кузнинг ҳосилдорлиги ортган, ўтин-чўп фамланиши ҳам қўнгилдагидай, раият елкасидаги қишининг ташвиши енгиллашган эди. Хотиржам тортган Абулқосим мирзо кўнглига күшломиший-ов гаштини сурмоқ иштиёқи тушди ва Родикон ноҳияси томон йўл олди.

Родикон ўзининг мўтаъдил қиши билан Хуросон ўлкасида маълум ва машхур эди. Бу ерда кечаларни ҳисобга олмагандан, совуқ деярлик бўлмас, ҳаво худди баҳор мавсумидаги каби бир маромда турар, оқшом тушиши билан бироз изғиринли шамол эсса-да, унинг жунжиктирувчи ели бир пасда илиқ ҳаво билан алмашарди.

Бобур мирзо Лахшак тоғи ён бағирларига чодир қурдириб, уламою фузало ахлини чорлатди ва аъёнлару амирлар иштирокида улкан базм қурдирди. Базмда сабзаворлик ирфон даражаси олий дарвеш Бобо Али, валий Шайх Садруддин ар-Равосий, хоразмлик дарвеш Узун Сўфи, шоир Камолиддин Биноий, Хуросоннинг номдор ҳофизи Ҳожа Абдуллоҳ Марворий, Алишербек ва Ҳусайн Бойқаронинг устозлари Сайид Ардашербек ҳамда Абдураҳмон Жомийлар ҳам иштирок этишмоқда эди. Бобур мирзо ўзи шеър ёзгани учунми ёки шеъриятга ихлоси баландлигиданми олий мажлисда, албатта, мушоирага вақт ажратар, шоирларга кўшилиб, ўзи ҳам шеър ўқирди. Ўша куни ҳам мушоира роса қизиди. Абдураҳмон Жомийдан кейин навбатни Алишербекка беришди. Алишербек бир кун илгари коралаган ғазалини ўқигач, ҳамма олқишлиди, биргина валий Шайх Садруддин ар-Равосий ҳазратлари бошини эгиб олганича, кўзёшларини артарди.

– Бул йигитнинг ғазалларидин авлиёликнинг хиди келаётир... – деди нихоят мажлис аҳлига.

Шаҳодат ИСАХОНОВА

Валий Шайх Садруддин ар-Равосийнинг оппоқ соқолли юзларига ҳайрат қалқан, қовоқларига ботган қиргий кўзлари ёнар, ҳаяжонини босолмасди.

– Бул йигитни, бул истеъдодни асрамоқ керак! – деди ниҳоят тилга кириб валий Абулқосим Бобур мирзога ўтирилганича – Олампаноҳ, салтанатингиз довругини дунёларга ёйгучи бир қалом соҳибини кашф этганингиз бирлан қутлаймен! Бул йигитни ўз зурриёдингиз киби парваришлангки, меҳнатингиз мевалари чунон ларzon бўладур...

Лекин бандасининг айтгани эмас, Худонинг айтгани бўлади деганларидек, Яратган Эгам валийсининг ҳам тилагини ижобат этмади. Бобур мирзо Алишербекни парваришилаши у ёқда турсин, ўзининг ҳам дардига даво тополмай, бир ой ичида гулдай сўлиб, жонини Жабборга топшириди. Табиблар ҳам ҳеч нарса қила олишмади. Бирор “захар беришган” деди. Бирор ичқиликнинг оқибатига йўйди. Табиблар ичқиликка ружу қўйган Бобур мирзога бир йил нарида шароб ичишини маън килишган, шундан бери шаҳзода шаробу майни оғзига олмаётган эди. Ов пайти севган лочини оқ шунқор унинг тирноғига зарар етказгач, оғриқ азобидан кутулиш учун яна ўзини шаробга урди... Кимлардир эса Бобур мирзо олти ой нарида уйланган малика, “Канизак Султон бегим эрининг қарғиши урган”, деб тусмоллади. Канизак Султон бегим хоннинг қизи бўлиб, гўзалликда офтобни уялтирас даражада латофатли, нигоҳининг ғамзаси дилни пора-пора қиласди. Қувваи ҳофизасининг сехридан тоғлар ларзага тушиб, қўнғирокни эслатувчи кулгуси ўликни тирилтиради. Лекин унинг эри бўлиб, ул йигит ҳам хотинининг савдоиси эди. Юрагига ишқнинг оташи тушган Бобур мирзо маҳрамлари орқали бир йил бегимнинг эрининг қўнглини олиб, каттагина бойлик эвазига уни талоққа кўндириди. Шундан бери туну кун у билан йўлдош, бир нафас ҳам ёнидан айрмасди. Фақат жуда зарур пайтлардагина уни ёлғиз қолдиради, шунда ҳам бўш вақти бўлди дегунча, худди уни бирор ўғирлаб кетадигандай, хабар олишга кираради. Ўша куни ҳам Канизак бегимнинг қўлларини қўксига қўйганича жон талашарди.

– Мен ул инсондин розимен... – деди нафаси бўғзига тиқилаётган Бобур мирзо ҳансираф. Канизак Султон бегим Бобур мирзо кимни назарда тутаётганини англаб, кўзларига ёш қуийлди. Бобур мирзо қазосига ишонгиси келмаса-да, ҳолсизланиб, зил-замбил каби оғирлашиб бораётган вужудини руҳи тарқ этаётганини ҳис қилиб, бевакът эшик қоқкан ўлим билан олишарди. У мамотнинг кучига бўйсунгиси келмас, қуввати етгунича қаршилик қилас, худди Канизак Султон бегим олиб қоладигандек, унинг қўлларини қўйиб юбормасди. – Мен сизни севганим учун... Бул ишга журъат этдим... Ўзимни тўхташишга кучим етмади... Номарднинг ишини қилдим... Фақат... Унга айтинг... Мени кечирсин... Сиз ҳам кечиринг... Чунки... Биламен... Сиз ҳам уни севар эрдингиз... Сизга ҳам жабр қилдим... Оллоҳ рози бўлсун сизлардин...

Фалакнинг гардиши шундай терс айланишини қиблиагоҳи Ғиёсиддин Кичкина ҳам туш кўрган эканми, ёки кўнглига келганми, охирги учрашувларида, хайрлашув чоги негадир Алишербекни бағрига босганича, қароғлари ўшланган эди.

– Алишербек, ўғлоним, сиз ота-онангиз бирлан кечирган бул ҳаёт умрингизнинг баҳор фасли ҳисобланадур. Анинг жазирама ёзи, изғиринли кузи, қаҳратон қиши энди келаётир... Бул фаслларда биз ёнингизда бўламизму йукму, буни Оллоҳ биладур. Ёнингизда юрмак насиб этса, суюнчу тиргак бўлурмиз. Насиб этмаса, бул фаслларнинг турфа хил йўлларидин юрмак ўзингизнинг чекингизга тушадур. Тўғри йўлни топмоғингиз учун сизга баҳоли қудрат тўғри тарбия бердик деб ўйлаймен. Зоро, ҳар бир фарзанд улғайгач, ўз йўлини, орзулаган манзилини излайдур ва ўшал

манзил томон интиладур. Излаган йўлингиз, манзилингиз саодатли бўлиши эрса бизнинг орзуимиздур... Юртининг, элининг корига яраган фарзандгина ҳақиқий инсон саналадур! Аслинда, инсонийликнинг асосий таомили ҳам шулдир...

Алишербекнинг хаёлини Гавҳаршод бегим хузуридан қайтган Турконшоҳ бузди. Эшикдан мўралалаётган Турконшоҳга кўзи тушган Шоҳ Маҳмуд ёш болалардай қувониб, унга пешваз чиқди.

Баланд бўйли, елкадор, соқоли калта кузалган Турконшоҳни Алишербек ўнг юзидағи холидан дарров таниди. Доимо кулиб турувчи Турконшоҳ Гавҳаршод бегимнинг ишончли навкарларидан эди. Бобур мирзо вафотидан кейин малика уни Шоҳ Маҳмуд мирzonинг ёнига қўйган ва у энг маҳфий юмушларни бажаарди. Ўттизларни қоралаб қолган бўлса ҳам шамолдай тиниб-тинчимаслиги сабаб баданига эт битмаган Турконшоҳ кўринишдан ёш ўспиринга ўхшар, лекин кучда унга унча-мунча полvonлар бас келолмасди. Қиличу чўқмор кўлида ўйинчоқдай ўйнар, от чоптириб кетаётган пайт ҳам отган камони нишонга тегмай қолмасди. Шоҳруҳ мирзо амирларидан бирининг фарзанди бўлмиш Турконшоҳ ота-онасидан эрта етим қолгани учун уни Гавҳаршод бегим уни ўз қарамогига олган, шаҳзодалар билан улгайган Турконшоҳ ўзини Гавҳаршод бегимнинг ўғлидай тутар, билмаганлар унга шаҳзодалардай муносабат қилишар, билганлар эса маликанинг хурматидан “ҳа-па” дерди.

– Маҳди улё малика бибимиз менинг тирик эрканлигимни билдиларму? – деди эшик оғасининг ортидан ичкарига кирган Турконшоҳга. – Камон ўқининг оғриғига қандай чидаганимни ҳам айтдингизму?

– Айтдим, ҳаммасини айтдим, олампаноҳ! Неки деган бўлсангиз ҳеч бирини колдирмадим! Маҳди улё бибингиз роса хурсанд бўлди! – қўлидаги тугунни бир четга қўйганича, таъзим қилди Турконшоҳ ва Алишербекка кўзи тушиб, салом берди. – Сизларга маликамизнинг бир дунё саломларини келтирдим!

– Раҳмат! – Шоҳ Маҳмуд шундай деганича, Алишербекни кўрсатди. – Алишербек оғамни танидингизму?

– Албатта, олампаноҳ! – Турконшоҳнинг ҳорғин чехрасига табассум ёйилди. – Раҳматли қиблагоҳингиз Бобур мирзо ҳазрати олийларининг шогирдлари Алишербек Навоийни нечун танимай?

– Алишербек оғам бугундин бошлаб менинг салтанатим шоири бўлди! – қувонч билан янгиликни етказди Шоҳ Маҳмуд мирзо.

– Аъло иш бўлибдур, олампаноҳ, Алишербекнинг ғазалларини барчамиз яхши кўрамиз! – деб Турконшоҳ бурчакда турган тугунга ишора қилди. – Маҳди улё бибингиз бериб юбордилар.

– Шул тугунниму, намунча кичкина? – бирдан кайфияти бузилди Шоҳ Маҳмуд мирzonинг ва қовоқлари уюлди. – Мен сизга “Бир қоп олтин” деган эрдим-ку?!

– Мен маҳди улё бибингизга гапларингизни оқизмай-томизмай, айтдим, лек бибингиз индамагач... – Турконшоҳ хижолат чекканича, ер чизди. – Балки орқамдин юборар деб ўйладим...

– Нечун ўйлайсиз? Мен айтдимму, келтиришингиз керак эрди! Олампаноҳнинг ҳар бир гапи навкар учун амр бўлиши керак! – баттар жаҳли чикқан Шоҳ Маҳмуд мирзо энди Симоний ўргатган гапларни такрорлаб, танбех бера бошлади. – Балки гапларингиз малика бибимизнинг хаёлларидин кўтаришгантур, сиз эрса, эслатишингиз керак эрди. Чунки малика бибимиз қариган, ёхуд яна бирор сабаби ҳам бўлгандур?

Шаҳодат ИСАХОНОВА

– Олампаноҳ, тугунни очиб кўрайлик-чи... – уларнинг суҳбатига қўшилди Алишербек. – Чунки маҳди улё маликамизнинг хаёлларидин хеч бир нарса фаромуш бўлмайдур. Балки сабабини мактуб орқали билдиргандурлар. Балки Турконшоҳ оғамиз айтганлариdek, орқаларидин юборишар. Чунки ҳозир Ҳиротда вазият қалтис. Балки Абусаид мирзо Боги Сафидга ҳам айгоқчилар қўйгандур?

– Мактуб ёзсалар кўлларига берур эрди! – қайсарланди шоҳ Маҳмуд мирзо.

– Ҳа, чиндан ҳам ўзимга берур эрдилар... – мулзам тортган Турконшоҳ Шоҳ Маҳмуд мирзонинг фикрига қўшилди. – Тугундаги чопон бирлан кийим-кечак, менимча?

– Товба, бул ёғи ёз бўлса, ёзда чопонни нима қиласен? – Шоҳ Маҳмуднинг қизил ёноқлари баттар ловуллаб, кўзлари кинояли чақчайди.

– Майли, кўрайлик-чи, кўрганга ҳақ тўламаймиз-ку! – Алишербек тугун ёнига боргач, Шоҳ Маҳмуд мирзога савол назари билан қаради. – Очишимга рухсат берасизму, олампаноҳ?

Шоҳ Маҳмуд мирзо жаҳлдан тушгиси келмаса-да, боши билан “очинг” ишорасини берди.

Тугун ичида чиндан ҳам иккита кўйлак, иккита хильъат ва битта пахта солиб қавилган кўк сидирға чопон бор эди.

– Чопоннинг аҳволини қаранг? – жигибийрони чиқсан Шоҳ Маҳмуд мирзо чопиб келиб, чопонни тепиб юборди. – Шул чопонни мен кияманму, Алишербек оға? Бул чопонни ҳатто гадолар ҳам киймайдур! Волидам айтганларидай, малика бибимизнинг ақллари ростдан ҳам тутилибдур!

– Бир лаҳза, олампаноҳ, бунда бошқа гап бўлиши мумкин! – волидасининг бир гал ўзига худди шу тарзда маблағ юборгани эсига тушган Алишербек чопонни қўлига олиб, секин ўнгирларини, енгларини ушлаб кўра бошлади ва қўлтигининг остига келганда юзи ёришиб, Шоҳ Маҳмуднинг олдига келди. – Мана сиз сўраган маблагингиз, олампаноҳ! Фақат уни олиш учун қайчи керак!

– Тезда қайчи келтииринг! – Шоҳ Маҳмуд мирзо Турконшоҳга шундай деди-ю, лекин бир қоп олтин чопонга қандай қилиб жо бўлганини ақлига сифдиролмай, Алишербекнинг ёнига ишонқирамай келди. Унинг қўлидаги чопонни олганича, ўша жойини пайпаслаб кўра бошлади.

– Бунлар кичкина нарсалар-ку?! – бирдан яна кайфияти тушиб кетди Шоҳ Маҳмуд мирzonинг ва йиғламоқдан бери бўлиб, чопонни отиб юборди. – Мен малика бибимизга бир қоп олтин деган эрдим... Билурсиз, навкарлар улуфасиз жангга киришмайдур... Бул ахволда яна Султон Иброҳим мирзодин енгиламен ва яна энг яхши амирларим анинг қўшуни томонга ўтиб кетишадур! Демак, малика бибим атай менга ёрдам бермаётирлар! Алар Султон Иброҳим ғолиб бўлишини истаётирлар! Волидам ҳақ, алар қиблагоҳимдин кўра, Алоуддавла амакимизни яхши кўрар эрканлар! Шунинг учун ҳам кўпроқ Султон Иброҳим мирзога қайшаётирлар!

– Олампаноҳ... – Алишербек фигони фалакка чиқаётган Шоҳ Маҳмудга ётиғи билан тушунтиришга уринди. – Бундаги нарсалар олтин эрмас, менимча олмос тошлар. Бунча олмоснинг эрса қиммати ўн қоп олтиндин ҳам ошадур!

– Ростданму? – халиям унчалик ишонмаётган Шоҳ Маҳмуд Мирзо энди тоқатсизлик билан қайчини кутаркан, қизиқиши устун келиб, чопон қатига тикилган тошларни санай бошлади.

– Мана қайчи, олампаноҳ! – юзи ёруғ бўлганидан суюниб кетган Турконшоҳ ичкарига югуриб кирди. – Келинг, ёрдам берамен!

– Йўқ, ўзим... – унинг қўлидаги қайчини юлгандай қилиб олган Шоҳ Маҳмуд Мирзо чопоннинг авра томонинидан қирқишига тутунди.

– Олампаноҳ, астар тарафидин кесинг, шунда чопонга ямоқ тушмайдур, – огоҳлантириди Турконшоҳ.

– Қайси томондин кесганимнинг нима аҳамияти бор? – деди Шоҳ Маҳмуд Мирзо. Унинг овози сокинлашиб қолган эди. – Барibir бул чопонини киймаймен!

– Биз ани қўзга суртиб киямиз, олампаноҳ, қаранг, пахталари қандай қалин! – деди Турконшоҳ чопоннинг астар томонини ағдараркан. – Изгиринда жонинг ҳузури-ку!

Олмос доналари алоҳида латталарга тикилиб, кейин пахталар орасига қўйиб қавилган экан. Уни қирқиб олгунича Шоҳ Маҳмуд мирзо қора терга тушиб кетди. Охири қайчини Турконшоҳга узатди.

– Бўлди, ўзингиз қирқинг! – у қайчи қизартирган бармоқларини силаб, Алишербекнинг ёнига келди. – Малика бибимизнинг ақлларига энди қойил қолдим! Бундай ноёб фикр каллаларига қандай келди эркан-а?! Менинг ақлимга икки дунёда ҳам келмас эрди. Иннайкейин, ҳозир яхшиям сизнинг борлигингиз, йўқса, мен бул чопонни жаҳл бирлан дарвешларга бериб юборар эрдим. Чин сўзим, сизга ҳам қойил колаётирмен, сиз нафақат шоир, балки жуда ақлли одам эркансиз, Алишербек оға! Сизни шоирим эрмас, вазирим қилиб тайинлаймен, розимисиз?! Менинг ёнимда ана шундай ақлли, топқир вазир бўлиши керак! Қаранг, сиздан ёши қанча катта бўлатуриб шунга Турконшоҳ оғамнинг ақллари етмади. Ҳукмдор бўлиб менинг ўзим ҳам билмадим. Лекин сизнинг ақлингиз дарров етди.


– Астағифиуллоҳ, жуда унчаликмас... – мақтовдан хижолат чеккан Алишербек қизариб кетди. – Менинг волидам ҳам маблағни карвон орқали баъзан шундай тарзда юборар эрдилар.

– Волидангиз ҳам ақлли аёл эркан! – деди Шоҳ Маҳмуд самимий оҳангда ва гапининг охирида қўшиб қўйди. – Демак, эртадин эътиборан сиз менинг вазиримсиз! Бугун эрса, бориб, юкларингизни йигиштириб, тахланг. Эртага яшаяжак уйингизни кўрсатишадур ва кўчириб кўйишадур!

– Ташаккур, олампаноҳ! Умрингиз зиёда бўлсун! – Алишербек миннатдорчилик билдириб, таъзим қилди, лекин “хўп” ҳам демади, “йўқ” ҳам демади, хайрлашиб чиқиб кетди.

Яна Оллоҳнинг айтгани бўлди. Ўзича янги режалар тузган Алишербек эртаси куни мадрасадаги кўч-кўронларини йигиштириб, кўчишига тайёр қилгач, Оқсаройга йўл олди. У етиб келганида сарой хувиллаб ётар, қолган-кутган хизматкорлар ҳовлини йигиштириш билан овора эди. Унинг саволига ҳеч ким жўяли жавоб беролмади. Фақат кетар чоғи дарбоза коровули уни таниб қолди, шекилли, орқасидан чиқиб, “Олампаноҳ Сеистон вилояти томон йўл олдилар... Фақат... Мендин эшитганингизни ҳеч ким билмасун...” деди шивирлаб. Тарвузи кўлтиғидан тушган Алишербек кеча илҳом билан ёзган байтларини маҳзун такрорлаб ортига қайтди...

Давоми бор.



Натан Маллаевнинг муҳташам яратиги

**Абдулла
УЛУГОВ**

Атоқли адабиётшунос Натан Маллаевнинг “Ўзбек адабиёти тарихи” китоби XX аср 60-йилларидан бўён мамлакатимиз ижтимоий-маданий ҳаётида алоҳида ўринга эга бўлиб келмоқда. Илк чоп этилган пайтидан бошлаб, мактаб ўқувчилари, олий ўқув юрти филолог ва журналист талабалари учун муҳим қўлланмага айланган мазкур китоб бир неча авлоднинг ўзбек адабиёти тарихи тўғрисидаги дастлабки тасаввурини шакллантира олди, десак муболага қилмаймиз. Чунки мазкур китоб ўзбек адабиётининг қадим ва бой тарихи билан бирга, унинг жаҳон адабиётида нақадар муҳим мавқега эга эканлигини ҳам ҳар жиҳатдан асослаб, кўрсатиб бера олган саноқли қўлланмалардан бири хисобланади.

Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор, адабиётшунос ва таржимон Натан Муродович Маллаев томонидан ёзилган “Қардош ҳалқлар адабиёти” (1965 йил), “Ўзбекистон адабиёти тарихи” (ўрта мактаблар учун, 1953–1972 йиллар.) китоблари каби “Ўзбек адабиёти тарихи” (университет ва педагогика институтлари учун, 1953–1965 йиллар) дарслиги ҳам қайта-қайта чоп этилган.

Ўзбекистон олий ўқув юрти талабалари таълими ва амалиётидан мустаҳкам ўрин эгаллаган мазкур дарслик илк бор 1963 йил ўқувчилар қўлига етиб борган бўлиб, унинг ҳар бир қайта нашри муаллиф томонидан тўлдирилиб, мукаммаллаштирилган.

Албатта, дарслик совет замонида ёзилгани учун унда шўро мафкураси талаблари ҳам ўз ифодасини топган. Бу дарслик ифода тилида ҳам акс этгани учун ҳозирги замон ўқувчисининг ғашини ҳам келтириш мумкин. Масалан, муаллифнинг ўзбек адабиёти тарихи фани тўғрисидаги: “Ўзбек адабиёти тарихи ўзбек ҳалқининг қадим замонлардан бошлаб, ҳозирги кунга қадар яратган бадиий адабиётини ўз

Абдулла УЛУГОВ – филология фанлари номзоди, профессор. 1960 йилда тугилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини татомонлаган. “Қиссанчиликимиз қирралари”, “Инсон ибратга интилади”, “Асл асарлар сеҳри”, “Қалб қандили” китоблари, “Адабиётшуносликка кириши”, “Туркий ҳалқлар адабиёти” ўқув қўлланмалари, “Адабиётшунослик назарияси” дарслиги нашр этилган.

ичига олади. Бу адабиёт бир-биридан тубдан фарқ қилувчи икки даврга: Улуг Октябрь социалистик революциясигача бўлган давр ва Октябрь революциясидан кейинги даврга бўлинади. Октябрь революциясигача бўлган ўзбек адабиёти антагонистик синфий жамиятда вужудга келган, антагонистик синфий жамиятнинг зиддиятлари билан бирга яшаган адабиётдир. Бу адабиёт бир-бирига қарама-қарши бўлган реакцион ва прогрессив оқимлардан – эксплуататорлар манфаатига ёки ҳалқ оммаси манфаатларига хизмат қилган оқимлардан иборатдир. Ўзбек адабиёти тарихи бир-бирига қарама-қарши бўлган адабий оқимларнинг кураши тарихидир” (Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб (XVII асргача). Кайта ишланган учинчи нашри. Университетларнинг филология факультетлари ҳамда педагогика институтларининг тил ва адабиёт факультетлари учун дарслик. – Тошкент: “Ўқитувчи” нашриёти, 1976. – 664 б. – 5-бет) каби жумлаларнинг ўзидаёқ ўша давр талабини ифодалаганини кўриш мумкин.

Натан Маллаевнинг мазкур китоби қайта-қайта нашр этилиб тургани учун ҳам ўша пайтдаги бошқа фан дарсликлири ўртасида рекорд натижага эришган китоблардан бири ҳисобланади. Негаки Натан Маллаев ўзбек адабиёти тарихи бўйича дастур, мажмуя, дарсликлири ҳамда мазкур ўкув курси хусусидаги мулоҳазалари, қарашлари орқали барчани бирдай қаноатлантира оладиган олтин ўрталиқни танлаган. Шу билан бирга, ҳар бир фикрини асосли, аниқ мисолларга бой ва чукур мантиқий таҳлил асосида тақдим этган.

Ижтимоий ҳаёт, ундаги маданият, санъат ва адабиётни фақат мафкуравий нуқтаи назардан туриб тушунтиришни талаб этувчи совет даврида инсон қалбан, маънан динга нисбатан ўзида эҳтиёж сезиши, дин инсоният учун керакли ва зарурий дастур эканлиги, у кишиларнинг дунёқараши шаклланиши, ҳар бир одам маънан-руҳан улгайиши, жамиятда ижтимоий муносабатлар юзага келишида муҳим асос, пойдевор эканини тамоман инкор этиш оддий бир ҳол эди. Аммо Натан Маллаев “Дин – ҳалқ учун афъюн. Дин – жамият учун заарли” фояси байроқ қилиб олинган шундай зиддиятли тузум, кескин қарама-қаршиликларга тўла замонда ҳам ўзбек адабиётига бўлган муҳаббатини заррача камайтирган тарзда Мовароуннахр замини тарихидаги ўзгаришларни зукколик билан идрок этиб, ўзбек адабиётидан англаган ҳақиқатларини саховат билан барчага тақдим эта олди.

Натан Маллаев мазкур дарслигига ўтмишдаги ўзбек адабиёти билан бирга, ўз яшаётган давр адабий ҳаёти манзарасини белгилайдиган асарларнинг умумий ва фарқли жиҳатларига доир бир неча мисолни тақдим этади. Бу эса унинг ижтимоий давр воқелиги ва мавжуд адабий жараённи донолик билан идрок этганини кўрсатади. Дарсликдаги Маҳмуд Кошгариј, Алишер Навоий, Бобур каби ижодкорлар асарлари таҳлили ва талкинида ҳам улар яшаган замондаги шоир ва адиблар ижодини ўзига хос тарзда зукколик билан ёритади.

“Ўзбек адабиёти тарихи”да, шу турдаги аксарият китоблардан фарқли ҳолда, миллий сўз санъати намуналарига уларда умуминсоний қадриятлар қай даражада улуғланганидан келиб чиқиб ёндашилади. Асарларнинг мавжуд давр адабиётидаги ўрни кўрсатилиб, замон учун аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Муаллиф эътибор қаратган ҳар бир бадијий асаридан бир-бирини тўлдирадиган, бири бошқасини бойитадиган шундай ибратли, салмоқли, сермазмун хусусиятлар топадики, аллома адабиётшуноснинг синчковлиги ва зукколигига тан бермай илож йўқ. Натан Маллаев ушбу дарслигига барчага: “Ўтмишни унутманг! Мумтоз адабиёти мутолаа қилинг! Аввал битилган асарларга бефарқ бўлманг!” деб мурожаат

Абдулла УЛУФОВ

этгандай туюлади. “Девони луготит турк”, “Кутадгу билиг”, “Мухаббатнома”, “Хазойин ул маоний”, “Бобурнома” сингари асарлар бағрида яшириниб ётган фалсафий маңноларни топиб, ўқувчиларига тақдим этаркан, уларни ҳам шунга ундаиди. Бу эса муаллифнинг “Ўзбек адабиёти тарихи”ни қалб қўри, ўзбек халқига меҳри изҳори сифатида яратганини билдиради.

Натан Маллаев мазкур дарсликда ўзбек адабиёти тарихи фани, унинг тараққиёт босқичлари, ўзбек адабиёти ўрганилишининг ўзига хос жиҳатлари, ўзбек халқининг бошқа халқлар билан ижтимоий-маданий ҳамкорлик алоқалари, оғзаки ва ёзма адабиёт хусусиятлари, миллӣ миф ва афсоналар аҳамияти, улардаги образларнинг узоқ замонлардан буён яшаб келиши сири, меҳнат, маросим ва қаҳрамонлик қўшиқларининг мазмун моҳияти, қадимги ёзма ёдгорликларнинг тарихий-маърифий хусусияти ва адабий қиммати, давр маданий ҳаёти, замоннинг машҳур сиймолари фаолиятини чуқур билимдонлик билан тушунтиради.

Дарслидаги Навоий, Бобур ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар, ўз-ўзидан аён, ҳар бир кишининг кўнглида муаллифга нисбатан чуқур ҳурмат ва эҳтиром ҳиссини уйғотади. Мана шу таъсирнинг ўзиёқ “Ўзбек адабиёти тарихи” китоби муҳим амалий аҳамиятга эга бўлишдан ташқари, Натан Маллаевнинг энг муҳташам яратиғларидан бири эканлигини билдиради. Муаллиф мазкур китоби орқали ўқувчиларни Аҳмад Ясавий, Лутфий, Навоий сингари сиймолар халқнинг ғам-ташвишини ўйлаб қийналгани, хукмдорлар, амалдорларнинг шахсий манфаати, ўз майшати йўлида одамларни алдаб, зулм ўтказишидан азобланиб яшагани билан яқиндан танишитиради.

Китобда эътибор қаратилган қайси муаммо бўлмасин, муаллиф унинг хусусида жиддий фикр юритиш асносида турли фактларни таққослаб, мавзу юзасидан теран хулоса чиқаради. Ўзбек халқи қадим маданиятга эга эканлиги, бу миллий адабиёт тарихан бой, мазмундор ва инсонпарварлик руҳига йўғрилганини ёритиб бериш дарслик мақсади марказида туради ҳамда унинг асосий ғоясини белгилайди. Бу жиҳат эса мазкур китобнинг ҳам бугунги, ҳам келгусидаги қадри ва аҳамияти ошишида муҳим омил бўла олган.

Натан Маллаевнинг мазкур китобдаги Хоразмий, Кутб, Сайфи Саройи, Дурбек, Ҳайдар Хоразмий, Атойи, Саккокий, Лутфий, Навоий, Бобур шеърияти тўғрисидаги таҳлилий мулоҳазалари, Шарқ мумтоз адабиёти мавзу доирасининг ўзига хослиги тўғрисидаги фикрлари кишини ўйлантиради. Масалан, Шарқ, жумладан, ўзбек мумтоз адабиётида маъшуқа, маъшуқнинг қадди-қомати, юзи, кўзи, қоши, сочи, либоси, юриш-туриши, хатти-харакати, қарашлари, имо-ишоралари гўзаллиги, кўркамлигини таърифлаш, мадҳ этиш узоқ замонлар давомида асосий мавзу ҳисобланган. Мусулмон Шарқ шеъриятида узоқ асрлар мобайнида устувор бўлиб келган, барча шоирлар ижодининг асосини ташкил этадиган бу анъанавий мавзу марказида гўзалликда ягона, соҳибжамолликда танҳо маъшуқнинг бевафолиги, ваъдасида турмаслиги, аҳдига амал қилмаслиги, маъшуқнинг рақибларига юзланиб, илтифот кўрсатиши, уларга хайриҳоҳлик билан қарashi, аксинча, маъшуқаси васлига этиш ниятида ўт бўлиб ёнган, жонидан кечишга тайёр турган садоқатли ошиқка муттасил жабру-жафолар қилиб, ҳижрон азобига ташлагани баёни туради. Бу бир хиллик эса материалистик дунёқараш билан яшайдиган глобаллашув даври одамларига унча хуш келмайди, уларни қаноатлантирмайди. Мусулмон Шарқ мумтоз шеърияти, унинг ажралмас қисми ўзбек мумтоз шеъриятида бевафо ва жафокор маъшуқа гўзаллигининг муболагали мадхи, севги-муҳаббат бобида

садоқатли, маъшуқасининг илтифоти, меҳри, лутфидан маҳрум, висолга ташна ошиқ аҳволи таърифи асримиз одамлари учун ғоят чучмал, баландпарвоз, ялтироқ, сунъий бўлиб тумолади, уларни ғашлантиради. Айни ҳолат ўтмишдаги аждодлар ва ҳозирги одамлар дунёқараши, дидидаги туб ўзгаришлар адабиёт ва санъатни англаш, тушуниш, унга ёндашишдаги кескин фарқли жиҳатлардан келиб чиқади.

Аммо Натан Маллаевнинг дарслерининг яратишдаги юксак профессионал маҳорати туфайли ўзбек адабиёти ижтимоий ҳаёт ифодасигина эмас, балки миллий маданиятнинг муҳим бўлгаги сифатида талқин этилади. Ўзбек ижодкорларининг турли давр ва тузумлар мураккабликлари, замоннинг ўзига хос зиддиятларига қарамай сакланиб қолган ўз миллий дунёқараши, борлиққа муносабати, қарама-қаршиликларга нисбатан ички оламидаги түғёнлар таъсирчан тарзда шаффоф ифодалаб берилган. Шу сабабданadir мазкур дарслерининг яхши андоза вазифасини ўтаб келмоқда, Бу эса унинг келгусида ҳам қадри янада ортиб бориши, шу йўналишдаги дарслерининг қўлланмаларни баҳолашда мустаҳкам мезон сифатида ҳизмат қила олишини далолатлади.

Натан Маллаев ўзининг барча дарслерин, ўкув қўлланма ва бошқа тадқиқотларида жуда кўплаб бирламчи манбаларни таққослаб, таҳлил этиш асносида, ўзбек адабиёти жаҳондаги энг юксак маърифатли адабиётлар сирасига киришини асослаб бера олган. Олимнинг, ушбу дарслигини ташқари, Алишер Навоий ижодини ўрганиш ҳамда мумтоз адабиёт ва ҳалқ оғзаки ижодининг ўзаро таъсирини тадқиқ этишга қаратилган “Улуғ шоир ва мутафаккир” (1969), “Навоий ижодининг ҳалқчил негизи” (1973), “Сўз санъатининг гултожи” (1991) ёки “Абулқосим Фирдавсий” (1962) монографиялари, Садриддин Айнийнинг “Қисқача таржимаи ҳолим”, Фирдавсий “Шоҳнома”сининг 2 жилдан иборат насрой таржимаси, Мажлисий (“Қиссаи Сайфулмулк” достони), Алишер Навоий рубоий, туюқлари ва лирикаси, Алишер Навовий асарларининг русча 10 жилди нашрини (5–10 жиллар, 1968) тайёрлашдан тортиб, олий ўкув юртлари ва ўрта мактаблар учун дастур ва хрестоматияларини (1952–1974) тузишдаги иштирокининг ўзиёқ унинг улкан салоҳиятидан дарак беради.

Шу боис унинг ёзганлари узоқ йиллардан бўён барчанинг диққатини жалб этиб келмоқда, Бу қизиқиш ҳеч бир сўниш, пасайишсиз келгусида ҳам давом этади. Натан Маллаевнинг “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигининг қайта ишланган учинчи нашри 42 босма табоқ, 674 бетдан иборат бўлиб, унинг ҳар бир саҳифасидан муаллифнинг ўзбек адабиётини ғоят қадрлаши ва у бу адабиётнинг муҳим аҳамиятга эга бой тарихини кўрсатиб беришни ҳаётининг асосий мақсад қилиб олгани яққол кўринади. Мулоҳазалари, илгари сурилган қарапарларида адабиётшунослик ва педагогиканинг энг муҳим хусусиятларини мужассамлаштирган зукко адабиётшуноснинг ўткир нигоҳи муҳрлангани кўринади.

Асосийси, муаллиф миллий маданиятимизнинг таркибий қисми бўлган ўзбек адабиёти тарихини ёритишида бирламчи манбаларга таяниб иш тугагани, мазкур китоб яратишида кўплаб қўшимча материаллар ўрганиб, текшириб чиққани, уни ўша пайтлардаги мавжуд илмий тадқиқотлардан уччалик қаноатлантирумаганини яққол билдиради. Бу муҳташам манбада муаллиф ўзбек адабиёти тарихини муфассал ёритиш борасида талайгина режалар тузгани, тарихнинг ўзига хос мураккабликларини тасаввур қилишга кенг йўл очгани, дарслерини чинакам иштиёқ ва ғайрат билан ишлагани, фойдаланилган манбаларнинг муҳим

Абдулла УЛУФОВ

жиҳатларини аниқ исботлаб кўрсатиб, улардан чуқур мантиқка асосланган салмоқли хулосалар чиқарганини ҳам кўриш мумкин. Шу боис бу китоб XX – XXI аср оралиғида Ўзбекистонда яратилган энг яхши дарслклардан бири сифатида эътироф этилишга ҳақли. Чунки ўзбек адабиёти тарихига доир тадқиқотни юзаки, сунъий, соҳта, майда билим билан ёзиб бўлмайди. Бу мавзуда дарслк яратиш эса янада мураккаб ва оғир меҳнат талаб этади. Бундай масъулиятли ишга қўл уриш учун киши улкан билим ва иқтидордан ташқари, бунга маънавий ҳақли ҳам бўлиши керак. Натан Маллаев шундай оғирликни ўз бўйнига ола билган, бутун куч-кувватини сарфлаб, вижданан ишлаб, бор қобилият ва иқтидорини бир нуқтага йўналтира олгани билан ҳам ҳамиша эҳтиромга муносибидир.

Муаллиф ушбу китобида мусулмон Шарқ мумтоз адабиёти хусусиятларини ўзбек адабиёти тарихи заминида ёритади. Ҳар бир давр адабиёти манзарасини белгилайдиган ғазал, рубоий, туюқ, қасида, достонларга шеъриятдан жозиба изловчи ўқувчи нигоҳи билан қарайди. Бир-бири билан боғлиқ шу каби кўпдан-кўп ижобий жиҳатлар туфайли “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслиги умри узоқ тадқиқотлар қаторидан ўрин эгаллаб келади.

Натан Маллаев бўйи хўйп баланд, гавдаси йирик киши эканлиги боис ҳайъатларда турганида ҳам, кўчада кетаётганида ҳам ҳаммадан ҳайбатли кўринар, ўзига маъқул фикрни эшитганида эса чехрасига болаларникига ўхшаган бегубор табассум қалқиб чиқар, шунда беихтиёр кўз ости билан атрофига ўқтин-ўқтин синчиклаб қараб қўярди. У ўзининг салобатли эканини сезар, вужудида атрофдагиларга дабдурустдан таъсир ўтказа олиш қуввати борлигини пайкар, кимдир ўзи тўғрисида гапираётганини сезганида кўзлари порлаб, юзида хушнуд табассум ярқиради. Ўзи ҳақида баланд-паст, ёқмайдиганрок гапларни эшитиб қолганида ҳам ҳар доимгидек бошини қуий солганча майин илжайиб қўярди. Олимнинг мана шу ҳолатидан ҳам киши ҳавасини келтирадиган аллақандай салобат, виқор ёғилиб турарди. Бу улуғворлик унинг ички дунёсидаги ўзига бўлган ишонч ва чуқур ақл-тафаккуридан сизиб чиқарди. Умуман, Натан Муродович Маллаев чин аллома, доно инсон бўлганлиги туфайли уни эслаш, хотирлаш ҳам кишига аллақандай хузур бағишлади.

Натан Маллаев ўзбек мумтоз шеърияти намуналари, айниқса, Навоий ва Бобур шеърларини фавқулодда таъсирчан ва ифодали қилиб ўқир, “Хамса”, “Хазойин ул маоний”, “Бобурнома” муаллифлари ижодига бағишлиланган телекўрсатувларда бот-бот иштирок этарди. Унинг, айниқса, “Кеча келгумдир дебон...”, “Сочининг савдоси...” каби ғазалларни ўқиши ҳаммага манзур бўлар, унинг бўғиқ, салобатли овози барчанинг қалбини тўлқинлантириб юборарди. Унинг забардаст овози Шарқ шеъриятидаги мунг, изтиробни янада кучайтириб тақдим этарди.

Аллома адабиётшуноснинг дарслк, ўқув қўлланмаларида, Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Абдураҳмон Жомий каби Шарқ мутафаккирлари ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги мақолаларида, “Низомий Ганжавий мероси ва унинг маърифий-тарбиявий аҳамияти”, “Асрлар эътирофи ва таъзими” каби тадқиқотларида Шарқ шеърияти ижтимоий турмушнинг турли муаммолари билан бевосита боғлиқ ҳолда таҳлил қилинган. Натан Маллаев Алишер Навоий, Бобур каби ўзбек адабиёти намояндалари ижоди теран фалсафага йўғрилгани тўғрисида мароқланиб мулоҳаза юритади. Бу хусусдаги макола ва рисолаларида унинг “Хазойин ул маоний”, “Хамса”, “Бобурнома”дан доим мутаассир бўлиб, илҳомланиб келгани яққол билинади. Олимнинг “Алишер Навоий ва ҳалқ

ижодиёти”, “Сўз санъатининг гултожи”, “Гениал шоир ва мутафаккир”, “Навоий ижодиётининг халқчил негизи”, “Сўз санъатининг гултожи” каби мақолалари ҳам бунинг исботи бўла олади.

Ишонаманки, “Натан Маллаевнинг ёзганлари ичида энг заифи қайси?” деб сўралса, бу саволга жавоб бериш ҳар қандай адабиётшуносни мушкул ахволга солади. Негаки алломанинг дарслик, қўлланма, монографияларида мавзуси шу қадар чуқур ёритиладики, уларнинг ҳар бирида 1948 йилда Мақсад Шайхзода раҳбарлигида “Шермуҳаммад Мунис хаёти ва ижодий мероси” мавзусида номзодлик диссертацияси ёқлаган тадқиқотчининг ёрқин истеъоди барқ уриб туради.

Мазкур муҳташам дарслик, юқорида қайд этилганидек, бир умрга татийдиган юксак мақсад билан яшаган муаллифнинг қўл урган ишига сидқидилдан киришгани, шунинг учун унинг барча мулоҳазалари бир-бири билан мантиқан боғланиб, содда ва тушунарли тарзда ифодаланганини намоён этади.

Аллома адабиётшунос Натан Муродович Маллаев таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан олий ўқув юрти филология факультети талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслиги филология фанлари доктори, профессор Ҳамидjon Ҳомидий ва филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент Озода Тожибоева муҳаррирлигида қайта чоп этилди. Ўйлаймизки, бу нашр келгуси авлодларнинг ҳам ўзбек мумтоз адабиётига қизиқишини кучайтиради.

Натан Маллаевнинг ушбу муҳташам яратиғида фикр тиниқлиги, ифода аниқлиги, таҳлил теранлиги, салмоқли хулоса ярқираб туради. У сўзга эҳтиёткорлик билан ёндашади, исроф қилмайди, сўзларни одамларга манфаат келтирадиган, уларга малол келмайдиган, ғашлантирумайдиган тарзда қўллайди.

Натан Муродович Маллаевнинг “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслиги туфайли ўзбек адабиётшунослиги бир қадам бўлса-да, олга босганини хеч ким инкор этолмайди. Шу боис бу китобдан бир неча авлод баҳраманд бўлди, ҳозир ҳам аҳамияти асло пасаймади.

Натан Муродович Маллаев яхудий миллати вакили бўлса-да, ўзбек халқи, унинг маданиятига умр бўйи чинакам муҳаббат билан қаради. У ана шу самимий меҳри туфайли ўзбек адабиёти тарихи бўйича энг зукко мутахассис бўлиб етишди. Бир умр муаллимлик килиб, талабаларга таълим берган, ўз ҳаётини ўрта мактаб ва олий ўқув юртлари учун ўзбек адабиёти тарихи бўйича дастур, мажмуалар тузиш, дарсликлар яратишга багишлаган улкан педагогнинг ўзбек адабиёти тарихига доир тадқиқотлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларида баён қилинган мулоҳазалари мавзуга тегишли муаммоларнинг энг мухим жиҳатларига эътибор қаратилгани билан ажралиб туради.

Натан Маллаев сингари олимларнинг муттасил ижодий изланишлари туфайли XX асрда адабиётшунослик касб даражасига кўтарилди. Унинг дарсликлари нафақат ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси, балки қадимги дунё тарихи, маданияти бўйича теран тасаввур уйғотиши, тилшунослик, санъатшунослик, фалсафа каби фанлар бўйича чуқур билимни ўзида жамлай олгани боис тасаввурни ойдинлаштириб, кўнгилга ёруғлик олиб киради.

Бўлоқ кўз очди



Тақвимда йўқ кунлар

Эркин
ХОЖИМУҲАММАД

* * *

Сункуржиқ Тойсидек юрт хоинлари
Хилоф иш қилдилар нафақат динга,
Элтутмиш, Қубача – ҳинд ҳокимлари
Карши бирлашдилар Жалолиддинга.

Йироқ кетолмайсан, даҳшатли ҳисдан,
Ачиниш ўйингга бўлаверар ёр.
Эркак бўла туриб ўтмишимизда
Аёлдан ҳам хароб бўлганлар бисёр.

Фалакнинг энг разил, нурсиз ўйини,
Оҳ-воҳлар қисматга фойда бермайди.
Садоқатдан тумор илиб бўйнига,
Хар ким Темур Малик бўлавермайди.

Сувга отилади тарихий сирлар...
“Мени сувга отди, – демай, – ёр, иним”,
Чўкаётган аёл аста пицирлар:
– Юртимизни асранг, Жалолиддиним!

Ишонч оқланмаса куйиб кетар дил,
Энг катта дардлар-ку ўчирилмайди.
“Ватан” деган одам асли Ватандир,
Ватанга хиёнат кечирилмайди...

Эркин ХОЖИМУҲАММАД – 2000 йилда тугилган. Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси. Республика матбуотида шеърлари ёълон қилинган.

Ҳавас

Қилган ишинг поклик, ҳар ниятинг ок,
Бобосўз дуолар сенга бўлиб ёр.
Ибтидойим тупроқ, якуним тупроқ,
Инсон қисмати бу ҳар бир бошда бор!

Кимдир қўл узатган, тутарди қўлим,
У дамлар қайтмайди берсанг ҳам тилла.
Не-не инсон босиб ўтган бу йўлни,
Неча марта кўрдик кўзимиз билан!

Қабрга термилиб кўзга келар нам,
Мени англаш учун кўзларимга боқ.
Ҳавасим келади сенга жудаям,
Бобомни қучоқлаб ётибсан тупроқ...

Ака

Сен дунё кезасан, шукр минг қатла,
Мен уйда Худонинг берган ҳар куни.
Ака, Рассиядан ёзасан хатлар,
Остона Ҳатламай ўқийман уни.

Тошкентнинг тошлари тош бошим билан
Уришиб, кўнглимда дуккиллашади.
– Сен зўрсан! Бос, дейсан! Қўрқмайман сира,
Қўрқувни юракдан юлиб ташладим...

Илҳомнинг отини ўзимман мингандан,
Шеъримни зўр дейсан, – яшавор эркак.
Пишмаган, довчадай гўр шеърларимга,
Сендан ўтар муҳлис бўлмаса керак!

Сен дунё кезасан, шукр минг қатла,
Мен уйда Худонинг берган ҳар куни.
Ака, Рассиядан ёзасан хатлар,
Остона ҳатламай ўқийман уни.

Эркин Ҳожсимуҳаммад янги сўз ишилатиши, шеърлари тафтили, самимиий бўлишга интилади. Энг муҳими, туйғулари тоза, табиий. Шеърлари шўх, ўйноқи, ёруг. Шуниси билан жуда ўзбекона. У қалби симилиб, зирқираб турса ҳам, ҳаётга қувноқ кўз билан қарайди. Ва, шу некбинликни шеърхонга юқтиради. Ҳаётни, тирикликни, борлиқни ижодкор сезгиси билан олқинлайди. Енгил ёки мураккаб усулларга алданмайди. Ёзганларида азиз нарсаларни, азиз тутганини, қадрли нарсаларни, юксак қадрлаганини кузатамиз.

Салим АШУР

Эркин ҲОЖИМУҲАММАД

Ишим ўнг келмасдан бош қотиряпман,
Қайсарман, тўлдирдим кўнгил жомини.
Мен отам сочини оқартиряпман,
Сен-чи оқлаяпсан фарзанд номини...

Ёмғир

Қалбим саройида пиру тўрасан,
Ўзимни қалбингга солгим келади.
Ёмғирни жуда ҳам яхши кўрасан,
Ёмғирга айланиб қолгим келади.

Ёмғир ажойиб-а, ёмғир ғаройиб,
Хўл бўлди қош номли қалдирғочларинг.
Дунёдан қанийди бўлсайдим ғойиб,
Мени яширсайди қаро соchlаринг.

Инсоннинг руҳини ўстирап ёмғир,
Қўчаларни кезсанг соябонларсиз.
Осмон йиглайверсин, лек менга оғир,
Сенингсиз бу ёмғир кўп қоникарсиз.

Бахор дийдордан баҳра олсайдим,
Излайман ҳар лаҳза кўзу қирингни.
Абри найсонларда кўриб қолсайдим,
Лолақизғалдоқдай титрашларингни.

Биллур томчиларда ажиб тилсимот,
Булутлар заминга гуллар элтади.
Ёмғирни севасан мендан ҳам зиёд,
Ёмғирга айланиб қолгим келади!

КАЙФИЯТ

Мен – ошиқман, сололаман жар,
Қара, эсад севги насими.
Ошиқ бўлган, бежиз ёзмаган,
“Ҳайрон ўлмушам”, – деб Насими.

Ширин сўзинг кўнгилга маҳзан –
Эди, энди сенсиз дилда ғам.
Учрашмок йўқ наҳот бир лаҳза,
Соғинчингдан ҳайрон бўлмушам!
Келишингни ростликка йўйдим,
Лек, келмайсан, сўнди ишқ учқун.
Таквимга ҳеч қарамай қўйдим,
Сен келар кун йўқлиги учун...

Кетиши

Сазоворсан,
қалбимга эга,
Софинчинга етмайди кучим.
– Ассалому алейкум, –
дея,
Худони эслатиб турувчим.

Келбатли дард,
озгина кичрай,
Тўйдим –
осгин,
соchlари дорсан.
Тош шаҳарда тошдиллар ичра,
Юмшоқ кўнглим ичида борсан.

Кел,
дийдорни айлагин совға,
Рутубатли кўзга ёш тўлди.
Кўзойнақда қараб дунёга,
Кўзим тўртмас,
олтида бўлди.

Софинч менинг сўнгти насибам,
Сарсондирман,
дилда иштибоҳ.
Келасанми бир кун,
Насимам?
Усмон каби кутаман муштоқ.

Софинч бизга берилган ҳайфсан,
Хато кетдик,
англаб етяпман.
Сен-ку мендан кетдинг,
беайбсан,
Мен гуноҳкор ўздан кетяпман.

Сўрок

Мен уни эсласам қалбим исиди,
Эслашим бесамар корми, Худойим?!
Изҳорга лаб очиб тилимни тийдим,
Ёки бу андиша, орми, Худойим?
Сени излаб кўкка назар соламан,
Рухимга кувватни сендан оламан,
– Дунё кенг, – десалар ҳайрон қоламан,
Кўзимга бу дунё торми, Худойим?

Эркин ҲОЖИМУҲАММАД

Бахт билан қоришиб лов ёниб яшай,
Ғаму андухлардан ҳам тониб яшай,
Битта ишора бер, қувониб яшай,
Бир кўнгил кўнглимга зорми, Худойим?

Туғилгандан бери, унга ёрсан-ку,
Дилдаги андиша, гуурор орсан-ку,
Шу қизнинг кўнглида ўзинг борсан-ку –
Ёнингда менга жой борми, Худойим?

“Энди сандек жанон қайдадир...”

Эсимда кулишинг, ажиб хислатлар,
Ўртада йўқ эди фарқли нисбатлар,
Лайли хуснидаги қизлар-ку ҳатто,
Мени қизиқтирмас парисифатлар.
Сени эслайману қўлим майдадир,
Энди сендеқ менга жанон қайдадир?!

Бахт ҳам кетмоқ учун шайланаётир,
Бу гардиш тескари айланнаётир,
“Муножот”, “Жунун”у “Чўли ирок”ни,
Тинглаган сари дил найланнаётир.
Гўёки бор таскин бунда найдадир,
Энди сендеқ менга жанон қайдадир?

Исмлар жой олса тўйхатларидан,
Бўйқизга келгувчи бўйхатларидан,
Севгилик, хуршидим, гулим, барнойим,
Жой олдинг қалбимнинг пойхатларидан.
Исмингнинг ёзиги – кўнгил қайдадир,
Энди сендеқ менга жанон қайдадир?

Қошингта соч тушди, оқлар қошимга,
Хофиз сабаб бўлдинг кўзда ёшимга,
Сен-ку ёт савдосин куйлаётирсан,
Не савдолар тушди менинг бошимга?!

Кўшикка жўр бўлиб қалбим айтадир,
Энди сендеқ менга жанон қайдадир?!

Сени эслайман, дил майдадир-майдадир,
Энди сендеқ менга жанон қайдадир?!



Вужудимни савол ёндирмоқда

**Насиба
БОШМОНОВА**

* * *

Чўкайпман, чўкиб кетдим кўзларингга,
Сўзларингга қоришиблар кетдим охир.
Дилдошгинам, дилгинангга шодлик ҳадя
Этолмадим. Қандай дилдошман мен ахир?

Киймаланган қалбим қадар қалқир қайғу,
Қани энди, оҳ, ёнингда бўлиб қолсам.
Бу умрингга жоним сочилиб кетсаю
Қўлинг маҳкам тутган ҳолда ўли-иб қолсам...
(Дилинг маҳкам қучган ҳолда сўлиб қолсам)

Ва, юрагинг жаннатида яшасайдим,
Бундан ортиқ баҳт бормикан, бордир дема?
Ғамларингни аритишни билмайманку,
Эҳ, ҳаётда юрганимдан маъно нима?

Нетай, айтгин, сифмаяпман дунёйимга,
Дунёйингдан жой бер менга, ёнар оҳ, тан.
Дардларингга дармон бўлгим келару лек,
Ҳали эплаб ёшингни ҳам артмаганман.
Дилдошгинам.

Насиба БОШМОНОВА – 2005 йилда туғилган. Ҳозирда Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактабининг 10-синф ўқувчиси. Шеърлари “Ижод бөгидан гулдаста”, “Икки қалб издошлиари”, “Йиллар нафаси”, “Бўзатов илҳомлари”, “Ижод бөгидан гулдаста” номли ижодкорлар баёзларида чот этилган ва бундан ташқари илк китоби “Кўнгилдан дастхат” номи билан наширдан чиққан.

Мавхұмлик

Эх, вох, мен киммана, мен кимман ўзи,
Вужудимни савол ёндиримоқдадир,
Хаттоки бу жондан тондирмоқдадир,
Шунда ҳам жиммана, мен жимман түзиб.

Ха, гўзал бир баҳтнинг баҳонасида
Дарднинг дарвозасин ёпмоқ истаган,
Исмисиз ҳисларни отмоқ истаган,
Инсонман
ёки
яшаб ҳам аросат, қалб хонасида.

Мавхұмлик аталмиш шон учун маҳкум,
Йироқдана-йироқ чексизлик аро
Фигонман,
Токи
номаълум маълумлик ичинда маълум,
Оқлик орасида қисмати қаро
хандонман!

Эх, вох, мен киммана, кимман мен ахир,
Кимлигин билмаган гумонман.

* * *

Хотиржам, хотиржам бўлолмам,
Ғалаён қиласири.
Дардсизлик дардига йўл олмам,
У – ғамнинг чўққиси, минбари.

Тўфонли туйғуйим яримдир,
О, бутун түғёндан сургунман.
Бу юрак менга хўп ялинди:
“Сен мендай юракка бўйсунма!..”

Вижданан бир ўйлаб қарасам,
Вижданни қўйганман кўп қийнаб.
Ўзимга ичгандим мен қасам
“Шодман” деб жиддиймас, оҳ ўйнаб.

Яшасанг

Яшасанг андуҳдан ташқари,
Ичкари қалбингда гулласанг.
Бегона айланса ғам бари,
Дўстинг ул баҳтга хат йўлласанг.

Яшасанг ҳаётнинг авжида,
О, тақдир тақди деб толейим.
Ғалати ҳисларнинг рақсида,
Фалаён қилмасдан турсанг жим.

Яшасанг аламли ранглардан:
Йироқда; фироқда қолмасанг.
Аросат қоришган жангларда
Бўлмасанг.

Яшасанг, яшинасанг хотиржам,
Армон не эканин билмасанг.
Кувонч ва ишончлар бўлса жам,
Озорни назарга илмасанг.

Яшасанг шеърларнинг сатҳида,
Шодликни мадҳ этиб толмасанг.
Дардлардан кутулсанг, кулсанг ва
Ўлмасанг.

Яшасанг, яшисанг хотиржам...

* * *

Бўм-бўш хона... бўм-бўш юрагим,
Ҳисларданда айриляпман оҳ.
Сукунатдан яралган бўшлиқ,
Бўшлиқ ичра қулар бу дунё,

Қаҳ-қаҳ отар сокинлик бўлиб,
Туйгуларга қиласар суикасад.
Оҳ, дилимда санчик, суюнчик,
Бўлолмаган шодликларим, бас,

Хаёлимни эркинликлардан
Кутқаринглар, тутқунман-тутқун.
Йўқликларга асирману лек,
Борлиқларга бо-о-оримни тутгум.

Зорликларни унугтим келар,
Тўфон қалбсиз яшамоқ – жазо.
Жазолама мени Худойим,
Ўзлигимсиз толгунимча то.

“Қаро қошинг”

“Қаро қошинг, қалам қошинг,
Қийик қайрилма қошинг, қиз”¹.
Қойил, қаддимни қавс қилар,
Қалбга қайғу қадошинг, қиз.

Қийногингдан қочмоқ қийин,
Қасд қиласадур қадамларинг,
Қаро қароғинг қийнайдур,
Қийнайверар қарошинг, қиз.

Қамардайин қиёфанды
Қойил қолмаслик қийиндур,
Қанча қаландарлар қалбин
Қиздириди қалб қүёшиңг, қиз.

* * *

Англашимча, англаганим ақлга зид,
Атрофимни ўраб олган ғам-кушанда.
Сохиримнинг охирлари охга оид,
Хаёлларим таъсирини қилмас канда.

Дард гардлари бу қалбимга кўниб олган
Юраккинам бўлиб кетган пора-пора.
Эҳ, толиққан дилгинамга гина тўлган,
Дилдошларим тушунсайди буни зора.

О, бечора кўнглим учун йўқми чора,
Ҳатто, хато қилмасликка етмас кучим.
Билсам ҳамки, сезсам ҳамки, қисмат аро
Қадамимни қадолмадим баҳтга нечун?

1 Эркин Вохидовдан.

"Сенгақулбўлгандан бери озодман"



**Мирзо
КЕНЖАБЕК**

Маърифий китоблар муваллифи Мирзо Кенжабек моҳир таржимон, журналист сифатида ҳам атоқли. У томондан Ҳофиз Шерозий ва Шайх Саъдий Шерозий газаллари, Николас Гилен (Куба), Геворг Емин (Арманистон), Якуб Колас (Белоруссия), Шерали Лойик (Тоҷикистон), Ўлжас Сулаймон (Қозогистон) асаrlари, мумтоз-шоир ва олим Усмони Ўшийнинг араб тилидаги "Омолий" китоби таржима қилинган. Шунингдек, Нақшбандия тариқати шайҳи, Муҳаммад Зоҳид Кўтқу ибн Иброҳим ал-Бурсавийнинг "Аҳли суннат вал-жамоат"и турк тилидан таржима қилинган ва мазкур асар икки китоб кўринишида нашр этилган (1998 – 1999). Мирзо Кенжабек профессор Маҳмуд Асъад Жўшоннинг "Ҳақиқий севги" (1998), Усмонийлар даври олими Кутбиiddin Изникийнинг "Муриди муттааҳҳилин" ("Ёш келин-куёвларга маслаҳатнома" (1999), юртимиз маънавий-маърифий ҳаётida улкан воқеа бўлган Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг "Сунани Термизий" ("Ал-жомиъ ас-саҳиҳ") "Термиз тазкираси" асаrlари мутаржими ҳамдир. Унинг "Фитна санъати" ("Фитна санъати ёки парда орқаси" номи билан Туркияниг "TOS yayinlari" нашириёти томонидан турк тилида ҳам чоп этилган), "Шукронга туйгуси омонми?" ва бошқа мақолалари машҳур.

Мирзо КЕНЖАБЕК – Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган ёшлар мураббийси. 1956 йилда туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) ҳамда Имом Бухорий номидаги Ислом институтида таълим олган. Ижодкорнинг "Мактубларим", "Қуёшига қараган уй", "Муножот", "Шарқ тили", "Баҳорим еллари", "Хушхабар" шеърий ҳамда тарихий-маърифий китоблари чоп этилган.



УМИД АЛИ

Шунингдек “Ватан, кўзлардасен, қароқлардасен”, “Ўзингда нур бўлса, нурни кўргайсан” каби туркум шеърлари, “Асл Ватан қайғуси”, “Навоий назмида ҳадис ва ҳикмат”, “Поклик иштиёқи” каби бир қанча маърифий мақолалари эълон қилинган.

Шоир Мирзо Кенжабек ва журналист Умид Алиниг эътиборингизга ҳавола этилаётган мазкур сұхбати Сўз сехри, шеърият, шиорларга баҳо беришдаги мезонлар ҳамда адабиёт олами жилвалари ҳақида боради.

Умид Али: Куръони Каримнинг Шуаро сураси ҳамда мазкур оят шарҳида шеър, яъни Сўз ҳар қандай кучга қодирлиги, тиг кучи етмас жойни бир сўз билан забт этиши мумкинлиги эътироф этилади. Бу Ҳақнинг биз ожиз бандаларга инъом қилган энг буюк неъматларидан эканлиги айтилади. Бундан кўринадики, Сўз ҳосиласи бўлмиши шеър ҳам буюк неъмат ҳисобланади, шундай эмасми?

Мирзо Кенжабек: Бу саволингизнинг Куръони Карим оятлари ва улар шарҳи билан боғлиқ муҳим жиҳати бор. "Шуаро" сурасининг 224-227-оятларида: "Шиорларга йўлдан озганлар эргашур. Уларнинг (сўз водийларидан) ҳар водийда дайдишиларини (яъни, ўзларига ёқиб қолган энг тубан кимса ёки нарсаларни ҳам кўкка кўтариб, ёқтирганин тупроққа қоришлини) ва ўзлари килмайдиган нарсаларини гапиришиларни кўрмадингизми? Магар иймон келтирган ва яхши амаллар қилган ҳамда доим Аллоҳни зикр қиласидиган ва (илгари) мазлум бўлганларидан кейин (Ислом зафар топгач), ғолиб бўлган (қасдларини олган) кишилар (яъни, шоирлар йўлдан оздиргувчи эмаслар). Золим кимсалар эса яқинда қандай оқибатга қараб кетаётганларини билиб қолурлар", дейилади (Алоуддин Мансурнинг изоҳли таржимасидан фойдаланилди.)

Шу билан бирга Ҳазрати Пайғамбаримиз алайхиссалом ҳадиси шарифларидан бирида назмдаги балоғат ва насрдаги фасоҳат таърифида: "Албатта, шеърда ҳикмат бор ва баёнда сехр бордир", деб марҳамат қилинган. Ҳазрати Алишер Навоий эса ҳадисдаги "шеър" ва "баён" сўзларини назм ва наср сифатида тамил қилиб, шеъриятни "Тангри эҳсони" деб таърифласа, Фузулий уни "Рутбаи шеър" ("шеър мартабаси") деб тавсифлайди.

Шу ўринда бошқа бир жиҳатни ҳам эътиборга олиш зарур. Баъзи оятлар ҳазрати Пайғамбаримиз ва Исломиятни ҳажв қилиб, қоралаган иймонсиз, кофир шоирлар

Умид АЛИ – 1978 йилда туғилган. Самарқанд давлат университети ўзбек филологияси факултетини тамомлаган. Унинг “Дилмоҳим”, “Салом, ширин туйгулар”, “Кўкка йўл”, “Қора шаҳзода”, “731-қадам”, “Кўнгилга сайр” каби шеърий ва насррий китоблари нашр этилган.

хусусидадир. Энг сўнгти оятлардан бири бўлган 227-оятда эса иймон-эътиқодли, солих амаллар қиласидиган ва Аллоҳни кўп зикр этувчи шоирлар бундан мустасно эканлиги билдирилган.

Мазкур ояти каримани улуғ ватандошимиз, фикхшунос Абуллайс Самарқандий шундай шарҳлайди: "Ҳақни-ҳақиқатни сўйловчилар – фақатгина иймон келтириб, солих амаллар қиласидиган, Аллоҳни кўп зикр этадиган кишилардир. Шеър ва бошқа нарсалар билан машғул бўлишлари уларни Аллоҳнинг зикридан чалғитмас, аксинча, бу ишлар Аллоҳни янада кўпроқ зикр килмоққа сабаб бўлур". (Факих Абуллайс Самарқандий. "Тафсир ул-Қуръон", 397-саҳифа.)

Яна Абуллайс Самарқандий ҳазратлари: "Аллоҳни ва Унинг Расулини мадҳ этадиган, инсонларга насиҳат ва ўгит берадиган ҳамда уларни яхшиликка ташвиқ этадиган шеърлар мамдуҳ – мактальмоққа лойиқдир. Бундай шеърларни ёзган шоирлар Аллоҳнинг ҳузурида мақбулдир, (Ўша асар, 398-саҳифа) деганлар.

"Рухул-баён" китобида ҳам мазкур ояти карима тарихий мисоллар билан шарҳланган. Билмоқ лозимки, эзгу фикр-гояларни, ишқи илоҳийни мажоз йўли билан ифодалайдиган шоирлар кўп. Улар "Мажоз ҳақиқатнинг кўпригидир" деган ҳадиси шарифга асосланадилар.

Аммо замонлар ўтган сари шоирларга нолойик айблар тақовчи гуруҳлар пайдо бўла бошлайди. Илм ва маърифати саёз ёки нокомил "устоз"лардан таълим олиб, четдан келган дунёқарашларга берилгани сабаблими, баъзи кимсалар шоирлар ҳақида келган оятларни нотўғри таъвил қиласидилар. Ҳолбуки, мазкур сурада истисно ояти ҳам бўлиб, унда иймонли шоирлар билан иймонсиз шоирлар ўртасидаги тафовут аниқ-равшан баён этилган.

Шунинг учун ҳам саҳобаларидан бўлган бир шоир келиб, пайғамбар алайхиссаломга: "Аллоҳ таоло шоирлар ҳақида айтган бу сўзлардан (юқоридаги оятлардан) кейин бизларнинг ҳолимиз не кечади?" деб сўраганда, ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.): "Мўмин киши ҳам тифи, ҳам тили (яъни, қалами) билан Аллоҳ йўлида курашади. Яратган Эгамнинг номига қасамки, сизлар отадиган ўқнинг тифи ўткироқдир", деб марҳамат қилган эканлар. Бу ҳам Сўз қудрати ҳақида ҳадиси шарифдан яна бир мисолдир.

– Демак, Сўз қудрати шу даражадаки, у билан инсонни ё улуг, ё бадном қилиши мумкин эканда?

– Ошиқ ва ориф зот ҳазрати Фаридиддин Аттор "Тазкиратул-авлиё" асарини тасниф этар эканлар: "Муқаддас Қуръони Карим ва муборак ҳадиси шарифлардан кейин сўзларнинг энг юксаги тариқат шайхлари бўлмиш валий зотларнинг сўзицир. Чунки уларнинг сўзи кор ва ҳол натижасидир, ёд ва қол натижаси эмас; аёндандир, баёндан эмас; асрордандир, тақрордан эмас; ва илми ладунийдандир, илми кассбидан эмас; жўшишдандир, кўшишдан эмас", дейдилар.

Яна тасниф сабабидан сўзлаб: "Қуръони Карим ва ҳадиси шарифлардан кейин сўзларнинг энг гўзали валийлар сўзи эканини кўрдим, чунки уларнинг барча сўзлари Қуръони Карим ва ҳадиси шарифларнинг шарҳидир", дейдилар.

Сўз таъсир кучи ҳақида эса: "Зоҳирда кўрамизки, агар бир киши сенга қарши қабих бир сўз айтса, ундан қасос олмоқчи бўлиб, ўша бир сўз боис йиллар бўйи ичингда кин ва адоват сақлайсан. Бир ботил сўзки сенинг нафсингга шунчалик таъсир қиласа, бас, албатта, ҳақ сўз ундан минг даража кўпроқ бир таъсир қолдиргайдир; гарчи ўзингнинг бундан хабаринг бўлмас", дейдилар.

Демак, сиз кўзда тутган, улуг ёки бадном қилгувчи сўз ўткинчидир, вақти келиб аҳвол ўз ислоҳини топади, ҳақиқат аён бўлади. Бировларнинг сўзи билан

улуг бўлган киши улуғ эмас, бироннинг гапи билан бадном бўлган киши ҳам бадном эмас. Сўзнинг бундан ҳам кўра улугроқ таъсири бор. Ботил сўз инсонни тубанликка тортиши, ҳақ сўз эса комилликка етказиши мумкин! Шундай экан, сўз айтувчилар, ҳаётини сўз, қалам ва адабиёт билан боғлаганлар кучли масъулият билан яшамоқлари зарур.

– *Шеърият эзгулик ва маънавиятга даъват этувчи, онг-шуур, тафаккур ва руҳият уйғулиги хитоби ҳамdir. Пайғамбаримизнинг муборак ҳадисларида ҳам бу борада бирор сўз борми?*

– "Саҳихи Бухорий"да Пайғамбар алайҳиссаломнинг шеър ўқиганлари ва тинглаганлари баён этилса, Имом Термизийнинг "Шамойили Муҳаммадий" асарида у зотнинг шеър ҳақида айтган сўzlари ва ўқиб юрган байтлари алоҳида бобда зикр қилинган. Шубҳасиз, саҳобаи киромлар ҳам шеър айтганлар.

"Авроди Куръоний" деб аталган дуолар ва зикрлар китобининг жумъя кунги бўлимида ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ разийаллоҳу анху номларига нисбат берилган ошиқона ва орифона, гўзал бир қасида борки, мен уни ихлос ва муҳаббат билан арабчадан таржима қилганман. Унда:

“Қайдада Мусо, қайдада Ийсо, қайдада Яҳё, қайдада Нуҳ?! –

Сен ҳам, эй Сиддиқи осий, тавба қул, мавлонг – Жалил!” байти нақорат хизматини ўтайди.

Ҳазрати Алининг ҳам шеърий девони борлиги айтилган. Алишер Навоий бу девондаги хикматларини туркӣ рубоийга солиб, "Назму-л-ҷавоҳир"га тизар эканлар, асар муқаддимасида сўз мартabalari ҳақида сўзлаб, учинчи мартаба "Бу баргузиданинг (яъни, ҳазрати Алининг) назми гавҳарнишони ва лаъли луълуъфишонидир", дейдилар.

Ҳазрати Фузулий девони муқаддимасининг ҳамд қисмida ҳам: Аллоҳ таоло "Шоирларга йўлдан озгандар эргашур" деган оятининг фарқ этувчи тўлқинлари билан шоирларни маҳрумлик гирдобига фарқ этган бўлса, "Илло иймон келтирган, солиҳ амаллар қиласидан ва Аллоҳни кўп зикр этадиган шоирлар бундан мустаснодир" оятининг истисно этувчи силсиласи тўлқинлари билан саҳиху салим – тўғри, ишонарли, соғлом иймон-эътиқодли ислом шоирларини нажот соҳилига чиқарди", деб шуқрана изҳор этади. Бу билан иймон келтирган, яхши амаллар қиласидан ҳамда доимо Аллоҳни ёд этадиган шоирларга Аллоҳ раҳмат назари билан боқишини билдиради.

Бинобарин, шоирларга баҳо беришда мезон уларнинг иймонидир. Ҳар кимнинг иймон-эътиқоди эса ёзганидан маълум. Шу боис, бу масалага инсоф ва соғдиллик билан ёндашган маъқул. Шоир айтганидек:

*Маҳтумқули, кимки ичин соф этмас,
Маълумдирики, охиратдан хавф этмас,
Ожиз тани ўтли гурзга тоб этмас,
Ё, Раб, қандай бўлур ҳоли банданинг?!*

– *Ҳақиқатдан ҳам тасаввуф шеърияти кўнгилга нур индиради, руҳни уйгоқликка чақиради. Поклик ва самимиликка ундаиди. Айтинг-чи, бугунги кунда ҳам тасаввуф шеърияти ўз муҳлислари қалбига кириб бораяптими?*

– Тасаввуф шеърияти исломий маърифатдан баҳра, Қуръон ва ҳадисдан нур, Ислом моҳиятидан хикмат, маъно оламидан жило, ишқ оламидан шавқ олган ижод. Шунинг учун кўнгилга нур, ақлга маъно беради, қалбни уйғотади. Поклик ва

самимийликка чақиради. Инсонни ўлмасдан олдин ўлишга, яньни қиёматдан олдин тирилишга ундейди. Күзға эмас, ақлға ва қалға хитоб қилади.

Аллох таоло Қуръони Каримнинг "Бақара" сураси, 269-оятида: "У (Аллох) Үзи хоҳлаган кишига ҳикмат ато этур. Кимгаки ҳикмат берилган бўлса, муҳаққах, унга кўп яхшилик берилибди", деб марҳамат қилади. Бас, ҳақиқий тасаввуф шеърияти ҳикматдан иборатдир. Чунки у ҳикмат ато этилган зотлар сўзицир.

Афусуки бугунги кунда ҳақиқий тасаввуф шеърияти вужудга келган эмас. Яньни қачонки, биз шоирлар ҳикматга ноил бўлсак, қалбимизни кўзгудек покласак, вужудимизни ишқи илоҳийга тўлдирсак, ўшандা асл тасаввуф шеърияти вужудга келади. Ҳикматнинг боши эса Аллоҳдан қўрқувдир: тақводир, Аллоҳнинг амрларига мувофиқ яшамоқдир. Ҳадиси шарифнинг маъноси ана шундай.

– Шеъриятнинг йўналиши ва оқимлари кўп: модернизм, абсурд, анъанавий ва бошқа кўплаб тизимлари мавжуд. Тасаввуф шеърияти ҳам шундай оқимлардан бирими?

– Аввало шеърият яхлитдир! Унинг усули мажоз ва ҳақиқатдир. У мажоз йўли билан ҳам ҳақиқатни куйлади. Бас, унинг йўли битта ҳақиқатдир. Модернизм, анъанавий шеърият кабиларни, балки, оқимлар дейиш мумкиндир. Лекин тасаввуфий шеъриятни йўналиш ва оқим дейиш учча мувофиқ эмас. Тасаввуф шеърияти – дилдан тилга оқиб чиқсан ҳикмат, ичга сиғмаган ишқу муҳаббатдир. У ҳамиша замонавийдир.

Шеърият жамият ҳаётida ҳақиқат жарчиси бўлмоғи керак. Унинг ижтимоий мавқеи инсониятнинг дунё ва охирати учун баробар хизмат қилмоқдан иборат. Одамзотнинг дунёси ва охирати учун манфаат етказмаган сўз ботил сўздир.

– Мирзо ака, сизни муҳлисларингиз мутаржим сифатида ҳам яхши билишади. Таржимонлик эса катта маҳорат, меҳнат ва машаққат талаб этадиган санъат. Сиз таржимонлик сабогини кимлардан олгансиз? Устозларингиз кимлар бўлишган?

– Таржимонлик сабогини таржима адабиётидан, асосан, Усмон Носир ва устоз Эркин Воҳидовнинг маҳорат мактабидан олганман.

Биз Тошкент давлат университети (ҳозирги Миллий университет) да ўқиб юрган пайтимизда атоқли олим, ҳожи Файбуллоҳ ас-Саломнинг "Таржима санъати" туркум китоблари нашр этиларди. Ўйлайманки, у китоблар нафақат мен, балки, ўша даврда етишган барча таржимонлар учун улкан аҳамиятга эга бўлган. Айниқса, ҳозир ҳаётимизда, адабиётимизда муҳаррирлик санъати, мутаржимлик санъати каби ана шундай таълимларга кучли эҳтиёж бор. Чунки, истиқлол сабабли мағкуравий қолиплар парчаланиб, жаҳон тиллари ва адабиётига кенг йўллар очилди.

Бир мактабнинг болалари ҳаммаси ҳам етук бўлавермагани каби, масалан, бошқалар таржималаримдан фазилат қидирса, мен кўпроқ ўз нуқсонларимни кўраман.

– Диний билимга эгасиз. Ислом университетида таълим олгансиз. Мана ҳозирда кўплаб диний-дидактик йўналишидаги китобларга муҳаррирлик қиласыпсиз. Бу сизга қандай масъулият юкламоқда?

– Ижодкор ҳамиша имкон қидирмоғи керак. Гёте айтганидек:

*Шеърий кайфиятни тек кутган шоир
Умр сўнгигача кутиши мумкин.*

Истеъод соҳиби ижоднинг бир тури билан кифояланса, у ўзига ҳам, халқига ҳам хиёнат қилган, ўз имкониятлари, қалб хазиналарини тўлиқ очмаган бўлади.

Ижодкор умрбод онгли фаолият билан шуғулланмоғи шарт. Халқимиз тарихида ўтган барча улуғ зотлар шеърият билан ҳам, наср билан ҳам, илмий, тарихий, маърифий адабиёт билан фаол шуғулланганлар. Навоийдан, Бобурдан, Машрабдан то Огаҳийгача – барчалари шоир, аллома, ошиқ, ориф, валий зотлардир.

Истиқлол менинг күлфи дилимни очди. "Саҳиҳи Бухорий" таҳрири, "Сунани Термизий" ва "Тазкиратул-авлиё" таржимаси менинг йўлимни саёз, мажозий дарслардан теран, асл, ҳакиқий, пок дарёлар томон бурди. Миллий университетдан кейин ҳазрати Имом Бухорий номларидағи Олий Ислом институтида ҳам таълим олдим. Нақшбандия тариқатига мансуб бўлиб, маъно оламига шўнгидим. Диний-маърифий китоблар таҳрири, таржимаси ва нашри менга улкан маъсулнинг юклари: халқимизнинг иймон-эътиқоди, маънавий эҳтиёжлари, ёш авлоднинг соғлом эътиқод билан тўғри камол топмоғи учун, дунё ва охират саодати учун бутун кучкүвват ва истеъодимни фидо қилиш зарурияти туғилди. Буни тўлиқ уdda қила олмаётган бўлсам-да, баҳоли қудрат ҳаракатдаман.

– Комиллик инсонни саодатга элтади, икки дунё саодатидан баҳраманд этади. Бироқ бу комиллик мартабасини эгаллагандан сўнг эришиладиган ютуқдир. Унгача яна қандай пиллапояларни босиб ўтиши керак?

– Куш икки қаноти билан учади. Шунинг учун фақат дунёвий билим ва дунёвий манфаатлар билан чегараланиб қолиш инсонни ноқис қиласи. Бундай бўлмаслиги учун унга руҳий-маънавий озуқалар, диний-маърифий билимлар ҳам зарур. Комилликка ана шу жиҳатлар билан борилади. Ич билан таш, дил билан тил, зоҳир билан ботин бир хил бўлмаса-ю, киши муборак мавзуларни идда қиласа, поклик тамойилларига риоя қилмаса-ю, тасаввуфдан сўзласа, Ҳақ таолога мақбул бўладими? Ҳазрат Навоий бир ғазалда айтадилар:

*Лайли андин қўйди Мажнун қўнглида раҳти ғамин,
Ким йўқ эрди манзил ул водийда ондин покроқ...*

Энди ўйлаб кўринг: Лайли не сабабдан ғам юки, қайгу бўхчасини Мажнуннинг қўнглида қўйди? Чунки, бу ҳаёт саҳросида, бу ишқ водийсида ундан ҳам кўра покроқ бошқа жой йўқ эди!

Хеч бир ижодкор, мен бу кутлуғ йўлларга лойик эмасман, деб тушкунликка тушмаслиги керак. Ҳазрати Мавлоно Жалолиддин Румий айтадилар: "Куш ҳавога кўтарилса, гарчи осмонга етмаса ҳам, ер тузоқларидан эмин бўлади". Бас, Ҳақ йўлига кирсак, осмонга етмасак ҳам, дунё фалокатларидан қутуламиз, иншоаллоҳ.

– Имон мукаммалиги нимага боғлиқ?

– Иймоннинг камоли сабрга боғлиқ. Қалбни қалби салим қилмоқ керак. Қуръондаги "қалби салим" ифодаси: бир зарра мунофиқлик аломати аралашмаган соғлом қалб, дея таъвил қилинган.

– Ҳозирда ҳаваскор ижодкорлар шеър ва ҳикояларини чоп эттиришаётни. Бу қаламкашларнинг келажакда етук шоиру ёзувчилар бўлиб етишишида адабиётнинг бир вакили сифатида қандай маслаҳатларни берасиз?

– Ҳазрати Ҳожа Ҳофиз Шерозий бир байтларида: "(Ё, Раб!) Мен Сенга қул бўлгандан бери озодман!" дейдилар. Яъни, ҳакиқий озодлик Аллоҳдан бошқасига қул бўлмаслиқдир.

Юқорида ҳам берган саволларингизга жавобларим, айни вақтда, ёш ижодкорларга ҳам маслаҳатим, ҳам васиятимдир.

Har vaqt oldga qarab yel



Nizom QOSIM

Bog‘

Bog‘imiz ajab zebo,
Soya-salqin barhavo.
Ko‘chmanchi qushlar bisyor,
Sayrar go‘yo bo‘lib xor.
Yuz xil tilda so‘zlashar,
O‘z maqsadin ko‘zlashar.
Anavi bug‘doyrangi,
Der: – Makonim Afrika.
Boshqasi der: – Bayroq dor,
Ozodlikda Amriko.
Yana bir g‘alamisi,
Bizga saboq bermoqchi.
Lapanglatib qanotin,
Avrupoga burmoqchi.
Russiya, Hindu Chindan,
Mayli, kelsin Yapon dan.
Bizda barcha tinch-totuv,
Hech nolimas zamondan.
Ko‘rib qo‘ysin don serob,
Dasturxonda non serob.

Nizom QOSIM – Tojikiston xalq shoiri, “Mehnat shuhrati” ordeni sohibi. 1958 yilda tug‘ilgan. Tojikiston davlat universitetini (hozirgi TDU) filolog-jurnalist fakultetini tamomlagan. Uning o‘n beshta she’riy to‘plami, adabiy va publitsistik maqolalar kitobi, Sofokl, Shekspir, Gozzi, Brexitning dramalari tarjimalari to‘plami chop etilgan.

Kel, in qur, makon qil.
Tiling shirin zabon qil.
Ahillikni qil shior,
Ahillikda hikmat bor.

Fazogir

Xolam olib keldilar,
Ninicha ismi Idris.
Lo‘ppigina, bir shirin,
Go‘yo, iris-qand, deysiz.

Tunda hamma uyquda,
U-chi, ko‘zi lo‘q bedor.
Samodan ko‘z uzmaydi,
Sanar, nechta yulduz bor.

Ha-ha, bizning ninicha
Yulduzlar-la so‘zlaydi.
Fazogirlilik orzusin,
Beshikdanoq ko‘zlaydi.

Ta’til

Chumchuqcha ta’til oldi,
Chichilab o‘yga toldi.
Ta’til, maza bu yog‘i,
Farq yo‘q: bu yoq, u yog‘i.
O‘zicha o‘ylab qolar:
– Bu yil qayda dam olar?
Koshki, Sochiga borsam,
Miriqib bir dam olsam.
Ammo, qaysi pul bilan,
Borib bo‘lmas gul bilan?
Borar edim Yaltaga,
Afsus, qo‘lim kaltada.
Isfara ham yomonmas,
Unga ham qurbim yetmas.
Shohambari xubu soz,
Lekin mablag‘ ancha oz.
Borardim Yavroz tomon,
E ha, quruqda hamyon.
Rejalari bir olam,
Nochorlik qilib alam,
Bore deya ko‘lmakka,
O‘zga taskin bermakka,
Sho‘ng‘ib chiqdi: – Chi-chi,
Ana Yaltayu Sochi.

Shamol

Shamoljon, hoy, shamoljon,
Erkalaysan har qachon.

Lekin qarshimdan kelma,
Ishimni ortga surma.

Tashvishsiz ortimdan kel,
Har vaqt oldga qarab yel.

Quvvat-g‘ayrat olayin,
Doim olg‘a borayin.

Kapalak

Hoy kapalak, kapalak,
Bunchalar joning halak.

Yugurasan tinmaysan,
Maqsadingni bilmaysan.

Derazaga bosh urding,
Yiqilding, yana turding.

Tashqari qanday go‘zal,
Intilasan har mahal.

Toza havo va gullar,
Sayrar unda bulbullar.

Harakat qil, yugur chop,
Go‘zallikda o‘rning top!..

Futbol

Qani, Shosho kela qol,
O‘ynay qolaylik futbol.

Taklif qildi bobo soz,
Shosho der: – Oyoq biroz.

Lat yegan-da, jo‘rajon,
Unda bo‘l darvozabon.

Bobo joyni qadamlab,
Darvoza o‘rin tanlab.

Ikki belgi tosh qo‘ydi,
Ajab darvoza bo‘ldi.

Hay-hay, o‘yin boshlandi,
Shosho to‘pga tashlandi.

Golga to‘pni tepmasdan,
Darvozaga yetmasdan.

Ro‘y berdiya ajab hol,
Ko‘rmagan edi futbol.

Belgi tosh yurib ketdi,
Shosho ham yoqa tutdi.

Keyin rosa kuldilar,
Jonli toshni bildilar.

Jon kirgan tosh... toshbaqa,
Bo‘lib chiqdi, shunaqa.

Daraxtlar

Chinor daraxti zebo,
Anor solar jobajo.

Olma daraxt yam-yashil,
Mevasi shirin, sarxil.

O‘rik shoxiga qarang,
Eh, olxo‘ri chirmashgan.

Olxo‘ri-yu o‘rikqand,
Bir-birga bo‘lgan payvand.

Tok ham ko‘kka intilib,
Terakka olgan minib.

Baqaterak nur tarar,
Bir vaqtda uzum berar.

Sada savat boshi ham,
Unga boqardi kim ham.

Simyog‘och ham qatorda,
Axir mevasi bor-da.

Mevasi nuru quvvat,
Sim tortilgan bir daraxt.

Ha, daraxtzor bog‘dir bu,
So‘raysizmi, qayda u?

Bu daraxtlar – odamlar,
Ha ishoning bu damlar.

Mevalari sizu biz,
Baxtiyor, shod o‘g‘il-qiz.

Xudo bergen Abujon

O‘qib qoldim yaqinda,
Lohutiyning daftarin.
Katta harfda bitilgan,
Onasining to‘rt satrin:
...Qish qahraton, tong mahal,
Tug‘ilgandi Abujon.
Xudoning marhamati...
Bo‘lgan edi Abujon...
Mening ham jajji ukam,
Abujon deb nom olgan.
Ehtimol qish paytida,
Yorug‘ dunyoga kelgan.
Onajonim u she’rni,
Ko‘rgan bo‘lsa ajabmas.
Ninichaga Abujon
Behuda nom bergenmas.
Maqsadi nini dono,
Bulbulu to‘ti bo‘lsin.
Lohutiydek dovrug‘i,
Olamni kezib yursin!

Tojik tilidan
Egamnazar SOHIBNAZAROV
tarjimasi



Egamnazar Sohibnazarov – Leninobod pedagogika institutini (hozirgi Xo‘jand davlat pedagogika instituti) tamomlagan. “Xom sho‘rva”, “Xushxabar”, “Oramizdag‘ odamlar”, “Elkamdag‘ odamlar”, “Mening javdari muharrirlarim”, “Aqli ayiq” singari o‘ndan ortiq kitoblari chop etilgan.

**Egamnazar
SOHIBNAZAROV**

Адабий ҳаёт

* * *

1 апрель. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан Тошкент вилояти Паркент туманиндағи 29-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида таниқли адиллар ва ёшлар етакчилари иштирокида адабий мулоқот ўтказилди. Меҳмонлар мактаб кутубхонасига Ёзувчилар уюшмаси томонидан чоп этилган 150 дан ортиқ бадиий асарлар совға қилишди.

* * *

2 апрель. Туркманистондаги “Дунё адабиёти” журналининг 2022 йил январь-февраль сонларида Абдулла Ориповнинг шеърлари, Ўткир Ҳошимовнинг “Дафтар ҳошиясидаги битиклар”и, Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” романидан парчалар эълон қилинди.

* * *

4 апрель. Заҳириддин Мұхаммад Бобурнинг Девонидан саралаб олинган газал, рубоий ва туюқлар янги “Мұхаббат нишони” номи билан китоб қилинди ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Назм бўstonи” рукнида чоп этилди.

* * *

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Адабиёт” нашриёти томонидан “Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадур...” номли янги мўъжазгина китоб тайёрланди. Китобда XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари Қўқон адабий мухитининг улуғ намояндаси Мұхаммад Аминхўжа Мирзахўжа ўғли Муқимий (1850 – 1903)нинг турли лирик жанрлардаги асарларидан намуналар берилган. Тўпламдан, шунингдек, шоирнинг ҳажвий асарлари ҳамда машҳур “Саёҳатнома”си ҳам ўрин олган.

* * *

6 апрель. Ўзбекистон ҳалқ шоири Мұхаммад Юсуфнинг Туркиянинг Анқара шаҳрида ўтказилган “Muhammed Yusuf secmeler” номли туркча таржима сайланма китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Таржима китоб доцент Режайи Кизилтунч, таржимонлар Ҳамза Ўзтуркчи, Эмина Бакар, Ҳусайн Оқбаш ҳамда профессор Маъруффон Йўлдошевлар томонидан таржима этилган бўлиб, унда шоирнинг гўзал шеърлари, достонлари ўрин олган.

* * *

9 апрель. Амир Темур таваллудининг 686 йиллиги муносабати билан пойтахти-мизда ўтказилган “Соҳибқирон Амир Темурга эҳтиром” номли маърифий тадбир бўлиб ўтди.

* * *

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда “Китобсиз келажак йўқ” шиори остида филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборовнинг “Маоний аҳлининг соҳибқирони” монографияси тақдимоти бўлиб ўтди.

* * *

27 апрель. Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ва Ёзувчилар уюшмаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Ушбу битим ҳар икки томоннинг ўкув-ижодий ва маънавий-маърифий жараёнларда ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадларига қаратилган.

* * *

18 апрель. “Ёшлик” журнали бош мухаррири, ёзувчи Нурилла Чорининг “Лўйлитопмаслик чол” ҳикояси Евросиё ёзарлар бирлиги нашри – “Кардош қаламлар” (“Kardeş kalemler”) журналида чоп этилди. Ҳикояни ўзбек адабиётининг Туркиядаги толмас тағриботчиси, Анқара Ҳожи Байрам Вали университети доценти Вали Саваш Елўқ (Veli Savaş Yelok) таржима қилган.

* * *

“Гладиолус” – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист” фахрий унвони, “Меҳнат шуҳрати” ва “Фидокорона хизматлари учун” орденлари соҳиби Маматқул Ҳазратқуловнинг насрый асарларидан жамланган ажойиб гулдаста – ахли мутолаани бефарқ қолдирмаслигига ишонамиз. Китоб Ёзувчилар уюшмасининг “Адабиёт” нашриётида чоп этилган.

* * *

28 апрель. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли шоира ва таржимон Дилором Абдураҳмон қизи замонавий белорус шоири Светлана Бикованинг шеърларини она тилимизга таржима қилди ва улар ўзбек тилида “Юлдузлар шивири”, рус тилида “Шепот звезд” номи билан нашрдан чиқди.

МУНДАРИЖА

БАРХАЁТ СИЙМОЛАР

Худойберди ТЎХТАБОЕВ. Мухаббат кўшиғи.4

НАСР

Абдужалол РАХИМ. Юрақдан отилган вулқон. Ҳикоя.20

Шерзод Комил ХАЛИЛ. Кори куши чинкириғи. Ҳикоя.59

Шаҳодат ИСАХОНОВА. Гавҳаршод бегим. Тарихий роман. ... 99

УСМОН НОСИР ТАВАЛЛУДИННИНГ 110

ЙИЛЛИГИГА

Иқбол МИРЗО. Усмон Носир.29

НАЗМ

Ойдин ҲОЖИЕВА. Сумбуладан элчи келар.11

Самад ДАМИНОВ. Сабримнинг қалқони мустаҳкам.17

Тоҳир ҚАҲҲОР. Бирлик. Асадан парча.66

ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Илҳом ҒАНИЕВ. Тахрир, танқид ва холислик муаммоси.79

ТАҲЛИЛ

Бахтиёр ИСАБЕКОВ. Тилимиздаги мантиқсизликлар.90

МУНОСАБАТ

Венера ЙОСУПОВА, Ольга ОСТАНИНА.

Кўғирчоқ театри санъатида ривоятлар талқини.96

АДАБИЁТ ВА ШАҲС

Абдулла УЛУГОВ. Натан Маллаевнинг муҳташам яратиги.148

БЎЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Эркин ҲОЖИМУҲАММАД. Таквимда йўқ кунлар.154

Насиба БОШМОНОВА. Вужудимни савол ёндиromoқда.159

БИЗНИНГ МУЛОҚОТ

Мирзо КЕНЖАБЕК, Умид АЛИ.

"Сенга кул бўлгандан бери озодман".163

BOLALAR DUNYOSI

Nizom QOSIM. Har vaqt oldga qarab yel.169

Адабий ҳаёт.174

Шарқ ўлдузи

2022

4-сон

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри
тахририят ижодий жамоаси нункай
назаридан фарқланиши мумкин.
Тахририятга юборилган
материаллар муаллифларга
кайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган
нашрларнинг 10.00.02 "Ўзбек
адабиёті" ихтиосслиги бўйича
рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий
нашрларни етказиб бериш
билин шугупланувчи барча
ташкилотлар орқали амалга
оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:

100066, Тошкент шаҳри,
Будёйкор шоҳкӯча, Адиблар хиёбони,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
биноси.

Телефонлар:
71231-23-66, 71231-23-68 903721438
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi@umail.uz
sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга руҳсат этилди:
31.05.2022

Коғоз бичими 70x108 $\frac{1}{16}$
Офсет босма усулида офсет коғозида
босилди. Босма табоги 11,0.
Шартли босма табоги 15,4.
Нашриёт ҳисоб табоги 17,2.
Адади 5150 нусха.
Буюртма №13

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигига 05.02.2016 й.
0562-рақам билан рўйхатга олинган.

"PRINT REBEL" МЧЖ
матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,
Ўрзобеев кўчаси, 35-йй
Журнал ойда бир марта
чоп этилади.

Мусаххилар:
Дилғузा Маҳмудова
Моҳира Ҳусанова

Саҳифаловчи-дизайнер:
Муҳаммадсодик Сайфуллаев
Copyright © "Шарқ ўлдузи"